


Исҳоқжон НИШОНОВ

СЎНГГИ ТОПШИРИҚ

Р о м а н

Биринчи китоб



**«Наманган» нашриёти
2009**

АЗИЗ КИТОБХОНЛАР!

«Наманган» нашриёти детектив жанрида ижод қилаётган ёзувчи Исҳоқжон Нишонунинг «Афгон шамоли» сериали асосида чоп этилаётган «Сўнги топириқ», «Тўданинг тугатилиши», «Ватангадолар», «Бегона одам», «Қора маржон» каби романларини ўқувчилар хукмига ҳавола этади.

Асарда оғир жиноятларни содир этиб, ўзга элда, тоғу тошлар орасида суваракдек ҳаёт кечириб, муस्ताқил Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталигига кўз олайтирган бир гуруҳ кимсаларнинг қилмишлари, уларни гиж-гижлаётган ҳомийларнинг қора ниятлари фош этилади.

Шу билан бирга ёшларнинг онаюртга бўлган садоқати, меҳр-муҳаббати, Ватан - бу инсон учун улугъ неъмат эканлиги мадҳ этилади.

728 - 1783,5 - 1369700

НГ

729 - (14,0) - (01) - 09

ISBN - 978-9943-344-72-3

Nodira nomli Namangan
viloyati anhorat-
kitobxonona markazi

© «Наманган» нашриёти, «Афгон шамоли», Исҳоқжон НИШОНОВ.

Ушбу асарни мен учун азиз ва меҳрибон, самимий, бағри кенг инсон, ўзининг чорак асрлик ҳаётини халқимизнинг осойишталигини, Ватанимиз тинчлигини сақлашга бахшида этган милиция майори, бир қатор туманларда раҳбарлик лавозимида ишлаган марҳум **МАҲМУДЖОН КАМОЛОВ**-нинг ёрқин хотирасига ҳурмат-эҳтиром билан бағишлайман.

Муаллиф.

БИРИНЧИ ҚИСМ

МАЪЛУМОТНОМАДАН

Одилов Эргашбой Шарипович 1966 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта. Оилали. 1986 йилда Совет Армияси сафларига хизматга чақирилган. Хизматни Афғонистондаги чекланган ҳарбий қўшинлар таркибида ўтаган. 1987 йилда афғон мужоҳидлари қўлига асир тушган. Махфий хизмат маҳкамалари ходимларига муҳим ҳарбий ахборотлар бериб турган. Улар билан мунтазам алоқага чиқиб турган. 1988 йилдан бошлаб ўзи яшаб турган ҳудудда ақидапарастлик-экстремистик гуруҳи тузган. Атрофига оқимга мойил ёшларни тўплаган. Уларни хорижий мамлакатлар томонидан берилган топшириқларни бажартиришга, гуруҳ фаолиятини кенгайтиришга уринган. Одамлар ўртасида миллий, диний, ирқий адоват кўзғатиш, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, шу йўл билан давлат тўнтаришини амалга ошириш ниятида бўлган. 1991-1992 йиллар давомида бир қатор босқинчиликлар содир этган. Ҳокимият вакиллари, ҳуқуқтарғибот органларининг ходимлари, Ўзбекистон фуқароларини ўлдирган. Жиноий жазодан қочиш мақсадида 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган...

Одилов Эргашбой 1992 йилда ўттиз кишидан иборат бир гуруҳ маслакдошлари билан бирга Тожикистоннинг Қўрғонтепа вилоятига ўтиб, ҳукумат қўшинларига қарши қуроли муҳолифат кучлари тарафида жанговар ҳаракатда қатнашди. 1992 йилда Панж дарёси орқали қўшни Афғонистон

хуаудига сузиб ўтиб, у ерда Покистон, Эрон каби мамлакатлардан келган йўриқчилар бошчилигида махсус тайёргарликни ўтади. 1994 йилда Тожикистон Республикаси ҳукумати кучларига қарши жанговар ҳаракатларда алоҳида фаоллик кўрсатди.

У ёшларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўпоровчилик-террорчилик тайёргарлиги билан мунтазам шуғулланиб келди. Тожиқ қуроли муҳолифатининг собиқ бош қўмондони Қобил Ҳамидов билан яқинлашди ва дўст тутинди. Муҳолифат етакчиларидан бири Собир Аҳмад Калоний Эргашбойга алоҳида лутф кўрсатиб, уни тутинган ўғлим, деб атади. Ёзғулумлик тожиқ қизига уйлантириб қўйди.

- 1 -

Мени тун ярмида уйғотишди. Чироқни ёқдим. Кўзларимни ишқалаб, девордаги соатга қараганимда миллар чораккам иккини кўрсатарди. Маст одамдек гандираклаб эшикни очдим. Остонада икки йигит турарди.

- Сизни Пётр Иванович йўқлаяпти, - деди мулойимлик билан улардан бири.

Крамаренконинг хузурига ташриф буюриш вақтини сабрсизлик билан кутаётганим боис ортиқча эътироз билдирмадим.

- Бир дақиқа сабр қилинлар, - дедим ва йигитларни остонада қолдириб, ётоқхонага ўтдим. Шоша-пиша кийимларимни алмаштириб, уларнинг ортидан эргашдим.

Ташқарида бизни «Газ 31» енгил автомашинаси кутарди. Ўриндиқларга ўтиришимиз биланок, машина бир силтаниб, тун қўйнида мудраб ётган кўчада чопқир оҳудай олға интилди.

Машина оқшомда ёққан ёмғирдан қорайган асфальт йўлда учиб борар, кун бўйи шовқин ва тўс-тўполонлардан толиққан шаҳар осуда уйқуда тин оларди. Машинанинг куйдирилган ойнасидан ташқарига боқар эканман, Крамаренко нима сабабдан мени Москвага чақиртирганини ўйлардим. Собиқ Иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг ўрта-миздаги алоқа узилганди. Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтганди...

Биз узоқ йўл юрмадик. Тахминан қирқ чақиримча масофани ортда қолдириб, икки қаватли бино ёнида тўхтадик. Тепага ўрнатилган прожектор атроф-теваракни ёритиб турарди. Йигитлар мени бироз кутиб туришимни айтиб ичкарига кириб кетишди. Улар узоқ туриб қолишди. Ниҳоят, йигитлардан бири чиқиб, мени ичкарига бошлади.

Иккинчи қаватга кўтарилаётганимда қулоғимга «Бу ишга мени аралаштирма, яхшиси, ўзинг ҳал қил», деган сўз чалиниб қолди. Крамаренко қучоғига олди.

- Таниш, - деди у ёнида турган узун бўйли, қотмадан келган, кўкимтир кўзли шеригига юзланиб.- Бу менинг собиқ жангчим. Афғонистонда тилмочлик қилган. Исми Бўрон! Талантли йигит!

- Хурсандман, - деди нотаниш киши озгин, аммо чайир қўлини чўзиб, - Ефим Егорович!

Биз қаҳва ичиб, Афғонистондаги уруш йилларини хотирладик. Шаҳид кетган дўстларимизни эсладик. Крамаренко менинг тилмочлигиму, афғон халқининг урф-одатларини беш қўлдек билишимни офиз кўпиртириб маҳтади. Бундай олқишлар эриш туюлсада, қариянинг сўзларига қулоқ тутишга мажбур эдим. Ёши етмишдан ўтиб қолган Крамаренконинг ҳануз бақувватлиги мени ҳайратга солганди.

- Ҳали ҳам йигитлардексиз, ўзгармабсиз, - дедим ниҳоят шаънимга ёмғирдек ёғилаётган мақтовларга барҳам бериш мақсадида. - Сизга ҳавасим келади, Пётр Иванович!

Басирок, менинг мақтовимга собиқ командирим аҳамият бермади.

- Сени бу ерга таклиф қилишдан мурод шуки, - деди ниҳоят генерал ўрнидан туриб, бурчақдаги шкафдан кичкинагина харитани олиб стол устига ёяр экан, - Ута муҳим топшириқ чиқиб қолди. Буни унча-мунча одам эплаёлмайди. Шу боис сени таклиф қилдим!

Генерал бир дақиқа жим қолди. Ефим Егорович дераза олдида сигарет тутатиб, мудраётган тун қўйнига тикилганича ўй сурарди. Йўқ, у ўйламасди. Афтидан, бизнинг суҳбатимизга жимгина қулоқ тутиб турарди.

- Қўлимдан келармикин? - дедим Пётр Ивановичга кўз қиримни ташлаб.

- Қўлингдан келмаган ишни ҳеч қачон сенга таклиф қилмаганман.

- Ишончингиз учун раҳмат, ўртоқ генерал!

- Бу бошқа гап! - миннатдор жилмайди Пётр Иванович. - Гапнинг ўғил боласи бундай. Иккимиз ҳам уруш кўрган, жангда тобланган одамлармиз. Пачакилашиб ўтиришнинг мавриди эмас... Мана, бу харитага бир қарагин-а?!

Стол устига ёйилган харитага кўз ташладим. Бу Афғонистон Республикасининг ҳудудий харитаси бўлиб, у турли хил ранг ва бўёқлардан холи эди. Фақат ҳарбийларгагина маълум бўлган доира ва рақамлардан иборат. Ҳар бир рақам махсус доира ичига олинган бўлиб, ўзида муҳим сирларни яшириб турарди.

- Бу полигон, - генерал 72-рақамга кўрсаткич бармоғини босди. -, Қобул шаҳри, 23 - километр, 13 градус жануби-шарқий кенгликда республиканинг миллий банки жойлашган. Эслаб кўргин-а!

- Хотирамда, - дедим ҳозиржавоблик билан. - Ахир бу бинони унутиш мумкинми? 1986 йилнинг апрелида бомбардимон қилиниб, яксон қилиб ташланган.

- Фақат бир қисми, - генерал гапимни бўлди, - ҳозир ҳам шу ҳолатда турибди. Қисқаси, шу объектни топишинг керак. Бинонинг шарқий томонида орқа эшиги бўлган...

- Банкни ўша вақтнинг ўзидаёқ одамлар талаб кетишган. Бомба, снарядларнинг парчасинигина топиш мумкин.

- Гапимни бўлмай, диққат билан тингласанг-чи! - Зардали овозда бақирди генерал. - Нима деяётгандим?

- Орқа эшик ҳақида гапираётгандингиз, - дедим шоша-пиша ўз хатойимни тузатиш мақсадида.

- Ҳа, шу орқа эшикдан кирганингдан сўнг пастки қаватга олиб тушадиган йўлакча бор. Пастга тушгач, мана бу қоғозда кўрсатилган жойни топасан, - у менга сарғайиб кетган бир парча қоғоз узатди, - сўнг худди шу нуқтадан икки метр чуқур қазийсан. Унинг ичидан граната яшиғи чиқади. Унда озгинагина унутиб қолдирган бойлигим бор. Шунини олиб келишинг керак. Бу менинг сўнгги топширигим!

- Бино алақачон бузилиб, текисланиб кетган бўлиши мумкин.

- Янглишдинг! - ҳарбийларга хос ишонч билан деди командирим.

- Бинони бузиб, сен айтгандек текислайдиган одамлар ҳали бир-бирларининг қонини тўкиш билан банд. Урушнинг тугашига эса, менинг ақлим етмайди.

Ефим Егорович ҳамон ташқарига тикилганича ҳайкалдек қотиб турарди. Назаримда, у бу воқеадан хабардордек. Мен қанчалик бош қотирмай, 72-полигонда командирим унутиб қолдирган бойликни эслай олмадим. Ахир, у билан тўрт йил ёнма-ён юрган бўлсаму яширган хазинасидан беҳабар қолсам! Балки хазина генералга эмас, Ефим Егоровичга тегишлидир, деган ҳаёлга келдим. Ахир, командирим дўстининг тилидан гапириши мумкин-ку.

Бироз жимликдан сўнг:

- Қобулда унутиб қолдирган хазинангизнинг қиймати қанча?!

- деб сўрадим.

Кутилмаган савол генерални довдиратиб қўйди. У шошиб Ефим Егоровичга юзланди. Қарияларнинг нигоҳи тўқнашди, улар таклифимизни рад этди, деб ўйлашди чоғи, ҳафсалалари пир бўлгани кўзларидан сезилиб турарди.

- Бир миллион доллар атрофида бўлса бордир, - умидсизлик билан деди генерал. У айтини пайтда бундай катта миқдордаги пулни айтиб, менинг қалбимда «сўнган» умид чирогини ёқмоқчи бўлганди.

- Пётр Иванович, ахир, мен ҳаётимни хатарга қўйиб кетяпман, ўйнагани эмас!

- Бўлди, бўлди азизим, - ранги қизариб кетган командири қўларини баланд кўтарди. - Биламан, бозор иқтисодиёти даврида яшаймиз. Албатта, сени қуруқ қўймаймиз. Бойликнинг бир қисми сеники!

- Тахминан?!

Мен ўзимни катта ўйинга кираётганимни тушундим.

Генерал қошини чимирди:

- 200 минг доллар атрофида!

- Озлик қилмасмикан?!

- Характеримни яхши биласан. Пасткаш эмасман. Майли, қанча сўрайсан?

Генерал шундай дейишини билардим ва шу саволига жавобни қаёлан тайёрлаб турган эдим.

- Ўртоқ генерал, сиз ҳам мени яхши биласиз! Беш қўлини оғзига тикадиганлардан эмасман. Бажаришим лозим бўлган топширигингиз қийматини ўзингиз адолатли баҳоласангиз дегандим. Ҳарқалай мен ҳам бу ишда сизларга шерикман.

- Тушундим, - деди Пётр Иванович жиддий оҳангда. - Теппа-тенгдан бўлайлик демоқчимисан, майли сен айтганча бўла қолсин. Яна юз минг доллар қўшдим. Жами бўлиб уч юз оласан.

Ўзимни тарозига солиш ортиқча эди. Розилигимни яширмадим. Шундан сўнг бир четда миқ этмай турган Ефим Егоровичнинг чеҳраси ёришди. Шкафдан коньяк олиб, қадаҳларга қуйди.

- Сиздек мард ва жасур йигит билан танишганимдан хурсандман! Ушбу қадаҳни соғлигингиз учун кўтаришимизга рухсат берсангиз! - деди у қувончини яшира олмай.

Танишиш учун кўтарилган қадаҳлар бўшатиладигач, Крамаренко мени кузатиб қўйиш учун қўл узатди.

- Биз сени Тожикистондаги 13-заства орқали чегарадан ўтказиб қўямиз. Мендаги маълумотларга кўра, ҳозир чегара чизигида 300 дан ортиқ афгон қочоқлари яшайпти. Яна икки-уч кундан сўнг улар ортга қайтариб юборилади. Ўшалар билан бирга ўтиб кетасан. Эртага соат ўн иккиларда керакли ҳужжатларни оласан. Қечга яқин ҳарбий самолёт билан Тожикистонга учасан. У ерда сени ўзимникилар кутиб олишади.

Ташқарига чиққанимда тонг ёришаётган эди...

Бошимда бир савол айланарди. Қобулда генералнинг қандай бойлиги қолган бўлиши мумкин?!

13-заства бошлиғи мени совуқ кутиб олди.

- Қочоқлар эрталаб жўнаб кетишди. Менга кеч хабар қилишди, - деди у хафа бўлгандек бошини чайқаб. - Омадинг йўқ экан, йигит.

Энди ўзинг ўтиб кетаверасан!

Рози бўлишдан ўзга чорам йўқ эди. Тушдан кейин командир мени чегарадан ўтказиб қўйиш учун икки йигитни қўшиб берди. Улар Панж дарёсигача кузатиб боришди. Чегара чизигини кесиб ўтганимда ичимдан нимадир узилиб тушди. Менга таниш бўлган тоғлар кўксини ялаб, ўт-ўланларнинг хушбўй хидини эргаштириб келаётган шабада кўксимга урилди. Олға қадам ташлаб борар эканман, чегарачи йигитлар ортимдан қараб туришганини ички туйғу билан ҳис этдим. Ачиниш ва раҳмдиллик билан боққан кўзларини хаёлимда тикладим. Ортга қарашга, уларга миннатдорчилик сифатида қўл силташга ғурурим йўл қўймаганидан афсусландим. Ҳаётимнинг тўрт йили ичида бошимга тушган, аччиқ-ширин синовларга гувоҳ бўлган замин бағрига бойлик илинжида қадам босганимдан нафратланиб кетдим. Шамол хотиралар китобини варақлаётгандай туюлди. Кўчаларда қолиб кетган мурдалар, очликдан эти устихонига ёпишиб қолган болалар, баданларини ўқ тешиб, қонга беланиб инграб ётган одамлар, ҳар бир хонадонда эшитилаётган оналарнинг юракни эзгувчи фарёди қулоқларим остида жаранглаётгандек... Бемақсад уруш қанчадан-қанча инсонларнинг умрини хазон айлади...

Мен кетаётган сўқмоқ қирлик орасида бўлиб, элик чақиримча масофа босиб ўтилгач, кичкина қишлоққа олиб чиқиши керак эди. Афсуски, бу йўлларда одам боласининг изи кўзга ташланмасди. Анча юргач, ортимга қайрилдим. Бироқ кўзларимга ҳеч нарса кўринмади. Борлиқ, қоронғулик қаърига сингиб кетганди. Менга берилган маълумотга кўра, толибонлар мамлакатнинг шимоли томон юриш бошлаган, қочоқлар эса жанубга силжишган. Мен танлаган йўл бироз олислигини ҳисобга олмаганда, хавфсиз ҳисобланарди. Шуни ёдимдан чиқармаслигим керак эдики, истаган пайтда қочоқларга дуч келиб қолишим ёки Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси чегара ҳудудларида икки мамлакатдан ўтган жангариларнинг базаларига рўпара бўлишим мумкин эди.

Қобулга бориб келишим учун Крамаренко йигирма кун муҳлат берганди. Бу қисқа вақт бўлиб, ўтаётган дақиқалардан унумли фойдаланишни тақозо этарди. Ким билсин, балки мени харобага айланган, ўзининг тарихий обидаларидан маҳрум бўлган яланғоч Қобулда кимдир кутаётгандир. Танга топган одам унинг икки томонига қараса, ёмон бўлмайди, деган нақл бор. Катта миқдордаги бойликни ишониб топширган одам ортимдан кузатувчи қўймаганига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку! Ўша бойлик нима? Пулми? Тилла-ми?.

Тун ярмигача йўл босдим. Ниҳоят, ҳоридим. Вужудимни кўтаришга мадорим қолмади. Булут қоплаган осмонда на ой, на юдузлар кўринади. Қирнинг изгирин шамолидан баданим жунжиқди. Назаримда, белгиланган координатадан чиқиб кетгандай эдим. Эрталаб йўналишимни шимолий-шарқий томон буришга аҳд қилдим. Катта ҳарсанг тошга ўтириб, халтамдаги нондан бир бўлак синдириб тамадди қилдим. Офтобда қовжираб қолган майсалар устига чўзилдим. Тезгина кўзим юмилди.

Уйғонганимда тонг ёришган, очликдан қорним қулдирарди. Нон, сув билан тамадди қилдим. Халтамда бир кунлик овқат қолганди. Координатадан чиқиб кетганим аниқ бўлса, оч қолишим эҳтимоли бор. Шу боис нон билан сувни тежашим лозим эди. Йўлга тушганимда эндигина уйғонган қуёш булутлар чокини сўкиб, ўзининг қизғиш нуруни адирлар бағрига сочганди. Бошимда турган оғриқ юришимга ҳалал берарди. Ўзимни чалғитиб, қизиқарли воқеаларни эслашга ҳаракат қилдим. Аҳмад Зоирнинг кўшиқларини куйладим...

Бораётган йўлимда ҳамон одам изи кўзга ташланмас, адашганимни шундан билса бўларди. Кўзим илғаган жойларда дов-дарахт ҳам кўринмайди. Бундай пайтларда умидсизлик киши руҳини тушириб юборади. Биринчи қишлоқдан адашган бўлсам, иккинчисига дуч келарман, деган ният дилимдаги умид чироғини сўндирмасди. Қоя-чўққилардан ўтар эканман, албатта келгуси қоя ортида бирор қишлоқ чиқиб қоладигандек эди.

Ҳарбий тилмоч сифатида Афғонистоннинг кўп қишлоқларини, дала-даштларини кезиб чиққанман. Бу ерлар менга қадрдон бўлиб қолган, деб ўйлардим. Аслида бундай фикрлаш ноўрин экан. Бир давлатни билиш, унинг ҳудудини кезиб чиқиш, халқининг урф-одатларини ўзлаштиришга инсон боласининг умри озлик қилар экан...

Хуллас, афғон диёридаги иккинчи куним ҳам йўл юриш билан якунланди. Қуёш ботгач, бир қоя остидан хилватроқ жой топдим-да, бироз мизғиб олишга аҳд қилдим.

Эрталаб юзимга тушган муздек томчидан уйғониб кетдим. Кўкка боқиб, ёмғир ҳали-вери тинмаслигини билдим. Панароқ жой топиш лозим, акс ҳолда очикда қолиб, шалаббо бўлишим мумкин. Атроф-теварақда жон сақлайдиган пана кўринмасди. Ёмғир эса тобора тезлашиб борарди. Ноилож пастга чопдим. Қояларда бирорта тоғ жонивори қазиб ташлаган гор кўзимга чалиниб қолар, деган умидда эдим...

Ёмғир шомда тинди. Шамол тепамда айланаётган қайсар булутлар-

ни ҳар ён суриб ташлади. Зухро юлдузи жамол кўрсатди. Ой мўралаб баланд чўққининг устига ўтириб одди. Кийимларимни қуритиш мақсадида атроф-теварақдан чўп тўплاديم. Қийналиб ўт ёқдим. Ейишга бир тишлам ноним қолмаганди. Очлик ва ташналик ўз таъсирини ўтказа бошлади. Шундай бўлсада, эрталабгача йўл босдим. Тонгга яқин ҳолдан тойиб оёқларимни кўтаришга ҳам мадорим қолмади. Бошим айланиб, кўзим тиниб ерга йиқилдим. Баданимга ботаётган тошларнинг азобига ҳам аҳамият бермадим. Юз тубан ерда чўзилиб ётар эканман, ҳолатдан чиқиш йўллари ни излардим. Крамаренконинг умид билан боққан кўзлари, «Фақат сенгагина ишонаман», деган сўзи қулогим остида жарангларди. Унинг сўнги топширигини нима қилиб бўлсада бажаришим шарт! Ортга қайтишга, унинг ҳузурига қуруқ қўл билан кириб боришга виждоним йўл қўймасди. Менга тегиши лозим бўлган маблағ эмас, балки олиб келишим лозим бўлган бойлик мени кўпроқ қизиқтиради. Ажаб, у нима экан?

Кўзим ҳеч нарсани илғамаетган бўлса-да, ҳали эс-ҳуш мени тарк этмаганди. Шу пайт қўлимга муздек нарса текканини сездим.

Бошимни зўрға кўтариб ёнимга боқдим. Кафтим устидан илон ўтиб борарди. Улар бир жуфт бўлиб, узун тилларини чиқариб кетишарди. Ўрнимдан турдим. Маст одамдек гандираклаб, ердан муштдек тошни олдим-да, илонлардан бирининг бошига урдим. Иккинчисини ҳам шу йўсинда ўлдирдим. Улардан сизиб чиққан қонни салафан халтага тўплاديم. Икки хўплам қон тушди. Кўзимни юмдим-да ичиб юбордим. Илонларнинг терисини шилиб, майдалاديم. Улар бир ярим метр атрофида бўлганлиги боис анча гўшт қилди. Ўтда пишириб, ярмини едим. Қолганини халтамга жойлаб, яна йўлга отландим. Бораётган йўлим Афғонистоннинг ғарбига - баҳайбат тоғлар томон элтарди. Йўлни ўзгартиришнинг иложи йўқ. Қаршимда хавfli қоялар, паст-баланд чўққилар ажал домига тортмоқчи бўлган аждардек хўмрайиб турарди. Фақат олға юришим ва маълум масофани босиб ўтгачгина ўз координатамга чиқишим мумкин эди. Кун ботгунча йўл босдим.

Йиртқич қушлар ёки ҳайвонлар чиқиб қолишини эслаб, қуролимни қўлга олдим. Йўл нотекис эди. Ҳар беш-ўн метрда одам билан бўйлашадиган тошлар устидан ошиб ўтишимга тўғри келарди. Оёғим тойиб, бир-икки йиқилиб ҳам тушдим. Бир соатча азоб тортдим. Рўпарамдаги каттакон бир қояга тирмашиб чиқишим биланоқ, ястаниб ётган яйлов кўзимга ташланди. Одамзод яшайдиган жойга келиб қолганимдан севиндим. Булар кўчманчи ёки қочоқлар бўлса керак, деган хаёлга бордим. Ёнаётган гулханлар атрофида одамлар тўп-тўп бўлиб ўтиришарди. Шу ерда тунашга аҳд қилдим. Ётиш учун

қулай жой изладим. Шохлари тарвақайлаб кетган заранг дарахти остидаги гор ичидан жой топдим. Кўчманчиларнинг аҳён-аҳёнда бақириб-чақиришлари, қийқириқлари қулоғимга чалиниб турарди. Қанчалик чарчаб-ҳормай кўзимга уйқу илинмади. Бир ҳафта юриб, ниҳоят одамларга дуч келганимдан қувониб кетгандим.

Пастдан ниманингдир «чирс» этган товуши қулоғимга чалинди. Майда тошларнинг пастга думалаб тушаётганидан кимдир тепаликка тирмашиб чиқаётганини пайқадим. Қўйнимдан тўппончани олдим. Шарпалар мен томон келишарди. Горнинг оғзига шох-шабба ташлаб қўймаганимдан афсусландим. Менинг ишимда эътиборсизлик, бепарволик, ўйламасдан қадам босиш, Крамаренконинг ибораси билан айтганда «самолётдан парашютсиз ташлаш» билан тенг эди! Салгина қимирласам шағал тушиши ва ўзимни ошкор қилишим мумкин. Қимирлашнинг иложи йўқ. Тўппонча тепкисига бармоғимни босиб, тошдек қотиб туравердим. Кўз кўзга тушиши билан ўқ узишга шай эдим.

Аввал ёш қизнинг нозик гавдаси кўринди. У биров судраб келаётгандек базўр қадам ташларди. Бошидаги рўмолининг учи тиззасига тушган, нари борса ўн тўрт-ўн беш ёшлар атрофида. Ундан беш-олти қадам ортада ёши қирқлардан ўтиб қолган одам келарди. Қўлида «Битта» автомати, эғнидаги узун кўйлаги устидан қора камзул кийиб олган. Мен уларни ота-бола деб хаёл қилдим. Қиз мен турган жойдан ўн қадамлар нарида тўхтади. У узоқ йўл юриб, ҳолдан кетган одамга ўхшарди. Ҳансираб нафас олиши бемалол қулоғимга чалиниб турди. Ортдан эргашиб келаётган кимса қизга яқинлашиб, қўлидаги автоматни тош устига қўйди. Камзул билан бошидаги салласини ечди-да, кутилмаган ҳаракат билан қизни бағрига тортди. Танасида жўш ураётган ҳирсни идрок этолмай, ҳансираб қизнинг дуч келган жойидан ўпа бошлади. Қиз эса типирчиларди. Эркак унинг дуррасини юлқиб ечиб ташлади. Қизнинг ўрилмаган сочлари тўзғиб, юзини тўсди. Кўкда мўралаб турган тўлин ой ўз ёғдусини қизнинг боши узра сочганди. У шу қадар латофатли эдики, бир қарашдаёқ одамнинг ақлини шоширарди. Ой нури ёритган юзида қўрқув акс этганини пайқаш қийин эмасди. Эркак тиз чўкди. У ўзлигини унутганди. Шафқатсизларча қизнинг эғнидаги кийимларини еча бошлади. Пишиллаб нафас олар экан, ўзича нималарнидир пичирлади. Шу тариқа қиз ялонғоч ҳолга келди. Аёзда қолгандек дилдирар, оппоқ бадани ой шуласида товланарди. Қиз бирдан ҳушёр тортди. Ортга чекинди. Норозилигини билдириб, эркакнинг исканжасидан чиқиш учун типирчилай бошлади. Нозик белидан тутган бақувват қўллар эса, уни

тобора маҳкамроқ қисар, қиз қанчалик типирчиламасин, эркак унга чирмовиқдек ёпишишга ҳаракат қиларди.

- Қўйиб юборинг, тишланг, оғрияпти! - ялинарди қиз.

- Қўлингни пастга тушир! Эшитяпсанми?! Тушир деяпман! Сени 100 долларга сотиб олганман. Истасам қўйиб юбораман, хоҳласам ўлдираман!...

Қиз йиғларди...

Эркак ҳансирарди...

Ортиқ томошабин бўлиб, даҳшатли бу манзарани кузатишга сабрим чидамади. Эҳтиёткорлик билан жойимдан чиқдим. Автоматни олиб, қўндоқ билан эркакнинг бошига урдим. Миясидан отилиб чиққан қон бир зумда унинг башарасини қизил рангга бўяди. Қиз ҳадик ва даҳшатдан қотиб қолганди. Бақриб юборишидан қўрқандим. Бироқ у оғиз очмади. Ерда сочилиб ётган кийимларини олиб қўлига тутқаздим:

- Ушла, кийиниб ол, - дедим мулойимлик билан ва унга ёмон ниятим йўқлигини билдириш мақсадида жилмайиб қўйдим. Бадани япроқдек титраётган қиз шоша-пиша кийинди. Қонга беланиб ётган жасад типирчилаб-типирчилаб, охири тинчиди. Уни ўзим яшириниб ётган жойга судраб келдим-да, чуқурга улоқтириб юбордим. Бу менинг катта хатойим эди. Мурданинг атроф-теваракка сачраган қон-кушларини йўқотишга кўп вақтим кетди...

Йўлга отланганимизда тун яримлаб қолганди. Тезроқ юришга, жангарилардан узоқроқ кетишга шошилардик.

- Исминг нима? - жим кетиш иккимиз учун ҳам ноқулай эди, қизни гапга тутишга ҳаракат қилдим.

- Лайло, - овози титраб чиқди қизнинг.

- Мендан қўрқма, Лайло. Ёмон одамга ўхшамасам керак.

Қиз жилмайди. Дилим ёришди.

- Ановилар кимлар эди? - сўрадим паст томонга ишора қилиб.

- Улар ёмон одамлар, босқинчи, жангарилар! - Қиз мени «улардан» эмаслигимни сезиб, дадил гапира бошлади. - Мени бу ерга ўғирлаб келишди...

- Қачон?

Лайло ҳарсанг тош устига чиқиб тўхтади. Бир дақиқа жим қолди. Ой қизнинг жамолини кўз-кўз қилаётгандек, бутун ёғдусини унинг боши узра сочаётганди. Эпкин эса кўйлак ва лозимини тортқилаб ўйнарди.

- Кеча, - деди қиз ҳомуш оҳангда ва оҳудек сакраб пастга тушди.

- Улар кўпми?

- Жуда кўп! Сиз нега лагердан қочдингиз?!

Кутилмаган саволдан довдираб қолдим.

- Мен жангарилардан эмасман, толибонларданман! Улар ҳам мени сенга ўхшаб мажбурлаб олиб кетишганди.

Лайло анча жойгача гапирмади. Иккимизни қаёққа кетаётганимиз қизиқтирмасди. Аҳён-аҳёнда тоғ жониворларининг бўкиришлари тунгги сукунатни бузарди.

- Эримни жангарилар ўлдириб кетишди, - анчадан кейин тилга кирди қиз.

- Нега?

- Буниси менга қоронғу. Бир кун бурун саҳарда икки-уч жангари эримга қабр қаздиришди. Ўзлари билан олиб келган икки қоп бойликни кўмиб кетишди. Эртаси куни тунда яна келишди. Эримни уйғотиб, қабристонга бошлаб кетишди. Эрталаб нонушталик олиб чиқсам, қабр тепасида жасадини кўрдим... афтидан улар яширган хазиналарини ошкор бўлиб қолишидан кўрқиб, шундай қилишган бўлса керак!

- Эринг хазина яширилган жойни кўрсатгандир? - Бу сўзни айтишга айтдим ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Фалати саволлар бериб, қизни кўрқитиб қўйишим мумкин эди.

Бироқ Лайло гапимга эътибор бермади. Соддалик билан сўзида давом этди:

- Хазина кўмилган қабрни айтишга айтдию, бироқ нима кўмилганини айтмади. Ўзи ҳам билмаса керак!

Жангарилар лагери олисда қолди. Турли-туман дов-дарахтлар бизни уларнинг кўзидангина эмас, балки таъқибидан ҳам яширганди. Лайлонинг толиққани билиниб турарди.

- Тонг ёришгунча шу ерда дам оламиз, - дедим, - Балки қорнинг очгандир?

Лайло эътироз билдирмади. Ётиш ва овқатланиш учун жой танладик. Боя мен ўлдирган жангарининг халтасидан уч-тўрт бурда нон, бир бакалашка сув топиб, халтамга солиб олгандим. Пиширилган илон гўштидан ҳам бир парча қолганди. Гўшни майдалаб, Лайло иккимизга тақсимладим.

- Менинг исмимни сўрамадинг, Лайло, - дедим қизнинг кўзларига боқиб.

- Сўраб нима қилардим. Ҳар қалай ёмон одамга ўхшамайсиз, - соддалик билан жилмайди. Кулганда ёноқларида кулгич пайдо бўлди. Бу уни янада гўзал қилиб кўрсатарди.

- Исмим Бўрон. Қобулданман. Ота-онамни соғиндим. Уларнинг ёнига кетяпман...

Қиз индамади. У ҳақиқатдан ҳам толиққанди. Киприкларига қўнган уйқуни зўрға енгиб турганини пайқадим. Овқатланиб бўлгач, юзимга фотиҳа тортиб, майсалар устига чўзилдим. Юлдузлар балқиб турган осмонга тикилдим. Ер бағирлаб эсаётган эпкин тоғу тошлар кўксини ёриб чиққан ўт-ўланларнинг, дов-дарахтларнинг ҳушбўй ҳидини димоққа уради. Ёнимда ётган Лайлонинг кокиларини тортқилаб ўйноқлайди. У ерга бошини қўйибоқ ухлаб қолди. Уйқуда ҳам ғоят гўзал эди.

Секин ўрнимдан турдим. Четроққа ўтиб, ёнимдан харитани олиб, ой ёруғига соддим. Келган жойимни аниқлашга уриндим. Хўжа Имом Саид, Толиқон, Боялон каби шаҳарларни четлаб, Мозори Шариф вилоятига етиб қолганимдан севиндим. Яна бир ҳаракат қилсам, албатта Мозори Шарифга кираман. У ердан Қобулга қийинчиликсиз бориш мумкин. Бу ерда киракаш машиналар бисёр. Дарвоқе, Лайло қаерда қоларкин?! Харитани чўнтагимга солиб ўрнимдан турганим ҳамон ўзимни Лайлога уриб олдим. У қоп-қора кўзларини ўқдек қадаб менга тикилиб турарди. Иссиқ нафаси кўксимга урилди. Харита билан ишлаётганимни кўрган. Сирим ошкор бўлганидан баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

- Мени ташлаб кетасизми, деб қўрққан эдим, - қиз соф ўзбек тилида, чиройли талаффузда сўзладик, ҳатто афғон тупроғида турганимни ҳам унутаёздим. Бундай пайтда ўзимни тута билишим, сир бой бермаслигимни яхши тушунаман. Унинг сўзига тушунмагандек елка қисдим. Қиз бошқа гапирмади. Ёнимда қимир этмай турарди. Унинг сочларини силадим. Лайло кўксимга бош қўйди. Биз бир-биримизни маҳкам кучоқлаганча туриб қолдик. Уни эркалаш ва овутиш билан бирга «Сиз ўзбексиз» деган тушунчани миясидан чиқариш йўлини ахтардим ва шу билан бирга менинг ўзбеклигимни қандай пайқаб қолганини ўйлардим...

Тушга яқин Мозори Шарифга кириб келдик. Шаҳарда одамлар оз эди. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Биров билан бировнинг иши йўқ. Бироқ бехосдан туртиб юборган одамга шубҳа ва қўрқув билан боқиш, бир-биридан ҳадиксираш кучли эди. Одамлар имкон қадар бир-биридан узоқ юришга ҳаракат қиларди. Бу ерда исталган пайтда бомба портлаши, жангарилар одамларни талаб кетиши мумкин эди...

Иккимизни ҳам очликдан тинка-мадоримиз қуриган, оёқларимизни зўрға судраб босардик. Дуч келган дўкондан озик-овқат сотиб олдиқда, четроққа чиқиб тамадди қилдик. Устимиздаги кийимларимизга ҳам қараб бўлмасди. Чанг ва тупроқдан ранги ўчиб, шох-

шаббаларга илинавериб, йиртилиб кетганди. Янги кийим харид қилдик. Кирақаш машиналардан бирини ёллаб, Лайлонинг қишлоғига жўнадик. У шаҳардан ўн беш-ўн олти чақирим олисда яшашини айтганди.

Қишлоққа кирганимиздан сўнг Лайло камгап ва вазмин бўлиб қолди. Афтидан, ота-онаси билан тезроқ учрашишни ўйларди. Табиийки, ташвишларим ҳам мени ўз гирдобига тортганди. Координатани йўқотганим боис беҳуда ўтган кунларнинг ўрнини босиш учун вақтдан унумли фойдаланишим лозим эди. Боз устига, кеча тунда Лайлони уйига ташлаб қўйишга сўз бергандим.

Машина ойнасидан сувсизликдан сахрога айланган далаларга боқиб борар эканман, яна собиқ командиримнинг қимматбаҳо хазинани нима сабабдан Афғонистонда қолдириб кетганини ўйладим. Яширган жойида турганига бунчалар қаттиқ ишонмаса?! Катта миқдордаги бойликни ташлаб келиши одамнинг ақлига сифмайди?! Боз устига яширган жойида турганига қатъий ишонч билдираётганининг боиси нимадайкин?! Ким билсин, бу бойлик балки Ефим Егоровичникидир! Хазина Крамаренконики бўлганида, Ефим Егоровичнинг олдида ошкор этмасди. Менинг розилигимдан сўнг Ефим Егоровичнинг қувониб, коньяк қуйишининг сабаби бежиз бўлмаса керак?! Назаримда, бу қариялар ўртасидаги ўйинга ўхшарди! Учинчи шахс бу застава бошлиғи. Албатта у мени бойликни олиб ўтишимдан хабардор. Модомики, чегарачи бойликнинг қийматини билган бўлса, мени осонликча Москвага кузатиб қўймаса керак? Хаёл гирдобига чўмиб, анча йўл юрганимизни пайқамай қолибман. Нангаҳар каналдан ўтгач, Лайло ҳайдовчидан машинани тўхтатишни илтимос қилди.

- Етиб келдик, - деди у майин табассум билан. Кун бўйи чехраси очилмаган қизнинг биринчи табассуми эди бу.

Машинадан тушиб, атрофга боқдим. Каналнинг ўнг соҳилидаги балаңдликка ўрнатилган оқ байроқ диққатимни тортди. У офтоб тифидан ўз рангини йўқотган, билинар-билинмас эсаётган шабадада ҳилпираб турарди.

- Илгарилари бу ерда толибонларнинг кўриқчилари яшаган. Бу ўшаларники. - Лайло байроққа тикилиб қолганимни кўриб, ўзича изоҳ берди. Унинг синчковлиги ҳайратимни оширди. Тўлиб тошаётган оппоқ сув шиддат билан ҳарсанг тошларга урилиб, асов отдек пишқирарди. Вақт шомга яқинлашиб қолгани боис, кўчаларда одамлар сийрак. Фақат эшакларга ўтин юклаб, тоғдан тушиб келаётган турли ёшдаги одамларгина учраб туради. Болаларнинг қий-чуви ҳам

эшитилмас, қишлоқ фавқулудда ҳолат эълон қилингандек совуқ сукунат қўйнида мудрарди.

- Эрим мана шу қабристонда гўрков эди, - пахса девор билан ўралган қабристондан ўтаётганимизда деди Лайло. Унинг овози чехраси каби маънос тортиб қолганди.

- Сен айтган бойликлар шу ерга яширилган эканда, - бу сўз оғзимдан чиқиб кетганини пайқамай қолдим. Лайло «ортимдан бойлик илинжида келаётган эканда», деган хаёлга бориши мумкин эди.

- Ҳа, - деди қиз аста бош ирғаб, - ҳув анови девор ёнидаги қабрнинг учинчиси. Лайло кўрсатган томонга боқдим. Ёмғир сувидан ивиб, тепа қисми нураб тушган ёриқдан пастроқда сопол идишнинг синиғи бор қабри бир боқишда илғаб олдим. Бошқа гапирмадим. Лайло мендан анча илгарилаб кетганди. У уйига талпинарди. Бошидаги дурраси елкасига тушиб қолган, тароқ кўрмаган сочлари, елкасига ёйилганди.

- Худога шукур! - Лайло бир томонга қийшайиб кетган эшик олдида тўхтаб, менга қайрилиб шундай деди. Унинг қоп-қора, чақнаб турган кўзларида ёш кўрдим. Юрагимдан бир нарса узилиб тушгандек бўлди. Лайло билан бир умрга ажралишадигандек, энди уни ҳеч қачон учратолмайдигандек эдим.

- Мен ҳозир, - энтиқиб нафас олаётган Лайло мени остонада қолдириб пилдираганича ичкарига кириб кетди.

- Меҳрибоним онам, отам! Мен келдим! Эшитяпсизларми, мен қайтиб келдим!

Кекса аёлнинг йиғиси, қариянинг болам, дея қилган ноласи қулоғимга чалинди. Бечора ота-она фарзанди соғ-омон қайтганидан қувониб йиғлашарди.

- Қани, ичкарига кир, болам! Нега остонада турибсан? - ёши етмишларни қоралаб қолган қария ичкарига таклиф қилди. Атроф-теваракка қоронғулик чодирини ташлаётган пайтда қаерга боришни билмай турган мендек мусофирнинг қарияга эргашишдан ўзга чораси қолмаганди. Кампир мени илиқ кутиб олди. Қизларини «босқинчилар қўлидан қутқариб», келганим учун ҳаққимга дуо қилишди.

Хуфтон намозидан сўнг қария иккимиз чойхўрлик қилдик. У ўз ҳаёти давомида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган, тақдирнинг машаққатли юки қаддини барвақт дол қилиб қўйганди. Юзидаги сонсиз ажинлар, нур кетиб, ичига ботиб бораётган кўзлари ҳали яхши кунларга умидворлигини билдирарди. Чол-кампир инқилоб йиллари

Шўро ҳукуматининг қувғинига учраб, бу ерга келиб қолган сурхон-дарёлик ўзбеклардан экан.

- Йигирма беш йилдан бери давом этаётган уруш тинка-мадори-мизни қуритди, болам. Ҳеч ким Аллоҳ яратган бу кўҳна оламга ғам-андуҳ чеккани келмаган! Биз ҳам бошқа юрт-элатларнинг одамлари каби тинч яшашга, меҳнат қилишга ҳақлимиз-ку?! Қачонгача ўрмонда очликдан увиллаётган бўрилар каби бир биримизни талаймиз? Қонимизни ичамиз! Тож-тахт, амал ва мансаб учун ота болага тиф кўтаради? - Қария бирдан жим қолди. У сочлари оқариб кетган бошини кўтариб, дераза томон қараганда чироқ шуъласида ялтираб турган кўзларида нам кўрдим. Қария бир дақиқалик сукутдан сўнг афсус ва надомат ила сўзида давом этди.

- Тўрт нафар арслондек ўғилларим мана шу бемақсад урушнинг қурбони бўлди. Улар кимга қарши, ким томонида туриб жанг қилдилар? Бунинг ҳали-ҳануз тагига етолмайман. Дардим ичимда чўғ бўлиб танамни ёндиради. Онасини-ку айтмай, келбатли аёл эди. Фарзандларининг доғи уни қуриган дарахтга айлантириб қўйди. Буниси етмагандек бир ой бурун куёвимни пичоқлаб кетишди. Бечора гўрковлик қилиб, тирикчилигимизни ўтказиб турганди. Ўша куни ярим тунда қандайдир кишилар келиб, уни қабристонга олиб чиқиб кетишди. Шерикларимиздан бири қазо қилишди, деб алдашган экан. Эрталаб Лайло нонушталик олиб чиқса, бола бечорани ўлдириб кетишибди. Жасадини олаётганимда бир дона қалин дафтар топиб олдим. Афтидан, буни ўғлимнинг қотиллари тушириб қолдирган бўлса керак, ўриснинг ёзувида!

Қария тиззаларини уқалаб, ўрнидан турди. Тахмондаги кўрпачалар қатидан ранги ўчиб кетган қалин дафтарни олиб келди. Қариянинг титраётган қўлидан уни олдим-да, варақладим...

Ўзбекча ёзувлар! Юрагим ҳапқириб кетди. Вужудимни чулғаб олган ҳаяжонни босиш учун дафтарни тезда ёпдим...!

- Ўқийёлмадингми, болам? - Қария афсуслангандек бош чайқади.

- Кўзим илғамади, - баҳона қилдим. - Эртага ёруғда ўқиб кўрарман.

- Олақол, мен уни нима ҳам қилардим, сақлаганим билан куёвим тирилиб келармиди?!

Бечора қария... Бу дафтар ичида нималар битилганини, у мен учун ҳаводек зарурлигини қаердан билсин?! Шу дафтар учун ҳаётимни тикишга тайёр эдим...

Тонгга яқин қулоғимга чалинган гўнғир-гўнғир овоздан уйғондим. Ташқарида қария ким биландир суҳбатлашарди. Нафас олмай вужудимни қулоққа айлантириб тингласамда, уларнинг сўзларидан...

бирор жумлани илғаб ололмадим. Оёғимга боғлаб олган тўппончани ушлаганча жим ётавердим. Кўп ўтмай овоз тинди. Афтидан келгувчи кетганди. Қария ичкарига кирди. Бомдод намозини ўқиди-да, яна ташқарига чиқиб кетди. Негадир хомуш ва хафа кўринди. Хаёл суриб ётган эдим, Лайло кириб келди. У ёнимга ўтирди.

- Ҳой, уйқучи, туринг, кун тиккага келса ҳам ётаверасизми? - Лайло кафтини пешонамга босди. Сочимни силади.

Кўзимни очдим. Секингина Лайлонинг билагидан тутдим. Юрагимда ширин эҳтирос уйғонди.

- Сени ўйлаб туни билан ухламадим, - астагина уни бағримга тортидим. Қора сочлари сирғалиб юзимга тушди. Кўйлагининг ёқасига қистириб олган қалампир мунчоқнинг ҳиди димоғимни қитиқлади. Қизнинг қизарган яноқларидан муччи олдим.

- Асалдан ҳам ширинсан, Лайло. - Эҳтирос билан тикилдим унга...

- Ҳаддингиздан ошманг, - қора қошларини чимириб нозланди қиз.

- Отанг кўринмайдилар?...

- Кечаси қишлоғимизнинг оқсоқоли қазо қилибди, - Лайло бироз хомуш тортиб гапида давом этди. - Лаҳад кавлагани қабристонга чиқиб кетдилар.

- Нима, қишлоқда отангдан бошқа гўрков йўқми?!

- Йўқ-да, - елкасини қисиб, афсуслангандек деди қиз. Сўнг тўзғиб кетган сочларини турмақлаб, рўмолини қайта ўради.

Кеча Лайло айтган қабристондаги бойликларни эсладим. Қалбимда уни кўриш истаги уйғонди. Асқотиб қолиши мумкинда!

- Лайло, - дедим қизнинг билагини бўшатиб, - отанг уерда ишласа-ю, биз бекор ўтирсак, инсофдан эмас. Мени бошлаб бор. Отангга ёрдам берай!

Қабристонга келганимизда қария терга ботиб ишларди. Бечора чўпдек озиб кетган бўлишига қарамай, кўлидаги кирки билан метиндек тупроқни кўчирарди. Лайло уйга қайтди. Чол иккимиз анча вақт ишладик. Нафасимни ростлаб олиш мақсадида қабрдан чиқиб, нам тупроқ устига ўтирар эканман, Лайло кўрсатган қабрга тез-тез қараб кўярдим. Тупроққа илашиб чиққан тош ва сопол синиқларини ўша лаҳад устига ташлаб кўярдим. Вақти келиб, қор ёки ёмғир ёққан пайтда ҳам бу жойни топиш осон бўлсин учун!

Бу ерда узоқ қолишим мумкин эмасди. Қўшнилар ўртасида гап-сўз тарқалиши мумкин. Энди мени генералнинг хазинаси қизиқтирмасди. Кеча тунда қорнимга боғлаб олган дафтарни тезроқ ўз юртимга жўнатиш ҳақида ўйлардим. Дафтар ичидаги маълумотлар ватанимнинг тинчлиги, чегараларимизнинг даҳлсизлиги, халқимнинг осуда

ҳаёт кечириши учун ҳаводек зарур эди. Шу сабабли юртимга қайтишим лозим эди.

Қабрни ковлаб бўлиб, уйга қайтдик. Ҳовли этагидаги ирмоқда ювиниб чиқдим. Кетишга чоғланаётганимни кўрган қария «биз билан қолсанг бўларди болам», деди синиқ оҳангда.

- Дастёримиз йўқ. Вақти келиб қазо қилсак, Лайло ким билан қолади? Шу ташвиш мени тинч қўймайди,!

Қариянинг раъйини қайтариш оғир эди. Бироқ, уни умидсиз қолдириш, ўксик қалбини чўктириш бундан-да, оғир эди.

- Қишлоғимга борай, ота, - дедим вазминлик билан, - онам икки йилдан бери йўлимни пойлаб ўтирибди. Соғинганман, худо хоҳласа, қайтиб келаман... - ёлғон сўзлашга мажбур бўлдим.

Қария индамади. Томирлари бўртиб чиққан қўлини дуога кўтарди.

- Яратган эгам золимлар зулмидан асрасин. Ҳазрати Ҳизр бувам йўлингга йўлдош бўлсин, - дея оқ йўл тилади.

Кетар пайтим Лайло ғойиб бўлиб қолди. У билан хайрлашмай кетишга виждоним йўл қўймасди. Амримга итоат этмай қотиб қолган оёқларимни базўр судраб ҳовлидан чиқдим. Бир неча қадам босгач, ортимга қайрилдим. Четан девор ортида ҳилпираб турган ҳаворанг дуррачада кўзим тўхтади. Бу - Лайлонинг рўмоли эди. Қиз ортимдан кузатиб турганини билдим. Юрагим қинига сиғмай дуқуларди, унинг олдига шошдим. Бир оғиз сўз айтишга тилим айланмасди. Лайлонинг оҳуниқидек чиройли кўзларига илинган ёш япроқ учига қўнган шабнамни эслатарди.

- Ўзингни эҳтиёт қил, Лайло. Худо хоҳласа, қайтиб келаман, - дедим юрагимнинг тубидан отилиб чиқаётган фарёдни зўрға босиб.

- Жангарилардан бирини ўлдирганимизни унутма. Мабодо, улар жасадни кўришган бўлса, изимизга тушган бўлишлари мумкин.

- Энди менга барибир, - шивирлади қиз. Киприкларидаги ёш қизариб кетган ёноқларини ювиб, кўксига оқиб тушарди.

Чўнтагимдан бир неча дона долларни олиб, қизнинг қўлига тутқаздим.

- Бирор кунингга асқотиб қолар!

Бироқ Лайло мен узатган пулларга боқмади. Ушламади ҳам. Улар сочилиб оёқлари остига тушди. Шу тариқа мен Лайло билан хайрлашдим.

Имом Хўжа Саидга ташлаб қўядиган бирорта машина топилмади. Боғлон орқали юриш хатарли эканлигини, у ерда бир гуруҳ жангарилар уя қуриб олишганини, ўтган йўловчини талашаётганини айтиб,

рози бўлишмади. Ниҳоят, бир ҳайдовчини Толикон орқали Имом Хўжа Саидга олиб боришга зўрға кўндирдим.

Машина ўрнидан силжиганда, яна ортимга қайрилдим. Бироқ қуоқ чанг ичида қолган кўчада ҳеч нарса кўринмади. Фуқаролар уруши бу кичкина қишлоқда ҳам ўзининг мудҳиш изини қолдирганди. Йўл бўйидаги дарахтлар ўқ ва снарядлар зарбидан чўрт узилиб, айримлари томири билан ўпирилиб тушган, деворлар илма-тешик бўлиб кетганди.

Тирикчилик ва ҳаёт ташвишлари одамларни тонг саҳардаёқ кўчага судраб чиққан. Эти устихонига ёпишган, йиртиқ-ямоқ, жулдир кийимдаги болалар машинани кўришлари биланоқ танқдан қўрқандек девор бурчагига писиб олишарди.

Ҳарбий хизматда юрган кезларим икки маротаба Мозори Шариф вилоятига ўта муҳим топшириқ билан келиб кетганман. Ўшанда уруш авжига чиққан бўлишига қарамай, одамлар эртадан шомга қадар далада омом ҳайдаб, кетмон чопиб, меҳнат қилишарди. Сувсизликдан қотиб, қовжираб қолган бу далада кўксини яшил тусга буркаб, гуркираб экинлар ўсиб ётарди. Толибонлар ва мужоҳидлар ўртасида бир неча йилдан бери давом этаётган уруш афғон деҳқонларининг қўлидаги кетмонини ҳам тортиб олганга ўхшайди. Ер инсон меҳрига, меҳнатига зор эди...

Афғон тупроғига қадам қўйганимга бутун роппа-роса ўн кун бўлди. Бу вақтда мен Қобулда бўлишим лозим эди. Белгиланган объектни топиб, яширилган хазинани олиб, ортга қайтишим режалаштирилган. Яна бир ҳафтадан сўнг застава бошлиғи мени чегарада кутиб олишига келишгандик. Энди буларнинг барчаси ортда қолди. Ўйлаган режаларим чиппакка чиқди.

Машина қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Бошим ойнага урилди. Йўлнинг ўртасида уч йигит турарди. Қўлларида «М-16» автомати.

- Қаёққа? - йўлтўсарлардан бири машина эшигини очиб, автомат учини ҳайдовчининг кўкрагига тиради. Унинг бу ерлик одамлардан эмаслиги сўзидан сезилди.

- Толиконга! - ранги бўздек оқариб кетган ҳайдовчининг тили зўрға айланди.

- Бизни Тавилдарага ташлайсан, тушундингми?!

Йўлтўсарлар машинага ўтиришди. Ҳайдовчи нима дейишини билмай, ноилож машинани ортга бурди. Тавилдара қаерда? Жанубдами, шарқдами?! Бу ҳақда қанча ўйламай, тополмадим.

- Сен қаёққа? - қўлидаги автоматнинг қўндоғи билан бўйнимга уриб сўради йўлтўсарлардан бири.

- Толиконга, - томоғимга бир нарса тиқилгандек ютиниб дедим.
- Толиконда пишириб қўйибдими?!
- Ота-онамининг ёнига, - милтиқнинг қўндоғи яна гарданимга тушишини хоҳламай тезгина жавоб қайтардим.

Шундан сўнг йўлтўсарлар бир-бирлари билан ўзбек тилида суҳбатлашиб кетишди.

- Халқ ўртасида бизга нисбатан ишончсизлик, норозилик кучайиб кетаяпти. Оломон бизни кўриб худди қутурган итдан қочгандек тирақайлаб қочмоқда. Бир йўлини топишимиз керак. - Олдинда ўтирган йигит шерикларига шундай деди.

- Энди қишлоқларга биз чиқмаймиз. Тил билганимиз билан юзимиздан пайқашаяпти. Ичимиздаги ерлик йигитларни ишга солишимиз керак. Таласа ўзиникини талайди!

- Гитлер ҳам шундай йўл тутган. Сенинг фикринг тўғри.

Мен уларнинг шеваларидан Фарғона водийсидан эканлигини пайқадим. Ўзимни бепарво кўрсатишга ҳаракат қилардим. Қўлим оёғимга боғланган тўппончани юлқиб олишга шай турарди. Қорнимга боғлаб олган дафтар мени ташвишга солди. Йўлтўсарлар ёнимни титиб қолгудек бўлса, уларни отиб ташлашим ёки Лайло кўрсатган қабрдаги хазиналар ҳақида сўзлаб беришим мумкин эди. Дафтарни сақлаб қолишнинг бундан ўзга чораси йўқ.

- Неъмат, - деди боя мен билан суҳбатлашган йигит шеригига юзланиб. - Хўжайиннинг топшириғи бажарилмади. Қуруқ қайтганимизни эшитса, бошимиз балога қолади. Бирор йўлини топ!

- Гапинг тўғри, - боядан бери жим келаётган йигит шеригининг гапини маъқуллади.

- Бирор баҳона топишимиз керак!

Неъмат чўтир юзини мен томон бурди.

- Мановини бошлаб оламиз. Ҳозир хўжайинга битта одам олтинга тенг.

- Ёш экан, ўзимиз боп, - маъқуллади йигитлардан бири.

Чуқур хандақларга тушиб, тошларга урилиб, тўлқинда қолган кемадай чайқалиб бораётган машина ортидан қоп-қора тутун бурқситиб тоғ чўққисига тирмашиб борарди. Бундай йўлда юриш оғир эди. Бечора ҳайдовчи тишини тишига босиб, ғазаб, нафратини ичига ютиб келарди.

- Кўнармикин, кўнглига бир қўл сол-чи, - олдинда ўтирган йигит Неъматга шундай деди.

Неъмат бу гал автоматнинг учини бўйнимга тиради:

- Менга қара, - деди у форс тилини бузиб. - Гап бундай, сен биз билан бирга лагерда қоласан. Тушундингми!?

- Қанақа лагер! Нима қиламан у ерда!? - ҳеч нарса билмагандек елкамни қисдим.

- Нима қилишингни кейин биласан! - Автоматнинг учи нақ бўлмаса бўйнимни тешиб юбораёзди.

- Йўқ, - дедим хафа бўлгандек. - Уйимга кетаман. Ота-онамни, қишлоғимни соғиндим.

- Мен сенга лагерда қоласан дедим ё тушунмадингми?! - Неъмат автоматнинг қўндоғи билан елкамга туширди. Оғриқ шу қадар кучли эдики, инграб юборишимга оз қолди.

- Сен хунаса, бизга кўшилишни истамайсанми?! Шу ерда отиб, ўлигингни тоғу тошларга ташлаб кетайликми? Хўп дейиш ўрнига яна гап қайтарасан, ху энангни...

- Кўрқитма, азда, пул берамиз де, - деди шерикларидан бири Неъматнинг биқинига туртиб.

- Биз сени ёмон йўлга етаклаётганимиз йўқ, аблаҳ! Сафимизга кўшилсанг, қўлинг жарақ-жарақ пул кўради. Ойига 200 доллардан ишлайсан. Жон десангчи, иблис!

Индамадим. Қўндоқ тушган жой зирқираб оғирди. Неъмат бошқа гапирмади. Яна дўстлари билан суҳбатлашиб кетаверди.

Тиккага келган қуёш еру кўкни тандирдек қиздирар, қуруқ ҳаво нафасни бўғарди. Бир мўлжал юрганимиздан кейин йўлимизга тўрт нафар қурооланган йигит худди ер остидан чиққандек кўндаланг туриб олишди. Ҳайдовчи кўрқиб кетди. Тормоз беришга улгурмай, рулни чап томонга бурди. Машина харсанг тошга урилишига оз қолди. Неъмат ойнадан бошини чиқариб, паролни айтди.

- Қуруқсизлар-ку?! - деди йўлтўсарлардан бири, - нима, тузоқларингга биронта дўндиқча илинмадимми?... Боя биттасини олиб келишди, ҳай-ҳай, бунақасини тишим чиқиб кўрмаганман. 100 доллар қилсам ташлаб кетишмади. 300 дан ками йўқ эмиш. Баҳоси осмонда!

- Ўзингга ҳушёр бўл. Ёшига учиб панд еб қолмагин. Акрамни ўлдиргандек, сени ҳам тинчитиб кетишмасин.

- Биз унақанги лапашанглардан эмасмиз, акоси, - деди йўлтўсар йигит кўкрагига уриб.

Ҳаммалари кулишди. Бироз юрганимиздан кейин яйлов кўзга ташланди. Атрофга чодирлар қурилган. Мен Ўзбекистондан қочиб ўтган жангарилар қўлига тушиб қолганимга қатъий ишондим. Буларнинг чангалига тушган одам, ўлиб қутулади. Бундан ўзга чора йўқ!

Нима қилиш керак? Бу ерда қолишим шартми ёки имкон борида ортга қайтганим маъқулми? Миямга жўяли фикр келмасди. Қолай десам, ёнимдаги дафтар тақдири ўйлантиради. Бу мана шу жангариларники! Улар Лайлонинг эрини ўлдиришган. Ўзини шу ерга олиб келишган.

Машина чодир ёнида тўхтади. Неъмат шериклари билан машинадан тушди. Мен индамай ўтиравердим.

- Нима, орқанга тош боғлаб олганмисан ... Тушмайсанми? - жеркиб берди Неъмат. Ўзимни гўё бу ерда қолгиси йўқ одамдек кўрсатиб, жангариларнинг имкон қадар кўпроқ мажбурлашини кутдим. Неъматнинг гапини эшитмасликка олиб ўтиравердим. Буни кўриб, у баттар туюқди.

- Ҳой энангни... Эшитяпсанми? Туш деяпман! - у ростакамига ғазабланиб бақирди. Атрофда юрганларнинг эътибори бизга қаратилди. Истамай пастга тушдим. Атроф-тевараққа кўз ташладим. Чодирдан олисда эликка яқин йигитлар саф тортиб туришарди. Командир қаттиқ овозда уларга ниманидир уқдирарди. Чодирларнинг пала-партиш жойланиши, атроф-теварақдаги нарсалар кўзимга иссиқ кўринди. Ҳа, мен адашмагандим. Бу ерга илгари келганман, - дедим ўзимга ўзим. Тепадаги заранг дарахти остида тунаб қолганман. Лайлони шу ердан топганман.

- Илҳом! - Неъмат анча нарида турган ўзи тенги йигитга қараб қичқирди. - Бу ёққа ке!!!

Илҳом оқсоқланиб олдимизга келди. Кичкина, қисик кўзлари, юзига нисбатан анча катта бурни унинг бемеҳрлигидан далолат берарди.

- Нима дейсан, - деди Илҳом Неъматга яқин келиб.

- Мановини бўлимингга қабул қил!

- Бор-е, - Илҳом қўл силтади. - Ўзи йигитларим мана бундоқ, - деди у қўлини кекирдагига теккизиб. - Бошқа биронтасига сота қол!

- Жинни, соққасининг ярми ўзингга қолади, жон десанг-чи! Буни пул билан иши йўқ, қорни тўйса бўлди.

Илҳом жилмайди. Пул ҳақидаги хабар унинг вужудини қитиқлаган эди.

- Ўзбекчани биладими? - Илҳом бошимдан оёғимга қадар кўз югуртирди.

- Фирт оми. Йигитларингга тайинла, ўргатишсин. Фақат қийнаш-масин.

- Қочишни хаёлига келтира кўрмасин! Сезиб қолгудек бўлсам нақ терисини шилиб оламан. Айтмоқчи, бунинг исми нима? Қўлидан бирорта иш келади? Умида милтиқ ушлаганми?

Неъмат унинг сўзларини шоша-пиша таржима қилди.

- Оти Аҳмад, - деди у бироз ёнимни олиб. - Қўлидан ҳамма иш келади. Буюрсанг бас! Мен исмимни атайин ўзгартиргандим.

Неъмат ойига 100 доллар ҳақ олишимни ва бу пулнинг ярмини янги бошлиғимга совға тариқасида бериб туришимни таъкидлади.

- Билиб қўй, - деди Илҳом, - соққанинг ярмини менга берганинг ҳақида бирортасига оғиз очсанг онангни кўрсатаман!

Вақти келиб у билан ҳисоб-китоб қилишни дилимга жо қилиб бош ирғаб қўйдим

- 2 -

Ота-онам вафот этишганда мен тўрт-беш ёшли бола эдим. Шу кунга қадар падару волидамнинг меҳрини соғиниб катта бўлдим. Қариндош-уруғ, оға-иниларимнинг йўқлиги боис маҳалланинг катта кичиклари менинг тарбиямни қишлоғимиз оқсоқоли Фотхуллохон қорининг ихтиёрига топширишганди. Қори эл-юрт олдида мени болалари қаторида кўриб, яхши инсон қилиб ўстиришга ваъда берганди. Ёшлигимдан токи шу кунга қадар тўйиб ухлаганимни эслаш қийин бўлганидек, устимга янги кийим кийганимни ҳам хотирлаш мушкул. Ёлғизлигим учунми, ҳайтовур болалар кўп дўппослашарди. Айниқса, Фотхуллохон қорининг кенжа ўғли учун мен боксчиларнинг кум тўлдирилган қопи вазифасини ўтардим.

Ёшим улғайиб, мактабни битирганимдан сўнг ҳам Фотхуллохон қорининг таъқибидан қочиб қутулолмадим. Маҳаллада бирор нарса йўқолгудек бўлса, албатта, унинг кўрсатмаси билан мен гумондор бўлардим. Айбим йўқлиги исботлангунга қадар милициянинг зах ва кўланса ҳид анқиб турган хонасида «дам» олишимга тўғри келарди. Қанчалик тўғри ва ҳалол яшамай, бари бир қария мендан кир қидиришда, гумонсирашда давом этарди. Одамларни билмадиму, бироқ милиция ходимлари кейинчалик қариянинг ёлғон кўрсатмаларига ишонмай қўйди.

- Бу бўланинг ўғрилиқ қилишига ишонмайман, - бу сўзни милиция бўлими бошлиғи бизни хонасига олиб кирганида Фотхуллохон қорига айтди. - Ота-онасининг ўрнига сиз тарбиялагансиз! Мабодо ўғрилиги исботлангудек бўлса, аввало, сиз жавобгарсиз!

- Кечирасиз, ўртоқ начальник! Шунинг учун ҳам мен олдини олиб, бу ҳақда сизни хабардор қилиб қўйяпман-да! - ўзининг кўрсатмаси исботланмаганидан уялмай, бўш келмасди қария. - Кўзини қаранг, хитирлигини айтиб турипти! Бундан ҳеч қачон яхши одам чиқмайди.

Мана, мени айтди дерсиз. Бу ўғри ё каллакесар бўлади. Мен сизга бир сирни ошкор этай, ёлғон бўлса мана ўзи турипти, айтсин. Бу хумпар беш йилдан бери қўшни қишлоқдаги эронлик одамнинг уйига қатнайди. Яна қачон денг. Шомдан кейин. Кечаси ярим тунда, эл ухлаганда қайтади. Нега кеч келасан, десам порсчани ўрганаётганмиш... Ётоғига кирсангиз эскича китоблар қалашиб ётибди. Хорижнинг таъсирига шу қадар берилиб кетганки, ҳатто эронча қўшиқларни хиргойи қилиб юради. Бунга тезроқ чора кўрилмаса, бугунми-эртами чет элга агентлик қилиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Комилжон Обидов мийиғида кулиб қўйди.

- Амаки, - деди у ниҳоят ўрнидан туриб, қариянинг олдига ўтаркан, - сиз хавотирланманг. Китоб ўқиган, тил ўрганган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмаган. Бу боланинг тарбияси билан бундан буёғига ўзим шуғулланаман.

Фотхуллохон қори бошқа гапирмади. Ўз фикрини ўтказа олмаганига афсуслангандек бошини чайқаб, хонадан чиқиб кетди. Подполковник паст овозда нимадир деди. Англаёлмай қолдим. Сўнг ёнимга келди. Кийимларимга назар ташлади.

- Ҳаммаси ўтиб кетади, ўғлим! - оталарча меҳрибонлик билан елкамга қўл ташлаб шундай деди милиция бошлиғи. - Фақат матонатли ва иродали бўл. Ҳаётимизда Фотхуллохонга ўхшаган одамлар ҳам учраб туради. Мён сени армияга жўнатаман.

Кейинчалик Комилжон Обидовнинг ёрдами билан ҳарбийга - Афғонга жўнаб кетдим... Афғонистонда юрган кезларим Фотхуллохон қори ота-онамдан қолган уйни бузиб, олти сотихли ҳовлимизни ўз томорқасига қўшиб олганди. Қайтганимдан сўнг болалигимнинг ҳиди анқиб турган уйни қайтариб беришини талаб қилиб, Фотхуллохон қори билан юзма-юз бўлдим.

- Мен сени гўдаклигингдан пувалаб катта қилдим! - У илондек вишилаган овоз чиқариб шундай деди. - Болаларим қаторида кўрдим. Емай едирдим. Иштонингни хўлаб қўйганингда мана шу қўлларим билан жирканмай ювиб тозаладим, палит! Энди бўйинг чўзилиб, ҳақингни таниб қолдингми?! Уй керак бўлиб қолдими?! Алмисоқдан қолган бу уй бўрдоқига боқаётган тўртта молимни босиб ҳаром ўлдирди! Буларнинг ҳаммасини тўлайсан. Бир миллион тўла, пожалиста, ҳозироқ ҳовлингни қайтариб бераман! Унғача мана! - Фотхуллохон қори бошмадоғини икки бармоғининг орасидан чиқариб кўзларимга яқин келтирди. - Бор, қайга борсанг, боравер! Ҳу, бетинг курсин! Нонкўр!

Шундан сўнг Фотхуллохон қорининг уйини тарк этдим. Узоқ

қариндошимиз Атиқахон кампирникига кўчиб ўтдим. Бу орада Комилжон Обидов ички ишлар вазирлигига ишга ўтиб кетганди. Фотхуллохон қори эса маҳалла оқсоқоли вазифасида ишларди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан бирига ишга кираётганимни эшитган Фотхуллохон қори ёруғликдан қочиб, зулмат сари талпинган бургадек типирчилаб қолди. Менга берган тавсифномасида у армияга кетишдан олдин ўғирлик қилиб уч-тўрт мартаба қўлга тушганим, хорижлик кишилар билан алоқада бўлганим ҳақида кўрсатма берганди.

- Афсуски, тавсифномада кўрсатилган пактларни ёлғон деёлмайман, милициянинг вақтинча ушлаб туриш изоляторида ётганингиз пакт, - деди мени ўрганиш учун келган зобит ўта муҳим сирни ошкор этаётгандек қулоғим остида шивирлаб. - Дафтарда фамилиянгиз қайд қилинган!

- Ўғрилигим исботланмаган-ку?!

- Исботланмагани билан сизни қўйиб юбориб, ортингиздан кузатган бўлишлари мумкин. Фотхуллохон қори сизни ўз кафолатига олгани ҳақида унинг кўрсатмаси бор!

- Бари бир факт тасдиқланмаган, - бўш келмасдим мен ҳам. - Бунинг устига судланмаганман!

- Бу ёғи бизнинг ишимиз эмас! Хуллас, сафимизда ишлайдиган одам қуёш нуридек пок бўлиши шарт.

У бошқа гапирмади. Кинояомуз жилмайиб, қизил папкасини қўлтиғига қистириб жўнаб кетди.

Ўзимни оқлаш ва ҳақлигимни исботлаш оғир ҳамда фойдасиз эди. Шу тариқа яхши ниятларим, орзу-истакларим ушалмай, армон деган тошга айланиб қолди.

Фотхуллохон қори нафақат маънавий жиҳатдан юрагимга озор етказган, балки келажагимга ҳам қора тамға босганди! Бу унинг галабаси эди. Бу унга нима учун керак бўлиб қолди?! Олти сотих ер учунми?! Бу тўғрисида кейин.

- 3 -

Ўн бешта чодир яйловга сочиб юборилган гугурт қутиларини эслатади. Уларнинг ҳар бирида йигирмадан ортиқ жангарилар яшарди. Юпқа кўрпа ва одеялар уларни тоғнинг салқин ҳавосидан иссиқ сақлолмасди. Ичимлик суви, озиқ-овқат етишмасди. Доридармоннинг йўқлиги сабабли беморлар тўшакка миҳланиб ётганича ҳаётларининг сўнги лаҳзасини қўрқинч ила кутишарди.

Четдаги иккита чодир кексалар ва беморлар учун ажратилган: ранглари сарғайиб, эти устихонига ёпишиб қолган касаллар нури кетиб, сўниб бораётган кўзларини чодир эшигига қадаб ётишарди. Ҳар гал эшик очилганда уларнинг маънос кўзларида ёниб тугаётган шамнинг ўчиш олдидан лоп этиб, сўнги шуъласини сочганига ўхшаш учкун пайдо бўларди. Бир пиёла қайноқ чой, бир бурда нон уларнинг энг охириги орзусига айланиб қолганди. Қариялар - ўрта асрларда сабоқ олаётган талабалар сингари ерга давра қуриб ўтирганча қўпоровчилик, уйдирма, бўҳтон, давлатга қарши турли миш-мишлар тарқатиш борасида сабоқ олишарди. Ажал билан олишиб ётган шерикларининг қисмати бугун - эрта ўз бошларига ҳам соя ташлашидан хавотирда эдилар. Улар юзларига жилмайиб турган одам қиёфасидаги ниқобда бир-бирлари билан хушмуомалалик ила суҳбатлашардилар. Одамни афсунгардек сеҳрлаб олишга устаси фаранг бўлиб кетишганди...

Хорижлик йўриқчилар ёшларнинг қалбидаги инсоний меҳр-муҳаббат туйғуларини суғуриб олишга, улар ўрнига ёвузлик, шафқатсизлик, манқуртлик уруғини ташлашга тиш тирноқлари билан ҳаракат қиладилар. Ўспиринлар кимларнингдир ширин сўзига, алдовига, ёлғон ваъдасига учиб бу ерга келишган. Ортага қайтиш, қочиш - бу бўйнига ўз қўли билан сиртмоқ солиш демақдир. Қочишга уринганлар, бошлиқни лаънатлаганлар одам боласи тасаввурига сиғдирмаган азоб-уқубатларга дучор бўлиб ўлиб кетишарди.

Лагерга янги келганлар бошлиқнинг ишончини қозонгунга қадар махсус рақам ёки исм билан чақириларди. Менга 26-рақам берилган бўлиб, назаримда бу қандайдир рамзий маънога эга эди. Кейинроқ билдимки, охири 6 рақами билан тугайдиган сонлар синовдагиларга эмас, балки, хорижлик келгиндиларга берилар экан.

Ўтаётган дақиқалар олтидан қиммат эди. Қорнимга боғлаб олган дафтар тақдири мени ташвишга солар, мисоли чўғдек танамни ёндирарди. Кун сайин оғирлашиб бораётгандек туюларди. Уни зудлик билан Ватанга етказиш фикри хаёлимдан кетмасди. Қочишни ўйлардим. Имконият излардим. Бироқ бунинг иложи йўқ. Атроф-теварақ ўргимчак тўрига ўхшаш пистирмалар билан ўралганди. Қолаверса, келган кунимоқ ортимдан айғоқчилар тушганди. Улар соядек эргашиб, мени кузатиб юришарди, айғоқчиларнинг кўпи тажрибасизлиги учунми ёки менинг синчковлигим боисми ўзларини сездириб қўйишарди. Рўпара келган ёки ортимдан эргашган одамнинг, албатта, юзидаги, қўл-оёғидаги, юришидаги, сўзларидаги бирор белгини илғаб олардим. Бу уларни фарқлашимда қўл келарди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, шомга яқин Неъмат йўқлаётганини айтишди. Илҳом унинг чодирига бошлаб ўтди. Эшик олдида тиш-тирноғига қурулланган соқчилар турарди.

Илҳом мени остонада қолдириб, ўзи чодирга кириб кетди. Эшик очилганда ичкаридаги қўланса ҳид кўнглимни беҳузур қилди. Қулогимга гўнғир-гўнғир овоз чалинди:

- Бирор сўз айтмадимми?

- Айтмади хўжайин. - Бу Неъматнинг овози эди. - Оёғига мих қоқдим. Кўкрагини кесиб ташладим, бари бир гапирмади!

- Ўлдириб чакки қилибсан. Ичимизда одами бўлиши керак. Ерлик одамларнинг ортидан ишончли йигитларимизни кўй. Босган қадами-ни кузатишсин!

- Хўжайин, - деди Неъмат ва бир лаҳза жимликдан сўнг гапида давом этди. - Кўкрагини кесаётганимда «ота-она» деб ўзимизнинг тилимизда жовради. Ўзбек экан. Одами ўзимизникилардан бўлиши керак.

- Шундай де.

Неъмат ичкаридан чиқиб мени чодир ортига бошлаб ўтди.

- Мановини четроққа об чиқиб, кўмиб ке! - деди устига яшил мато ташланган мурдани кўрсатиб. У бошқа гапирмай ортига қайтди. Эгнидаги лозими, яланг оёғи мурданинг аёл киши эканлигини билдирарди. Ҳаво ранг кўйлаги кўзимга иссиқ кўринди. Мурданинг юзига ташланган матони кўтардим. Миямга ўқ теккандек қалқиб, ўзимни йўқотиб қўяёздим. Юрагим бир лаҳза тўхтаб қолгандек, вужудимни совуқ тер қолади. Бу Лайлонинг жасади эди. Қизни кўп азоблашгани қонга беланган танасидан билиниб турарди. Эгнидаги кўйлаги калтак зарбидан йиртилиб, оппоқ бадани моматалоқ бўлиб, кўкариб кетганди. Унинг икки кўкраги кесилганди. Бечоранинг увол бўлган ёш умрига мен завола бўлмадимми?! Шу аҳволга тушишига мен айбдор эмасманми?! Ота-онасининг ўша кунги қувончлари, болам деб эркалашлари кўз олдимда намоён бўлди. Кўзларимга ёш тўлди. Йиғлаб юбормаслигим учун лабларимни тишладим.

Лайлонинг жасадини кўтариб тепалик сари тирмашдим. Бизпи илк бор учраштирган, таништирган заранг дарахти ёнидан қабр учун жой танладим. Ортимдан эргашиб келган ёшгина йигит иккимиз гўр қазидик. Қуёш ботиб, осмонга ой кўтарилганда Лайлони тупроққа қўйдим. Қўйлагининг ёқасига қадаб олган қалампир мунчоғини эсдалик учун олиб қўйдим. Токи босган қадамимда унинг руҳи ёр бўлсин! Вақти келиб унинг қотилидан қасос олишга онт ичдим. Қуръон тиловат қилиб, ўрнимдан тураётганимда Лайлонинг «Сиз

ўзбексиз», деган сўзи қулоғим остида яна бир бор жаранглади. Ўзбеклигимни у қаердан билди? Қайси ҳаракатларим туфайли сездириб қўйдим?! Бу саволлар шу кунга қадар ўйлантиради.

Ўрнимдан тураётганимда қулоғимга тошнинг «чирс» этган товуши чалинди. Овоз келган томонга қарадим. Шохлар орасида энкайиб кетаётаган кимсани кўриб қолдим. Лайлонинг жасадини бу ерга кўмиб, хатога йўл қўймадимми, деган савол миямга игнадек санчилди.

- Нотаниш аёлнинг жасадини иззат-икром билан кўмдингиз. Бизлар эса бундай қилмаймиз, мурдаларни дуч келган жаргами ёки чуқургами ташлаб кетаверамиз. Қузғунлар еб кетади, - деди ҳамроҳим ортга қайтаётганимизда. Бироқ мен унинг сўзига тушунмагандек елка қисдим. Жим кетиш тўғри келмасди. Соддадил бу йигитни гапга тутишим, ҳеч бўлмаганда исмини билишим шарт эди.

- Исми шумо чист, бача?!

Йигит тожик тилини билмасди. Бироқ исмини сўраётганимни пайқади.

- Ботир, - деди секингина.

- Аст гужо?! - имкон қадар тушунарли бўлиши учун шу икки сўзни алоҳида талаффуз қилдим.

- Гапингизга тушунаману, аммо жавоб қайтаролмайман! Хомихо, қаерданлигимни сўраётгандирсиз?! Водийданман!

Ўзга элнинг тупроғида, душманлар орасида ҳамюртинг билан юзма-юз келиш тасвирлаб бўлмас ҳолатдир. Баданим жимирлаб, этим увишиб кетди. Унга қандай тез ўгирилиб қараган бўлсам, шундай тезлик билан нигоҳимни ўзга томонга олиб қочдим. Бошқа гапирмадим.

Пастга тушганимизда соқчилар алмашиб, уларнинг ўрнини бошқалари эгаллашганди. Афтидан, улар биз бажариб келаётган ишдан воқиф эдилар.

- Намунча ҳаяллаб қодиларинг? - сўради ўзбек тилида озғин, новча бўйли мўйловдор йигит. Хаёл гирдобига чўмганим боис ўзбек тилида жавоб қайтаришимга бир баҳя қолди. Тезгина тилимни тишларим орасига олдим.

- Ер тошлоқ экан, гўр қазиш азоб бўлди, - деди Ботир ва бошқа сўз айтмай ўз чодирини томон ўтиб кетди. У кўзимга анча маънос ва ғамгин кўринди.

Вужудимни ҳижрон ва айрилиқ ўти азобларди. Ичимда ёнаётган чўғ танамга ёйилганди. Бироқ мен ўзимни саҳнада эканлигимни ҳар қандай шароитда ҳам унутмаслигим шарт эди. Жилмайдим.

- Ичишга бирор нарсанг борми?! - сўрадим қоровул йигитдан. У менинг сўзимни тушунмади. Имо-ишора билан сув бергин, дея уқтирдим. Йигит сув идишни тутди. Тошга ўтириб чанқоғимни қондирдим. Асабларим бироз бўшашди.

- Шамси, ким билан гаплашяпсан?! - чодирнинг орқа томонидан дўриллаган овоз эшитилди.

- Ўзимизники, - жавоб қилди Шамси.

Тонг узоқ. Йигитни гапга тутишим керак. Вақт мен учун ҳамма нарсадан устун турарди. Имкон қадар бу ердаги ҳар бир одамнинг исмини, қаердан келганлигини аниқлашим лозим. Бахтга қарши Шамсининг тил билмаслиги-ю, мени тил била туриб гаплаша олмаслигим алам қиларди. Хиёл ўтмай боя чодир ортидан сўзлаган йигит кўринди.

- Тожикмисан?! - деди у тожик тилида.

- Афғонман!

- Бизнинг ичимизда нега тентираб юрибсан?!

Назаримда у мени бу ерга янги келганимдан беҳабар эди.

- Сенинг одамларинг тутиб олишди.

Йигит сувдондан сув ичди.

- Дамингни ол, - деди у Шамсига қараб, - керак бўлсанг уйғотаман.

- Вақтлироқ уйғотарсиз, Умар ака! - Шамси шундай деб чодир ортига ўтиб кетди.

Умарга разм солдим. Тароқ тегмай ўсиб кетган соқоли юзини қоплаган. Мовий кўзлари гўё кул ичида милтираб турган чўққа ўхшарди. Бургутнинг тумшугини эслатувчи бурнининг учи кўринарди, холос. Оёғидаги оқ «адидас» эътиборимни тортди. Боя дарахтлар остидан эмаклаб ўтган одамнинг оёғида ҳам шунга ўхшаш пойафзал борлигини эсладим. Демак, изимга тушганлардан бири шу!

- Пул ишламоқчиман, дегин? - узилиб қолган суҳбатимизни давом эттирди Умар. - Қанчага келишдиларинг?!

У кўзларимга тикилганча савол берарди. Юзимда бирор ўзгариш ёки тилимдан тутилишимни кутарди. Ҳақиқатдан ҳам у ортимдан тушган айғоқчи эканлигини, ўзининг дастлабки чиғириғидан ўтказанганини пайқадим.

- 200 данга, - дедим овозимга сирли тус бериб. Гўёки бу пул мен учун кўпдек.

- Гувитинг борми?

Ёнимдаги гугурт ҳадеганда ёнавермади. Қарши томондан эсаётган эпкин ўт олдиришимга имкон бермасди.

- Нима бало, умрингда гувит чақмаганмисан, - қўлимдаги гугуртни юлқиб олди Умар.

Наша ҳиди ҳавони тутди.

- Милтиқ отишни биласанми?!

- Шўроларга қарши урушда қатнашганман!

Умар ишонқирамагандек менга ғалати қаради. Тепамизда осилиб турган ой атроф-теваракни сутдек ёритарди. Ҳамсуҳбатимнинг афт-ангори бемалол кўзга ташланиб турарди.

- Нега толибонларга қўшилиб кетмадинг?!

- Тўрт йил уларнинг орқасидан эргашиб, бирим икки бўлмади. Сариқ чақа орттиролмадим. Уйда ота-онам оч, қўлимга қараб ўтиришган бўлса...

- Улар сени бекорга қўйиб юбормагандир?! - Кетма-кет савол ёғдирган Умар нозик жойимдан тутишни хоҳларди.

- Боя айтдим-ку, сариқ чақа ҳам ишлолмадим деб. Бекорга мушук офтобга чиқмайди. Иложини қилиб, қочдим-да! Ўлиб кетсам, ким менга ачинади. Балки бу ёғига ўзинг қўллаб юборарсан.

- Нимага, нима учун сени қўллаб юборишим керак?! - Кутилмаганда Умарнинг важоҳати ўзгарди.

- Кўпроқ пул ишлашимга-да, - дедим шоша-пиша.

- Бу ўзингга боғлиқ. Садоқат билан ишласанг бас. Бой-бадавлат бўлиб кетасан. Бу дунёда ҳамма нарса пул билан ўлчанадиган бўлиб кетган. Пуддор дунёга эга экан. Бошлигимиз шундай деган. Билдингми, у ақлли одам. Олдиндан билади. Кўзингга қараб, кўнглингдаги гапни уқиб олади. - Умар бир лаҳза жим қолди. Ширин энтиқди, - Хўжайин амир бўлсалар, мен банкнинг бошлиғи бўламан! Ўзлари айтганлар...

- Мен ҳам сенга ўхшаб пулни жон дилимдан яхши кўраман. Болалигимда дунёнинг энг катта бойи бўлишни орзу қилардим. Афсуски, шу ёшгача бир танга ҳам ортиролмадим. - Бу сўзни ички бир дард, армон билан айтдим-ки, ҳатто овозим ҳам ўзимга нотанишдек туюлди.

- Афсусланма, - бош силкиб деди Умар, - ҳали кеч эмас. Имконият қўлингда. Бунинг учун одам темирдек қаттиқ, бемеҳр бўлиши керак. Сен менга ёқиб қолдинг. Бошлиқ билан гаплашаман. Хўп деса ўзимга шерик қилиб оламан.

- Кошки эди, - севинчимни яширолмай Умарнинг елкасига қўл ташлади... - Бу яхшилигингни ўла-ўлгунимча унутмасдим ошна... Бирга бўлсак, ниятимга етишимга ишонаман!

Умар бир сония ўйланди, унинг ҳозиргина чақнаб турган кўзлари бирдан маънос тортиб қолди. Ниҳоят у бошини мен томонга буриб деди.

- Сен билан бажарадиган муҳим бир иш бор.

- Қанақа иш? - сўрадим.

- Буни кейин айтаман, - деди ва ўрнидан туриб чодир томон илдам юриб кетди.

- 4 -

Лайлонинг отаси томонидан туҳфа этилган дафтар ҳақида икки калима сўз айтиш имконияти келди.

Дафтар кимники?! Ким томонидан юритилган?! Ундан кимлар хабардор?! Нега қабристонда тушириб қолдирилди? Уни йўқотган кимсанинг тақдири нима кечди?! Ҳар қандай давлатнинг маҳфий хизмат маҳкамаси исталган нархга сотиб олиши мумкин бўлган бу дафтарнинг тақдири билан энди ҳеч ким қизиқмай қўйдими?! Бошимни қотирган бу саволларга жавоб тополмасдим.

... Бошлиқнинг хонасига кириб чиқаётган ҳар бир одам диққатимни тортарди. Тўғри, бир кунда 15-20 га яқин қароқчи қон ҳиди уфириб турган совуқ бу кулбага ташриф буюради. Ташқаридан қараганда улар ёзув-чизувдан йироқ кўринарди. Боз устига ёнларида ёзув қуролини учратмадим ҳам. Уларнинг кўзларида ички кўрқув ёки шунга ўхшаш ҳисни пайқаш амримаҳол. Қиёфалари қалтакесадек тез ўзгаради. Бошлиқнинг ҳузурида узок ўтиришмайди. Улар ўз ватандошларининг қалбига қўл солиб, уларнинг тилидан чиққан сўзларни қулоқларига илиб раҳнамога етказишга ошиққан айғоқчилар эди.

Хўжайиннинг хонасига тез-тез кириб чиқадиганлар уч киши эди. Неъмат, Умар, Илҳом! Бу учлик худди Бермуд учбурчагидек сирли эди. Ўзларини атроф-теварақда бўлаётган ишлардан беҳабардек кўрсатишса-да, аслида, шерикларини қийнаш, таҳқирлаш, талончилик, айнан мана шу уч шахснинг кўрсатмаси билан амалга ошириларди.

Мана шу учликдан бири дафтарнинг эгаси, деган хулосага келдим.

Дафтарни ким томонидан юритилишини аниқлаш менинг вазифам эмасди. Муҳими уни Ватанга жўнатиш эди. Қандай қилиб? Бунинг учун бирор йўл топиш лозим...

Қочишнинг иложи йўқ. Ўргимчак тўрига ўхшаш яширин постларда хўжайиннинг садоқатли соқчилари осмондан учиб ўтаётган қушларнинг ҳам ҳисобини олишади. Боз устига ортимдан тушган айғоқчилар

қадамимни ўлчаб юришибди. Таваккал қилгани эса хатарли...

Дафтарнинг илк саҳифасида бу ерда жанговар тайёргарлик кўраётган 105 нафар жангарининг рўйхати берилган бўлиб, уларнинг исми-шарифи, қаердан келгани, нима ишлар қилиши кўрсатилганди. Иккинчи саҳифада ёлланган, пулга сотилган ватанфурушларнинг рўйхати тузилган. Учрашув жойлари, қўлланадиган махсус сўзлар кўрсатилган. Қўшни мамлакатларнинг чегара худудларидаги яширин йўللardan ўтиб, юртимизда каламушдек яширилиб, иншоона иш кўраётган шахсларга кўп миқдорда ўқ отар қуроллари, портлатгич мосламалари етказиб берилган. Қурол-аслаҳаларининг рўйхати ҳам шу дафтарда берилган.

Катта миқдордаги қурол-аслаҳани тоғлар орасида беркиниб ётган бу кимсалар қаердан, нима эвазига олишмоқда?! Бу саволга дафтарнинг ўрталаридан жавоб топдим. Ўзбекистоннинг ер остки-устки бойликлари, тилла конлари, нефть қазиб олинаётган қудуқлар, завод-фабрикалар, тарихий ёдгорликлар, худди қиморга тикилгандек қурол-аслаҳа ва маблағ эвазига хорижий шахсларга ҳадя қилинганди.

Мен жангариларни тўрт тоифага бўлдим: турли диний оқимга берилган, тарихнинг вилдирагини ортга буришга интилаётган экстремистлар, собиқ Иттифоқни қўмсаб, бургага таланиб ётган хаёл-парастлар, юқори мансабдан настга тушиб, ҳар бир ютуғимиздан қора доғ излаётган, тараққиётимиз қанотига кишан бўлган маншоплар, амал-мансаб учун халқнинг рискун насибасини қирқиб, сариқ чақага нймон-эътиқодини сотишга тайёр турган порахўрлар. Мана шу тўрт унсур бирлашиб терроризм деган офатнинг ўзагини ташкил этган.

- 5 -

... Ўша тул осмонга ҳилол чиқмади. Юлдузлар жамол кўрсатмади. Кун бўйи бўш чодирлардан бирида қаердандир келтирилган қора дорини махсус идишларга жойлаш билан банд бўлдик. Ўнга яқин ёшлар бу ишга жалб этилганди. Нашанинг ўткир ҳиди кўнгилни беҳузур қиларди. Вақти-вақти билан бу ерга мана шундай ажал уруғи келтирилиб махсус пакетларга жойлаштирилиб, яна қаёққадир жўнатилиши ҳақида хабар топганман. Афғонистонда хизмат қилиб юрган кезларим бундай ажал уруғларига кўп дуч келганман. Наша мамлакатининг жанубига кўп жиларди. Бу ернинг иқлими наша етштиришга қулай.

Лайлони дафн этганимдан сўнг Ботирни йўқотиб қўйгандим. Ёшлар орасидан бир-икки изладим. Тополмадим. Бугун у чодирнинг эгагида - пакетлардаги қора дорини қутиларга жойлаб ўтирарди. Қўли ифлос нарсани ушлашдан ҳазар қилгандек зўрға ишга борарди. У бир ҳафта бурун мен учратган Ботирга ўхшамасди. Озиб-тўзиб юзи сарғайиб, кўзлари киртайиб кетганди.

Кўп ўтмай чодир ичи қизиби кетди. Хонани наша ҳиди тутганди. Кўнгилни беҳузур қилувчи ис йигитларга таъсир ўтказганди.

Уларнинг баъзилари йўталар, кайфи ошганлари кўшиқ айтар, бошқа бири қоринни чангаллаб қотиб-қотиб куларди. Эшикка яқин турганим сабабли ташқаридан кираётган эпкин наша ҳидини ичкарига ҳайдарди. Таъсир кучини кесарди.

Ботир маст бўлганди. Бошини чангаллаганча ўтирарди. Кейин аста-секин йиғлай бошлади. Гоҳ отасининг, гоҳ онасининг, укаларининг номини айтиб бўзларди. Нима қилаётганини ва нима деяётганини ўзи билмасди. Унинг олдига ўтиш, юнагиш бефойда. Бирдап бир чора ўзим ўтирган жойга олиб ўтиш эди. Ботирни олиб ўтдим. Бироқ бунинг фойдаси йўқ эди. У оёғида туролмасди. Ҳамон йиғларди, гоҳ отасининг, гоҳ онасининг номини айтиб чақирарди.

Кўзим уйқуга илинган экан. Кимдир совуқ қўлини пешонамга босди.

- Тезроқ тур, - бу ингичка овоз Шамсиники эди. - Энангни эмгур, Умар ака чақиряптилар!!! - у ярим ўзбекча, ярим тожикча сўзларди.

Ўрнимдан туриб кийиндим. Хона қора дорининг бадбўй, ҳидига тўлганди. Бу йигитларнинг ўпкасидан чиқарди.

Шамси мени чодир ортига бошлади. Тун қоронғу, кўз оёқ остини зўрға илғайди. Харсанг тош устида ўтирган Умар шарпамни эшитиб ўрнидан турди.

- Сени бошлиқ сўраяпти, - деди у Шамси кетгач. - Нима деса ҳўп дегин. Қайсар одампи ёқтирмайди. Сен ҳақингда яхши гапларни айтганман. Библи кўй, вақти келганда бу яхшилигимни қайтарасан. Иккимиз бажарадиган муҳим иш бор. Тагин оғзингдан гуллаб юрма!

- Тушунарли, - дедим хурсанд бўлгандек, - ўзингга ишонгандек менга ҳам ишонавер!

Бу ерга келганимга бир ойдан ўтган бўлса-да, ҳали бошлиқ билан рўпара келганим йўқ эди. Бироқ у ҳақда кўп маълумотларни тўплаб, дафтарнинг бир четига ёзиб қўйганман. Булар қанчалик ҳақ ёки ноҳақ - менга қоронғу. Аммо бу ердагиларнинг фикрини умумлаштириб, мен тўплаган маълумотларга таққослайдиган бўлсам, унинг

гуноҳини ювиш учун ер куррасидаги сув етмаслигига иймоним комил! Шу ўринда эшитганларимни сўзлаб беришни лозим топдим:

- 6 -

...Эргалабки соат ўн бирлар чамасида шаҳар темир йўл бекати олдида Охунбобоев кўчасидан чиққан сариқ «Москвич» машиналар оқимидан ажралиб, четда тўхтади. Орқа ўриндиқда ўтирган икки нафар милиция зобити оёғи остида ётган 3-4 дона тўппонча ўқини кўриб, ҳайдовчини тўхташга мажбур қилганди. Абдуғаффор буни сизди. У зобитларнинг бир-бирига маъноли қараб, оёқ остидаги ўққа ишора қилишганини рўпарасидаги ойнадан кўрганди.

У машина тўхтар-тўхтамас қўйнидан тўппонча чиқариб, зобитларга қарата ўқ узди. Кейин машинадан отилиб чиқди-да, ўзини оломон ичига урди. Қизиқ, одамлар қотилни ушлаш учун эмас, қонга беланиб ётган милиция ходимларига ёрдамга ошиқишарди.

Абдуғаффор вилоят халқ таълими бўлими биноси орғидаги анорзордан паноҳ топди. Тез чопганидан ўпкаси шишиб кетганди. Ҳансирарди. Кекса анорнинг панасида чўзилиб ётар экан, қаёққа қочип кераклигини ўйлади. Яна бир соатлардан сўнг ички ишлар бошқармаси ходимлари оёққа туришини, барча йўлларга кучайтирилган милиция постлари қўйилиб, ҳар бир машина текширилишини яхши тушунарди. Вақт эса зиқ.

Абдуғаффор ўрнидан турди. Қабристон томон юрди. У атрофга мушукдек олазарак боқиб борарди. Гўёки ортидан биров таъқиб қилаётгандек. Тиқ этган товуш қулоғига ваҳимали эшитиларди. Учакишгандек ўша кун мақбарада ҳеч ким йўқ эди. Ичкарида уч-тўрт дона янги чопоп, меҳробда оқ салла, пойгақда эса ковушлар турарди.

У худди катта маросимдап қайтаётган мулладек асфальт йўл ёқасида пайдо бўлди. Ишорасига яшил «Дамас» ёнига келиб тўхтади ва бир зумда уни «Лола» бекатига ташлаб ўтди. Бекатда одам гавжум эди. Бошидаги салласининг ҳурмати туфайли кўпчилик унга йўл бўшагар, кўлини кўнсига босиб салом берарди. Ички қўрқув ва таҳлика остида ранги оқариб, қаттиқроқ акса урган кишидан чўчиб тушаётган бу кимсанинг юзига боқишга одам ботинолмасди. Ана шундай иззат-икром билан у Андижонга йўл олаётган таксига ўтирди. Секингина ортига бурилди. Ҳеч ким таъқиб қилмаётганига ишонч ҳосил қилиб, ўриндиққа бемалолроқ ўрнашиб олди...

Кечки соат ўнларда Ўшга етиб келди. Манас кўчасида яшовчи Боқижон исми шахсининг кўча эшигини тақиллатди. Уй эгасининг

эрта ётиш одати йўқ. Бироқ эл кўзидан яширин қиладиган ишни бор. Хориждан келтирилган varaқаларни тарқатишга тайёрлаётган эди. Боқижоннинг кўнглига гулгула тушди. Шонша-пиша қоғозларни йиғиштириб, ташқарига чиқди.

- Ким?! - енгил томоқ қириб овоз қилди Боқижон.

- Мусофирман, йўлдан адашдим! - аянчли овозда жавоб қайтарди Абдуғаффор. Бу дўстлар ўртасида ишлатиладиган ўрон (парол) эди. Боқижон эшикни очди. Абдуғаффорни кўриб уни ичкарига олди.

Эртаси кун тонг ёришгач Абдуғаффор биродаридан озроқ қарз кўтариб, Тожикистон томон йўл олди. Боқижон дўстларга дуо айтиб, кузатиб қўйди. Тожикистонда уни Эргашбой кутиб олди. У дўстининг қўли қонга беланиб келганидан хабар топганди.

- Аламим ичимда қолди, - Абдуғаффор дўстининг мақтовидан бироз талтайиб. - Режалаштирган ишларим кўп эди. Фалокат оёқ остида деганлар шуну бўлса керак-да! Ҳар кунни машинанинг уёқ-бўёғига қараб қўядиган одам...

- Қўй, диққат бўлма. Муҳими ташнинг соғ-саломат, сафимиздасан... Ўша лавнатиларнинг қўлига тушганингда ҳолинг не кечарди. Худонинг асрагани шу! - Эргашбой дўстининг олкасига қўл ташлади. - Уч-тўрт кун даминини ол, ҳаммаси эсдан чиқиб кетади. Айтмоқчи, худо хоҳласа, шу ҳафтада тўй қиламиз. Ёнимда бўласан!

- Тўй?! Қанақа тўй, кимга?!

- Уйлавишман. Ҳожи отам Тоғли Бадахшоннинг энг гўзал қизига уланштириб қўйганлар.

- Қойил! Табриклайман. Илоҳим, бахтли бўл. Болаларнинг ҳам ўзинга ўхшаган йигит бўлсин!

Улар узоқ суҳбат қурдилар. Эргашбой дўстининг олдидан жилгисин келмасди. Уни кўриб Ватан ҳидини туйгандек бўлди. Хотирасида унутилиб бораётган болаликдаги дўстлари, танишлари жонланди. Ҳаётида илк бор қиладиган ишнинг бесамар эканлигини тап олди. Ёшлагина уф тортиб қўйди...

Ўша йили тоғли Бадахшон воҳасига совуқ барвақт тушди. Икки кун бурун қор ёниб, ҳамма ёқ оқ тўшак остида қолганди. 70 дан зиёд жангарилар танг аҳволда эди. Озиқ-овқат тугаган. Ётоқлар совуқ. Устки кийим, кўрна-тўшак етишмайди. Эргашбой тўйини ўтказиб, бу ердаги ишларни Абдуғаффорга топшириб, Покистонга жўнаб кетди. Шу кетганича уч ой йўқ бўлиб кетди.

Очлик ва йўқчилик жангариларнинг сабр косасини тўлдирганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қўли қонга беланмаган, жангарилар сафига адашиб кириб қолган ёшларнинг гуноҳини

кечиш тўғрисида»ги амнистияси деярли кун ора радио орқали эшиттириларди. Қўрқув, ҳадик зим-зиё айлаган ёшларнинг қалбида умид учқуни ялтиради. Юраклари Ватанга талшарди. Зулмат пардалари кўтарилиб, соғинч уйғонди. Ўша туи ўн олти ўсирин Ватанга қайтишга аҳд қилди. Лекин тажрибасиз, тоғ йўлини яхши билмайдиган йигитлар Абдуғаффорнинг пистирмасига дуч келди. Бироқ қочоқлар тавба-тазарру қилишни, тиш қайраб турган Абдуғаффорнинг оёғига тиз чўкишни истамадилар.

- Қайтсанг, ҳаммангни отадилар, бошингга ит азобини соладилар. Электр курсига ўтказадилар, - ўшқирди Абдуғаффор.

- Ўлсак, Ватан кучоғида ўлайлик, унинг ҳидини ҳидлаб ўлайлик! Жисмимиз юрт тупроғига қўйилса, шунинг ўзи катта шараф...

- Йўқ! - Мушт бўлиб тугилган қўлини балан кўтариб қичқирди Абдуғаффор. - Сенлар шу ерда ўласанлар! Жонингни ўзим оламан! Жасадингни кузғуну қарғалар ейди. Мозорингнинг тайини бўлмайди.

Абдуғаффорнинг амри билан ўн олти йигитнинг қўли боғланди. Бу ҳаммага ибрат бўлсин, ўзгалар қочишни ҳасолига келтирмасин, деган ўй билан ўн олти йигитнинг боши узилди. Тошлар устида бувриққан қон оқди. Узилган бошлар танадан анча нарига тушди. Дунё гўзаллигига тўймаган кўзлар очик қолди. Бир санам ишқида ёниб улгурмаган ўн олти юрак мангуга тўхтади. Бу ваҳшийликни кўриб кўнларнинг кўзидан ёш оқди. Кимдир ҳушдан кетди. Кимдир нафратини яширолмай қичқирди. Ўн олти йигитнинг жасади шундай қолди. Уларни кўмишга ҳеч ким журъат этолмади. Бу мудҳиш воқеа ўша кун дунёга ёйилди.

Эргашбой зудлик билан Покистондан қайтди. У дўстидан бу қадар ваҳшийлик ва қонхўрликни кутмаганди.

- Яхши иш қилмадинг! Бутун дунёга шарманда бўлдик! - деди у вазминлик билан.

- Менга бунинг қизиги йўқ! - бенисандлик билан жавоб қайтарди Абдуғаффор.

- Одамларнинг бизга бўлган ишончи сўнди! Бизни қонхўр, деб аташади.

- Менга хоин қочоқлар керак эмас. Битта бўлса ҳам мард қолсин! - Абдуғаффор асабийланиб, курсига мушт урди...

Эртаси Эргашбой бошлиғининг буйруғи билан Абдуғаффорни Афғонистонга ўтказиб юборди. Бунинг икки сабаби бор эди:

Биринчидан, вақтинча уни кўздан яшириш, лагерда исён кўтарилишининг олдини олиш;

Иккинчидан, Афғонистонда тайёргарлик кўраётган бир гуруҳ жангарилар ўртасида тартибни изга солиш. Бағритош одам у ерга ҳаводек зарур эди.

Мен билган ва эшитганларимнинг бари эди бу. Ўша хунхўрнинг ҳузурига кириб борар эканман, ўзимни қўлга олишга, юрагимдаги нафратни сездириб қўймасликка, ҳаяжонимни босишга, бошлиқнинг эътиборини қозонишга ҳаракат қилдим.

Хўжайин мени кутилмаган қиёфада кутиб олди. У соч-соқоли тўзиб, ярим яланғоч ҳолда турарди. Ўлжа кутаётган қашқирдек, йўғон бўйнини елкасига қисиб, менга тикилди. Қўлимни кўксимга қўйиб, унинг нигоҳидан кўз узмадим. Тепадаги чироқ шуъласида бадани чўяндек қорайиб кўринарди. У курси устидаги ўттиз етти калибри «Кобра» пистолетини қўлига олди. Учيني менга тўғрилади.

- Исминг нима! - йўғон овозда деди хўжайин.

- Аҳмад! - қўрқув ва ҳаяжон босган кишидек паст, титроқ овозда жавоб қайтардим.

- Гап бундай, Аҳмад, - хўжайин «Кобра»ни жойига қўйиб, гап бошлади. У форсча сўзларни яхши талаффуз этолмасди. Бироқ фикрини тушунса бўларди. - Сен ҳақингда ҳамма гапни эшитдим, эртадан бошлаб лагерга сув ташийсан.

- Бош устига, хўжайин!

- Бу ҳаммаси эмас, - хўжайин ўрнидан турди, қўлини курси четига тираб сўзида давом этди. - Сув баҳона маҳаллий халқ ичидан таниш орттирасан. Уларнинг қўйнига кирасан, сирини олишга урин. Кимнинг уйда мол-қўйи, дон-дуни, ғалласи бор, шуларни аниқлайсан. Биз билан алоқада бўлганингни сездирма! Тушундингми?!

- Бир оғиз гапингиз. Бундай ишларни уйдлашга устаси фарангман.

- Локин қочишни ҳаёлингга келтирма! Ернинг остига кирсанг ҳам топанан! Билдинг?!

- Туз-понингизни едим, яхшилигингизни кўрдим. Қўлимга уч-тўрт танга пул тушди, хоинлик қилсам худога хуш келмас, хўжайин!

- Айтдим, қўйдим!

Бошлиқ беписандлик билан айтган бу сўзнинг замирида аччиқ кесатиқ зоҳир эди. Ортимдан айғоқчи қўйишга ишора эди бу.

- Худо хайрингизни берсин.

- Яна бир гап, ичимизда беш-ўнта хорижлик болалар бор. Уларга кўз-қулоқ бўлиб тур. Ножўя қадам босса, мени хабардор қиласан.

- Топширигингизни бажариш шарафдир.

Абдуғаффорнинг чеҳраси ёришди. У ўзбек тилида Умарга шундай деди:

- Бу баттол гапга чечан кўринади!
 - Мен сизга ёмон одамни рўпара қилармидим, хўжайин, -
 ялтоқланди Умар.

- Бунга бирорта ўзимизникилардан кўшиб кўй! Ҳар эҳтимолга қарши, иложи бўлса, тил билмасин.

Бошлиқ бирдан хомуш тортди. Хонага жимлик чўқди. Абдуғаффорнинг қовоғи уйилди, кўзлари қисилди. Кенг пешонасига ажинлар из солди. Қўли билан жун босган кўкрагини мижиғлади. Худди юраги ёнаётган кишидек оҳ урди.

- Ташқарига чиқ! - Бошлиқ бу гапни менга айтди. Унинг қалби азобланаётганини пайқадим. Мана шу дардни ҳозир Умарга айтгиси, у билан ҳасратлашгиси келаётганди.

Остонадан чиқиб ўзимни девор панасига урдим. Беш-олти қадам нарида тескари қараб ўтирган соқчилар буни пайқашмади.

- Бу гапни фақат сенга айтяпман, - уф тортиб деди Абдуғаффор.

- Худо номини тилга олиб қасам ичаман. Хотиржам бўлинг!

- Неъмат олди-бердиларни ҳисобга оладиган дафтарни йўқотиб кўйганга ўхшайди!

- Ё тавбангдан кетай парвардигор! Қачон, қаерда йўқотибди?!

- Хазинани яшираётган пайтда кўмиб юборганмиш. Ишонгим келмаяпти, шунга юрагим ғаш...

- Хазина кўмилган жойни айтинг, бориб кавлаб кўраман!

- Ҳозир у томонга бориш хатарли. Толибларнинг бир гуруҳ отряди айнан биз хазина яширган қишлоқни эгаллаб олган.

- Унда сабр қилайлик, улар кетиши билан Неъматга сездирмай ўзим топиб келаман.

- Шу ойнинг охирига мени Истамбулга чақиришяпти. Олинган қурол-аслаҳалар, пуллар ҳақида ҳисобот беришим керак.

- Битта вароққа ёзиб олаверасиз-да, ким текшириб ўтирибди!

- Хомсан, Умар! Ахир олинган ва берилган парсалар эгали. Дафтарда исми-шарифи кўрсатилган. Юртдаги тарафдорларимиз қўлида мингдан зиёд қурол-аслаҳа, икки миллиондан кўп доллар бор. Уларнинг номини ҳаводан оламанми? Бундан ташқари, махфий маълумотлар мавжуд.

- Бу ёғини ўйламапман, хўжайин.

- Мабодо йўқотган бўлса, ҳаммаси тамом. Мени отишади.

- Нафасингизни ел учирсин, хўжайин!

- Неъматни йўқотиш керак! Буни фақат сен удалайсан.

- Бош устига, хўжайин!

- Ўзимга ёрдамчи қилиб оламан...

- Аллоҳ ниятингизга етказсин!
 - Дом-дараксиз йўқолди, деб овоза қиламиз. Дафтарни сақлаётган-лигидан бошлиқлар хабардор.
 - Кўз тегмасин, хўжайин. Худо сизга беҳисоб ва бетакрор ақл-заковат иноят этган. Шундай беназир инсоннинг умри тоғу тошлар орасида ўтаётганига чидай олмайман. Иншооллоҳ, вақти келиб юртнинг султони бўласиз! Яратганининг ўзи асрасин!
 - Умар, биламан, сен қисталоқ пахта қўйишга устасан, мени пудаяпсан-а?! Лекин гапларинг ёқяпти!
- Соқчилардан бири ўрнидан турди. Секингина улар томон юрдим.

- 7 -

Сувни лагердан йиғирма чақиримча олисдаги булоқдан ташиб келардик. Бу Афғонистоннинг Сурхондарё вилояти билан чегарадош қишлоғи эди. От ориқ, арава эскилиги сабабли йўлга аранг яради. От сув юкланган аравани тортолмасди. Ботир иккимиз арава ортидан итариб борардик. Ҳар гал келиш ва қайтишда пастак деворлар билан ўралган ҳовлиларга назар ташлардим. Чанг-ғуборга беланган болалар от-аравани кўришлари биланоқ тирқираб қочишарди. Афтидан, ота-оналари бизнинг кимлигимизни уларга тушунтириб қўйишганга ўхшарди.

Ботир лагердан узоқлашишимиз билан ўзи суйган қўшиқлардан биричи хиргойи қиларди. Овози ширали ва ёқимли эди. Бироқ бу қўшиқларни тинглашнинг биланоқ юрагинчи соғинч ўртайди.

Булоққа етгач, отга дам берардик. Терлаб-пишиб кетган йўрғани аравадан ажратиб, яйловга қўйиб юборардим. Бу орада Ботир идишни сувга тўлдириб, баланд чўққининг устига чиқиб, олисда кўзга ташланиб турган Сурхон далаларига тикилиб ўтирарди. Октоб тинида олтиндек товланиб, мавж уриб оқаётган Амунинг суви, сув бўйида пода боқиб юрган болалар кўриниб турарди. Беш-олти соатлик масофа уни ўз юртидан ажратиб турганига ишонгиси келмасди. Соғинч қалбини эзгиларди. Лагерга қайтишда эса яна нохуш кайфият унинг юрагини чулғаб оларди. Бошини қуйи солганча отнинг жиловиши ихтиёрсиз тортиб борарди.

Йўл ногекис, арава юришга қийналар, контоқдек тошлар устидан зўрға ўтарди. Олиб келаётган сувимизнинг бир қисми йўлдаёқ тўкилиб-сочилиб кетарди. Фиддираклар тошга урилганда ёки чуқурга тушганда қарсиллаган овоз чиқарар, назаримда қийшайиб қолган фиддираклар ўқдан чиқиб, сишиб тушадигандек. Қишлоқдан чиқаве-

ришда шундай ҳам бўлди. Фидирак сиңди. Таъмирлаш учун беш-ўн дона миҳ даркор эди. Ботирни арава олдида қолдириб, ўзим миҳ излаб кетдим. Хонадонлардан бирининг эшигини қоқдим.

- Аравамизнинг фидирағи сиңиб қолди. Беш-ўнга миҳ тошиб берсанг, - ичкаридан чиққан ўзим тенги йигитга илтимос қилдим. Уй эғаси нотаниш босқинчининг илтимосини рад этишини пайқагандим. Шоша-пиша чўнтагимдан Крамаренко берган доллардан бирини олиб кўлига тутқаздим.

Йигит пулни кўриб эси оғиб қолаёзди. Назаримда анчадан бери бундай катта миқдордаги пулни ушламагандек кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

- Ҳаммаси сенга, фақат миҳ тошиб берсанг бас, - дедим уни хотиржам қилиш мақсадида.

Йигит физиллаганча уйга кириб кетди. Анча фурсат ўтди. Охир кўлида бир сиқим миҳ кўтариб чиқди. Фидиракни тугатишга кўп вақт кетмади. Янги танишим кўмаклашиб юборди. Ботир устачиликдан хабардор экан. Тезгина аравани созлади.

- Исминини ҳам сўрамаман, - хайрлашиб олдиан йигитга мурожаат қилдим. - Танишиб қўйсак ёмон бўлмасди.

- Валий, - деди йигит мендек «бойвачча»нинг илтимосини рад этмай.

- Сенга бир илтимосим бор!

- Айтинг, охун, кўлимдан келса бош устига.

- Ҳозир эмас, вақти келганда айтарман. Муҳими танишиб олдик.

Биз лагерга кеч келдик. Жангарилар машғулоти тугатишганди. Кеч келишимиз ҳеч кимни қизиқтирмади. Демак, ишонинган, деган хаёлга бордим.

Аравани одатдагидек хўжайинининг кулбаси олдида тўхтатдим. Биринчи бўлиб унинг идишлари сувга тўлиши керак. Қаердандир етиб келган Неъмат эшикни очиб, баланд овозда деди:

- «Кобра» келди, хўжайин! - у ҳаво етишмаётгандек ҳансиради. Отнинг юганини қўйиб, эшик томон юрдим. Унинг жавобини эшитишга ошиққандим.

- Қаерда?! - бошлиқнинг овозидан ҳаяжонлангани сезилди.

- Қариялар чодирда!

- У ерда пишириб қўйибдими унга! Бор, тезда бу ёққа бошлаб кел!

Неъмат пиддираганча чодир томон чоңди.

«Кобра». Шу пайтгача бундай лақабли одамни эшитмагандим. Ким у?! Бошлиқ нега ундан ҳадиксираётти. Боз устига қариялар чодирга кирганидан ташвишланмоқда?!

Ўнга яқин одамлар қуршовида келаётган нотаниш кимса эътиборимни тортди. У чап оёғини бироз судраб босар, кенг гавдаси оёғига нисбатан бироз олдинроқ юрарди. Унинг бу ҳаракати кўзимга таниш туюлди. «Кобра» атрофини ўраб олган одамлар ўртасида жондан қайтган ботирлардек бошини мағрур кўтариб келарди. Қувонч-ташвиш, бахт-қайғу эгиз деганларидек «тасодиф» ибораси ҳам олис эмас экан. Агар менга қишда тоғда лола очилибди, десалар ишонган бўлардим. Бироқ, Фотхуллохон Афғон тупроғида, жангарилар даврасида юрибди, десалар асло ишонмасдим. Не ажабки, буни ўз кўзим билан кўриб, гапларини қулоғим эшитиб турибди.

- Бола-чақаларим омонми?! Кенжам мактабга бораяптими?!
- Бизнинг уйдагиларнинг аҳволи нечук?!
- Онамни кўрдигизми?! Синглим тузалиб кетибдими?!
- Ота-онамни бошқа юртга кўчиб кетишди дейишди, шу гап чинми?!

Одамлар томонидан берилаётган бундай саволларга Фотхуллохон энгилгина бош ирғаб, қисқа жавоб қайтарарди.

- Ҳаммалари тинч, соғ! Кўндан-кўп дуо айтишди!

Ана шу алфозда у ёнимдан ўтиб кетди. Бошлиқнинг чодирига яқинлашганда кузатувчилар ортга қайтишди. Уларнинг кўнгли тўлмаганлиги қиёфаларидан сезилиб турарди. У бу ерга нима мақсадда келди? Ички душманлар билан жангариларнинг раҳнамоси ўртасидаги алоқачими?! Нима бўлганда ҳам унинг ташрифи бежиз эмас. Қанчадан-қанча нохушликларга, одамларнинг тинчи бузилишига сабаб бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас! Шундай экан, Фотхуллохоннинг Абдуғаффор билан қилган суҳбатини эшитишим шарт. Бу ўта хатарли бўлса-да, таваккал қилдим. Фотхуллохонда бир кўрган одамни эслаб қолиш қобилияти кучли эди. Менику, айтмаса ҳам бўлаверарди.

Сув ташиш баҳонасида соқчилар билан тапишиб олгандим. Бошлиқнинг хонасига бемалол кириб чиқиш имконияти туғилган эди. Ичкаридан сув идишларни олиб чиқиб ювиб, тозалаб, сув тўлдириб қўярдим. Абдуғаффор муздек булоқ сувини хуш кўрарди. Фотхуллохон ичкарига киргач, беш дақиқадан сўнг аравани чодир олдига яқин келтирдим. Шамси бакалашкасини кўтариб келди.

- Ўзинг қуйиб олақол, - дедим ва чодир томон бурилдим. Бутун вужудим ҳаяжондан титрарди. Икки ой ичида соч-соқолим ўсиб, қиёфам ўзгариб кетганди. Устимда эса афғонларнинг миллий кийими. Эшик қия очиқ қолганди. Бошлиқнинг зардали овози қулоғимга чалинди:

- ...ишончимизни оқламадингиз! Айтилган топшириқларни бажармадингиз?! Оқибатда бошлиқлар олдида юзим шувит бўлди. Нега биз айтган биноларнинг кули кўкка совурилмади?! Бунинг учун сиз меидан қанча миқдорда доллар олдингиз?! Қани ўша пуллар? Қаерга, нимага сарф қилдингиз?! Бу пулни берган одамлар мендан жавоб кутаяпти. Ҳар куни радиого кулоқ тутаман. Ўзбекистонда у бўляпти, бу бўляпти, деса юрагим тўхтаб қолади. Бирорта ахборотда шу жой портлади, деган хабарни эшитишга зорман! Бизга бераётган маълумотларингизнинг кўпи ёлғон чиқди. Сиз рўйхатини тузган, ойига 100 доллардан ҳақ бераяпман, деган одамларингизнинг биронтасини кўрсатилгап манзилдап топмадик!

- Ё навзамбиллоҳ! Бу туҳмат, бўҳтон!!! Менинг устимдан сочилган мағзава!

Шамси идишни сувга тўлдириб қайтди. Ичкарига киришдан ўзга иложим қолмаганди. Фотҳуллохон эшик олдидаги курсида ўтирарди. Унинг мағрур боши эгилиб, икки оёғи орасига кириб кетаёзганди. Кирганимни пайқамади. Кўзаларни олиб ташқарига чиқдим. Шамси қултумлаб сув ичиб ўтирарди. Идишларни ювиб, тозаладим. Вужудим кулоққа айланганча ичкаридан чиқаётган овозни тинглардим.

- Мен назоратдан четдаман деб ўйламанг. Одамларимиз босган қадамингизни ҳисобга олишяпти. Ўғлингиз депутатликдан номзодини олиб, ишончимизни поймол қилди.

- Беадаблик қилди. Хатосини кейин фаҳмлади!

- Қуроқларнинг ҳаммаси тарқатилганми?!

- Тарқатилган, ишончли қўлларда.

- Ўтган ҳафта хабар келди. Истанбулдаги учрашувимиз кейинга қолдирилди. Келгуси ҳафта ичи юриш бошлаймиз!

- Муборак бўлсин!

- Қўлингизда қанча одам бор?

- Мингга яқин!

Абдуғаффор бироз ўйга толди. Кейин шундай деди:

- Адашмасам, бизга берган маълумотингизда кўпроқ эди...

Фотҳуллохон дудуқланди:

- Ҳа... дидимга ёқмаганларини рўйхатдан чиқардим!

- Менинг одамларим Бопкент орқали водийга кириб боради.

Шайтони сурҳлар қўлидаги ҳарбий техника, қурол-аслаҳаларни тортиб оламиз. Бошқа гуруҳлар ҳам бир вақтнинг ўзида зарба беришади. Сизнинг вазифангиз одамларингизни бизнинг сафга қўшиш. Болалар, аёллар, қарияларни шаҳар марказига тўплаш. Улар

биз учун қалқон вазифасини ўтайди. Ёш-ялангларга уқтиринг, бақир-чақирлар ташкил этишсин. Шунинг айтишига, бизнинг тарафимизда турганларга ёшидан қатъий назар, 200 доллардан пул тарқатилади.

- Ажойиб тактика! Бу жаҳобларидан чиққан фикр бўлиши керак!

- Биз ҳарбийларни қуролсизлаштирганимиздан сўнг, болалар, аёллар ва қарияларни гаровга оламиз. Шу аснода ҳукуматни истеъфога чиқишини талаб қиламиз!

- Тасанно, мулла Абдуғаффор! Ақлингизга гап йўқ!

Фотҳуллоҳонинг мақтовини Абдуғаффорга ёқди чоғи, овозини бир баҳя кўтариб, гашида давом этди.

- Тадбиркорлар, савдогарлар, фермерлар, ишбилармонлар ва бизнинг ортимиздан туҳмат тоши отаётганларнинг рўйхатини тузинг! Борганимиздан сўнг улар билан ҳисоб-китоб қиламиз. Мана шу хабарларни етказиш мақсадида сизни бу ерга таклиф қилдим. - Абдуғаффор бир зум жим қолди, кейин гапида давом этди.

- Одамларимиз эрта-индин жойларга жўнаб кетишади. Улар сиздек содиқ биродарларимизни оғоҳлантириш билан бирга, ҳукуматга қарши турли хил мин-мишларни тарқатишади. Йўл қўйган хатоларингизни тузатиш, ўзингизни оқлаш найти келди. Ғалбирни кўтарганимизда, аттанг, деб қолманг. Биз, албатта ғалаба қозонамиз.

- Мендан хотиржам бўлинг, мулла Абдуғаффор. Иншоаллоҳ юзингизни ерга қаратмасман!

Энди ичкарига сув олиб кириш ҳатарли эди. Кўзани Шамсига қолдириб, аравам томон йўл олдим. Беш-ўн қадам босгач, негадир хаёлимга Лайло келди. Унинг қабри томон қарадим. Чўнтагимдан қаламшир мунчоқни олиб ҳидладим...

Бу кеча кўзларимга уйқу келмади. Тикан устида ётгандек тўлғошиб чиқдим. Нафақат мен, балки кўнчилик ҳам оромиши йўқотганди, Фотҳуллоҳонинг келиши барчанинг тинчлиги бузганди...

- 8 -

Ефим Егоровичнинг дили ғаш эди. Икки ой бўляпти-ки, Бўрондан дарак йўқ. Аввалига қувонч-у шодликдан маст бўлиб юрган қария кейинги куларда ичига чироқ ёқса ёришмайдиган, қиёфасини кўрса одам танимайдиган бўлиб қолганди. Юрагига турли-туман ваҳимали, шубҳали ўйлар ўзининг қора чимматини ташлаганди. «Бўрон хазинани жангариларга олдириб қўйган ёки олиб ўтгану биздан яширинча ўз уйида писиб ётган», деган хаёл миёсидан кетмасди. Ёш йигитга

ишониб катта миқдордаги бойликни олиб келишни тошширган дўстидан қаттиқ полиди. Армияда яхши хизмат қилган бўлса қилгандир, маҳаллий халқ тилини яхши билса билгандир, бироқ унда бошқача шароит эди. Ҳар дақиқада командирининг даъвоасини ҳис қилиб турарди. Армия бошқа, ҳаёт бошқа.

Ефим Егорович ўзига азоб бераётган, туллари уйқусини ўғирлаган шубҳали саволларга жавоб топиш ниятида Крамаренконинг ҳузурига йўл олди. Генерал дўстини ҳар доимгидек очик чехра, ширин сўз билан кутиб олди. Ефим дўстининг юзига боқиб, ҳаракатларидан, сўзларидан шуни билдики, хазина ҳақида у асло таъвиз чекмаётгани йўқ. Худо билади, балки хаёлига ҳам келтирмагандир. Тўғрида, унга нима?! Аслида йўқ нарса эди. Сирдан воқиф эмасди. Ёрдам беришини илтимос қилгандагина билди. Тўғри, генерал аввалига бунга ишонмади. Оддий муҳандис қандай қилиб бебаҳо хазинага дуч келиб қолиши мумкин?! Уни қаердан, қандай қилиб тошган?! Нега вайронга айланган бинога яширди, олиб ўтса бўларди-ку?! Олмосмиди, ёқутмиди?! Унинг юрагини ҳапқиқтираётган бойликнинг номи борми?! Кўмган жойида ҳануз сақланиб турганига нима сабабдан қатъий ишонч билдирмоқда? Бу Ефим Егоровичнинг сирини, сўраб-суриштирган билан фойдаси йўқ. Очиғини айтмайди, деган хаёлга борганди ўшанда генерал. Лекин чиқмаган жондан умид. Таваккал қилишга аҳд этди. Хазинадан келадиган улуш унинг миясига қанчаллик кучли таъсир қилган бўлса, Бўронни топиш фикри ҳам яхши тезлигида ёдига тушган эди. Олис Ўзбекистоннинг чекка қишлоғида яшайдиган Бўрон Ефимнинг кўнглига ўтirmaди. Ёни ўтган, босиқроқ одам бўлса яхши бўларди, деди. Генерал бир соат Бўрон ҳақида, афсонларнинг тилини, миллий урф-одатларини яхши биллишини, қолаверса, маҳаллий халққа ўхшаб кетишини тушунтирди. Мол-дупёга унчалик ҳуши йўқлигини айтди. У шундай берилиб, таъсирчан сўзлади-ки, Ефимнинг кўз ўнгида ўзи излаган одам намоен бўлди-қолди.

- Ишониб жўнатган одамнингдан ҳанузгача дарак йўқ, - деди Ефим чуқур хўрсиниб. - Бирор кор-ҳол содир бўлдимкин?!

- Бир ҳафтадан бери мен ҳам шу ҳақда ўй сураяман, - генерал оёқларини чалиштириб, чекиб тугатган сигаретасини куддонга ташлади. - Хазинани тошганида алақачон қайтарди. Балки яширган жойинини нотўғри кўрсатгандирсан?!

- Ҳали париншонхотирлик касалига чалинганим йўқ, - деди бироз

асабийлашган Ефим. - Топган одамнинг хазинани олиб келиб, явириб ётганмикин, деган ташвишдаман!

Генерал ялт этиб дўстига қаради.

- Бундай фикрни миянгдан чиқариб ташла. Бўрон сен ўйлаганчалик тубан, фирибгар эмас. Мен унга қаттиқ ишонаман. Жони омон бўлса, бугун-эрта қайтиб келади.

- Балки у тоғу тошларда адашиб, йиртқичларга ем бўлиб кетган-дир?!

- Бунча ваҳимага тушмасанг. Айтдимку сенга, Бўрон тегирмонга тушса бутун чиқади!

- Қариган чоғингда эсингни еб қўйибсан! - Ефим титраётган қўллари билан тиззасини уқалади. - Икки ойдан бери дараксиз кетган йигитни яна қанча кутиш мумкин? Биласанми, у фирибгар мени лақиллатиб кетса, мен бор бисотимдан маҳрум бўламан. Шуни ўйлаб юрагим эзиляпти.

- Яхши, мен застава бошиғи билан боғланаман. Қайтган бўлса, албатта у хабардор!

Ефим Егорович қўлини силтади.

- Фойдасиз, мен бу ўйинни бой бердим!

Генерал бир дақиқа ўй сурди.

- Шошма, Ефим, агар рози бўлсанг бошқа одам тонаман!

Қария шеригига юзланди. Уларнинг нигоҳи бир дақиқага тўқнашиб қолди.

- Кимни, - деди жуда паст овозда шивирлаб.

- Шогирдим бор. Афғонда хизмат қилган. Армиядан сўнг ўзим органга жойлаганман.

- Ўзбек эмасми?

- Мени ранжитма, Егор. Ўзбеклар ростгўй халқ бўлади. Энг муҳими улар бойликнинг юзига қарашмайди! Инсофли, диёнатли одамлар.

- Юрагим чопмаяпти, Петя. Қани энди, ёш бўлсам ўзим борардим. Бебаҳо буюмни қоддириб келганим учун юрагим чидамаяпти.

Петр Иванович танлаган иккинчи одам қарияга ёқмаганлиги боис генерал бошқа йўлни излай бошлади. Дўстининг надомати ва афсусланишидан билдики, бойлик ҳақиқатдан ҳам бебаҳо. Ефим кўшни кўрган одам. Ҳаётида кўплаб бойликларга дуч келган. Бироқ афғонда қолдирган хазинаси наҳотки ўша бойликлардан қимматли бўлса, деган ўй хаёлидан ўтди. У ўзининг охириги вариантини ишга солди.

- Биламан, Ефим, сен унча-мунча бойликка афсус чекмайсан. У ерда қолдирган хазинанинг нималигини ҳам айтмадинг. Унинг бозор баҳоси балки сен айтган нарҳдан икки-уч баробар қимматдир. Бу

менга қоронғу. Дўстлигимиз ҳурмати сенга яхшилик қиламан. Ҳазир-
нангни ўзим олиб келаман, - қатъий оҳангда деди Петр.

- Ўзинг, нима, мени масҳара қилипсанми?! Кексайган, ёшинг бир
жойга бориб қолганда-я! Эсингни ебсан!

- Чин сўзим! - ҳарбийларга хос ишонч билан деди генерал.

- Мабодо Бўрон уни бу ёққа олиб ўтгаи бўлса-чи!

- Бўрон қайтмаган, - деди генерал ишонч билан. Келгуси ҳафта
жўнайман. Оқ йўл тила!

Ефим Егорович нима деярини билмай сўзсиз ўрнидан турди...

- 9 -

Фотҳуллохонни жангарилар томонига оғиб кетгани, айти пайтда
уларга алоқачилик қилаётгани юрагимни азобларди. Қишлоқ ва
туманларда бўладиган турли хил митинг ва йиғилишларда минбарга
чиқиб, одамларни огоҳликка даъват этганини эслаб, алам қилганидан
тишларим ғижирлаб кетди. У бизларни кимдан ҳушёр бўлишга даъват
этдикин?!...

Эрталаб аравага отни қўшиб, йўлга тушдик. Ботир ҳам анча хомуш
тортиб қолганди. Қизариб кетган кўзлари, узилган япроқдек сўлгин
юзи уни туни билан ухламаганлигини билдирарди. Йўлнинг ярмини
босиб ўтгунимизча у бирор оғиз сўз айтмади. Қўшиқ ҳам куйламади.
Фотҳуллохонни кўриб, юрагидаги дард янгиландимикин?

Мени ҳам ташвиш ва ўйларим ўз уммонига фарқ айлаган эди.
Абдуғаффорнинг айтишига кўра, амалга оширилиши кўзда тутилган
исёнга бир ҳафта қолган. Тиш-тирноғигача қуролланган жангарилар
бир ҳафта ичида Ватап тунроғига қузғундек ёпирилиб киришади.
Бундан бизнинг чегарачилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари
хабардорми? Уларни зудлик билан огоҳлантириш зарур. Қандай
қилиб, ким орқали? Ягона алоқачи ўзим! Модомики, мен лагердан
кетадиган бўлсам, яна жангарилар орасига кира оламанми? Неъмат
билан ҳисоб-китоб қилиш учун ичган қасамим-чи?! Умар бўлса ўта
муҳим иш бор, деб қулоғимни қиздириб қўйган. Бу муҳим иш амалга
ошса, Покистондаги катта бошлиқ олдига бошлаб боришга сўз берган.
Қолаверса, собиқ бошлиғим Крамаренконинг топшириғи нима бўла-
ди?!

Хаёл билан булоққа етиб келганимизни ҳам пайқамай қолибман.
Аравадан тушибоқ ҳовучимни тўлдириб сув ичдим. Юзимни чайдим.
Кўнглим бироз ёришди. Майсазорга ўтиб ёнбошладим. Тиккага

келган кўён бошим узра илиқ пурини сочарди. Ботир эса ўз иши билан машғул. Икки-уч бора пақир қўлдан тушиб, суви тўкилиб кетди. Кўзимни хиёл очганча унинг ҳаракатларини кузатиб ётдим. Бугун у жудаям маънос ва ғамгин эди. Уйига қайтишни ўйлаётган бўлса ажабмас. Балки қочсам тутиб олади, бошлиқларга айтади, деб мендан қўрқаётгандир?!

Ботир мени ухлаб қолди, деб ўйлади чоғи, атроф-теваракка аланглади. Ердан катгароқ тошни олиб, мен томонга кела бошлади. Қўлларининг қалтираётгани шундоққина билганиб турарди. Рангидан қон қочган.

Тошни жойига қўй, Ботир! - бу сўзни ўзбек тилида айтдим.

Орамизда очиқ ўйин бошланган вақти келганди. Йигит овозни қай томондан келганини билмай, атроф-теваракка аланглади. Қўлидаги тош ерга тушди. Думалаб борди-да, сув ичига фарқ бўлди.

Ўрнимдан турдим.

- Нима, мени ўддирмоқчимидинг?! - унга яқин бориб шундай дедим.

Ботирнинг тили айланмади. Беҳолгина ерга ўтирди. Қўрқувдан бадани қалтирарди.

- Ўзбекчани билар экаписиз-ку, ака, юрагини қон қилиб юбордингиз! - Ботирнинг овози титраб чиқди.

- Қочмоқчимисан?!

- Жошга тегди. Ўддирсаларинг ҳам майли. Ортиқ чидалмайман!

Ботирнинг оёнига ўтирдим. Қўлимни унинг оёғин, суяклари прғиб чиққан елкасига ташладим.

- Фотхуллохонни танийсанми?!

Йигит менига ўтирибди. Кўзларида шимадир «ялт» этди.

- У нблсин ким танимайди, дейсиз. Бошлиқларнинг ювиндихўри. Бизни алдаб, ўқинга юбораман деб, мана шу лаънатиларнинг чапгалига ташлаб кетган. Сиз кимсиз?! Фотхуллохонни қаердан танийсиз?! Нега ўзбекчани била туриб, афғонча ганираяписиз?!

- Ботир, - дедим бир дақиқалик сукутдан сўнг. - Чиндан ҳам қочмоқчимисан?!

- Ҳа...

- Қайтиб борсанг, қамаб қўйишадн-ку! Қўрқмайсанми?!

- Бу ер қамоқдан камми?! Президентимиз манави каллакесар жаллодлар қўлига адашиб, алдашиб тушганлар ва қўли қонга беланмаганларининг гуноҳидан ўтаман, деб амнистия чиқарган. Мен бу ерда ҳеч қандай гуноҳ иш қилмадим. Борлиб айбимга иқроп бўламан!

- Ўзингни Ватан, халқ олдида оқлаш учун яна бир имкониятнинг ҳам бор.

- Қандай имконият экан?

Қорнимга боғланган дафтарни олиб Ботирга узатдим:

- Чегарадан ўтишининг билан ҳуқуқини муҳофиза қилиш органига учрайсан. Вазирликда Комилжон Обидов деган одам бор. Қўлига шу дафтарни топириб, мен ҳақимда биланларинингни айтасан. Алоқага чиқин вақти ҳар ойнинг охириги шапбасида. Худи мана шу булоқ олдида шундай деб тайинла.

Ботир дафтарни қўлимдан олди. Бир зум кўзларимга тикилиб турдида, кейин чегара томон юриб кетди. Ичимдан бир нарса узилгандай унинг ортидан қараб қолдим.

- Ботир қочди!

Бир-биримизни ажратиб турган икки метрли масофа нарида турган Абдуғаффорга шундай ахборот бердим. У стол устида ўқиб ўтирган қоғоздан бошини кўтарди.

- Қочди? Қаёққа қочди?! Нега қочди?!

Елка қисдим.

Бошлиқнинг ғазаби қайнади. Кўзлари олайиб, ранги оқарди, одам ташмас қиёфага кирди.

- Сен иблис, ит эмган ҳароми, уни атайлаб қочиргансан!

Абдуғаффор курси устидаги алюмин кружкани олдида, менга улоқтирди. Ўқиётган қоғози ерга тушди. Унга нималар ёзилган? Жуда-жуда билгим келди. Зарбани ўтказиб юборишим мумкин эди. Бунда унинг жаҳди баттар жўшиб кетишини ўйлаб, зарбага ўзимни тутдим. Кружка пешонамга тегди. Кўзларимда олов чақнади. Ёрилган жойдан қон чиқди. Башарам қонга беланди. Бошлиқнинг ғазаби босилмади.

- Неъмат! - қичқирди у.

Оргимда турган Неъмат овоз қилди.

- Лаббай, хўжайин!

- Манави ифлосни дўшюсла!!!

- Неъмат ўлжага ташланган қашқирдек менга отилиб, курагимга чунонам тецдики, орғиқдан инграб юбордим ва мувозанатимни йўқотиб хат тушган жойга бориб йиқилдим. Юзимни тўсган панжаларим орасидан хатни ўқишга ҳаракат қилдим. Унда шундай сўзлар битилган эди:

«Иним мулла Абдуғаффорга: Сизга мамнуният билан шуни маълум қиламанки, жўнатилган 2 дона «Стингер», 16 дона «Узи», 8 дона «М-16» автоматларини қабул қилиб олдик.

Амиримиз фармонларига биноан 35 нафар йигитни сизнинг қароргоҳингизга юбориш учун тайёрлаб қўйдим. Келгуси ойнинг 10 чисида улар Тожикистоннинг Панж дарёсидан кечиб ўтиб, сизнинг ҳузурингизга кириб борадурлар. Дуои салом ила содиқ қулингиз Файзуллоҳ. 21 ноябрь».

Ҳамон пешонамдан иссиқ қон отилиб чиқарди. Кўп қон кетиб хушимни йўқотсам ўз тилимда бирон калима сўзни алжираб қўйишдан қўрқардим.

- Чотининг орасига тен! - онда-сонда кўрсатма бераётган бошлиқнинг сўзи қулоғимга гўё олисдан келаётгандек эшитиларди. - Қовини пишиб кетсин! Юролмасин!

Ўзбек тилида айтилаётган бу сўзларни эшитиб, мен ҳимояга ўтишим, ёки тенки тушадиган жойни беркитишим мумкин эди. Бу билан ўзимни фош қилиб қўйишим ҳеч гап эмасди. Зарбалар топдан қаттиқ бўлса-да, ўзимни тутиб беришга мажбур бўлдим. Бақириб-чақирришларим Ноҳматнинг кўнглини бўшатмади. Аксинча унга завқ бағишларди.

Ғийқиллаб эшик очилди. Қуёш шуъласи юзимга тушди. Муздек эпкин кўксимга урилди. Кўзимга олам қип-қизил ранга бўялгандек кўринди. Кўнглим беҳузур? қусгим келди. Бошим айланарди. Юрагимни нимадир ёғимларди.

- Хўжайини, суюнчи бериш!

Бу Умарнинг овози эди. Қулоқларим зўрға илғади. Кейин у яна нимадир деди. Ўзимни қўлга олишга, унинг сўзларини тинглашга урийдим. Бунинг иложи бўлмади. Бошим ерга шилқ этиб тушди.

. - 10 -

Тоғу тошлардан ошиб, ёлғиз оёқ сўқмоқлардан адашиб, тунда Боткентга кириб келдик. Тун зашжирдек қаро эди. Кўкда на ой, на юлдузлар кўришарди. Осмон кўксини булут тусганди. Олисларда нур сочиб турган чироқлардан ўзга йилг этган шуъла кўзга ташлашмайди. Борлиқ сукунат қўйнида мудрайди. Тиш-тирноғигача қуролланган одамлар она-табиатнинг тинччини шавқатсизларча бузиб боришарди. Одамлар гўё ишга тизилгандек бир-бирининг ортидан эрганиб борарди. Бу қочиб кетмаслик учун атайлаб қилинган эди. Тинимсиз босилган йўл азоби тинка-мадоримизни қуритганди. Бошим оғрирди. Кўзим тинарди. Қовинимга тешилган зарбалар юришимга халал берарди. Тез-тез орқа-олдимда кетаётган шерикларимга қараб қўяр-

дим. Уларнинг бошлари эгилган. Ҳамма ўз ҳаёли билан банд. Кўзларида қўрқув ва ҳадик аломати зоҳир. Назаримда, кўпчилик ўз диёрига қурол кўтариб, босқинчилик мақсадида келаётганидан на-домат чекаётганди.

Мен Ботирни ўйлардим. Чегарадан соғ-омон ўтиб олганига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига учраганига ишонардим. Дафтар Комилжон Обидовнинг қўлига тушган бўлса, албатта, жан-гариларни кутиб олиш учун шошилинч чора-тадбирлар кўрилган. Дафтарнинг сўнги варағига босқинчилар бир ҳафта ичида Боткент орқали водийга ҳужум қилиш эҳтимоли борлиги ҳақида ёзиб қўйгандим. Бу Обидовнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмасди. Шунинг учун кўнглим хотиржам эди.

Боткентга илгари келмаганман. Етарли маълумотларга эга ҳам эмасман. Атроф-теварақ қоронғи бўлгани учун давлат чегараси қайси жойдан кесиб ўтганини ҳам билмайман. Тоғдан тушиб, уч-тўрт чақирим юрганимиздан сўнг пойқадамим тегиб турган ер Ўзбекистонга қарашли эканлигини юрагим ҳис этди. Кўксимга теккан энкин ўт-ўланларнинг хушбўй ҳидини димоғимга урди. Уч ойдан буён қалбимни азоблаётган Ватан соғинчи таскин тонди. Ўзимни қушдек енгил ҳис этдим. Қўлимга бир ҳовуч туپроқни олиб юз-кўзимга суртгим, шу муқаддас заминга бағримни босиб, майсалар устида юмалаб, аста-секин ёришиб келаётган ошноқ тоғини қутлаб ётгим келди. Мен ҳеч қачон Ватанимни бугунгидек соғинмаганман, халқимнинг дийдорини кўришга талпинмаганман.

Юрагимда тўлқиндек жўш ураётган ички қувонч босилмади. Овозимнинг борича «Салом Ватан, салом она юрт, салом киндик қоним тўкилган туپроқ! Мапа, мен қайсар ўғлинг яна қучоғингга қайтди», дея бақиргим келарди. Ёп-атрофимда юрган туңд башарали кимсаларни, уларнинг қўлидаги қуролни кўриб, яна дилим бузиди. Улар қон ҳиди анқиб турган ҳовучини тўддириб ирмоқдан сув ичишар, юз-кўзларини чайишарди. Шу покиза сувни ҳам уларга раво кўришни истамасдим, қизғанардим. Юрагим жизиллаб оғрирди.

Йўлга отланганимизда тоғ ёриша бошлаган, осмонда булутлар сийраклашиб қолганди. Кўкка кўтарилган қушлар тирикчилик илн-жида ер бағирлаб парвоз қилишарди...

- Ортимдан юр! - қаердандир етиб келган Умар қулоғим остида шивирлади. Эргашдим. Бироқ мени нима мақсадда эргаштириб бораётганлигининг сабабини билмадим. Юз метрча юрганимиздан кейин чегарачилар бизни ўққа тутишди. Ўқлар осмонга отилганди. Кўпчилик йўл ёқасидаги бетонлар орғига яширинди.

- Қуролларингни ташланглар! Таслим бўлинглар. Ҳаётларинг сақлаб қолинад! - радио орқали мурожаат қилди чегарачилар.

Жимлик чўқди. Чурқ этган овоз эшитилмасди. Бир неча дақиқадан сўнг тўрт жапғари мплатинини асфальт йўлга ташлаб, бетон тўсиқ ортидан чиқди. Қўлларини баланд кўтарганча чегара пости томон юришди. Яна кимдир уларга кўшилди. Бу Шамси эди. У тез-тез ортига қараб, ўзидан ўн метрча олдида кетаётган шерикларига етиб олиш учун катга-катга қадам ташлаб борарди.

- Қайт!!! Қайт, деяман сенларга!!! - овозининг борича қичқирди Абдуғаффор. Неъмат иккиси қулай жойга ўрнашиб олганди. Устмас-уст таҳланган бетонлар «С» шаклида бўлиб, уларни чегарачилар ўқидан сақлаб турарди.

- Қайтмайман! - позик гавдасини силкитиб ортига қараб деди Шамси, - Уйга кетаман. Онам билан дадамни соғиндим. Менни алдаманглар!

Абдуғаффорнинг автоматидан отилган ўқлар беш йигитни ер тишлатди. Беш йигитнинг қоши йўлнинг икки ёнига сочилди. Ҳақиқий отиниша шундан кейин бошланди. Мен бундай жангги Қаңдаҳорда кўрганман. Визиллаб учаётган ўқлар қулоқни қоматга келтирарди. Кўз очиргани кўймайди. Тош ва бетонларни ўпириб ташлайди. Дарахтларнинг шохини сиңдирарди. Ярадорларнинг ўлим олдида фарёди еру самони тутди.

Неъмат билан ҳисоб-китоб қилиш мавриди келганди. У мендан йигирма метр нарида қийқириб-қичқириб чегарачилар томон ўқ отарди. Чўнтагимдан Лайлонинг ёдгорлиги қаламшир мунчоқни олиб юзимга босдим. Қасос олиш вақти етганди. Мана шу тўс-тўнолонда, ўқлар гумбурлаб турган тонгда шу икки қонхўр жаллодди, шу икки помард ватанфуруш хоини отиб ташлаш учун автоматни тўғриладим. Бироқ меннинг олдимда турган Умар уларни пишонга олишимга ҳадақит берди. Негадир у қуролини қучоқлаб, аёз урган одамдек, қимир этмай ётарди. Нимани кутияпти?! Нега мушукдек пшсиб ётибди?! Ҳайратим ошди. Ниҳоят у менга ўгирилди.

- Шу ердансан? - бошини силкитиб деди, - мен оққадағилардан тўсиб тур!

Орта қараш тугул, қимирлашнинг иложи йўқ. Бошим устидан визиллаб ўқлар учарди. Ўқ тегиб майда-майда бўлиб кетган тош парчалари устимга ёғиларди. Мен Умарни Абдуғаффорнинг олдида ёрдамга ўтса керак, деб ўйладим. Амал-тақал қилиб ортимга бурилдим. Шерикларим ерга ёпишганча, юзини яшириб, қимир этмай ётишарди. Ҳаммаси жойида, дегандек яна Умарга юзландим. Бу орада

у ўз ишини бажариб улгурганди. Неъмат билан Абдуғаффор бетон тўсиққа миҳлангандек қотиб қолган, эғнидаги кийимлари қонга беланган, отилган ўқлар уларнинг елкасини тешиб юбەرганди.

- Йигитлар ортга!!! - овозининг борича қичқириб, жапғ майдонидан қоча бошлади Умар. Кўпчилик қатори мен ҳам унинг ортидан чопдим...

- 11 -

Саксонинчи йиллар бошида Одесса шаҳрида камдан-кам учрайдиган ғаройиб ўғирлик содир бўлди. Жиноятчи давлат банкидан бир миллион сўм пулни олиб чиқиб кетганди.

Эрталаб банк ходимлари ишга келиб, темир сандиқлардаги тамғаларни кўздан кечиринишда буни пайқаб қолишди. Шундан кейин тўс-тўполон бошланди. Бу ерга етиб келган милиция ходимлари бир ҳафта мобайнида текширув-суриштирув ишларини олиб боришди. Бироқ жиноятни очиш учун етарли далил-ашиёлар топилмади. Сигнализация симларини узиб, темир сандиқларни оддий асбоблар ёрдамида очиб, пулни ўмариб кетиш, жиноят оламида камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Эксперт ва криминалистлар бошларини оғритиб ўттиришмади. «Сигнализация техник носоз» деган ҳулосага келишди. Ўғирнинг қаердан кириб, қайси йўлакдан чиқиб кетгани ҳам сирлигича қолаверди. Ҳақиқатда ҳам жиноятни очиш имконияти йўқмиди? Биз бу ҳақда маълумот беришдан ожизмиз. Мақсадимиз: жиноятни содир этган шахс ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтиш ҳолос...

Абдурахмон деса уни ҳамқишлоқлари ҳам танимайди. Исмидан сўнг албатта «шишак» лақаби қўшилганда кўпчилик гап ким ҳақида кетаётганини фаҳмлайди. Ўрта бўй, қотмадан келган, буғдой юзли бу одам етмишинчи, саксонинчи йилларда жиноятчилик дунёсида машҳур эди. Собик иттифоқнинг турли бурчакларида содир этилган катта ўғирликларда албатта унинг қўли ёки кўрсатмаси бўларди. Сигнализация ашаратларининг схемасини бир кўришда хотирасига жойлайдиган, ҳар қандай пўлат сандиқни кичкина болтача-ю, оддий 25 сантиметрли пўлат сим ёрдамида очиб ташлайдиган ўғри иттифоқда ягона эди. Кўринишидан содда, очиқ кўнгила бўлган бу инсон ҳеч қачон биронва озор бермаган, дилини оғритмаган.

Орадан ўн йил ўтиб... Тошкент шаҳридаги катта банклардан бирида ҳам шундай ўғирлик содир этилди. Жиноятчи яширин ҳолда банкка кириб, сигнализация симларини узиб, темир сандиқни очиб, катта миқдордаги пулни ўмариб чиқиб кетади. Бироқ у шошқалоқлик қилиб ўзини ошкор қилиб қўйди. Хожатхонадан чиқиб келаётган

соқчига дуч келиб қолди. Соқчи қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйди. Ўғрининг юзига тикилганча қотиб қолди. Тунги меҳмон «ўзимни танитиб қўйдим» деб ўйлади ва соқчини туртиб юборди. У хушига келиб, жиноятчининг ортидан ўқ узганда ўғри девордан ошиб, қоронғу тун бағрида кўздан яширинганди.

Ўғрилик содир этилган тун, соқчи кўкка ўқ узган кеча қўшни Тожикистонда биродаркушлик уруши давом этарди. Отишма туну кун тинмасди. Дайди ўқлар йўлидан чиққан ҳар қандай жонни ер тишлатарди. Кўчалар мурдаларга, ариқлар қонга тўлганди.

Хукумат қўшинлари томонида туриб жанг қилаётган Сангак Сафаров ўз атрофига юзга яқин йигитларни тўлаб, муҳолифатдаги кучларнинг зарбасини мардларча қайтарарди. Ёши олтамиш бешлардан ўтган, кенг гавдали, пахлавон сифат бу одам етти маротаба қамалиб, умрининг ярмидан кўпини «зона»да ўтказган бўлса-да, халқ ўртасида катта ҳурматга эга эди.

У Тожикистоннинг жанубидаги кичкина олтинтопарлар қишлоғида туғилганди. Эллигинчи йиллар бошида Сангак автомашинани олиб қочгани учун қамалди. 1957 йилда одам босиб ўлдирди ва яна қамалди. Муддатини ўтаб Душанбенинг марказий маданият ва истироҳат боғида буфетчи бўлиб иш бошлади. Шу даврда уни чечен рекетчилари қўлга туширмоқчи бўлиб, тузоқ ташладилар. Сангак буни пайқади. Яна зонага тушди. Озодликка чиқиб, тинч ҳаёт кечириш ниятида Кўлобга қайтди. Фуқаролик уруши бошлангач у Озодий майдонига «Растохез», «Лаъли Бадахшон» каби партиялар томонидан ташкил этилган тартибсизликларни босиш учун кеча-ю кундуз қўриқчилик қилди. Одамлар унга ишонарди. Куп сайин республиканинг турли бурчакларидан кўнгиллилар келиб унинг сафини кенгайтирарди. Бу рақибларнинг юрагига ғул-ғула соларди...

Сангак Абдурахмон билан йигирма йил муқаддам Новосибирскдаги қамоқхонада танишган. Қисматлари ўхшаш бу икки маҳбус ўша ерда дўст тутинишган. Озодликка чиққанга кейин ҳам бу биродарлик риштаси узилмади. Борди-келди давом этди. Сангак Шиппакнинг очик кўнгиллиги, ростгўйлигини қадрласа, Абдурахмон ҳам биродарининг мардлиги-ю, довжорақлигини хуш кўрарди. Ҳар йили ёзда ўғлини олиб, Сангакнинг уйида меҳмон бўлиб қайтарди. Кенжатоининг ўпкасида доғ борлиги боис ҳақимлар уни кўпроқ тоғ ҳавосида юришини тавсия этишгапти. Помир тоғининг салқин, мусаффо ҳавоси болага хуш ёқди. Тез орада соғайиб кетгандан кейин ҳам дўстлар орасида борди-келди тўхтамади. Кутилмаганда Тожикистон-

даги тинч вазият издан чиқди. Турли оқимлар вужудга келди. Ҳокимиятни эгаллаш васвасасига тушган гуруҳ раҳбарлари ўртасидаги тўполон оҳир-оқибат қуроли тўқнашувга сабаб бўлди...

Банкнинг баланд деворидан ошиб тушган қаҳрамонимиз эртаси кун кечга яқин Тожикистоннинг Кўлоб туманида пайдо бўлди. Ўқларнинг гумбур-гумбуридан толиққан, дов-дарахтлари тўнтарилиб ётган, уйларнинг кўпи ёниб, кулга айланган, ҳар икки ҳонадоннинг бирида оналарнинг юракни эзувчи фарёди эшитилаётган қишлоқ уни совуқ кутиб олди. Қалби музга айланган одам учун бунинг қизиғи ҳам, аҳамияти ҳам йўқ. Шундай бўлган ва шундай бўлиши керак!

Йигит Сангакни излаб туман марказидан топди. Туни билан ўққа тутилган туманда совуқ сукунат ҳужмрон эди. Соқоли ўсиб, кўзлари киртайиб қолган қария йигитни таниб бағрига олди.

- Лочиним, соғ-омонмисан?! Нечун нотинч юртга келдинг?

Сангак унинг асл исмини билмасди. Лочиним деб эркаларди.

- Сизни кўргани келдим. Отам хабар олиб кел, деб тайинладилар.

Сангакнинг кенг қучоғига сингиб кетган Лочин чин сўзни яширди, ёлгонни сўзлади.

- Оббо, Абдурахмон тушмагурей. Мендан ҳавотир олибди-да!

Лочин қарияни ўз сўзига ишонтирганидан мамнун бўлди.

- Сени бу ерда қолишинг ҳатарли. Яхшиси ортга қайтганинг маъқул, болам!

- Ёнингизда бўламан. Ахир мен ёш бола эмасман-ку!

Бу ёшларга хос қизиқувчанлик бўлса ажаб эмас. Бугун-эрта зерикиб, кетгани шошиб қолар. Шу ўйда Сангак йигитни мажбурламади.

Оқшом чўкканда яна милтиқлар тилга кирди. Совуқ сукунат қўйнида қўрқувдан юрагини ҳовучлаб юрган қишлоқ дод солди. Ўқлар овозига қўшилиб кетган қий-чувлар қулоқни қоматга келтиради. Тилини кўкка чўзиб ёнаётган аланга кўзни қамаштирарди. Оналарнинг дод-фарёди кўнгилларни тирнайди. Оҳ, инсон боласининг қалби шунчалар эриб битмас тошмикин?

Жангарилар бугун туман милиция бўлимига ҳужум уюштиришганди. Улар кўп эди. Ҳаммалари тиш-тирноғигача қуроланган, милиция ходимлари эса санокли қолган эди. Сангакнинг бўлинмаси жангариларнинг орқа томонидан зарба берди. Улар буни кутмаганди. Кўп жангарилар нобуд бўлди. Қолганлари асир тушди. Бу жангда Сангакнинг қўли баланд келди. Лочин қувонди.

Мағлубият ғанимлар ғазабини жумбушга келтирди. Кенгашиб, маккорлик йўлини ихтиёр этишди. Сулҳ тузиш мақсадида Сангакка олдиларига келишни таклиф қилишди. Аввалига ёрдамчилари розилик бермади. Улар билан маслаҳатлашадиган ишимиз йўқ дейишди. Аммо Сангак кўнмади. Номардлик бўлмасин, қўрқоқ деб хаёл қилмасинлар, деб йўлга отланди. Унинг довиюраклиги ҳам шунда эди-да.

- Бу йўлингдан қайт, - деди жангарилар бошлиғи мулойимлик билан, кўзлари айёрлигини, тили маккорлигини билдириб турарди.

- Сафимизга қўшил, биз ғалаба қозонамиз. Мудофаа вазири бўласан. Истаганингни муҳайё қилишга сўз бераман.

- Йўқ! Мен ғазабимни шафқатсизликка айлантгирдим. Сенларнинг сафингда менга ўрин йўқ.

- Сен қотилсан, пешонамга шундай тамға босилган. Уни қонинг билан ҳам йоволмайсан. Ҳукумат сенга ҳеч қачон ишонмайди, - ўшқирди жангарилар бошлиғи.

- Ҳақсан, қотиллигим тўғри, пешонамга босилган тамға ҳам чин. Бироқ мен ватанфуруш эмасман. Киндик қоним тўкилган тупроқни сариқ чақага сотадиган хонин эмасман. Билсанг пешонамга ёзилган тамғани ювиш учун эмас, балки, сен ифлос қилиб ўтирган мана шу тупроқни поклаш учун жанг қилаялман.

Бошлиқ қизиган темирни босиб олгандек санчиб ўрнидан турди. Ранги кўкариб, кўзлари қосасига сиғмай бақирди:

- Танла, ё Ватан, ё жон!!!

- Ватан!!! - кўксига кафтини уриб, жавоб қайтарди Сангак. Унинг йўғон овози кенг хопанинг тўрт томонидан акс-садо берди.

Бошлиқнинг ишораси билан бир печа жангари Сангакка ташланди. Уни ёвузларча ўлдиришди. Бўлак-бўлақларга ажратилган жасадни йўлнинг ўртасига қўйиб кетишди.

Сангак дин-диёнатни ютганларга, имонини сотганларга таслим бўлмади. Ватанфурушларга бўйин эгмади. Бир сиқим тупроқни олтин-зарлардан зиёд билди. Юрт озодлиги йўлида ширин жонидан кечди. Жасади ўзи суйиб ардоқлаган Ватан тупроғига қўйилди. Хозир унинг қабрийи минглаб одамлар зиёрат қилишади. Янгидан-янги гулдасталар қўйишади. Тонгда уйғонаётган қуёш ўзининг илк нурларини Сангакнинг қабри устига сочади.

Сангакнинг ўлиmidан кейин Лочин етим жўжадек қаён боришини билмай қолди. Уйига қайтай деса, «соқчи тапиб қолган» деган гумон юрагига қўрқув соларди. Қолмай деса, бегона юрт, бегона одамлар!

Аросатда қолган кезларда Эргашбой деган ҳамюртини шунинг шу атрофда юрганиши эшитиб қолди...

Абдурахмон шишпак ўғлини Тожикистонда Эргашбой гуруҳига қўшилиб кетганини эшитиб, ўзини кўярга жой тона олмай қолди. Ўғирлик қилиб қамалганда ҳам бу қадар саросимага тушмасди. Аммо, ватанини сотиб, ўз юртига, халқига қарши қурол кўтарган Эргашбойнинг сафига қўшилгани шўрлик отанинг юрагини ҳанжар мисол тилиб юборди. Юзи шувит бўлгани боис кўча-куйга чиқмади. Одамларнинг тавқи лаънатидан, «мана Ватан хонинининг отаси,» деган шармандали сўздан чўчирди. Секки-аста қўни-қўшиллар ҳам унинг остонасини босмай қўйди.

Абдурахмон шишпак кун сайин чўкиб борарди. Юзи сарғайиб, бир ойда сочи қировдек оқарди. Эти кетиб, устихони қолди. Ўз уйи ўзига бегонадек туюлди. Охир-оқибат кийимларини халтага жойлаб, дарё ўртасидаги оролга ўтиб кетди. Шу ерда одамларнинг нигоҳидан четда, тинч яшайман деб ҳаёл қилганди. Тинчроқ яшади-ю, бироқ миясига қўрғошиндек қуйилиб қолган ўйлардан қочиб қутулолмади. «Ватан хонинининг отаси» деган тавқи лаънат кимсасиз оролга ҳам қувиб келди. Юрса ўйида, турса кўзида, ухласа тушида эшитилди. Юрагини азоблаётган дардга ёлғизлик азоби қўшилди.

«Ватанини сотди, жангариларга қўшилиб кетди». Бу икки калима сўзни айтиш осон. Бироқ бу сўз қудратини, унинг атомдан кучли таъсир қилишини бошига тушган инсон ҳис этади. Илоҳим, яратган эгам ҳар биримизни мана шундай тавқи лаънатдан, ватанфурушликдан, хонлиқдан асрасин!

Эрта тонгларнинг бирида орол томондан гумбурлаган овоз янгради. Дарахтлар шоҳида тунаб, уйқуга тўймаган қушлар чўчиб кўкка кўтарилишди. Уларнинг ваҳимали чуғур-чуғури қишлоқни уйғотди...

Абдурахмон шишпак ватанфуруш ўғли доғида куйиб адо бўлди. Орномусли, динonatли одам эди. Боласи ортирган иснодини кўтариб юришини ўзига ор билди. Ўша ўқ гумбурлаган тонг, ҳуркак қушлар кўкда ваҳимали чуғурланган субҳидам Абдурахмон шишпак ўз жонига қасд қилди. Унинг қип-қизил қони майсалар устига ёйилди. Шабнамларга сингди, Сирдарёнинг сирли сувларига қўшилиб оқиб кетди...

Лочин террорчилар қўлида қолди. Ўзининг ваҳшийлиги, бемеҳрлиги ила бошлиқлар эътиборига тушди. Жафокаш, меҳнатқаш, қаншоқ аҳолини талади. Қўлини қонга белади. Охир-оқибат ўз ҳамтовоғи томонидан итдай отиб ташланади. Жасади машина эзиб кетган қурбақадек бетонга ёпишиб қолди.

Қаерга кўмилди? Мозори борми? Бу бизга қоронғу. Дарвоқе, бу йигитнинг асл исмини айтишни унутибман. Ҳа, Лочиннинг исми Умар отиб ўлдирган Неъмат эди.

- 12 -

Боткент блок постидаги шармандали мағлубиятдан сўнг биз яна лагерга қайтдик. Қайтиб келиш ҳеч кимнинг хаёлида йўқ эди. Чодирлар бузиб ташланганди. Атроф-теварак ҳувилаб қолганди. Кўрган одамнинг юраги увишарди. Куз изғирини тевааракка сочилган қоғоз парчаларини ўйноқлаб учирарди. Қуёшни соғинган майсалар совуқ эпкинда дилдирайди.

Ҳамманинг руҳи тушиб кетганди. Улар ғалаба қозонишларига қаттиқ ишонишганди. Абдуғаффорнинг айтишича, водийнинг кўплаб аҳолиси бизларни кўллаб-қувватлаб, йўлимизга пешвоз чиқиши керак эди. Афсуски, кутиб олиш у ёқда турсин, кичкина блок постидаги йигирмага яқин чегарачиларнинг ҳамласига дош бера олмай тиракайлаб қочишди. Абдуғаффор билан Неъматнинг жасади ўша ерда қолди. Айримлар қочиб кетди, баъзилар дом-дараксиз йўқолди. Қурбонлар ҳам етарли эди. Бироқ тирик одамларни қийнаб, азоблаб ўлдириш, инсон бош терисини шилиб олиш, эркакларни бичиш, аёлларнинг кўкрагини кесиб ташлаш, энсадан тешик очиб, мия қатигини тортиб олиш сирларидан сабоқ берган хорижлик услубчилар қаерда қолишди?! Нега улар жанг майдонида кўриниш-мади? Нима сабабдан Умар ўз раҳнамосини отиб ўлдирди? Мансабини эгаллаш учунми? Ўрталарида киши билмас адоват яшириганидими? Бу саволларга жавоб топиш қийин. Менинг тахминимча, қабристонга кўмилган бойлик, уни шу йўлни танлашга мажбур қилганди.

Умарнинг жангариларни сардорини ўлдирганига ягона гувоҳ менман. Буни унинг ўзи ҳам яхши тушунади. Лагерда бу сирнинг тарқалиб кетмаслиги учун мендан қасос олиши ҳам мумкин. Ҳушёр бўлишим, хавфсизлигимни ўзим таъминлашим керак эди. Кўпроқ жангарилар орасида юришга, ҳар куни тун ярида ётиш жойимни ўзгартиришга мажбур бўлдим.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Умар мени ўз хонасига таклиф қилди. У Абдуғаффорнинг тошдан қурилган кулбасига кўчиб ўтганди. Ҳамтовқлари билан учрашиб, ўзининг кўрсатма ва буйруқларини шу ерда берарди. Уйчага кўзим тушганда хаёлимга Лайло келарди. Кўкраги кесилиб, калтаклар зарбидан бадани моматалоқ бўлиб кетган шўрлик қизнинг ўша кунги ҳолати кўз олдимдан сира кетмасди. Ҳозир

ҳам бу кулбага яқинлашар эканман, қалбимдаги яра янгиланди.

- Эртадап бошлаб ўз ишингни давом этгирасан! - деди Умар киришим билан, - шароит оғир. Озиқ-овқат тугаган. Ҳадемай, қиш келади.

Хонада иккимиз ёлғиз эдик. Кўндан дилимга тугиб юрган гапни айтиш мавриди келганди. Шу баҳона унинг менга бўлган муносабатини билишим зарур эди.

- Иккимиз бажарадиган иш бор, деган эдинг. Қачон ўша ишни амалга оширамиз! - секин сўрадим ундап.

Умар менга ялт этиб қаради. Совуқ кўзларида учқун чақнади.

- Яшаш жонингга тегдими?!

- Жуда зерикиб кетдим.

Умар хўрсинди.

- Очиги, мен ҳам зерикдим. Ўша кунги чегарадаги отишма пайтида худонинг ўзи бизни асради. Ўлиб кетганимизда нима бўларди? Сенга маслаҳатим, бўлар-бўлмас гапларни оғзингдан гуллаб юрма?

Умар нима демоқчи бўлганини тушундим. Демак, у мендан гумон-сирагани ҳақ. Бироқ юрагида менга нисбатан ишонч учқуни ҳам йўқ эмас.

- Хотиржам бўл. Тилим сен ўйлаганчалик бўш эмас.

- Зори-Бозор қишлоғида бўлганмисан?

Зори-Бозор - Лайлонинг қишлоғи. Мозори Шарифдан беш-олти чақирим нарида. Невмат бойликларни шу ерга яширган.

- Бўлганман. Афсуски, у ерда танишларим йўқ.

Кейинги гапни ҳамсуҳбатим сўрамаса ҳам айтиб, қовун тушириб кўйишимга оз қолди. Хайриятки, Умар аҳамият бермади ёки эшитмади.

- Мана шу қабристонда Абдуғаффор тўплаган икки қоп тилла буюмлар, тақинчоқлар ётибди.

- Аниқ жойини айтсанг топиб келардим.

- Ҳозир у томонга бориш хатарли, - гапимни бўлди янги бошлиқ. - Қишлоқни толибонлар босиб олган. Уларнинг раҳбари Мулла Мухаммад Умар. У Самангон, Толиқон, Зори-Бозор каби қишлоқларда ҳарбий объектлар қуриш мақсадида ҳамкорлар излаяпти. Бунинг учун бин Лоден 10 миллион доллар маблағ ажратганмиш. Уларнинг мақсади ўзларининг ҳарбий позициясини мустаҳкамлаш!

- Сен нима деб ўйлайсан, улар Ўрта Осиёни, босиб олишлари мумкинми? - Умар жим қолганини кўриб уни гапга тутишга ҳаракат қилдим. Аини пайтда мени қизиқтираётган маълумотлар ҳақида билгим келди.

- Бу кўённинг шер билан ўйнашишига ўхшайди. Вақти бевақти кечагидек чегарада икки-учта ўқ узиб, халқнинг тинчини бузиб, ваҳимага солиш. Малайларини пизо чиқаришга гижгижлаш... - Умар бирдан жим қолди. Ёнимга келиб юзимга тикилди. - Менга қара, сен афғонга ўхшамаянсан, башаранг айтиб турибди. Ўзбек ё тожиксан! Гапларнинг ҳам валати, нуқул китобий сўзларни сўзляяпсан, - деди.

- Нега мендан гумонсираянсан? Одамларнинг башарасига афғон ёки тожик деб ёзиб қўйибдими? - жahlим чиққандек зардали овозда дедим.

- Ким бўлсанг ҳам менга ёқиб қолдинг, - деди ниҳоят Умар ўз жойига ўтар экан. У стол устидаги матонни кўтариб, остидан бир варақ қоғоз олди.

- Мен араб алифбосидаги хатларни ўқий олмайман, - деди қоғозни узатиб. - Ўқи-чи!

Хатни олиб кўз югуртирдим. Урду тилида битилган мактубда шундай ёзувлар бор эди:

«Шогирдимиз мулла Абдуғаффор жанобларига «Ал Ҳаққоний» мадрасасини тугатган етти нафар толибу илмларни Сизнинг ҳузурингизга йўллаётимиз. Улар ўзларининг бу ерда олган билим ва тажрибаларини сизнинг йигитларингизга ўргатадилар, улар учун барча шароитларни яратинг.

Абдулло Абдуллоҳ».

Аччиқ киноя ва кесатик билан битилган мактубни ўқиб стол устига қўйдим «Ал Ҳаққоний» мадрасаси ҳақидаги, гап-сўзлар қулоғимга чалиниб қолганди. Илгарилари бу ерда ишлаган йўриқчиларнинг деярли барчаси «Ал Ҳаққоний» мадрасасининг собиқ тингловчилари эди.

Эртаси кунн от-аравани сошлаб йўлга отландим. Қуён терак бўйи кўтарилиб қолганди. Туши билан тинмай чириллаган чиридоқлар бошқатдан хуружга кирганди. Каттакон калхат бир жуфт учирмаси билан чақчақлашиб, бошим узра чарх уриб учарди. Булоққа қатнамай қўйганимга ҳам йигирма кундан ўғиб қолди. Неъмат дўшбослагандан кейин икки кун ўрнимдан туролмай ётиб қолдим. Ўрнимга бошқа одам сув ташиган эди. Умар мени ўзига яқин олибми ёки жангарилардан йироқроқ юрсин дебми, ҳайтовур ишмга қайтарди.

Арава тўлкинда сузиб бораётган кемадай чайқалиб борарди. Ёндиракларнинг ёжирлаган овози муғли куй мисол қулоққа чалинади. Кўчалар бўм-бўш. Болалар кўринмайди. Тоққа - ўтинга

чиқиб кетаётган уч-тўрттагина одам гоҳи-гоҳида олдимдан ўтиб қолади.

Умарнинг кечаги гаплари менни ўйга толдирганди. Таажжуб; нима сабабдан у бу қадар ўзгариб қолди? Мақсади, қабристондаги бойлик-ни қўлга киритиб, бу ердан қочганими?! Қаёққа?! Эргашбой бу бойликдан боҳабармики?! Абдуғаффор, Неъмат ва ҳали менга номлари нотаниш бўлган шахслар амалга оширган бу иш аллақачон Эргашбойнинг қулоғига етиб борган бўлса ажабмас.

Умар ҳақида старлича маълумотга эга эмасдим. Шахси ва ҳаёти билан қизиқнишга улгурмагандим. Қасрдан келган?! Ақидапарастларнинг тузоғига қандай тушиб қолган?! Инжиқ ва сиңчков Абдуғаффорнинг эътиборини қайси хислатлари билан қозонди?! Раҳнамо-ларга алоқаси борми?! Бу саволларга старли жавоб менда йўқ эди.

Лагер таги ахволда қолганди. Жангарилар халталаридаги сўнгги бурда поиларини ҳам еб тугатишганди. Озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб келаётган кимсалар чегарадаги шармандали мағлубиятдан сўнг саросимага тушиб қолишганди. Шу боис алоқа узилганди. Жангарилар тарқаб кетгудек бўлса, Эргашбойнинг бошига қаро қуюндек бало ёниши аниқ эди. Шусиз ҳам у тубсиз жар ёқасига келиб қолганди. Ақидапарастлики дунёга ёйиш учун жангарилардан фойдаланаётган хориждаги кимсалар Эргашбой билан ҳисоб-китоб дафтарини ёниб қўйишлари ойдек равшан бўлиб қолди.

Кечки пайт лагерга қайтганимда қулоғимга «Эргашбой келармиш», деган хабар чалинди. Йиғитлар ўртасида саросима бошланди. Назаримда, бу ердаги очлик, қаҳатчиликдан кўра унинг таширфи даҳшатлироқ эди. Умар негадир хомуш тортиб қолганди. Хонасига сув олиб кирганимда у бошини қўллари билан чангаллаганча ўйга толиб ўтирарди. У менга эътибор бермади. Идишларни сувга тўлдириб, чиқиб кетаётганимда:

- Тўхта, - деди бошини кўтариб. - Бир пиёла сув бер! Негадир юрагим ёниб кетаяпти, - деди лабларини базўр қимирлатиб.

У мен узатган сувни бир кўтаришда ичиб юборди.

- Эргашбой келармиш, шу гап ростми?

- Агар у келгудай бўлса ҳамма иш расво бўлади, - тундваш деди Умар.

- Келади-кетади-да, - дедим унга далда бермоқчи бўлиб.

- Кетади?! Қаёққа?! Тожикистондан тенки еди. Энди қасрга ҳам борар эди. Шу ерда писиб яшайдида!

У билан суҳбатлашар эканман, стол четидаги кичкина шиша идиш диққатимни тортди. Бу калций-сиоит эди. Ажаб, нечун бу заҳар

униги столи устида пайдо бўлиб қолди, кимга аталган? Дўстиниги келишини эшитиб, унга совға ҳозирлаб қўйдими?

Умар мени тасаввур қилганчалик лақма ёки содда эмасди.

- Зори - Бозордаги хазинадан униги хабари йўқмиди ?!

Умар бошини кўтариб менига қаради, бўзарган чехраси бу сўровни эшитгандан сўнг оқариб кетгандек туюлди.

- Бу ифлос юмронқозикдек ер искаб юради. Алақачон ҳидини олган. Ўйлайсанки, у биз учун жон куйдириб яшайди деб. Асло, ўламизми, қоламизми унга буниги қизиғи йўқ. Бизларни шу ерда ушлаб тургани учун хорижлик кимсалардан жарақ-жарақ соққа олади. Айш-ишрат қилиб, даврон суриб яшашмоқда. Икки учта мамлакатда ўзи учун қаср уйлар қурилган дала ҳавиллари бор. Бу ерга ўлганининг кунидан, ҳомийлардан қўрққанидан келади. Мағлубият Эргашбойни саросимага солиб қўйганга ўхшайди. Тарқалиб кетмас-лигимиз учун, қўйинимизни пуч ёнғоққа тўлдириш мақсадида келётгани аниқ!

- 13 -

Мен интиқлик билан кутаётган кун яқинлашмоқда эди. Ботир Комнажон Обидов билан учрашган бўлса, албатта кимдир алоқага чиқиши керак, деб ўйлардим. Балки бу ердаги ишлар уларни қизиқтирмас. Керакли маълумотларни юбордим. Асосий айбдорлар, ватанфурушларнинг номи маълум. Ҳаёлимни минг турли ўйлар ўнгирлаганди. Юрагимни ҳаширқтираётган ҳаяжонни босолмасдим. Ниҳоят, мен кутган кун ҳам етиб келди. Булоқ тепасида узоқ вақт қолиб кетдим.

Идишини сувга тўлдириб, жўнашга ҳозирлик кўраётганимда тепадан тушиб келётган одамга кўзим тушди. У катта-катта қадам ташлаб мени томон келарди.

- Ҳой йигит, сувингдан ичсам бўладими? Жуда чанқаб кетдим, - деди ёшимга келиб.

Пақирдан сув олиб йўловчига тутдим. У ташна одамга ўхшамасди. Сувни аста-секин қулумлаб ичди. Тилини бузиб гапиришидан бу ерлик эмаслиги билиниб турарди, сув ичаётганида униги юзига назар ташладим. Бўйин терисидagi қизич доғларда кўзим тўхтади. Бу униги узоқ вақт бўйинбоғтақиб юрганини билдирарди. Мен кутаётган одам шу деган қарорга келдим.

- Сувинг ширин экан, - деди йўловчи мени гапга тутиш мақсадида.

- бунга қасрга олиб кетгансан?

- Тавилдарага! - қисқа жавоб қайтардим.

- Тавилдара узоқми?! - мени кутган жавобни қайтарди йўловчи.

- Хўв тоғнинг ортида, - чўққиларни қор босган тоғ томонни кўрсатдим.

Йўловчининг чеҳраси ёришди. Қўлини узатар экан:

- Комилжон Обидовдан салом, - деди жанговар оҳангда.

Юртдошимнинг бағрида бир зум бўлсада ўзимни ватан қучоғида тургандек ҳис этдим. Димоғимга она заминнинг ҳиди урилгандек бўлди. Юрт мендек бир ўғлини ёдга олиб эслаганидан, унинг корига яраб қолганимдан беҳад хурсанд эдим. Мен бошимдан ўтган, шу пайтгача кўрган кечирган воқеаларнинг барчасини Зокирга сўзлаб бердим.

- 14 -

Ботирнинг лагердан қочганини эшитган Фотхуллохоннинг бошидан ақди учиб, тунлари кўздан уйқу қочиб, ўзини кўярга жой тополмай довдираб қолди. Мабодо, Ботир орган ходимларининг қўлига тушгудек бўлса, ҳаммаси барбод бўлади. Афғонга ким, нима мақсадда жўнатгани, у ерда нима иш қилгани, кимларни кўргани, қолаверса, бу томонга жўнатилган ўқотар қуроолар ҳақида батафсил маълумот бериши тайин. Қўлга тушдингми, тамом, ҳаммасини булбулдек сайрашга мажбурсан. Ҳали тезағи қотмаган бу болакай бир турткига чидамай оғзидан гуллайди. Фотхуллохон бошини ари уяси-дек ғувиллатиб оғритаётган бундай ўйлардан қутулишнинг йўлини изларди. Бунинг чораси битта - Ботирни тиңчитиш! Бироқ уни қачон, қай пайт келишини билмайди. Балки имкониятнинг борида тезгина қишлоқдан думини тугиб қолгани маъқулмикан?! Абдуғаффорнинг ку режалари қуддек тўзғиб кетди. Оддий чегара постини ёриб ўтолмаган бу бақирокдан яна нимани куттиш мумкин? Балки Ботирнинг қочгани уни тинаш, кўрқитиш учун ўйлаб топилган одатдаги ҳийлалардан биримикин! Қочгани чин бўлса, алақачон қишлоққа келган бўларди. Ёки қўлга тушган бўлса, Фотхуллохонни тутиб кетишарди. Нохуш бу хабарни эшитганига ҳам икки ҳафта бўлди. Сув сепгандек жим-жит! Қишлоғидан чиқмай катта бўлган бу бола афғоннинг тоғу тошларида адашиб, йиртқичларга ем бўлиб кетмади-микан?! Маиан шу фикр унинг юрагига бироз дадда берди. Ҳар эҳтимолга қарши иш тутишни яхши кўрадиган Фотхуллохон ҳушёр бўлишга қарор қилди. Кечалари Ботирнинг йўлини нойлади. Тун қаро чодирини кийганда, эл уйқуга ётганда чопонига ўралиб, яширинча Ботирнинг ҳовлисига ўтар, тоғ бўзаргунча дарахтларнинг панасида писиб ётарди. Нима бўлганда ҳам бу бола кундуз куни уйига келмайди, деб ўйларди Фотхуллохон.

Чегара чизигини кесиб ўтган Ботир застара бошлиғига боргани сўзлаб берди. Жангарилар қўлига қандай тушиб қолгани-ю, афғон тоғу тошлари ичида жойлашган лагерда нима иш қилгани, потапиш йигит унга йўл кўрсатиб бу ёққа ўтказиб юборганигача айтди. Ҳеч нарсани яширмади. Қоринга боғлаб олган дафтарни бошлиқнинг қўлига тутқазди. Полковник уни варақлаб кўрар экан, гоҳ қошлари чимирилиб, гоҳ юзи оқариб кетарди. Икки зобитни қўшиб зудлик билан уни Тошкентга юборди. Комилжон Обидов бир ҳафта давомида Ботир билан суҳбатлашди. Керакли матлумотларни олди. Бир вақтлар армияга жўнатган Бўрон қандай қилиб жангарилар қўлига тушиб қолганига ҳайрон қолди. Зудлик билан алоқага чиқиш йўлини излади. Ботир Обидовдан кўрққанди. Қамаб қўяди, деб ўйлаганди. Бироқ полковникнинг оғаларча қилган муомаласидан кўнглидаги кўрқув ўрнини қандайдир илқик эгаллади. «Қайтсанг азоблашади, уришади, электр курсига ўтказишиб ўлдиришади», деб эшитган гаплари уйдирма эканлигига ишонди. Полковник Ботирни кундуз кун қишлоққа юбориш хатарли эканлигини ҳисобга олиб, ярим тунда ўз уйига ташлаб қўйишни йигитларига буюрди.

Ботир икки йил қишлоғидан олисда Ватанини соғиниб, қўмсаб яшади. Ёшлиги ўтган кўчалар, бўғана сувини ҳовучлаб ичган ирмоқлар, варрак учирган лой сувоқли томлар, боларилар гувиллаб учган бедазорлар - буларнинг ҳаммасини фақат тушида кўрарди. Машинадан тушибоқ ўзига таниш бўлган тупроқ ҳиди, шовқин солиб, дилбар куйини чалиб оқаетган ариқнинг чулдираши қулоқларига чалинди. Ерга тиз чўкиб, пешонасини тупроққа босди. Жамилани элади. Ўн бир йил бир синфда ўқиб, сирдоғ бўлиб қолган бу қиз ҳозир турмушга чиқиб кетган бўлса керак! Афғонга жўнашдан олдин юрак ютиб, севги изтиробларини бир энлик хатга битиб, почта орқали жўнатганди. Ажаб, Жамила хатни олдимкан?! Ўқиган бўлса нима деб жавоб қайтардйкин?!

Ботир бошини кўтарди. Ўрнидан турди. Кузатувчилар билан хушлашиб, наҳса девордан ошиб, ҳовлисига ўтди. Ота-онасини уйғотгиси келмади. Кун иссиқ, ташқарида ётса бўлади. Ботир ишком остидаги сўрига ўтирди. Қўлларига тиралиб, бошини орқага ташлаб, чамандек сочилган юдузларга термулди. Фалак унинг кўзларига ҳар қачонгидан бошқачароқ кўринди.

Шу пайт кимнингдир бақувват қафти Ботирнинг оғзига мисоли

капгирдек уридди. Нафаси қайтди. Бадани кўкариб, кўзлари олайиб, типирчилади. Бақирмоқнинг, улкан «омбур»нинг чапгалидан чиқмоқнинг чораси йўқ эди. Бошига тушган зарбадан кўз олдини зулмат босди. Борлиқ зим-зиё парда ортида қолди. Шайтондек елкасига миниб олган кимсанинг оғир вазни ниҳоят уни ерга йиқитди. Ботир боши узра кўгарилган пичоқнинг тиғи ойнинг тарам-тарам нурларида бир сония ялт этганини кўрди-ю, жон ҳолатда типирчилади. Ҳамон оғзига сирачдек ёпишиб турган кафт унинг қалбидаги фарёд-ли ташқарига чиқармади. Олмосдек ўткир тиғли пичоқ бўйнининг ярмини узиб ташлаганди.

Фотҳуллохон тун билан тонг учрашганда уйига қайтди. Дили вайрон, қўли қип-қизил қонга бўялган қори маст одамдек гандиракларди. Нима иш қилганини идрок этолмасди. Унинг бесўнақай ва тартибсиз қадам товушини эшитиб, аёли уйғонди.

- Сафар кийимларимни тайёрла!

Фотҳуллохон бошқа сўз айтмади. Ташқарига чиқди. Иссиқ сувда қон сачраган қўлини ювди. Таҳорат олди. Жойнамозни ерга ёзиб икки ракат намоз ўқимоқчи бўлди. Саждага бош қўйганда пешонасига данақдек тош ботди. Оғриқдан инграб юборди. Жойнамозни йиғиштириб ўрнидап турди.

- Энди мен кетаяман, хотин! Бошинг очиқ, Бесабаб зулм ўтказган бўлсам кечир! Қисматим, пешонамга битилгани шу экан. Кексайганимда гуноҳ ишларга қўл урдим. Ватанга, элга хиёнат қилдим. Буни худонинг ўзи ҳам кечирмайди. Бу юрт, бу тупроқ энди менга бегона, нафас олишга, оёғимни босиб туришга ҳаққим йўқ!

Фотҳуллохон бошқа сўз айтмади. Юрагини нимадир пичоқ мисол тидди. Тиз чўкиб, остонани ўпди. Кўзларидан дув-дув ёш оқди. Юрагини фижимлаётган оғриқ вулқондек отилиб, ўкириб йиғлади. Бир ҳовуч тупроқни олиб ўридан турди.

- Бегона юртда, нотаниш элда ўлиб кетсам, қабримга қўйишар, - деди ўзига ўзи гапиргандек пичирлаб. Ис-чироғимни ўтказиб тур. Анови етимнинг ҳовлисини қайтариб беринглар, уй қуриб, онасининг чироғини ёқиб ўтирсин.

Фотҳуллохон ҳовлидан чиқди. Аёл ҳамон рўмолининг бир учини тишлаганча миқ этмасди. Нозик гавдаси силкиниб-силкиниб қўярди. Унинг унсиз йиғлаётганини пайқаш қийин эмасди...

Булоқдан сув олиб, аравамни тош йўлга солиб, лагерга қайтаётганимда пешини бўлганди. Қуёш тафтсиз нурларини адирланклар узра сочар, юзларига чиммат тутгандек тоғ чўққилари ғира-шира кўришниб турарди.

Катга-кичик тошларга урилиб, тобраниб кетаётган аравада ўтирганча ўз ватанимни, дўстларимни ўйладим. Уларни кўргим келарди, соғингандим. Бирдан хаселимга Валий келди. Уни кўрмаганимга бир ойча бўлганди. Йўл-йўлакай хабар олиб ўтишни шиятладим. Кўчаларда одамлар сийрак эди. Қиш яқинлашаётганиги сабабли эркеклар чопонларини елкага ташлаб, арқонларини белларига боғлаб, тоғ тошларга ўтин йиғиштиргани чиқиб кетинганди. Кўчаларни тўлдириб, овозларининг борича бақириб, очлик ва қаншоқлик азобини унутиб, бир-бирларини қувлашиб болалар ўйнашарди. Узоқдан аравамни кўришлари биланоқ чопқиллаб оддимга келишарди. Болалигимда қадимги китоблардан ўқиган ривоятларини, эртакларини уларга айтиб берардим. Шу боис улар менга меҳр қўйиб, ўрганиб қолинганди.

Эшикни аёл киши очди. У бошига рўмол ташлаб олганди. Ташқаридан кирган экин бошидаги дуррасини кўтарди. Юзи бир неча дақиқа очиқ қолди. Юрагим «жиз» этди. Вужудимни ширин эҳтирос чулғанди. Йиғирма ёшлардаги бу қизнинг буёдоё ранг юзи, сурма сурилган қора қошлари, чўёдек ёниб турган нигоҳида кўзим тухтади. У мени биринчи бор кўриб турганидан таажжубланди. Қизини қалин қошлари чимиридди. Нигоҳимизни узолмай, бир-биримизга тикилиб қолдик. У ўзининг хусну жамоли, малоҳати билангина эмас, қарашлари билан ҳам ақл-хушимни олганди. Бу чимирилган қошлар остидаги порлаб турган кўзлар, сарвдек қомат, қизариб турган ёпови, хайдар кокиллари, юрагимда илк бор муҳаббат ўтиши ёқиб кетган Лайлоники эмасми?! Во ажаб, одам боласи ҳам шунчалк бир-бирини ухшайдими?! Бу не сир-сипоат? Тушимми, ўнгимми?!

- Сизга ким керак оға? - қиз рўмолини қайта ўраб, юзини тўсар экан, шундай деди. Менинг ақлу-хушимни олган юзлар нарда ортида қолди.

- Валий керак эдилар... - ўз овозим ўзимга бегона туюлди.

- Оғам тоққа - ўтин йиғиштиргани кетганлар. Сиз ким бўласиз?

- Мен бир тапишлариман. Шу йўлдан ҳар кун қатнайман. Қачон қайтишларини айтолмайсизми?

- Уч-тўрт кундан кейин қайтсалар керак.

- Қуллук, Кечирасиз, сиз кимлари бўласиз?

- Сингиллари...

- Беоодоблик қилганим учун кечиринг, исмингизни билсам бўлади-ми?

Ғаним қизга малол келганини пайқадим. Унинг шахло кўзларида порозилик пфодаси пайдо бўлганди. Бироқ одоб юзасидан исмини аниқди:

- Зебо.

Зебо! Бу исми мен ичимда айтдимми ёки ташимдамми - билмадим. Қиз эшикни ёпиб, ичкарига кириб кетди. Пардек енгил қадам товушлари кулоқларимдан узоқлашиб борар экан, юрагимнинг бир четига ширин ҳис уйғонди...

Лагерга бориб Эргашбой келганлигини эшитаман, деб сира ўйламагандим. Соқчилар айтишди. Эргашбой тушга яқин учта соқчиси билан келган эмиш. Лагер кўзимга ҳар қачонгидан бошқача кўринди. Атроф саранжом. Сочилиб, шамол учуриб ётган қоғозлар кўринмасди. Ўпиртик палаталар таъмирланганди. Олтмишга яқин жангари бир пайтлар Абдуғаффор яшаган тошли уй ёнида саф тортиб туришарди. Суви белгиланган жойга келтириб, отни аравадан бўшатдим.

Устига аскарларнинг дала кийимини кийган наст бўйли йигит тошли бинодан чиқди. У рўнарасида турган йигитлар олдидан ўтар экан, ҳар бир жангарига нигоҳ ташлаб, айримларининг елкасига кўлини қўйиб, саломлашарди. Унинг юзлари синиқ ўйчан, кўзларининг тубида кўрқув зоҳир эди. Мен унинг нигоҳларидан, қадам ташлашларидан, кўлларининг тез-тез сабабсиз ҳаракатга келтиришидан сездим. Бу Эргашбой эди!

- Биродарлар! - деди у салмоқли оҳангда. - Мен сизларга раҳнамозининг саломини олиб келдим. У киши сизларнинг Боткент блок постида кўрсатган қаҳрамонликларингиз ва жасоратингизга ҳамду санолар ўқидилар! Афсуски, бу жангда содиқ биродарларимизнинг кўпи ўққа учиб, ҳалок бўлди. Улар ҳамиша қалбимизда яшайди. Дўстларимизнинг оила аъзоларига йўлбошчининг шахсий ҳисобидан маблағ ажратилди. Бу жанг бизнинг мағлубиятимиз эмас. Асло кўнгиларингизни чўктирманглар. Энди биз бошқа йўл таплаймиз. Бизни қўлайдиган, мадад берадиган раҳнамоларимиз бор. Буни унутманглар!

Эргашбой узоқ нутқ сўзлади. Шонли ғалабанинг нақдлигини йигитларнинг кўз олдига келтириб қўйди. Сўзи якунланганда «Офариш!», «Раҳнамозинга шон-шарафлар!» деган ҳайқириклар янгради.

Милтиқлардан отилган ўқлар мудраб ётган тоғ чўққиларидан акс садо берди.

Сувга навбат кутиб турганлар орасида Эргашбойнинг кўриқчиларидан бири – паст бўйли, қовоқлари салқиган, кўзлари гўё йиғлаётган одамникига ўхшайдиган қирқ ёшлардаги бу йигит ҳам бор эди. Мен уни бир қарашидаяёқ танидим. Қулоғи остида операциядан қолган чандиқ, адашмаганимни билдирарди. Уни бундан бир неча йиллар муқаддам Афғонистоннинг Қандаҳор вилоятида учратганман.

Ажаб, у мени танирмикин?! Мен эса уни ҳеч қачон унутолмайман. Ўша омонсиз жанг майдонида ажал билан олишиб ётган бу йигитнинг сиймоси ҳозиргидек кўз ўнгимда.

Крамаренконинг машинаси икки БТР оралиғида елдек учиб борарди. Контрразведка бошлиғи ўзининг хавфсизлигини ҳисобга олиб, машинасида эмас, БТРларнинг бирига чиқиб олганди. БТРлар тез-тез алмашиб, гоҳ олдинга, гоҳ орқага ўтиб турганлиги сабабли командирнинг қайси машинада кетаётганини ҳеч ким билмасди. Крамаренкони нима сабабдан Қандаҳорга йўл олганини билмасдим. Орқаворотдан бу шаҳарда кўплаб жангчилар нобуд бўлаётганини эшитганман. Жангарилар қутилмаган пайтда кўшинларимизга зарба берар, ўзлари очгап яширин йўллардан кўплаб миқдорда қурол-аслаҳа, гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтишга ҳаракат қилишарди. Назаримда, контрразведка бошлиғи Қандаҳордаги вазиятни ўрганиш учун йўл олганди.

Бизнинг таширимиз отишма пайтига тўғри келди. Чегарани кесиб ўтишга урипган юзга яқин жангарилар пистирмага дуч келиб қолишганди. Отишма бир соатдан кўпроқ давом этди. Осмонга вертолёт кўтарилганда жангарилар «Хўли кабутар!», дея қичқирганча орқа-олдиларига қарамай қочишди. Бироқ вертолётдан қочиш ким омонлик топган? Тошлар орасида думалаб, қон-қушга беланиб, мурдалар ётарди. Ярадорлар овозларининг борича инграб, ёрдам сўрашарди. Мурдаларнинг очиқ қолган кўзлари, сарғайиб кетган юзлари мунгазам наша истеъмол қилганидан далолат берарди. Улар қоринларига беш-ўн килодан қора дори боғлаб олишганди. Ўша куни жангарилардан юз килограммдан ортиқроқ қора дори тортиб олинди.

Жангда отилган ўқ одам танламайди. Рўпарасидан чиққан тирик жонзотни ўша сонияда ер тишлатади. Бир соатлик отишма жараёнида жангарилар отган ўқлар бизнинг аскарларимиздан кўпининг ҳаётига ўзининг сўнги нуқтасини қўйганди.

Жанг майдонида қонга беланиб ётган ярадорларни олиб чиқиш,

уларга тиббий ёрдам кўрсатиш зарур эди. Санокли шифокорларнинг қўли-қўлига тегмасди. Урушда туриш йўқ, деганларидек, мен ҳам ярадорларга ёрдамга шошилдим. Улардан бирининг орқа курагига ўқ тегиб, суягини синдириб юборганди. Юзи бўздек оқариб кетган жангчини алақачон эс-хуш тарк этганди. Ҳатто нафас олиши сезилмасди.

- Қон қуйиш керак, - ярадорни кўрган жарроҳ ҳафсаласизлик билан шундай деди.

- Қон тугади, - кўрқа-писа жавоб берди ҳамшира.

- Унда ярадорни ўликхонага олиб чиқиб ташланглар, ярим соатлик умри қолган.

Назаримда, электр токини ушлаб олгандек бўлдим.

- Менинг қоним тўғри келмасмикин?, - дедим жарроҳга юзланиб.

- Қопинг нечанчи группа, - шоша-пиша сўради ҳамшира.

- Тўртинчи. Бемор операция столига ётқизилди. Унинг ёнига чўзилдим. Ярадорга қон бердим. Эрталабки нонуштани қилмаганим учунми тезда кўз ўнгим қоронғилашиб, вужудимда дармонсизлик сездим. Уч соатдан сўнг ўзимга келдим. Бу орада ярадор йигит бироз ўзига келиб, кўзини очганди.

Эрталаб қайтишимиз керак эди. Бироқ Крамаренко бу ерда қандайдир иш билан тутилиб қолди. Аҳволимнинг яхшилиги, йўлга тайёрлигимни билдириш учун унинг олдига кирдим. Палата эшигига қўл чўзганимда докторнинг овози қулоғимга чалиниб, остонада тўхтаб қолдим.

- Мени ортиқ мажбур қилма, Петр Иванович. Виждоним азобланишини истамайман.

- Сабр қил, Игор Степанович, - ҳар галгидек вазминлик билан жавоб қайтарди контрразведка бошлиғи. - Урушнинг тугашига оз қолди. Худо хоҳласа, уйга қайтамыз. Жонингни омон сақлаш пайида бўл. Бу ердан икки қўлимизни бурнимизга тиқиб кетиш аҳмоқлик. Имкониятдан фойдаланиб қолишимиз зарур. Ўзингга маълум, мамлакатда алғов-далғов бошланиб кетди. Гарбач ҳамма ёқнинг аталасини чиқариб ташлади. Мамлакат парчаланиб кетгудай бўлса, қариганда хор бўламыз.

- Биласанку, Петя, мен бойликка кўнгили қўйган одам эмасман, аммо илтимосингни охиргиси бўлсин. Бундан кейин мени мажбур қилма!

- Келишдик, - деди Крамаренко мамнун оҳангда. - Менга айтчи, кеча қўлга киритилган дорилар нечта ўликка жой бўлади.

- Олти-еттитасига жойлаш мумкин!

Крамаренко куни билан махсус темир тобутларга ўликларни жойлашда ўзи бош бўлиб турди. Мурдаларнинг олиб ташланган ички аъзолари ўрнига қора дори жойланиб, Ватанга жўнатилишини камдан-кам одам биларди. Тобутларни очишга шўрлик ота-онанинг ҳам ҳаққи йўқ эди. «Ватан учун» бўлган оғир жангда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган жангчининг қabri орадан йиллар ўтиб, яширинча очилиб, қорин бўшлиғидаги наркотик моддалар, қиммат-баҳо бойликлар олинарди. Албатта, булардан озми-кўми хабардор бўлсам-да, оғиз очишга, ўз порозилигимни бидиришга ҳаддим сизмасди. «Давлат сири»ни ошкор қилишда айбланиб ёки дайди ўққа учиб кетишим ҳеч гап эмасди. Кетиш олдидан ярадор йигитнинг олдига кирдим.

- Раҳмат сизга, - деди жангчи пўстлоқ босган лабини зўрға қимирлатиб. - Қонингизни бериб, ҳаётимни сақлаб қолибсиз. Ҳам-шира айтди. Энди биз оға-инимиз. Томиримда сизнинг қонингиз оқмоқда.

- Мен кетаяман, - дедим унинг елкасига дўстона қўл ташлаб. - Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз...

- Менга адресингизни ташлаб кетинг. Хизматдан бўшагач, албатта, олдингизга ўтаман.

Жангчининг раъйини қайтармадим. У ҳам менга яшаш жойини айтди. Биз хайрлашдик.

Мен ўша куниёқ бу йигитни унутиб юборгандим. Бироқ унинг яшаш жойи хотирамда сақланиб қолганди. Орадан икки йил ўтгач, Тошкентдан қайтаётганимда йўл-йўлакай хизматдошим яшайдиган кишлоқда тўхтаб ўтдим. Излаб уйини топдим.

- Ўғлимиз орада ишлаяпти, - деди ёши олтимышлардан ўтиб қолган киши остона устида туриб, - уйга қатнашга вақти йўқ, иши кўп. Ишлаш жойини, телефон номерини сизга беролмайман. Бу хизмат сири. Бирон нарса олиб келган бўлсангиз, менга ташлаб кетаверинг!

- Афсуски, ҳеч нарса олиб келмагандим, - дедим вашим келиб. - Бирга хизмат қилгандик. Кўриб ўтай, деб келгандим!

Қўлларини эшик кесакисига тираб, йўлимга қўндаланг туриб олган бу одамга ўзимни таптитишнинг фойдаси йўқлигини англаб, ортимга қайтдим.

Йиллар ўтиб, уни Афғон тунроғида, бир ҳовуч жангарилар ичида, аниқроқ айтадиган бўлсам, Эргашбойнинг қўриқчиси сифатида учратаман, деб сира ўйламагандим. Ким билсин, у бу ерга нима

мақсадда келган? Бирор топшириқ биланми? Мени таширмикин! Таниган чоғида ҳам кимлигимни ошкор қилмас?! Хаёлимдан бир-бирига қарама-қарши фикрлар ўтарди.

Ортимда сувга навбат кутиб турган бу йиғитнинг исми Ғофур эди. Яна бир неча сониядан сўнг қўлидаги сувдонини олишим, шу аснода кўзимиз учрашиши керак! Инсоннинг асаблари шундай нозикки, ҳиссиётларининг ошкор қилмасликка баъзида дош бера олмайсан. Қапчалик ўзимни бепарво, лоқайд тутмай қўлларим титрарди. Ким билсин, балки юзларим ҳам қизариб кетгандир?! Қайноқ нафаси бўйшимга тегиб турган, отдай пишиллаб нафас олаётган Ғофурга қарамасдан унинг идишига қўл чўздим. Бироқ қўлим ҳавода муаллақ қолди. Нонлож ўтириддим. Бир вақтлар ўзининг қувончу севишчларини ичига сиғдиролмай ёшга тўлган кўзлари ғазабдан чақнаб турарди. Бу кўзлар тубидан мен бошқа маънони ҳам уқиб олдим. Сарғайиб, сузилган пиғоҳлар кўпдан қора дори чекаётганини фоти этарди.

- Нега қўлимдан идишни олмайсан?! - баланд овозда ўшқирди Ғофур.

- Сизнинг кимлигингизни билмайдида, хўжайин, - улдан орқароқда турган йиғит ятоққанди. - Шу ерлик малайлардан. Тилни тушунайди...

Ғофур идиш билан пешонамга солди. Кейин ўзидан орқада турган йиғитга нимадир деб, жангарилар ичидан чиқдида, чодир томон кетди.

- 17 -

Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, деганлар ҳақ экан. Эргашбойнинг келиши Умар учун азага айланди. Тўлқин қирғоққа улоқтириб ташлаган балиқдек типирчилаб, ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Бунинг устига у Абдуғаффорнинг кулбасидан кўрпа-тўшакларини кўтариб, жангарилар яшайдиган чодирга кўчиб ўтди. Янги бошлиқ уни хушламасди. Кечки зиёфатларда, йиғилишларда қатнашмасди. Умарнинг қийналиб, азобланишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Эргашбой нега уни ёқтирмайди? Ораларидан гап қочганми?! Бунинг сабаби менга қоронғу эди. Уларнинг қалбида адоват, қасос бўлса, бундан фойдаланиб қолишни ўйлардим! Ёлғизланиб қолган Умар кўпроқ мен билан суҳбатлашарди. Бунинг сабаби уни ёлғизланиб қолишдан деб бўлмасди. Фикр-ўйи қабристонга яширилган хазинада эди. Бойликни қайси қабрга қўмилаганини билса,

аллақачон бу ердан туёғини шиқиллатиб қолиши ойдек равшан. Менга ўзини яқин тутишининг сабаби шу эди. Қандай қилиб бўлмасин, мени Зори-Бозорга бошлаб бориш йўлини ўйларди. Унинг ташқи қиёфаси, гап-сўзлари, ҳаракатлари буни билдириб турарди.

Эргашбой Тавилдарага нима мақсадда келди? Иккиланиб юрган жангариларнинг руҳини кўтариш учунми? Ёки уларни турли томонга тарқаб кетмаслигининг олдини олиш учунми?. Ҳомийларнинг дўқ-пўписасидан қўрқдими? Уни лагерга пул судраб келганини ҳеч ким билмасди. Унинг ташрифи бу ордаги шароитни баттар оғирлаштирди. Ҳеч нарса ўзгармади. Жангарилар ўртасида бир-бирига нисбатан ишончсизлик кучайди. Эргашбойга яхши кўриниш, унинг ишончига кириш, кечки зиёфатларда у билан бир дастурхонда ўтириш истагида бўлган кимсалар ҳар қандай иғво, фитна, тўхматдан қайтмасди. Порахўрлар, сотқинлар, чақимчи-ғийбатчилар, иғвогарларнинг куши туққанди. Оддий жангарилар очлигу қаншоқликни, хўрлигу таҳқирликни, камситишу адолатсизликларни кўтара олмасди. Эргашбойнинг ишончли кишилари ёшларга жабр-зулм ўтказишарди. Уларни қишлоқларга чиқиб, одамларнинг бор-будини талашиш буюришарди. Буни истамаган жангарилар тонг отгунча тошми бино оддидаги устунларга яланғоч қилиб боғлаб қўйиларди. Ухлаб қолмасликлари учун устларидан совуқ сув қуйиб туришарди. Улар бундай азобга бардош бериб яшашга мажбур эдилар. Қочиб кетишолмасди. Ўлдириб юборишларидан, тоғу тошларда йиртқич ҳайвонларга ем бўлиб кетишдан қўрқишарди...

Мағлубият сабабларини узоқ вақт таҳлил қилган Эргашбой одамларини қайта текширишга тушиб қолди. Шубҳали кўринган кимсаларни хонасига олиб кириб сўроқ қиларди.

- Сен ўн тўрт ёшингдан бошлаб, разведка мактабида ўқигансан. Сени айғоқчиликка ўргатишган. Бизнинг сафимизга яширинча кириб олиб, муҳим маълумотларни йиғиб, керакли одамга етказиб берасан! Айт, ўша одам ким?! Қачон у билан алоқага чиқасан?! Сенга қандай топшириқ берган?

Бечора йигит қуруқ тухматдан тили айланмай эсанкираб қоларди. Бу эса қонхўрга қўл келарди. Унинг ишораси билан заҳарли шприц тутган соқчилардан бири айбдорнинг билагига игна санчарди. Бир дақиқадан сўнг оғзидан кўпик келиб, тутқаноқ тутган одамдек ерга узала тушиб, тупроққа чулғаниб, тошларга бошини уриб дод соларди. Ўн-ўн беш дақиқадан сўнг эса ўзига келиб, бошини кўтарарди. Эргашбой яна уни сўроққа тута бошларди:

- Шерикларинг ким! Уларни менга кўрсат!

Кўзи ола-кула бўлиб кетган, боши карахт бўлиб қолган бечора айбдор ўзини оқлашга куч топа олмасди. «Сукут - розилик аломати», ўйларди Эргашбой ва шприц ушлаб турган йигитга ишора қиларди. Бироқ иккинчи уколдан сўнг унинг юраги қийноқларни кўтаролмай, ерга йиқилганча жоп таслим қиларди. Ўзбек ўзбеки шу қадар вақшийлик билан жазолаши мумкинми? Шу қадар ёвузлик билан ўлдирishi мумкинми? Мен ҳали-ҳанузгача бу саволларга жавоб тополмайман.

Бундай даҳшатли томошаларни кўриш, ундан завқ олиш Эргашбойнинг қўлтиғига сув пуркайдиган, уни ўзлари учун илоҳийлаштириб олган ҳайбарақаллачи дўстларига хуш ёқарди.

- Хўжайин, ўга зийрак, топқир одамсиз-да! Агентнинг кўзига қараб ниятини биласиз! - дейишарди ялтоқланиб улар. - Бундай зеҳну фаросатни Оллоҳ камдан-кам одамга пасиб этган! Хи... Хи... Хи...

Эргашбойнинг бу қадар қутуришига, ўз кишиларидан гумонсирашига, хавфсирашига бошқа сабаб ҳам бор эди. Биз бу ҳақда кейинги бобларимизда тўхталамиз.

- 18 -

Хориждан келган меҳмон кечки зиёфатга Сами Ҳожиникига таклиф этилди. Бундан меҳмоннинг дил-қулфи очилиб, боши осмонга етди. У зиёфат учун эмас, балки икки кундан бери орзиқиб кутаётган учрашув вақти белгиланганидан хушнуд эди. Демак, йигит рози, таклифи маъқул тушган! Бугунги учрашув қандай якуланишидан қатъий назар, хорижлик меҳмон ўзининг водийга қилган ташрифидан мамнун эди. Бошлиқнинг топшириғи бажарилди. Бир қатор шаҳар ва қишлоқлардан хорижда ўқиш истагида бўлган ўнтадан бола танлаб олинди. Улар билан шахсан меҳмоннинг ўзи суҳбатлашди, дўстлар ҳам ортгирди. Сами Ҳожи шулардан бири эди. У шўро йилларида узоқ вақт раҳбарлик лавозимларида ишлади. Мустақиллик ҳайбарақаллачи, ватъабоз, порахўр, юлғич кимсаларни ўз бағридан улоқтириб ташлаганда Сами Ҳожи усталик билан иш тутди. Қилмишлари очилиб, пайтавасига қурт тушишини билиб, нафақага чиқиб олди. Бироқ ёғлироқ курсига ўтириш, ҳеч бўлмаганда маҳалла оқсоқоли бўлиш истаги уни тинч қўймасди. Арабистонга Умра сафаридан қайтгач, тугдек тўкилган обрўйи тиклангандек бўлди. Содда, ҳалол қишлоқ одамлари бир вақтлар нафс балосига гирифтор бўлган, ўзгалар қўлидаги сариқ чақани ҳам шилиб олишда ҳар қандай

Хиёлато найбранларни ўйлаб тонгандан Сами акаши «Хожки ака»,

«Хожки ота» аёб рақибданган бўлишди.

Хоржидан келтириб, Сами Хожки қандайдир йўлардан бундан боғи

кетди. Қишлоқдаги молдохна ва охиҳонани сотиб олади. Чохиҳонанинг

тири ўзи бундан пинаган, қарапайим, мақсамади, муштарақ бўлган

кишиларга ажратилган. Барзахоналикни хуш қўрайдиган Сами Хожки

Аунёб-тоғнинг таширдан, Пўрвикор таллардан бундан утиралаётган

орзини оғиб қўради. Пировайдан, ёшаётган хоржидан тоборини, у ерда

ўқитиш қорамитрини талқиларди.

- Ёшларимизнинг тарбияси ҳаттоқ, йилит-қизни ажратиб оқибсан.

Кўша - қулузи бир-биридан қувиққаннинг тоғдан, ўларини до-

ҳна мақсадларда ўқитиш оғини Хоржидан тоғдан олинган келди!

- Ёшларимизнинг тарбияси ҳаттоқ, йилит-қизни ажратиб оқибсан.

Кўша - қулузи бир-биридан қувиққаннинг тоғдан, ўларини до-

ҳна мақсадларда ўқитиш оғини Хоржидан тоғдан олинган келди!

- Ёшларимизнинг тарбияси ҳаттоқ, йилит-қизни ажратиб оқибсан.

Кўша - қулузи бир-биридан қувиққаннинг тоғдан, ўларини до-

ҳна мақсадларда ўқитиш оғини Хоржидан тоғдан олинган келди!

- Ёшларимизнинг тарбияси ҳаттоқ, йилит-қизни ажратиб оқибсан.

Кўша - қулузи бир-биридан қувиққаннинг тоғдан, ўларини до-

- Ширкат хўжалиги билан шартнома тузиб, икки гектар ер майдони олдим. Ўнг сотиб олин, ишлов бериш учун ёшимда сармоям йўқ! Давлатдан ссуда олмақчи эдим. Аммо анча-мунча қийинчиликларга учрадим.

- Қанча қарз олмақчисиз? - ер остидан Азизбекка кўз югуртирди меҳмон.

- Бир миллион атрофида, - хижолатомуз жавоб қилди Азизбек.

- Ўша пулни биз берамиз ишим!

- Меҳмоннинг умрлари узун бўлсин, - гапга аралашди Сами Ҳожи.

- Сенга ўхшаган ишбилармон, тадбиркорларни яхши кўрадилар. Доимо қўллаб-қувватлайдилар.

- Мени бағоят хурсанд қилдингиз, меҳмон ака! - қувониб кетган Азизбекнинг юзига қизиллик югурди.

- Аммо бир шартимиз бор, - деди меҳмон бир дақиқалик жимлик - дан сўнг.

- Сиздек олийҳиммат одам бизга малол келадиган шарт қўймаса керак...

Меҳмоннинг юзида табассум ўйнади. Бу кўпроқ заҳарханда кулгуга ўхшаб кетарди. У энди гапни айлантириб ўтиришдан кўра мақсадга ўтишга шошилди.

- Хўжалиқдан олган ерларингизга қарам экасиз!

- Ҳаммасига-я?!

- Ҳа, ҳаммасига.

- Қарам ҳаммаёқда тиқилиб ётибди. Қасерда сотаман уни, меҳмон ака?! Ундан дурустроқ фойда кўришга ақлим етмайди. Ўзингиз биласиз, бизнинг қишлоқ аҳли қарамни унчалик ёқтирмайди. Совуқлик-да!

- Сиз биз айтган ишни қилаверинг, кам бўлмайсиз. Ҳосилни етиштиринг, сотинини эса бизга қўйиб беринг! Даланинг ўзида ҳисобкитоб қиламиз!

- Азизбек, меҳмон ҳақ гапни айтганлар. Кўнглингизни тўқ қилинг! - гапга қўшилди Сами Ҳожи.

- Агар ўзингиз харидор бўлсангиз, мен розиман!

- Баракалло, бўғам, - меҳмон яйраб кулди. Сами Ҳожи мамнун бўлиб ўришдан турди.

Азизбек кетар чоғида Сами Ҳожи унинг қўлига пакет тутқазди.

- Ҳамир учидан патир, - деди меҳмон кулиб, - камчиликларингизга ишлатарсиз. Камлик қилса, Ҳожи акангиздан тортишмай сўранг! Худо хоҳласа, биз кузда учрашамиз.

Азизбек ўзида йўқ хурсанд эди. Нима учун ҳали пишиб етилмаган карамга меҳмон маблағ бераяпти? Азизбек ўзини ўргимчак тўрига илинганини ҳали тушуниб етмаганди...

- 19 -

Тонг ёришар-ёришмас уйдан чиққан Фотхуллохон уч кун йўл босиб, Афғон чегарасига етиб келди. Ҳаво булут эди. Икки кундан бери ёққан жала тинган бўлса-да, булутлар ҳали тарқаб кетмаганди. Бундай пайтларда чегара чизигини кесиб ўтиш учун баъзи қулайликлар пайдо бўлади. Искович итлар ҳид ололмайди. Изга тушолмайди. Чегарачиларнинг ўтқар нигоҳлари писиб ётган кимсаларни кўрмайдди. Фотхуллохон чегарани қайси қисмидан кесиб ўтишни яхши биларди. Аввалдан белгиланган уч-тўртта пистирмаси бор эди. У ана шу пистирмалардан бирида бир муддат писиб ётди. Чегарачилар ўтиб кетишгач, янги наряд келгунча дарёдан сузиб ўтишга қарор қилди. Тезгина кийимларини ечиб, қайишига боғлаб, бўйнига идди-да, сувга тушди. Сув совуқ эди. Баданини иччоқ мисоли тилди. Ташқаридан сокин кўринган дарё тубида оқим кучли эди. Бир зумда Фотхуллохонни ўз ихтиёрига олди. У қулоч отиб, оқимга қарши суза бошлади. Бўйнига илиб олган кийимлари ивиб, оғирлашиб, настга тортар, сузишга ҳалақат берарди. Ихтиёрини оқимга бергудек бўлса, ҳув олисда милтираб турган чегарачиларнинг кемаси рўнарасидан чиқишини билади. Фотхуллохоннинг юрагини қўрқув ва ваҳима босди. У бор кучини ишга солиб, жонсарак бўлиб, тунининг қора пардаси ёпилган соҳил томон интиларди. Оқимнинг қаршилигини сипдириб, жон талвасасига тушиб бораётган Фотхуллохон кутилмаганда гирдобга тушди. Шовуллаб оқаётган сув уни чархпалакдек айлантириб, дарёнинг тубига ҳасдек тортиб кетди. Оғзи-бурнига бўтана сув тўлиб, нафаси қайтиб, бўғилиб, сув юзига қалқиб чиққач, бир муддат қайси томонга сузишни билмай қолди. Зулмат ва чироқлар уни қайси томонга ҳаракат қилишини белгилаб берди. Бироқ қорининг сузишга, қўл-оёқларини қимирлатишга мадори қолмаганди. Боши сув бетига қалқиб бораётган коптоқдек гоҳ кўришиб, гоҳ кўринмай борарди. «Ҳаммаси тугади, пешонамга шу ерда ўлиш ёзилган экан», деган хаёлга борди. Овозининг борича қичқириб, чегарачиларни ёрдамга чақирмоқчи ҳам бўлди. Бироқ оёқ ва қўллари совуқ таъсирида қимирламай, томирлари тортишиб қолганди. Секин-аста сув тубига чўка бошлади. Шунда оёғи қаттиқ жисмга текканини ҳис қилди. Қийналиб қаддини ростлади. Сув кўкрагидан пастроқда оқарди.

Фотхуллохон ўлимдан омон қолганига қувонди. Калимасини ўтир-

ди. Ёғочдек қотиб қолган гавдасини зўра кўтариб соҳил томон юрди. Бадани безгак тутгандек титрар, тиши-тишига тегмай такилларди. Қирғоққа чиқдию ўзини қумга ташлади. Шундай оғир қисматга гирифтор қилган, нақ бўлмаса ҳаёт шамининг ўчишига сабабчи бўлган Червон хошимни лаънатлади. «Илоҳим ниятинга етмагур! Сендек ифлос билан рўбарў келтирган кунга минг лаънатлар бўлсин! Бошимга балоларни ёғдирдинг. Кексайганимда иссиқ уйимдан, болачақаларимдан, юртимдан жудо қилдинг. Сенга ҳам худонинг балоси бордир!»

Тун сукунاتини бузиб катернинг шигичка, чўзиқ гудогн янгради. Фотҳуллохон кўрқиб, бошини кўтарди. Дарё ўртасида оқимга қарши сузиб келаётган чегарачиларнинг катерини кўрдию туяқушдек бошини қум ичига тикиб олди.

- 20 -

Комилжон Обидов кечки рейс билан водийга учиб келди. Самолёт ғилдираклари ерга текканда қош қорайиб қолганди. Обидов ҳаддан ташқари очиққанди. Тамадди қилишни кейинга қолдириб, вилоят ички ишлар бошқармасига жўнади. Бошқарма бошлиғи Мамажоновнинг хонасига вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари тўпаланганди. Полковник Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадон ҳудудларида яшириниб юрган бир гуруҳ жангариларнинг юртимизда қўпоровчилик ишларини олиб боришга тайёргарлик кўраётгани ҳақида маълумот берди.

- Эргашбой ўз одамларини мамлакатимиз ичкарасига юбориб, қўпоровчилик ва давлат тўнтаришига тайёргарлик кўрмоқда. Бу ҳақда қўлимизда ишончли маълумотлар бор. Унда айтилишича, ҳозир республикамиз ҳудудида 1000 дан зиёд ёлланган, моддий ёрдам олиб турган кишилар мавжуд. Уларнинг яшаш жойлари, исм-шарифлари, ўқ отар қуроллари ҳақида ҳам маълумотга эгамиз. Водийда бу гуруҳга Фотҳуллохон исми шахс бошчилик қилади. Ишончли одамимизнинг хабарига қараганда, Фотҳуллохон шу ойнинг 14-20 кунларида Афғонистонда бўлган. Жангарилар гуруҳи бошлиғи, дала командири Абдуғаффор билан учрашиб, суҳбатлашиб қайтган. Уларнинг ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан бизга шу нарса маълумки, жангарилар Боткент орқали водийни босиб олиш мақсадида бўлган. Абдуғаффорнинг Ўзбекистонга юриши бошланган кун бу маълумот бизнинг қўлимизга келиб тушган. Бахтимизга улар блок постида чегарачиларимизнинг қаттиқ зарбасига учраб, орқага чекинишга мажбур

қилинган. Абдуғаффор ва унинг ёрдамчилари шу ерда ҳалок бўлиниган. Қандайдир сабаб билан Фотхуллохон ўзига топирилган вазифани уддалай олмаган. Ўз одамлариши ички тартибсизликлар келтириб чиқаришга сафарбар эта олмаган. Эндиги вазифа - Фотхуллохонни ва унинг шерикларини қўлга олиш, - полковник ўттирганларга қараб қўйди. Улардан фикр-мулоҳаза кутди.

- Уларни қўлга олиш учун бизда асос бўлиши керак, - деди вилоят прокуратурасининг уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш бўлимининг терговчиси Бобохонов. - Айниқса, Фотхуллохоннинг Афғонистонга ўтиб келганини, жангарилар бошлиғи билан учрашганини тасдиқловчи факт. Аксинча, биз қўйган айбни у ишкор этади. Икки-уч кундан сўнг қўйиб юборишга тўғри келади. Бу орада шериклари қочиб кетгани мумкин.

- Гашиғизга тўла қўшиламади, Гофуржон ака, - деди Обидов. - Боя айтдим, Фотхуллохон икки йил аввал ўз туманидан ун беш нафар ёшларни тўплаб, уларни чет элга юборган. Бироқ улар ўқув юртларига эмас, балки жангарилар тайёрлайдиган лагерларга тушиб қолган. Айнан ана шу йиғинлардан бири ўта муҳим ахборотни олиб қочган. Ўша йилнинг бу ҳақда маълумот берини мумкин.

Бошқарма бошлиғи Мамажонов зудлик билан Фотхуллохон тўғрисида ахборот тўплагани буюрди. Йиғинида Фотхуллохонни қўлга олиш режаси ишлаб чиқилди. Бир ҳафта ичида водийнинг шаҳар - қишлоқларидаги шерикларини ҳам тутиш режалаштирилди. Йиғинида аниқ мақсад баён қилиниб, қўлга олиниши зурур бўлган террорчиларнинг исми шериклари, яшаш жойлари, учрашув чоғида ишлатиладиган «парол»лари маълум қилинди. Бошқармада узоқ йиллар ишлаган, тажрибали изқуварлар бу ишга жалб этилди. Милани хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам ўзларидаги маълумотга таянган ҳолда ҳаракат қилишлари келишиб олинди. Бу орада Фотхуллохоннинг шахсига оид маълумот тайёрланиб, Обидовнинг қўлига топширилди.

Фотхуллохон Эшонов. 1940 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус. 1961-63 йиллар чегара қўшинларида хизмат қилган. 1965 йили жамоа хўжалигида маккажўхоричилик бригадасида етакчилик қилиб, 120 центнердан дон етиштирган. Вилоят комсомол мукофотининг лауреати. 1970 йилдан 1985 йилга қадар пахтачилик бригадасида етакчилик қилган. 1986 йилда ширкати хўжалигининг чорвачилик фермасида зоотехник бўлиб ишлаган. Жамоа чорчасини талон-тарож қилганлиги сабабли ишдан бўшатилган. 1996 йилдан шу кунга қадар маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси бўлиб ишламоқда. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Диний экстремизмга ва терроризмга алоқадорлиги аниқланмаган.

Мажажонун мавоқтафини эҳстремиз ва терпоризма авоқар-
таҳарини шахсан ўз назоратига олардил. Бу оқинга моина шахсар-
ни яхши таниди. Бирок Фотхуллоҳонининг исми сипчоқ, инжик
табиатини, шу билан бирга тиниб-тиничмас поквориникининг дўххатига
тушкатишини хайрон қолди. Мажажон бир ой ичунда виловтининг
барча туманиларига бўлиб, оқлар билан урғаниб, сухобтавланиди.
Эҳстремиз ва терпоризмининг марказлари, интиқари хакимга тушуни-
лриш оғиб боргани. Ашра шу интиқлардан бирини интиқок этган
оқиннинг исми бунга тушди. Бу маҳалда тиничини филолардан бери
Фотхуллоҳондан. Ҳаётки уша оқим шу бўлса... Ахир у қўпчанлик
оқинга қайинга чиройан пугк сузатгани. Танари тез-тез қарсақлар
билан бўлиниб тургани. Тоқовник ҳам унинг сузларига Анкаат
билан қулоқ солигани. Унинг оғиндан чикаётган хайр сўз оқиннинг
барагинни жимираттиб юборгани. Ушага Мажажон урғашувани
қажун бўлиб қаттигани. Илқизга, хакимиз орасига шунадай
ажоиб, филоин, жасур қишларнинг бор экан, терпориз ва Унинг
эҳстремиз хеч қачон суқиниб қиромалиди, хакимиз тиничини
бўлгангани. Ашра ўшадан. Ушаб-Ушаб Оқингов номинини тава оларан
қинса айини Фотхуллоҳон қанайиша иқдор бўлди.

Мажажон Фотхуллоҳон қори хакимга қори маҷаллотнома билан
танишди. Шу аснода тевофот жипингаб қолди. Мажажоннинг
хўдан бўлини. Ўшакки кўтарди. Тушди ички ишлар бўлиниши
бонгани. Ўшакки кўтарди. Тушди ички ишлар бўлиниши
Шоҳинга мажх тоқовини ўшариб қўгани. Қўганини тиничини
ворга жонига қолган. Шахси аниқлашкати. Тезкор қишаруя ишларни
оғиб борганокда!

Ботир Ўқовонининг покчини эшитиб Оқиновнинг рапти оқариб
кетди. «Бу ўша, мен билан урғашан интиқ бўлмасин-Аш», Ашга уш
хабарини қолди.

Қўларни сиз билан боғлаб ташашган Фотхуллоҳон инҳоят сўгани
қолини кўтарди. Инҳоят боғлаб қўганини қўганини шурабасини
қайини. Эртанги боғлаб бир-бир қамдам боғиб қўганини
сезди. Оқинга хирон этди тоқовинга ураниб, тиривлатиб овоз
чикардани. Бу хиви уфдуриб турган этди шунақкинда дўпарасига
тухтади. Хўжанини бир оғини кўтарди. Фотхуллоҳоннинг сақасига



қўйди. У карахт бўлиб, тарс ёрилиб кетгудек оғриётган бошини бир томонга қийшайтириб, қизариб кетган кўзларини Эргашбойга қадади.

- Бари бир келибсан-да, кўшпак! - масхараомуз жилмайди хўжайини.

- Келдим, беозорим. Сизнинг ёнингизга келмай қаёққа ҳам борардим.

- Бизни сотиш, сиримизни ўғирлаш учун юборишдими?!

- Ундай деманг, беозорим. Азбаройи сизга содиқлигимдан, хузурингизга қул бўлиб келдим!

- Сен иблис, қариган чоғингда шайтоннинг гапига кириб, нафсинг шаталоқ отиб, одамларимизнинг пулни бермай жиғилдошингга ютдинг!

- Содиқ қулингизнинг бир қошиқ қошидан ўтнинг, беозорим! Тенамда худо турибди, бундай ишларга қўл урмадим!

- Шундай дегин?!

- Шундай, беозорим!

- Демак, мен сенга тухмат қиялман эканда, а?!

- Бу гапимни тухмат деб қабул қилсангиз каминга қулингизни қийин аҳволда қолдирган бўласиз, беозорим!

- Гапга чечан бўлиб кетибсан?! Ё сенга ўргатиндими?!

Эргашбой совуқ жилмайди. Оёғи билан Фотхуллохоннинг елкасига тебди. Бу зарбадан қариянинг юзи ерга - майда-майда тошларга тебди. Бурнидан қон чиқди. Қошининг тепаси шилиниб, қизариб кетди.

- Одил! - Илон чаққан одамдек қичқирди хўжайини. Атрофда тўнланиб турган йиғитлардан бири олдинга отилиб чиқди.

- Лаббай, ака?!

- Манови қари эшакдан бирор маротаба пул олганмисан?

- Ё алҳазар! Бу кишини излаб бир неча маротаба уйларига борганман. Ҳар гал хотинларига йўқ дегиздириб юборганлар.

- Эшитдингми, исқирт! - Эргашбой оёғи остида типирчилаб турган Фотхуллохоннинг елкасини ифлос нарсани босиб олгандек эзғилади.

- Булар менинг тирик гувоҳларим. Мени ҳам алдаб, лақиллатмоқчи бўлдинг-а. Гапимга ишонади, кўз ёшларимга раҳми келади, деб ўйладингми, а?! Одил, бу иблиснинг бошини ўз кўлинг билан сиртмоққа ил!

Фотхуллохон йиғлаб юборди. Ҳаётини сақлаб қолиш илинжида имконият, баҳона излади. Яна хаёлини Червон хошим баида этди. Боши вақтинча бўлса-да омон қолиши учун ундан қасос олишга аҳд қилди.

- Сизга айтадиган муҳим гапим бор, беозорим. Кейин ўлдирсангиз ҳам розиман. - Фотҳуллохон ҳар гал «беозорим» сўзига алоҳида урғу берарди. Ҳеч бўлмаса шу сўз қаҳр-назабга тўлган хўжайиннинг юрагини юмшатса, деб ўйларди. Эргашбой бу сўзни ўзига нисбатан адолатли, меҳр-шафқатли маъносида қабул қиларди.

- Гапир! - Тўдабоши қадини букиб паст овозда деди.

Ёшга тўлган кўзлари ола-кула бўлиб кетган қария шивирлади:

- Сизнинг одамларингизни ментларга Червон сотди!

- Червон?!

- Худди шундай, беозорим. Ўша бузуқи ҳаммамизни адойи тамом қилди.

- Буни сен қаёқдан билдинг?!

- Ўз оғзидан эшитдим. Абдуғаффор ўлди, одамларимиз тарқаб кетганмиш. Низом қассобнинг ўғли ҳам қочиб келибди. Сен ҳам ўз оёғинг билан мелисага бор. Айбингга иқрор бўл. Нима деса, хўп дегин. Бу ердаги шерикларимизнинг рўйхатини берсанг, айбинг енгиллашади. Балки, қамашмас. Бунга мен кафолат бераман. Акс ҳолда, итдек ўлдиришади, - деди.

- Ёлғон?! Червон хоним сен ўйлаганчалик пасткаш эмас. У бизнинг садоқатли, ишончли одамимиз! - бақирди жангарилар сардори.

- Ёлғон бўлса тил тортмай ўлай, беозорим. Низом қассобнинг ўғлини ўлдириб, қўлимни қонига бўяб қочдим. Ишонмасангиз, одам юбориб, текширтирин!

Эргашбой жим қолди. Титраётган қўллари билан нягини қашлади. Наҳотки, бу пасткашнинг гаплари чин бўлса?! Ўн йилдан бери алоқа қилиб, энг ишончли одамига айланиб қолган Червон хоним ҳукумат томонига ўтиб кетса?! Ахир унга келаётган хабарларда ҳақиқатдан ҳам кейинги икки кун ичида кўлаб ишончли одамларнинг қўлга тушгани, ўқ-дорилари тортиб олинаётгани аён эди! Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Ичимиздан биропта хоин чиққанки, одамларимиз ҳақида ментларга маълумот етказиб турган. Наҳотки, бу Червон хоним бўлса?! Эргашбойнинг қўллари мушт бўлиб тугилди. Ҳазабдан кўзлари чақнади. Тишлари гичирлади.

- Илҳом! - Овозининг борича қичқирди Эргашбой.

Олдинги сафда турган Илҳом бир қадам босиб, хўжайиннинг рўпарасида тўхтади. У Боткентга юриш бошланадиган кун тасодифан бу ердан ғойиб бўлиб қолганди. Қарерда, нима иш қилганини ҳеч ким билмасди. У Эргашбой билан бирга лагерга қайтганди.

- Лаббай!

- Мановининг гапларини эшитдингми?!

- Эшитдим!

- Эшитган бўлсанг, ҳозироқ Эрон орқали Олма-Отага учасан. Червон хонимни ернинг тагидан бўлса ҳам тонасан. Искиртнинг гапларини ипидан игнасигача текшир. Рост бўлса, хонимни тинчит. Одамларимизга тайинла, руҳий тушқуликка тушишмасин. Вақтинча қўшни республикага ўтиб, яшириниб туришсин. Керак пайтида ўзимиз хабар берамиз, тушундинг-ми?

- Тушундим, хўжайин!

- Тушунган бўлсанг, жўна!

Эргашбой ерда ҳаллослаб ётган Фотхуллохонга юзланди.

- Сен учун ажойиб жой тайёрлаб қўйганман. Илҳом қайтгулча ўша ерда дам оласан. Уқдингми? - деди.

Фотхуллохоннинг юзига қош югурди. Жони омон қолганидан севишти. Эргашбой айтар гапини айтиб, ўз кулбаси томон юрди. Атрофда тўпланиб турган йиғитлар тарқалишти. Илҳом Фотхуллохоннинг олдига келди. Соқолидан тугамлаб, юзини ўзига қаратди.

- Менинг хизмат ҳаққимни сен тўлайсанми ёки Червон хонимдан оламанми?!

- Оғилга кирсангиз мол ем ейдиган охурнинг тагида темир қутича бор. Бир лимони сизники, халоскорим! - шивирлади Фотхуллохон. Лекин, бир нафосим бор, Червон хонимнинг тилло тишларини қоқиб, ўзимга олиб келиб берайсиз!

- Сени хасис деганлар аҳмоқ, - Илҳом ўридан турар экан, парирокда суҳбатлашиб турган соқчиларга буюрди. - Муни қўлларини ечиб, хўжайин айтган жойга олиб бориб ташланглар!

Эрталаб барвақт уйғондим. Отнинг емини бериб, араваши сошлаб йўлга чиқдим. Қинилоқ одамлари мени таниб қолинганди. Улар менга аввалгидек ёмон кўз билан қарашмасди. Отдан тушиб, тизгинни қўлимга олиб йўлимда учраган катта-кичикларга салом бериб, кўнгилларини олиб ўтардим. Зебони ҳар куни кўргим келарди. Кўча эшиги ёнига келганимда вужудимни ҳаяжон босарди. Бир гал уни эшик ортидан мўралаб турганини кўриб қолдим. Кейин тез-тез эшик олдида учратадиган бўлдим.

Йўлга эрта чиққаним учун кўчада одамлар сийрак эди. Болалар кўринмасди. Зеболарнинг эшиги олдига келганимда отнинг тизгинини тортдим. Жошвор қадамини секинлатди, арава устида тик туриб пастак девор ортидан ҳовлига назар ташладим. Зебо эшик олдида

турарди. Аравадан тушганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Эшикни очдим, юзи чўғдай ёниб турган қизни кўрдим.

- Салом! - дедим овозим титраб.

- Акам уйда йўқлар, - деди қиз хижолат бўлиб.

- Сувга кетаётгандим. Агар идишингизни берсангиз, булоқ суви олиб келиб берардим.

Мен қишлоқ одамларининг суви булоқдан олиб келишларидан хабардор эдим.

Зебо ширин жилмайдн-да, ичкарига кириб кетди. Юзларига ярашган табассум менга яна Лайлонни эслатди. Юрагим тирпади. Кўп ўтмай Зебо иккита сув идишини кўтариб чиқди.

Булоққа келиб аввало қизнинг идишини сувга тўлдирдим. Оёғим остида булбулдек чулдираб, оқаётган ирмоқ сувга юз-кўзларимни чайдим. Ҳовучимни тўлдириб, муздек сувдан симириб ичдим. Юрагимда ширин туйғулар уйғонди. Вужудим яйраб, роҳатландим. Ўзимни ҳеч қачон ҳозиргидек енгил ҳис этмаган бўлсам керак. Сувга тикилиб, унда ўз аксимни томоша қилдим. Қиёфам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Соч-соқолим юз-кўзимни қоплаганди. Ич ичига ботган кўзларим туида милтираб турган нурсиз чўғдек совуқ кўринарди. Ким билсин, балки Зебо мени ёши ўтиб қолган кекса одам деб ўйлагандир!

Ортимдан кимнингдир қадам товушлари эшитилди. Ўрнимдан турдим. Ватандошим Зокир мен томон келарди. Булоқ бўйида, бир-биримизни бағримизга босиб омонлашдик. Ер бағрини ялаб эсаётган дайди эшкни устиларимиздаги кийимларимизга чанг солиб тортқиларди. Кўм-кўк куз осмонида бир жуфт қуш чарх уриб, доира ясаб парвоз қиларди. Овозига сирли тус бериб чуғурларди. Мен бир дақиқа бўлсада, дўстимнинг бағрида ўзимни она Ватаним туириғида тургандек ҳис этдим. Димоғимга қишлоғимнинг ҳиди урилгандек бўлди.

Зокир иккимиз ирмоқ бўйига, майсалар устига ўтириб Абдуғаффорнинг Ўзбекистондаги шериклари ҳақида суҳбатлашдик. Ботирнинг ўлими юрагимни пичоқ мисол тилди.

- Фотҳуллохонни қўлдан чиқариб юборганимиз ёмон иш бўлди! - деди Зокир афсусланиб. - Шериклари ҳамма айбни унга ағдармоқда. Уларнинг айтишича, Афғондан олиб ўтилган ўқотар қурооларни қаерга яширилгани фақат Фотҳуллохонгагина аён экан. Айнаи уни қўлга оладиган кунимиз тонг отарда Ботирни ўлдириб қочган.

Изламаган жойимиз қолмади. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижа бермаяпти.

- Фотхуллохон шу ерда, - дедим дўстимнинг гапини тинглаб бўлгач.
- Ҳозир Эргашбой уни зиндонда сақламақда!

- Нимага?!

- Ўзбекистондаги жангариларнинг қамалишида унинг қўли бор деган гумонда ушлаб турибди. Буни аниқлаб, ўрганиб келиш учун ўз одамини Ўзбекистонга жўнатди.

- Исми нима, биласизми?!

- Илҳом! Эргашбой Ботирни Фотхуллохон ўлдирганига ишонмаяпти. Фотхуллохон эса гуруҳ аъзоларини Червон хоним сотган демоқда.

- Червон хоним?! - Зокир шундай деди-ю, бир неча дақиқа ўйга толди. - Бундай лақабли аёлни эшитмаган эканман!

- Водийда яшаса керак-да!

- Фотхуллохонни Ўзбекистонга қайтариш керак, - деди Зокир бир дақиқадан сўнг.

- Ўзбекистонга?! Қандай қилиб?!

- Бирон йўлини ўйлаб топиш керак! Ягона умидимиз сиздан!

- Ўта қалтис иш...

- Биламан, - Зокир хўрсинди. - Лекин топшириқ жиддий. Бу иш шахсан вазирнинг назоратида. Агар уни олиб ўта олсак, биз ўта муҳим маълумотларни кўлга киритган бўламиз. Яширилган қурол-аслаҳаларни топамиз. Уларни топмагунча хотиржам яшай олмаймиз.

- Бир гап ёдимга тушди, - дедим Зокирнинг сўзини бўлиб, - Фотхуллохонни зиндонга ташлашларидан аввалроқ у Илҳомга молхонадаги охурнинг остида темир кути бор. Ундан бир лимон ол, деган сўзларини эшитиб қолгандим. Балки, қурол-аслаҳалар ҳам ўша ерга яширилгандир!

- Буни текшириб кўриш керак. Сизга муҳим топшириқ бор. Эргашбойнинг олдига кимлар келиб-кетиб туришини, уларнинг исми-шарифларини, қайси мамлакат фуқароси эканлигини, муҳими улар нима мақсадда Эргашбойни кўлаб-қувватлашаётганини аниқлашингиз лозим. Биздаги маълумотларга кўра, Эргашбойнинг ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам одамлари бор. Бироқ, уларнинг исми-шарифи, қайси шаҳарда яшашини билмаймиз. Бу ердан кимдир улар билан алоқага чиқиб туради. Шунини ҳам аниқласангиз.

- Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, - дедим.

- Лекин ўзингизни эҳтиёт қилинг. Уларда шубҳа уйғотманг! Эргашбойдан, унинг ишларидан узоқ юринг.

Булоқ тепасида узоқ туриш ҳатарли эди. Толибларнинг одамлари ҳам гоҳи-гоҳида сувга келиб туришарди. Бу ҳақда ўтган сафар ҳам Зокирни огоҳлантириб қўйган эдим. У соатига қараб ўрнидан турди. Кетиш олдидан қўйнидан уяли телефон апаратини олиб, менга узатди:

- Энди сиз билан телефон орқали боғланиб турамиз. Алоқага чиқиш вақти ҳар душанба!

- Тушунарли, - дедим телефонни қўлга олиб, қўйнимга солар эканман.

- Фотхуллохонни Ўзбекистонга олиб ўтиш ҳақида ўйлаб кўринг. Бу ўта муҳим топшириқ!

- Албатта, имкон топилиши биланоқ сизга хабар қиламан.

Зокир қўлимни қисди:

- Сизни чин юракдан табриклайман! - деди у жанговор оҳангда.

- Вазиримизнинг 28 октябрдаги 306/2 сонли буйруғига биноан сизга милиция майори унвони берилди. Шу кундан эътиборан сиз Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг зобитисиз!

- Миннатдорман! Ватанимга, халқимга садоқат билан, виждонан, ҳалол хизмат қиламан! Муқаддас ватанимнинг ички ва ташқи душманларига қарши сўнгги қоним қолгунча курашаман! - ушбу сўзларни сўзлаётганимда кўзларимдан милтираб ёш чиқди. Армонга айланган орзуларим ниҳоят рўёбга чиққанидан бахтиёр эдим. Адолат қарор топгани мен учун катта қувонч эди.

Жўнаш олдидан Зокирга Крамаренконинг телефон номерини бердим.

- Мени ҳаёт эканлигимни, унинг топшириғи албатта бажарилиши - ни айтиб қўйсангиз, - дедим унга.

Биз шу тариқа бир-биримиз билан ажралишдик. У кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қараб қолдим...

- 22 -

Эрон авиакомпаниясига қарашли «Боинг» самолёти Олма-Ота халқаро аэропортига қўнганида соат маҳаллий вақт билан ўн олти бўлганди. Шаҳар ҳавоси салқин эди. Куз қуёши булут остида қолганди. Майдалаб ёмғир ёғарди. Илҳом таксига ўтириб, шаҳарга жўнади. Маҳмуд билан учрашиб, уникида бир кеча дам олиб, кейин Тошкентга учишни режалаштирганди. Илҳомнинг келганини эшит-

ган Маҳмуд ишларини йиғиштириб, тезгина уйига қайтди. Бундан тўрт йил муқаддам Эргашбойнинг топшириғи билан Олма-Отага кўчиб келган Маҳмуд бу ерда савдогар ниқоби остида ҳаракат қиларди. Шаҳарда хусусий чойхона, поввойхона ва савдо дўконлари очди. Абай кўчасидаги 11-уйни сотиб олди. Бу хонадонга Эргашбойнинг яқин, инсончи одамлари йиғилиб туришар, амалга ошириладиган иш режаларни ишлаб чиқиларди, муаммолар ҳал этиларди. Уй манзили сир сақланарди. Санокли одамларгина бундан хабардор эди. У Маҳмудга Тошкентга нима мақсадда кетаётганини сўзлаб берди.

- Мен Червон хонимнинг хиёнат қилишига ишонмайман. Бу тухмат! У инсончи ва содиқ одам. Водийдаги шерикларимиз билан бизни боғлаб турибди. Агар у хоин бўлганида алақачон бизни тугитиб берарди!

- Мен Червон хоним тўғрисида ҳеч нарса билмайман. У ҳақда эшитмаганман ҳам. Сир бўлмаса, айтиб берсанг, у қандай қилиб бизнинг гуруҳга қўшилиб қолган?

- Ростдан ҳам у ҳақида ҳеч нарса билмайсанми?

- Билмайман! Эргашбой менга унинг расмини кўрсатди, холос, - ростини айтди Илҳом.

Маҳмуд ўриндан турди. Шкафдан «Декамерон» китобини олиб варақлади. Китоб ичида муҳим маълумотларни сақларди. Жумладан, Червон хоним ҳақидаги маълумот ҳам «Декамерон» ичига яширилганди. Илҳом дўсти узатган қоғозни олар экан, ундаги ёзувларга кўз югуртирди.

Олимова Наргиза Абдуллаевна. 1954 йилда туғилган. 1969 йилдан бошлаб майда ўғирлик билан шуғулланиб келган. Атлас тўқиш комбинатидан яширин йўллар билан олиб чиқилган ўғирлик молларини чайқов бозорида сотаётганида қўлга олинган. Суд уни тўрт йилга озодликдан маҳрум қилган. 1976 йили турмадан чиқиб, савдогарчилик иши билан шуғуллана бошлагани. Ленинград шаҳрида Александрова Ольга Васильевна исми аёл билан танишиб олган. Ольга Васильевна сохта пулларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган. У шубҳа остига олинганини пайқаб, купюра чиқарувчи қолипни Наргиза Олимовага шериклик мақсадида берган. 1978 йилнинг мартидан бошлаб ўз хонадонда яширин равишда 10 сўмлик пулларни тайёрлаб, уларни бозорларда, одамлар

гавжум бўлган жойларда алмаштириб юрган. Мунтазам равишда ёнида 10 сўмлик пул олиб юргани учун, одамлар унга «Червон хоним» лақабини беришган. Унинг сохта пул ишлаб чиқараётганидан ҳеч ким гумонсирамаган. Олимова Наргиза ҳар ойнинг охирида топилган фойданинг ярмини ваъдага мувофиқ Ольга Васильевнага жўнатиб турган. 1980 йил сентябрида қалбаки пул тайёрлаётганда ментлар томонидан қўлга олинган ва етти йилга озодликдан маҳрум этилган. Терговда Ольга Васильевнанинг номини тилга ҳам олмайди. Ольга Васильевна унинг қамалганини эшитиб тез-тез турмага қатнаб, аҳволидан хабар олиб туради. Танишларини ишга солади. Тез орада Наргизани қамоқдан олиб чиқади. 1992 йилдан бошлаб бизнинг гуруҳимизга аъзо. Берилган топшириқларни мунтазам бажариб келади. Ўта ишончли, садоқатли, ғоясига содиқ аёл.

Икки варақ бўш қолганди. Гуруҳда қилган ишлари тўғрисида Қўшимчалар ёзиш мақсадида қолдирилган бўлса ажаб эмас! Илҳом бошини силкитиб кулиб кўйди.

- Ўйлаб кўришга тўғри келади, - деди у беписандлик билан.

- Нимасини ўйлайсан?! - Маҳмуднинг қарашидан норозилиги сезилиб турарди.

- Шунчаки айтдим-қўйдим-да, нега жаҳлнинг чиқади?!

Маҳмуд мақсадга ўтди:

- Червон хонимга тирповингни теккиза кўрма! Мабодо унга бирон кор-ҳол бўлса, орамизга совуқчилик тушиб қолиши мумкин!

- Фотхуллохон ҳам биз учун катга ишлар қилган. Оғир кунларимизда кор келган. Сафимизни ёшлар билан тўлдирган.

- Икковини тарозига соляпсанми?!

- Нима бўлганда ҳам водийга бориб, Червон хоним билан учрашиб, у ҳақдаги мишл-мишларни текшириб келишим керак. Бу бошлиқнинг тоншириғи!

- Билганингни қил! Аммо Червон хонимга озор етказишни хаёлингга келтира кўрма!

- Бу билан мени қўрқитмоқчимисан ёки илтимос қилаяпсанми?!

- Қандай тушунсанг, шундай қабул қил! - Маҳмуд шеригига пафратомуз тикилди.

- Тўғрисиини айт, Червон хоним юрагиндан уриб қолганми?

- Илҳом, ҳозир ҳазилнинг мавриди эмас. Гап бир сафдошимиз

тақдири устида кетяпти. Билсанг, у мен учун жуда керак! У билан қиладиган ишларим бор.

Илҳом ён беришга мажбур бўлди.

- Яхши, - деди муросага келиш мақсадида овозини пасайтириб.
- Эргашбойга унинг айби йўқлигини етказаман. Кел, энди кўчага чиқайлик. Бирорта баргами, ресторангами бошла. Мириқиб улфатчилик қиламиз.

Илҳом эрталаб Маҳмуд билан хайрлашаётганда водийга бормаслигини, Червон хоним билан боғлиқ маълумотларни хаспўшлаб бошлиққа етказишга сўз бериб, Афғонистонга жўнаб кетишини айтди. Бу унинг одатдаги найранги эди. Хоним билан учрашиб, Фотхуллохон айтган темир қутидаги бир лимонни олмасдан кетолмасди. Ўртада пул бўлмаганда ҳам бошқа гап эди. Бундан ташқари, водийга тушиб, ишончли одамларнинг кўзига кўриниш унинг учун фойдадан холи эмасди. Балки Эргашбой ортидан одам кўйгандир! Босган қадамини пойлаб юргандир?! Қолаверса, ўзининг бу ердаги одамларидан маълумот сўраб қолиши мумкин. Мабодо, Фотхуллохоннинг гаплари чин бўлиб чиқса, Червон хонимнинг орган ходимлари билан алоқаси борлиги тасдиқланса, Маҳмуднинг ҳолига маймунлар йиғлайди. «Бу боланинг пули кўпайиб қолганга ўхшайди. Яхши кутиб олмади. Меҳмондорчиликни ўрнига кўймади». Червон хоним билан ҳисоб-китобни жойига қўйгач, Маҳмуднинг ҳам танобини тортиб қўяди. Эргашбойга «Маҳмуд Червон хоним билан шерик», деса бас. Қандай ҳукм чиқаришни Эргашбойнинг ўзи билади.

Илҳом ўзининг ҳатти ҳаракати билан Маҳмудда шубҳа уйғотди. Унинг ортидан одам кўйишга аҳд қилди. Юз-кўзларидан муғомбирлиги сезилиб турган Илҳомнинг гаплари ёлғонлигини сезди. Кўнгли хира тортиди.

- Ортидан кузатасан, қаёққа учишини билиб, менга хабар қил, - деди йиғитларидан бирига.

Тушдан сўнг одами аэропортдан алоқага чиқди.

- Хўжайин, Илҳом 134-рейс билан Тошкентга учадиган самолётга чипта олди...

- Менга қара, чўтир, изига туш. Босган қадамини ҳисобини ол. Вазиятга қараб иш кўр. Червонхонимнинг бирор туки тўкилса, тухумингни суғуриб оламан. Уқдингми?!
- Тушунарли шеф!

Маҳмуд гўшакни жойига қўяр экан кўкариб кетган қалин лаблари ғазабдан титраб пичирлади: «Барибир айтганингдан қолмабсан-да, иблис!»

Азизбекнинг ижарага олган икки гектар ери қишлоқдан анча олисда эди. Ўтқазилган қарам кўчатлари кун сайин кўкка бўй чўзиб, ям-яшил барглари чиқариб, гуркираб ўсарди. Дала гўёки кўм-кўк либос кийгандек. Азизбек чет эллик меҳмон олдидан уялиб қолмаслик учун тиним билмай меҳнат қилди. Ҳар туп кўчат бошида парвона бўлди. Серҳосил ва эртапишар нав танланган эди. Кўчат ўтқазилаётган кун осмонни булут босиб, икки кун майдалаб ёмғир ёғиб берди. Бу кўчатларнинг беҳато кўкариши учун табиатнинг инъоми эди. Сами Ҳожи далага келиб яшнаб ўсаётган кўчатларни кўриб, дили яйраб кетди. Эринмай ҳар бир туп кўчатни кўздан кечириб чиқди.

- Ерингизда бир юз ўн минг дона кўчат бор, иним, - деди у мамнун бўлиб, - бу мен ўйлагандан икки баробар кўп. Билмас эканман, ҳақиқий деҳқон экансиз! Отангизга минг раҳмат. Меҳмоннинг олдидан юзимиз ёруғ бўлади. Бугундан эътиборан кейинги ишларни менга қўйиб беринг. Ўзим кўрпа-тўшагимни шу ерга олиб келиб қарайман!

Сами Ҳожи йўл ахтарди: Азизбекни бу ердан четлатиш, ҳеч бўлмаса ўн беш кунга келтирмаслик чорасини излади. Хаёлига илк учрашганда айтган сўзи келди. Гапни ўша мавзуга бурди.

- Ўша ўртоғингиз ҳали ҳам чегарада ишляптими?! - сўради Ҳожи ўсмоқчилаб.

- Ишлаётгандир. Кўпдан бери хабарлашганимиз йўқ. - Унинг нима мақсадда сўраётганигидан беҳабар Азизбек Ҳожининг сўровига шундай жавоб қилди.

- Ҳай, ҳай, дўст деган ҳам шунақа бўладими?! Жонажон ўртоғингиз мусофир жойда юрсаю сиз ундан хабар олмасангиз. Буни қандоқ тушуниш керак?!

- Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, Ҳожи ака, меҳмонга ваъда бериб қўйганман. Уялиб қолмай, деб кечаю кундуз даладан чиқмай ишладим.

- Сизга икки ҳафтага жавоб иним. Бугуноқ ўртоғингиз олдига жўнанг. Бир-икки ҳафта дам олиб, чарчоғингизни чиқариб қайтинг. Кейин юкимизни чегарадан олиб ўтиш тартиби тўғрисида ҳам билиб келинг, нима қилганда ҳам ҳужжат пухта бўлсин!

- Тўғри айтасиз, Ҳожи ака!

- Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Ҳозир уйга бориб тайёргарлигингизни кўринг. Бу ердаги ишлардан кўнглингиз хотиржам бўлсин!

Сами Ҳожиининг қистови билан Азизбек эртаси куни Тошкентга жўнади. Ҳожи кўрна-тўшагини, қозон-товоғини кўтариб далага кўчди. Ўша кун ярим тулда икки потаниш кимса Ҳожига хорижлик меҳмоннинг совғасини топшириб кетишди.

- Камлик қилса айтарсиз, - дейишди улар. Ҳожи ўйга толди. Ўзича ҳисоб-китоб қилди.

- Бунинг кам. Хўжайинга айт, яна бир қоп жўнатсин, - деди меҳмонларга. Меҳмонлар кетгач Ҳожи қапа олдига чуқур қазиди. Ташлаб кетишган салафан қопдаги совғани чуқурга кўмди. Кўчатлар ҳосил туғиш вақти келганлиги сабаб Ҳожи тишим билмади. Туну кун пайкалдан чиқмай ишлади. Юзи қорайиб, озиб-тўзиб кетди.

Азизбек синфдош дўсти Темурни чегарадаги қишлоқдан топди. У ўтган йили ҳарбий билим юртини тугатиб, шу ерга ишга юборилганди. Дўстлар «Қизил Шаршара»га ўтиб чўмилишди. Азизбек қишлоқдаги ишлар ҳақида, хўжалиқдан икки гектар ер олиб, карам экканлигини айтди.

- Россияга ўтиб сотмоқчиман, - деди у ғурурланиб.

- Шартномаг борми?! - сўради Темур.

- Қанақа шартнома, - ҳайрон бўлди Азизбек.

- Маҳсулот айирбошлаш тўғрисида!

- Йўқ!

- Аввалроқ тузиш керак эди.

- Хаёлимга келмабди.

- Сарсон бўлиб қолмасанг бўлгани!

- Нима, шартнома бўлмаса чегарадан ўтказмайсанми?!

- Ундай демоқчи эмасман, - Темур дўстига юзланди. - Божхона тўловини тўлаб, менга деса юкнингги дупёнингги у чеккасида сотмайсанми?! Карамнингги бирорга фирмага топширсанг, улар сенга айтган буломнингги беришарди. Икки томонлама фойда кўрардинг демоқчиман!

Азизбекнинг дили ёришди.

- Ҳужжатларни тайёрлайми?!

- Албатта, сендек тадбиркор, ишбилармон дўстим учун ҳамиша чегара очиқ!

Азизбек бир ҳафта дўстининг ёнида қолди. Чарчоқлари ёзилди. Қишлоққа қайтган кунидеҳ далага чопди. Эккан кўчатларини кўргиси келганди. Сами Ҳожи дала бошига итти бойлаб қўйганди. Бегона одамнинг шарпасини сезиб, запжирни узгудек ҳурди. Сами Ҳожи ўқдек учиб, халлослаб етиб келди.

- Сизмидингиз, Азизбек?! Кўз қурғур хира тортиб қолганда,

танимабман! Бирорта бегонами, деб юрагим ёрилаёзди... Мунча тез қайтибсиз?!

Ҳожи Азизбекни бағрига босиб кўришди.

- Ишлар битди, Ҳожи ака! Ёлғиз қийналиб қолманг, деб тезда изимга қайтдим-да.

- Кўп яхши, кўп яхши иш, азизим! Баракалло! - Ҳожи нимадандир безовталапарди.

Ҳожи Азизбекни қапага таклиф қилмади. Дала тепасига бошламади ҳам. Ариқ бўйига, тугининг соясига ўтиришди. Узоқдан яшнаб турган карам кўчатларини кўриб Азизбек қувонди. Анча бўй чўзиб, ер бетини босиб қолганди. Муштдек келадиган ҳосил кўзга ташланиб турарди.

- Ҳосилнинг ўраши яхши. Кўнглингизга келмасину мен андак иримчироқман. Кўз тегмасин, деб уйдаги бола-чақаларни ҳам йўлатганим йўқ. Бахтимизга бу ер қишлоқдан йироқ. Бўлмаса ҳамманинг назари тушиб, кўзикиб кетармиди!

- Худо берган парса. Ол кулим, деса, бас. Россия шаҳарларини карамга тўддириб ташлаймиз! Лекин бола-чақаларни йўлатмай яхши иш қилмабсиз, Ҳожи ака! Ҳар қалай ённигизда юрса, иш ўрганади. Кўзи шишиydi.

- Энди ишим, қари билганини пари билмас, деганлар. Одамнинг кўзи ёмон. Тошни ёради. Бунга ўзим гувоҳман!

- Шунинг учун мени ҳам пайкалга таклиф қилмаяпсизми?

Ҳожи яйраб кулди:

- Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди!

Азизбек Сами Ҳожидан қапдайдир нотаниш ҳид аниқтганини сезди. Боши айланиб, дил кулфи очилб, ўзини қушдек енгил ҳис эта бошлади. Юрагида ширин эҳтирос уйғонди.

- Демак, ҳаммаси жойида дегнг?! Офарин! Ишни қойилмақом қилишингизга ишопардим. Биз ҳам бу ердан керакли ҳужжатларни тайёрлаймиз. Дўстингизга гап тегизмасликка ҳаракат қиламиз. Йўлимизни тўсганлар нинг деёлмасин. Ҳозирча сизга яна бир ҳафтага дам бераман, қишлоқдаги ишларингизни бажариб олинг. Иложи бўлса ширкат хўжалигига учраб, икки гектар ери бор, карам эккан, деган ҳужжат қилдириб олинг! Йўлда асқотади. Худо хоҳласа, мана шу ойнанинг охирида биринчи юкни Русияга чиқарамиз. Машинада ўзингиз кетасиз. У ерда одамларимиз бор. Юкни тушириб олишадияу кўкни нақд санашади...

Азизбек дала кезмоқчи эди. Ҳожи монетлик кўрсатди. Бу орада ер бағрилаб эсаётган элкин ўз йўналишини ўзгартириб, Сами Ҳожидан келаётган исга ўхшаш ҳидни даладан олиб келиб Азизбекнинг

димоғига ура бошлаганди. Азизбек кўп гапириб, кўп куладиган бўлиб қолганди. Кутилмаганда Сами Ҳожини бағрига босиб:

- Сизга минг раҳмат, Ҳожи ака! Бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча унутмайман, - дея йиғлаб юборди. Ҳожининг белига қистирилган тўппонча сирғалиб, иштонининг ичига тушди. Буни Азизбек пайқамди...

- 24 -

Зиндонга ташланган Фотхуллохон осмонга тикилиб, четлаб ўтаётган қуёшнинг бир чимдим нурига зор бўлиб ётарди. Қўланса ис, нам ҳаво нафасини бўғарди. Томоғи ачишиб, бот-бот йўталарди. Очлик ва ташналик зулуқдек мадорини сўрарди. Шундай бўлса-да, тақдирнинг бу қисматидан хафа эмасди. Муҳими тирик қолди. Юраги уриб турибди. Боши сиртмоққа илинмади. Илҳом келса ҳаммаси илгаригидек изига тушиб кетади. «Беозор»нинг яқин одамига айланади. Ишончига қиради. Ер остида бадани увишиб, томирлари тортишиб гулдек сўлиб, охир-оқибат касал бўлиб қолмаса бас!

Фотхуллохон кун бўйи хаёл суриб, ҳаётидаги яхши-ёмон кунларни эсга олиб ётарди. Молхонага яширган бойликни Илҳомга айтиб хато қилганини тушунди. Ахир у ерга бир лимон эмас, нақд етти лимон яширган. Инсофсиз ҳаммасини олиб кетишдан қайтмайди. Бошидан ақли учиб, кўзига жони кўриниб турганда оғзидан гуллаб қўйгани учун ўзини кечиролмасди. Ўйлаган сари юраги сиқиларди. Бошида оғриқ турарди. Қани энди ишончли одами бўлсаю изидан жўнатса! У ерга чордона қуриб ўтирганча, кўзларини юмиб, Илҳомни йўлда бирор қор-қолга учрашини худодан сўради. У шу қадар берилиб, бутун вужуди билан илтижо қилардики пазарида Илҳом ҳали замон қайтиб келадигандек туюларди.

Фотхуллохоннинг тушига Червон хоним кирдию Илҳом ҳақидаги ўйларини унутди. Бу бузуқни нега тушимга кирди, мени безовта қилди, деган хаёл миясига кўрғошиндек ўрнашиб қолди. Истаса ҳам, истамаса ҳам у билан боғлиқ воқеалар кўз ўнгида жонланди. Танишиши ҳам қизиқ бўлганди. Ўшанда Червон хоним қамоқдан қайтиб, Қирғизистондан буғдой олиб ўтиб, қишлоқ бозорларида пуллаб юрган кезлар эди. Фотхуллохон эса уйига тош тегирмон ўрнатиб, бозордан олган буғдойини ун қилиб тортиб, одамларга сотарди. Эсида, Червон хоним билан дон бозорида учрашиб, танишиб қолди. Хоним Фотхуллохонни буғдой билан таъминлаб туришга ваъда берди. Ҳафтада бир машина буғдой тўкиб, пулни ҳафта охирида олиб кетишини айтди. Бу гап қорига ёғдай ёқди. Бир ойча алоқа қилишди.

Охирги келишида «пулини ўзингиз олиб борарсиз», деб уйининг манзилени айтиб кетди. Ҳафта охирида пулни белбоққа тутиб шаҳарга тушди. Чорсудан бозорлик қилди. Червон хоним уйда эди. Ширин сўзлар билан кутиб олди. Салқин ва ним қоронғу хонага бошлади. Саранжон-саришта ҳовли, шинам уйлар, уй ичидаги турфа жиҳозлар қорини ҳайрону лол қолдирди. Хоним қўй' гўшти билан картошка қовурди. Дастурхонни турли ноз-неъматлар билан тўлдирди. Фотҳуллохон тортиниб ўтирмади. Хонага мослашиб олди. Келиб-кетиб юрган одамдек ўзини эркин тутди. Червон хоним гапга чечап аёл эди. Бир гапириб, икки куларди. Шаҳарликлар шеvasи билан: Фотҳуллохоннинг қулоғини қиздирди. Хоним биллур қадаҳга коньяк қўйди. Қори ўзини тарозуга солмади, аёлнинг қўлини қайтаришни гуноҳ, деб билди. Соғлиги, ҳамиша гулдек очилиб-сочилиб юришини истади. Шундан кейин қорининг иштаҳаси очилди. Бадани қизиби, тили бийрон бўлди. Оёқларини узатиб, худди ўзининг уйидагидек ёнбошлаб ётди. Қўларини икки бор хонимнинг йўғон, аммо юмшоқ-қина болдирига тегизди. Червон хоним атайлаб қилинган бу ҳаракатга эътибор бермади. Ғижимлаётганда андак норозилик изҳор қилди.

- Қўлингиз тошми дейман, қори почча. Кўкариб чиқмасин. Секинроқ ушланг-да-а! - деди мулойимлик билан.

- Оёқларингиз пахтадек момик, жоним, ушлаб роҳат олаяпман! - бунга жавобан Фотҳуллохон шу сўзни айтди. - Оҳ...о...ҳ! Асалим!

Қори мастлиги учунми ёки аёлнинг баданини ушлаб ором олганиданми ширин-ширин энтиқди. Червон хонимнинг қирмизи олмадек ялтираб турган ёноқларига табассум ёйилди.

- Ёш болага ўхшайсиз - а, почча. Умрингизда аёлларнинг оёғини ушламаганмисиз-а?!

Хоним нозланди. Шўх кўзлари сузилди. Қалам қошлари чимирилди. Лабларида маккорона табассум жилва қилди.

Қорининг шўхлиги тутди. Томирларидага қон жунбушга келди. Эркаклиги қўзиди. Бошини аёлнинг кўксига босди. Хонимнинг дукиллаб ураётган юрак товуши қулоғига чалинди. Хоним нозик кўллари ила қорининг сочларини силади.

- Маст бўлиб қолдингизми-а?!

- Мастман, шириним!

- Кўп ичдингиз-а?!

- Мени маст қилган шароб эмас, сизнинг ой жамолингиз, диркиллаган кўкракларингиз, болдан ширин лабларингиз!...

Фотҳуллохон иягини чўзиб, юзини хонимнинг домшоқ қорнига ишқалади.

Хоним яйраб кудди.

- Менинг асаллигимни, лабларимни болдан ширинлигини қасрдан билдингиз? Ҳали бўса олмадингиз-ку а, почча!

Фотхуллохоннинг тили айланмай қолди. Яраланган одамдек оҳ урди.

- Мени адоин тамом қилдингиз жопидан, - деди.

Фотхуллохоннинг бошига бир сиқим тупроқ сочилиб тушди. Ширин хаёллар ўша сониядаёқ тўзиб кетди. У шошиб тепага қаради. Кўзлари юлдузлар чарақлаган осмонга тушди. Зиндон тенасида оёқларини кериб турган, соч-соқоли ўсиб кетган кимсани кўрганда юрагида сўниб бораётган умид учкун лии этгандек бўлди. Фотхуллохоннинг кўзлари хира тортганди. Тенасидаги одамни танимади. Нотаниш кимса бир бурда понни унинг олдига ташлади. Очлик ва ташналиқдан тинка-мадори куриган Фотхуллохоннинг димоғи ўша заҳотиёқ пон ҳидини туйди. Титроқ қўллари билан ерни найнаслади. Топдию гўё уни биров тортиб оладигандек шоша-пиша оғзига солди, чайнаб, чайнамай ютиб юборди. Оғзида поннинг ширин таъми қолди. Сўнг яна тепага боқди. У умидвор эди. Ҳеч бўлмаса нотаниш одам билан икки оғиз гаплашиғиси келганди. Бироқ нотаниш кимса аллақачон жойидан ғойиб бўлганди. У ким эди? Нима учун келди?! Демак, бу ерда яқинлари бор экан-да?

- 25 -

Пётр Ивановичнинг тинчи йўқолди. У кўп вақтини хаёл суриш билан ўтказарди. Ҳатто кечалари кўрқинчли тушлар кўриб чиқарди. Бир вақтлар жанг қилган тоғу тошлар, чўлу биёбоилар хотирасида қайта тикланарди. Оромини ўғирлаган ўша хазинанинг қандай буюм эканлигини ўйлаб, тонг отгунча ўйининг тубига етолмай чиқарди. Ефим Егоровичга ваъда берганидан сўнг у сафар тайёргарлигини кўра бошлади. Марказий газеталардан бирининг мухбири сифатида ҳужжатларини расмийлаштирди. Кутилмаганда кекса чекистнинг хорижга жўнаши контрразведка бошқармасидаги ҳамкасабаларини хайрон қолдирди. Улар Пётр Ивановичнинг ағфонга таширифини турлича талқин қилишарди. Аниқроғи, унинг хорижга чиқишини исташмасди. Чунки у ердаги вазият кул сайин мураккаблашиб борарди. Буниг устига Ағфонистон билан Россия ўртасидаги дипломатик алоқага путур етганди. Россия у ердаги элчисини ва ишчи-хизматчиларини чақириб олганди. Турли оқимдаги жангарилар ҳокимият учун тиш-тирноғигача қуролланиб жанг қиларди. Бу уруш-

нинг қачон тугашини биров башорат қила олмасди. Боз устига, жанглар Қобул атрофида давом этарди. Ўқ ва снарядлардан имлатиш бўлиб, туПРОғи кўкка созурилиб, ёниб кулга айланган шаҳар гоҳ муҳолифатчилар, гоҳ толибонлар қўлига ўтиб турарди.

Контрразведка бошқармасининг Афғонистон масалалари билан шуғуланувчи бўлим бошлиғи, подполковник Виталий Дмитриевич қариянинг нияти ва мақсадини билишга қизиқиш қилди.

- Биласанми, Витя, - деди кекса чекист ҳамкасбининг саволига жавобан. - Одам кексайган сари кўрган-кечирганларидан узоқлашиб бораркан. Қапчалик уримай хотирамда тиклай олмаяпман. Афғонистонда ўтказган кушларим ҳақида китоб ёзиб, келажак авлодга қолдирмоқчиман. Токи, биз нима учун ва ким учун қон тўкканмизми билишимиз! Шу мақсадда у ерга боришга қарор қилдим. Мендан ёрдамнингни аяма!

Қариянинг бир-биринга қовушмаган сўзлари унинг ёлғон гашираётганини фох қилди. Подполковник кекса чекистнинг нимаидир яшираётганини сезиб қолди.

- Қобулда вазият оғир. Отишмалар давом этмоқда. Ҳозир у томонга ўтиш хатарли, Пётр Иванович. Вазиятни била туриб, сизни жўнатсак бизга ган тегиб қолади! - деди подполковник қариянинг сирини билиш мақсадида.

- Хотиржам бўл, Витя. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Мен ҳам ўзимни ўққа тутиб берадиган анойилардан эмасман. Бориб келишим учун атиги ўн беш кун кифоя!

Виталий Дмитриевич ўйга толди. Қайсар қарияш у ердаги қалтис вазият билан кўрқитиб бўлмаслигини тушушиб етди. Фақат нима мақсадда кетаётганини билолмай боши қотди. Нима бўлганда ҳам у китоб ёзиш ёки кўрган-кечирганларини ёдга олиш учун отланмаяпти. Нимадир бор! У бирортаси билан учрашмоқчимми? Ёки бирор қимматбеҳо буюмни унутиб қолдирганми?! Виталий Дмитриевич бу сирини тағига етишга қарор қилди.

- Дуруст, - деди у ҳамкасбига ўгирилиб. - Қачон жўнамоқчисиз?

- Рухсат берсанг, эртагаёқ! - Пётр Ивановичнинг салқинган юзига илк бор табассум ёйилди.

- Мен Қобулдаги одамларимиз билан алоқа ўрнатай. Вазиятни ўрганиб чиқай. Қобулга кириб боришингиз учун бирон хавфсизроқ йўлак тонайлик. Сўнг сизга хабар қиламан!

- Ишқилиб, кечиктирмасанг бас!

- Имкон даражасида тезлатамиз!

Пётр Иванович хонадан чиқиб кетгач, Виталий Дмитриевич ички телефон гўшагини кўтарди.

- Алоқа бўлими эшитади! - деган ингичка овоз эшитилди гўшақдан.

- Менга қара, Саша - деди подполковник. - Пётр Ивановичнинг уйидаги телефонни тасмага улаб қўй. Ҳар бир қўнғироқ, ҳар бир мулоқотнинг нуқта-вергулигача ёзиб ол. Уқдингми?!

- Уқдим...

- Яхши, бирор янгилик бўлиши билан, албатта мени хабардор қил!

Пётр Ивановичнинг телефони оқшом чоғи жиринглаб қолди. Ефим Егорович қўнғироқ қилаётганди.

- Ишларинг нима бўлапти, биродар? - сўраб қолди Ефим. - Аҳдингдан қайтмадингми?

- Нега қайтар эканман! Чекист битта гапиради!

- Яна бир бор ўйлаб кўрсанг, ёмон бўлмасди. Ҳар қалай ёшинг ўтиб қолган. Азобланишингни истамайман!

- Яхшиси, менга ўша лаънати хазинангнинг қийматини айт. Борганимга, азобланганимга арзийдими?!

- Бу нима деганинг, Петя! Ахир мен аҳмоқ эмасман. Сени арзимаган нарса учун худонинг қарғиши теккан ўлгага юбориб.

- Яхши, унда хазинангнинг аниқ қийматини айт!

- Мени тўғри тушун, Петя. Бугунги бозорда унинг нархи қанча туришини билмайман. Кўриб турибсан, нарх - наво кун сайин осмонга сапчияпти. Тахминимча, - Ефим Егорович бир дақиқа жим қолди. Унинг пишиллаб нафас олиши Пётр Ивановичнинг қулоғига худди соатнинг чиқиллашидек эшитилиб турарди. - Кел, яхшиси бу ҳақда уйда гаплашайлик!

- Яхши, - деди Пётр Иванович, - сен билан қачон учрашсам бўлади?

- Хоҳлаган пайтингда. Ҳар куши тушдан сўнг уйда бўламан.

- Дуруст, индинга кечки соат саккизларда ўтаман!

- Кутаман!

Пётр Иванович гўшакни қўйиб, яна ўйга толди. Ҳа, Ефим хазина-нинг қийматини ошкор қилишдан чўчиляпти! - дея ҳаёлидан ўтказди.

Пётр Иванович одамларга кўп бор ишонди. Афғонда мурдаларнинг жойин бўшлиғига қадимий тилло буломларни, наркотик моддаларни жойлаб Ватанига жўнатди. Айниқса, урушнинг сўнгги йиллари бундай қабих ишларга кўп қўл урди. Бир томондан мамлакатдаги ички вазият издан чиқаётгани, иккинчи томондан ёши бир жойга бориб, эрта-индин нафақага чиқиши, қолаверса мол-дунёга хирс қўйгани уни шунга мажбур қилганди. Афсуски Пётр Ивановичнинг кўрсатмаси билан олиб ўтилган наркотик моддалар, тилло буюмлар унга

насиб айламади. Мамлакат парчаланиб кетди. Ишончли одамлари унга панд берди. Аввалига ўликлар қабрини очишни иложи бўлма-япти, деб алдашди. Кейин олганларини бермай, турли республикаларга қочиб кетишди. Қария изтироб чеқди. Руҳан эзилди. Бир йил ўзига келолмай юрди. Ана шундай кунларнинг бирида собиқ синфдош дўсти Ефим Егорович билан отамлашиб қолди. У Афғонистонга сув чиқариш учун мутахассис сифатида бориб келганди. Ефим Егорович ҳам кўндан бери дардини кимга айтишни билмай дардкаш излаб юрганди. У Қобулдаги миллий банк биноси остида катта миқдордаги бойликни ташлаб келганини сўзлаб берди. Бироқ, унинг қийматинию қандай буюм эканлигини сир тутди. Дастлаб Пётр Иванович унинг сўзларига унча аҳамият бермади. Кейинги учрашувда Ефим бу ҳақда яна гап очиб, уни олиб ўтиш кераклиги ҳақида куйиниб гапирди. Шундан кейин кекса чекист номаълум хазинани олиб ўтиш тўғрисида бош қотира бошлади. Ўзи сезмаган ҳолда бу нарсага қизиқди. Афсуски уни олиб ўтишнинг имкони йўқ эди. Афғонистондан элчихона ходимлари чақириб олинганлиги, айти пайтда у ерда ишлаётган контрразведка ходимлари орасида ўз одами йўқлигидан кўп афсус чеқди. Кутилмаганда қўл остида таржимон бўлиб ишлаган Ўзбекистоннинг олис бир қишлоғида яшовчи Бўрон исмли йигит эсига келди. Афғон тилини яхши билиши-ю, маҳаллий халқ билан тезда «тиллашиб» қолиши, қолаверса кўрган одам унинг қиёфасини афғонлардан ажрата олмаслиги, ҳалол ҳамда очикқўнгилиги, ростўйлиги - буларнинг ҳаммаси кекса генералнинг кўз олдидан ўтди. Мудофаа вазирлигига сим қоқиб, Бўроннинг манзилини топди. Усти-устига телеграмма жўнатиб, зудлик билан уни Москвага келишини илтимос қилди. Мана, уни Афғонистонга жўнатганига ҳам бир неча ой бўлди. Бироқ, ундан дарак йўқ. Генерал у ҳақда ўйлаши билан хаёлига «ишқилиб хазинани олиб қочмаган бўлсинда» деган мудхиш ўй келарди.

Виталий Дмитриевич алоқа бўлимадидап чиқарилган тасмаши диққат билан эшитди. Эшитдию, кекса генералдан бежиз шубҳаланмаганини тушуниб етди. Демак, икки қария ўртасида қандайдир сир мавжуд. Ҳаётини ҳавфга қўйиб олиб ўтмоқчи бўлган хазинаси нима?! У қандай буюм? Наҳотки қиммати ширин жондан устун турса? Ефим Егорович уни қандай қилиб қўлга киритган?! Қаерга яширган? Нега қайтишида олиб ўтмаган?! Ҳазина Витяни янада кўпроқ қизиқтириб қолди.

Подполковник ходимларидан бирини чақиртирди. Остонада Игор Борисович пайдо бўлди.

- Сенбоп иш чиқиб қолди. Зудлик билан мана бу одамнинг шахсини

аниқла, - дея унга Ефим Егоровичнинг манзили ёзилган қоғозни тутқазиб. - Афғонга қачон борган, қаерларда бўлган, нима иш қилганлигини ўрган! Ҳозирча бу ҳақда бировга оғиз оча кўрма! Ҳиди чиқса - тухумингни суғуриб оламан! Тушундингми?!

- Тушунарли, ўртоқ подполковник!

- Ишга кириш!

Шундан сўнг Виталий Дмитриевич қалбида Ефим Егоровичнинг уйида бўладиган суҳбатни эшитиш истаги уйғонди, у яна алоқа бўлими билан боғланди. Йигитлардан бирини хонасига таклиф қилди. Бундай пайтларда Вита жанговар ҳолда ишлашни ёқтирарди. Керак-ли ҳужжатларни ўз эгаларига топширар, уларни ҳам тезкорлик билан ҳаракат қилишга ундарди.

- Алек, сенга жанговор топшириқ. Борисов кўчасидаги 18-уй 32-хонадонга ўз асбобларингни ўрнатасан. Ошхона ва меҳмонхоналарга иккитадан кулоқ жойла.

- Қачон? Бугунми?

Вақтини ўзим белгилайман. Ҳозирча бориб объектни ўрган. Кели-боқ менга учра, тушундингми?

Борисов кўчасидаги 18-уй контрразведка бошқармаси биносидан бир неча ўн километр олисда эди. Ўша куни мазкур идоранинг ходимлари бир-биридан беҳабар 18-уй атрофида гирдикапалак бўлиб, айланиб юришди. Уларнинг диққат-эйтиборлари фақат 32-хонадон бўлганлиги боис бошқа нарсага аҳамият беришмади. Ефим Егоровични электр монтеридан бошқа одам безовта қилмади. Бундан икки кун бурун ёритқичларни текшириб кетишганига қарамай, янги текширувчи ҳисоблагични назорат қилиши кераклигини айтди. Ошхона билан меҳмонхона монтернинг эътиборини кўпроқ тортди. У шу хопаларда ушланиб қолди...

- 26 -

Хорижлик меҳмон ташлаб кетган долларларнинг ярми Азизбекнинг ҳамёнида қолди. Бу пулларни асраб-авайлаб сақлади. Зарурат туғилгандагина ишлатди. Бир қисмига кўчат ва дори сотиб олди. Қолганини чопиққа ишлатишни режалаштириб қўйди. Ҳосил яхши бўлмаса, Ҳожи акага қайтариб бераман, деб ўйлади. Ҳожи ака уни далага келтирмай қўйганида шубҳаси янада ортди. Орадан бир ойча ўтиб, далага чиқиб, гуркираб ўсаётган кўчатларни кўриб, дили равшан тортди. Хорижлик меҳмондан олган қарзини узишга ишонди. Қолган пулни ишлатишдан қўрқмади. Азизбек тез-тез шаҳарга тушишни, ресторанда қизлар билан базми жамшид қилиб ўтиришни ёқтириб қолди. У маишатга шу даражада берилиб кетгандики, ҳатто ҳамёнида

пул тугаганлигини ҳам сезмай қолди. Кутилмаганда Ҳожи ака йўқлади.

- Аканг бўйингдан, далага ҳам ўтмайсиз. Биздан хабар олмайсиз, - дея ўпкалаган бўлди. - Худо хоҳласа, кечқурун Россияга бир мошин юк чиқарамиз, тайёргарлигингизни кўринг!

- Ростданми?! - ҳаяжондан юраги типирчилаб кетган Азизбекнинг кўзларида чўғ ялтиради.

- Ростдан, бўйингдан. Ҳозироқ ҳужжатларни тайёрланг. Азизбек Йўлдошевнинг икки гектар ери бор. Ҳаммасига қарам эккан, деган справка олинг. Дурустми?! Соат олтига далага ўтиб боринг. Айтмоқчи, бошпитингизни олишни унутманг.

Азизбек қишлоқ фуқаролар йиғини ва ширкат хўжалигидан қарам ўзига қарашли эканлиги тўғрисида маълумотнома олди. Қишлоқдаги ишларини жиянига қолдириб, ўзи йўл тадоригини кўрди. Азизбек далага келиб катта-катта қарамларни кўриб, Ҳожи аканинг меҳнатидан кўнгли тўлди. Бу одамга ишониб хато қилмаганлигини тушунди. Унинг димоғида яна ўша таниш ҳид анқиди. Ҳавони тўйиб-тўйиб симирди. Ҳидлаган сари кўнгли равшан тортиб, дил қулфи очилиб ўзини енгил ҳис эта бошлади. Бундай ҳидни бир ой муқаддам шу ерда туйганди. Ўшанда у болалардек яйраб-ййраб кулганди. Бироқ бу ниманинг ҳиди эканлигини билолмай боши қотганди. Қувончини ичига сиғдиrolмай Ҳожи акани бағрига босганди. Шу ис яна қаердандир пайдо бўлди. Кўнгли яйраб кетди.

Азизбек далага келганда КАМАЗга юкни жойлаб бўлишганди. Ҳайдовчилар кетиш тарадудини кўришаётганди.

- Юк сизга мунтазир, аканг бўйингдан! Ҳужжатлар тайёрми?! - Ҳожи ака ҳар доимгидек қувноқ эди.

- Ҳаммаси жойида! - деди Азизбек чўнтагидаги қоғозга ишора қилиб.

- Баракалло!

Ҳожи ака қўлини дуога очди.

- Илоҳим сафарларинг бехатар бўлсин. Сизларни кўрганда ментларнинг кўзи тескари бўлсин! Ой бориб, омон қайтинглар! - Юзига фотиҳа тортгач, Ҳожи ака Азизбекнинг қулоғига шипшиди: - - Юкни сизга, сизни худога топширдим!

Машина жўнаётганда Азизбек Ҳожи акадан сўради:

- Юкни қаерга туширамиз. Қанчадан сотамиз?

- У ёғи билан сиз иш олманг. Ҳаммасини ҳайдовчиларга тушунтириб қўйганман. Сизнинг вазифангиз юк учун жавоб бериш. Уқдингизми?!

Карам юкланган машина беш кун деганда Россиянинг Тольятти шаҳрига кириб борди. Қозоғистондан ўтишгач, қандайдир «Жигули» уларни кузатиб бораётганини Азизбек пайқаб қолди. Бу ҳақда ҳайдовчиларга оғиз очмади. Афтидан улар ҳам буни сезишган эди. Ана шу машина Тольяттида КАМАЗнинг олдига ўтиб, машинани ортидан эргаштириб борди. Осмон билан бўйлашган қайинзорлар ичидаги ҳайбатли бинонинг темир дарвозасидан киришди. Азизбекнинг юрагига гулгула тушди. «Юкни тушириб, пулни беришмаса-я!» деган хавотир миясига ўрнашиб қолди. Бироқ ҳайдовчилар ўзларини эркин тутишарди. Ахир, улар яна юкка қайтиб боришлари керак эди-да!

Азизбек хорижлик меҳмонни Тольятти ўрмонларида учратаман, деб ўйламаганди. «Балки бирортасига ўхшатаётгандирман». - деди-ю унга аҳамият бермади. Хорижлик меҳмоннинг ўзи келди. Қулочини ёзиб бағрига олди.

- Сизни бу ерда кўраман, деб ўйламагандим, - Азизбек дилидагини тилига чиқарди.

- Биз савдогар одаммиз, иним. Пул қаерда бўлса, ўша ерда ҳозир у нозирмиз, - дея ҳиринглаб кулди.

У Азизбекни ичкарига етаклади. «Йўл босгансиз, чарчагансиз, ювиниб, дам олинг», деб ҳаммомни кўрсатди. Азизбек ечиниб ичкарига кирди. Кирдию остонада тахтадек қотиб қолди. Икки нотаниш ярим яланғоч қиз уни кутиб турарди. Қизлар жилмайиб, йигитнинг қўлтиғидан тутиб, ёғоч курсига ўтқазди. Азизбек аввалига уялди. Нима қиларини билмай энсаси қотиб, туриб қолди. Қизлар уни устидан сув қуйиб чўмилтиришди. Қайини шохларидан ясалган юмшоқ супурги билан баданига уриб, уқалашди. Азизбек яйраб кетди. Тезда қизлар билан тиллашиб, ҳазил-мутойиба қилишиб, бир-бирларига сув сепишди. Азизбек ҳур-у парилар даврасига тушиб қолгандек эди. У ширин бу лаҳзаларни ниҳоясига етишини истамасди. Шу сабаб узоқ чўмилди. Ҳаммомдан қушдек енгил бўлиб чиқди. Қизлар уни ётоқхонага бошлаб боришди. Иссиқ қаҳва тутишди. Азизбек ёши ўттизга бориб аёллардан бундай иззату икром кўрмаганди. Ҳожининг этагини тутиб, хорижлик меҳмоннинг нигоҳига тушганидан мамнун бўлди. Ҳеч қачон улардан ажрамасликка аҳд қилди. Олисда қолган қишлоғига қайтишни истамай ҳам қолди.

Эрталаб ташқарига чиққанда димоғини таниш ҳид қитиқлади. Юрагида бу исга нисбатан соғинч уйғонганди. Ҳавони тўйиб-тўйиб симирди. Бадани яйраб, кўнгли тоғдек ўсди. Ҳовли этагига ўтганда тоғ мисоли уйиб ташланган карам бўлақларига кўзи тушди. «Во ажаб, бу

ўзининг карамларими?! Ким бундай қилди?! Нега?» Азизбек ўйлаб ўйининг тубига етолмади. Бошини қашлаб, ортига қайтди. Бу ҳақда хорижлик меҳмондан сўрамади. У ҳам унга бирор сўз демади. Эртаси куни улар яна ортга қайтишди. Азизбек атрофида гирдиқапалак бўлиб юрган қизлардан айрилгиси келмасди. Ҳайдовчиларнинг димоғи чоғ эди. Хорижлик меҳмон уларнинг ҳисоб-китобини қилдию бироқ Азизбекга сариқ чақа ҳам узатмади.

- Сиз билан ҳисоб-китобни кейинги рейсда қиламиз, - деди йигитнинг кўнглини чўктирмаслик учун. Азизбек улушини олишдан кўра, кўпроқ қарзидан қутулишни истарди. У уйга келгунча карамларни нега бўлак-бўлақларга ажратиб ташлашганини ўйлаб борди. Бу ҳақда ҳайдовчилардан сўрагиси келди. Аммо уларнинг иши нима?! Вазифаси «юк»ни айтилган манзилга етказиб бориш-ку! Шунга жавобгар! Уларнинг кайфиятлари хуш эди. Афтидан, хорижлик меҳмон қўшимча ҳақ берганди.

Қозоқ саҳроларидан ўтишаётганда Азизбекнинг кўзидан уйқу чочди. Орқа ўриндикдан кўзларини юмганча ўй суриб ётди. Қулоғига чалинган сўзлардан сергак тортди.

- Ўзи беҳабар бўлса керак, - деди рулни бошқариб бораётган йигит.

- Янглишдинг! Беҳабар бўлиши мумкин эмас, - дерди унга жавобан иккинчи ҳайдовчи. - Назаримда, бизга ўзини шундай лақма қилиб кўрсатаётган бўлса керак!

- Ганипда жон бор. Агар у беҳабар бўлганида шефдан карамнинг ҳақини талаб қилган бўларди. Шеф унга сариқ чақа ҳам бермади-ку!

- Ўрталарида олди-бердилари бўлса керак-да!

- Буни бизга аҳамияти йўқ. Муҳими келишганимиздан ортиқроқ тўлашди.

Ёрдамчи ҳайдовчини уйқу элтди чоғи, эснаб қўйди. Шундан сўнг Азизбек улар нима ҳақида сўзлашаётганини, нимага шаъма қилишаётганини ўйлаб қолди.

Азизбек қишлоққа келганида Ҳожи аканинг қувончи ичига сиғмасди. Уни яхши кутиб олди. Бир кунга дам бериб, яхшилаб ухлаб олишини, эртага кечқурун яна йўлга тушишларини айтди. Ҳожи ака савдо-сотиқ билан қизиқмади. Юкни ким қабул қилиб олганию, қанчага сотганини сўрамади. Азизбек таажжубга тушди. Иккинчи гал йўлга чиқишганда божхона постида бироз ушланиб қолишди. Юкни кўришди. Азизбекнинг ҳужжатларини текширишди. Ҳаммаси жойида эди. Божхона солиғи тўланганди. Азизбек икки дона карамни олиб, божхоначиларнинг қаршилигига қарамай стол устига ташлаб қўйди.

Ҳаммаси шундан бошланди.

Хорижлик меҳмон бу хабарни эшитиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ҳазабдан титраб-қақшаб, заҳрини йигитга сочди.

- Сени карамингга зормиди улар?! Нега берасан?! - дерди у озгидан кўпик сачратиб. - Мана энди ҳаммаси расво бўлди.

«Нима расво бўлди?! Нега хорижлик меҳмон икки дона карам учун дунёга ўт қўйгудек бақириб-чақирмоқда?!»

Азизбек ўзини қийнаган бу саволларга кейин жавоб топди. Ўша куни юкни туширган йигитлар туни билан ухламай ҳовлида чироқ ёқиб, карамларни иккига бўлиб чиқишди. Азизбекнинг кўзидан уйқу қочганди. Ярим тунда ташқарига чиқди. Қўлида чопқи тутган йигитлар ҳар бир карамнинг ичидан олмадек қоп-қора нарсаларни ажратиб олишаётган эди. Нима сабабдан карамларни майдалаб ташланганини, қолаверса, хорижлик меҳмонни икки дона карам учун бақириб-чақирганини шунда англаб етди. Англаб етдию вужуди музлаб, қўрқувдан юраги увишиб кетди. Энди нима бўлади? Божхоначилар карам ичидаги қора дорини кўрса унинг изига тушади-ку! Демак, қолган умри қамоқда ўтадимми?! Ҳожининг даладан бери келмай, уни пайкалга яқин йўлатмай қўйганининг сабаби шунда эканда!

Эрталаб хорижлик меҳмон уни ёнига чақирди. Юз-кўзларида кечаги Ҳазабдан асар ҳам қолмаганди.

- Бўлар иш бўлди, - деди у Азизбекка насиҳатомуз. - Пешонамизга битганини кўрамиз. Уйлаб, шундай қарорга келдим. Сен қишлоққа қайтмаганинг дуруст. Камида 20 йил беришади. Яхшиси ўз одамларимга қўшиб қўяман. Улар орасида бежавотир яшайсан! Тайёргарлигингни кўр. Пешиндан сўнг Москвага жўнайсан!...

Икки дона карам Азизбек учун сарсон-саргардонлик дарвозасини очиб берди. У Москвага учиб келди. Пойтахт уни ўзининг тунги чироқлари билан қарши олди.

Тайёрагоҳда кавказ миллатига мансуб икки йигит Азизбекни кутиб олди. Улар «Жигули»га ўтириб, шаҳарга жўнашди. Йигитлар ўз тилларида суҳбатлашиб боришди. Азизбек тилга тушунмаса-да, уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан нима ҳақидадир ўзаро тортишаётганини пайқади. Ойнадан пойтахтнинг тунги гўзаллигини томоша қилди. Қаёққа, кимнинг олдига бораётганини, қолаверса, бутундан бошлаб қисмати не кечишини билмасди. Ҳаёти, орзулари барбод бўлди. Бундан кейин қишлоғини кўриш насиб этадимми?! Божхоначилар Самӣ Ҳожини тутиб кетишгандир? Ер Азизбекникими, карамни у эккан, шундай экан, бу ишлар учун мен жавобгар эмасман, дейиши тайин. Ҳамма айбни менга ағдаради.

Хорижлик меҳмоннинг ўша кунги гаплари Азизбекнинг юрагига кўрқув солди. Кўз олдига темир панжарани келтириб қўйди. Наша билан қўлга тушганларга амнистия берилмайди, деб қўрқитишди. Эрталабгача ўзини қўярга жой тополмай, тикан устида ётгандек тўнтарилиб чиқди. Турмада ўтиргандан, азоб чеккандан озодликда қочиб кун кўришни афзал билди. Меҳмон пойтахтдаги одамларнинг олдига юборишни, улар нима деса шунга рози бўлишини тайинлади. Унинг шартларига Азизбек кўнди.

Машина тўхтади. Йигитлар пастга тушишди. Азизбек улар ортидан эргашди. Тўққиз қаватли бинонинг олтинчи қаватига кўтарилишди. Эшикни ёши олтмишлардан ўтиб қолган, юзлари қип-қизил қария очди. У темир сандиқдан яп-янги паспорт олиб, Азизбекга тутқазди.

- Бутундан бошлаб исмингни унутасан. Паспортда кўрсатилган ном билан яшайсан. Оғзингдан гуллаб қўйсанг, ўзингга жабр бўлади. Умринг қамоқда ўтади! - деган сўзни айтдию ичкари хонага кириб кетди.

Азизбек қўллари қалтираб паспортни очди. Очдию аввалги паспортдаги ўзига айнан ўхшаш суратни кўриб ҳайрон қолди! Булар суратни қаердан олишди? Демак, улар ҳамма нарсадан хабардор. Аввалдан тайёргарлик кўришган, деган ўй кўнглидан кечди.

Азизбекни пойтахтда бир ҳафта ушлаб туришди. Кўчага чиқолмади. Ушлаб олишларидан ҳайиқди. Қафасдек тор уйда дили хуфтон, қалби вайрон бўлиб ётди. Ниҳоят, ўша таниш йигитлар яна келишди. Тун ярмида олиб кетишди. Бир оғиз гапиришмади. Азизбек ҳам қаёққа, деб сўрамади. Машинага ўтириб, таниш йўлдан тайёрагоҳга жўнашди. Азизбек Озарбайжон орқали Эронга, ундан Афғонистонга ўтди. Бу ерда ҳам уни нотаниш кимсалар кутиб олишди. Қобулда бир кеча тунаб, мамлакатнинг шимолига юришди. Ўзбекистондан ўтган жангарилар тўдасига қўшилди. Қаҳрамонимизни бу ерда ўзининг исми билан эмас, балки Умар номи билан чақирди. Аввалдан бизга таниш бўлган Умарнинг қисмати шулардан иборат эди...

- 27 -

Маҳмуд кўнғироқ қилганда Червон хоним шаҳардан қайтганди. У оромини бузган телефонга нафратомуз боқди. Қўнғироқнинг олисдан келаётганини пайқаб, гўшакни кўтарди. Қулоғига таниш овоз чалинди.

- Маҳмуджон, сизмисиз иним?! Биз ғарибни ёдга оладиган

кунингиз ҳам бор эканда-а?! - хоним ялтоқланди. Телефон назоратдан холи эмаслигини сезган Маҳмуд мақсадга кўчди.

- Олдингизга нозик меҳмон кетаяпти. Яхшилаб кутиб олинг!

Бу икки калима сўз хоним учун тушунарли эди. Қўли қалтираб гўшакни жойига илди. Ранги ўчди. Нозик меҳмон? Нечун у қораниятда келмоқда?! Хонимнинг хуноби ошди. Хаёл уни боши берк кўчаларга етаклади. Қилган ишларини сарҳисоб қилди: бошлиқларнинг топшириғини хатосиз бажарди. Жўнатилган пулларни эгаларига вақтида тарқатди. Бир тийқнига ҳам хиёнат қилмади. Қўл остидаги 200 дан зиёд аёллар ичида юзини ерга қаратадиган, бўлар-бўлмас гапларни гуллаб юрадиган, иродаси бўшлари чиқмади. Хоним уларга ўзига ишонгандек ишонди. Абдуғаффор жўнатган 50 минг долларни эса Фотхуллохонга топширган. Буни кўрган гувоҳлар бор. Бошлиқларнинг қуловига ҳам етган. Балки меҳмон мана шу маблағ масаласида келаётгандир?! Тўғри, маблағ белгиланган мақсадга ишлатилмади. Изсиз йўқолди. Бошлиқлар режалаштирган иш амалга ошмади. Хоним эса бунинг сабабини сўраб Фотхуллохон қори билан учрашмади. Излаб боришга вақти бўлмади. Орадан икки ҳафта ўтмай у гойиб бўлди. Қаёққа? Буни худонинг ўзи билади. Балки Афғонга кетгандир?! Борган бўлса пулни олмадим, деб бошлиқларни ишонтиргандир!

Амалга оширилмаган режани Червон хонимнинг гарданига юклагандир? Ўз манфаати йўлида ҳар қандай қабиҳ ишдап қайтмайди.

Ҳа, ундан ҳамма нарсани кутса бўлади. Хонимнинг қилган яхшиликларига, ёрдамларига охир-оқибат тупурди-ку! Ишониб, тўшагининг бер четидан жой берганди. Эргашбойнинг одамлари билан таништирганди. Елиб-югуриб уларнинг ишончига кирганди. Дастлаб ҳалол ишлади. Бошлиқларнинг ҳурматини қозонди. Қншлоқ ва тумандан ишончли одамлар топди. Гуруҳнинг сафини кенгайтирди. Бир неча ёшларни хорижда ўқитаман, деб Афғонга жўпатди. Бирок киссасига пул кириб босар-тусари ўзгарди. Ун гардидан оқарган йиртиқ дўпписи бошидан тушди. Эгнига кимхоб тўн илди. Қишлоқдаги чойхона, савдо шохобчаларини сотиб олди. Кимсан Фотхуллохон бўлиб элга танилди. Асл қиёфаси қолиб, юртга тадбиркор, ишбилармон бўлиб танилди. Маҳалла оқсоқоли бўлди. Червон хонимнинг кучоғига кирди. Унинг ширин эркалашларини соғиниб тез-тез келиб-кетиб юрди. Кутилмаганда хиёнат кўчасини ихтиёр этди. Ўша куни хоним Фарғонага кетганди. Ярим тунда қайтди. Ётоғига кирдию тошдек қотди. Ой нури ёритиб турган тўшагида Фотхуллохон хизматкор аёл билан донг қотиб ухлаб ётарди. Хонимнинг ғазаби нафратга

айланди. Бироқ индамади. Ичига ютди. Қўшни хонага чиқиб кетди. Унинг келганини хизматкор аёл пайқаб қолди.

- Бетингни ит есиш, наҳс!!! - Хоним ўз хизматкорига бундан бошқа сўз айтмади. Фотхуллохон уйғонди. Хонимнинг қайтганини хонанинг тутунга тўлганидан билди. Юрагига бир парча муз тушди. Кийимларини қўлтиғига қистириб, ўғридек ювиниш хонасига ўтиб кетди. Покланиб чиққанда хоним оёқларини чалиштирганча сигаретнинг аччиқ тутунини алам билан тортиб ўтирарди. Унинг асабийлашганини тундваш юзидан пайқаш қийин эмасди. Фотхуллохон қўлини кўксига босди:

- Келдингизми? - Безгак тутган одамдек овози титраб чиқди. Хоним кенг елкаси оша унга қиё боқди. Қора қалам тортилган қошлари чимирилди. Сувга тушган мушук боласидек жунжикиб турган Фотхуллохоннинг аянчли аҳволини кўриб, кўксига тўлиб-тошган нафратни базўр босди. Унга қаттиқроқ сўз айтиб юборишдан кўрқиб, тилини тишлади. Фотхуллохон унинг ола-кула кўзидан «йўқол» деган маънони илғади. Секин ортига бурилди. Оёқларини зўра кўтариб, хонани тарк этди. Шундан сўнг бу хонадонга қайтиб қадам босмади. Хоним ҳам уни йўқламади. Номини юрагидан юлиб ташлади. Абдуғаффор уни Афғонистонга чақиртирганини ва у ерда бир ҳафта туриб қайтганини узунқулоқ одамларидан эшитди. Аммо нима мақсадда боргани, қандай масала юзасидан суҳбатлашгани ҳақида бирор хабарга эга бўлолмади. Шуниси унга алам қилди. Ўзидан шубҳаланганди.

Орадан кўп ўтмай Абдуғаффорнинг одамлари хонимни излаб келди. Яқин кунлар ичида водийни босиб олишлари ҳақидаги хабарни қулоғига етказди. Бунинг учун хоним кўл остидаги аёлларни тўплаб, кўчаларда тартибсизликлар келтириб чиқаришини буюрди. Портловчи моддалар сотиб олиш учун 50 минг доллар ташлаб кетди. Червон хоним пулни олишга олдию, кейин ўйлаб қолди. Аёл боши билан бу савилни қаердан топади? Уларни айтилган жойларга қандай жойлайди? Бу иш нега Фотхуллохонга эмас, айнан хонимга топширилди? Червон хоним бу ҳақда қанча ўйламасин ўйига жавоб топа олмади. Охири бу ишни бошидан соқит қилиш мақсадида гуруҳнинг Олма-Отадаги вакили Маҳмудга маслаҳат солди. Фикрлари, қарашлари муштарак чиқди. Маҳмуднинг маслаҳати билан хоним яна Фотхуллохон билан учрашди.

- Кўринмай кетдингиз почча, - илмоқли гап отди хоним. Фотхуллохон бу гапнинг замирида нафақат кесатиқ, аччиқ киноя, балки соғинч, кўмсаш борлигини илғади. Шармандалиқдан эгилган бошини

кўтарди. Ер остидан уятли кўзларини хонимнинг кулиб турган юзига юборди. Унинг чиройли, мафтункор ҳамда ўйноқи кўзларини уммонга ўхшатди. «Қани энди шу кўзлар тубига фарқ бўлсам». Қори ярашиш имконияти пайдо бўлганидан мамнун эди. Хаёлидан кетмаётган ўша тунги воқеага ич-ичидан лаънат ўқиди. Хонимдан кечирим сўрашга, унинг бир оғиз розилиги учун жонини фидо қилишга тайёр эди. Бироқ хиёл чимирилган қошлар, ўша тубсиз уммонни эслатувчи шахло кўзларда бошқа маъно пинҳон эди.

- Уйга ўтарсиз, деб ҳар куни йўлингизни пойлайман!
- Кечиринг, фариштам! Содиқ қулингиз гумроҳлик қилди!
- Эркак учун бу айб эмас!

Фотҳуллохон оҳ урди.

- Юрагимни мижғиламанг!

Хоним қалбида шафқат уйғонди:

- Сизга ўрганиб қолган эканман...

Қорининг кўзларида ёш айланди. Хонимдан бундай марҳаматни кутмаганди. Червон хоним мақсадини очди:

- Абдуғаффорнинг келишига совға ҳозирлаб қўймоқни ният қилдик!

- Ниятлари муборак бўлсин!
- Бунинг учун сиздек содиқ ва мард одамга муҳтожмиз!

Қори қайишдек қалин лабларини тишлади. Хоним бўғзида қолган сўзини давом эттирди:

- Раҳбаримиз бунга 50 минг доллар ажратибдилар... Червон хоним сумкасидан бир даста пул олиб қорининг олдига ташлади. Фотҳуллохоннинг кўзлари ўйнади. Елкаси силкинди.

- Яқинда учрашганимизда бу ҳақда индамагандилар? - дея ўйга толди. «Абдуғаффор учрашувда гапиргандию бироқ пул ҳақида оғиз очмаганди». Қорининг бу гапи шунга ишора эди.

- Топшириқни бажарган кунингиз уйимнинг эшигини сизга очиб қўяман почча! - деди Червон хоним турар пайтида.

- Илоҳим яратган эгам ўша муборак кунга етказсин! - Ерда сочилиб ётган пулларни қўйнига солар экан пичирлади Фотҳуллохон.

Фотҳуллохон биларди: биноларни, заводни портлатиш осон эмас. Уларни портлатган билан бирон муваффақиятга эришиб бўлмайди. Қўлга тушиб қолиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Яхшиси бу иш учун бирор важи карсон топади. Дунёда нима кўп - баҳона кўп!

Червон хоним Фотҳуллохонга ишонганди. «Пул учун бағримда бир тун бўлса-да эркаланиб ётиш учун бу ишни албатта бажаради», деб ўйлаганди. Бироқ Абдуғаффор водийга кириб келмади. Завод ва

бинолар портламади. Хоним қорининг йўлига узоқ кўз тикди. Пулдан умидвор эди...

Эшик қўнғироғи жириглаганда оқшом чўкканди. Кўчаларда одамларнинг оёғи узилиб, машиналар қатнови сийраклашганди. Хоним энгил томоқ қириб, эшик томон юрди.

- Ким? - деди овозига бироз сирли тус бериб.

- Опа, бу мен, мусофирман, - деди келгувчи паст овозда.

Хоним эшикни очди. Илҳом ўзини ичкарига урди. Червон хоним йигитни танимади.

- Келинг, меҳмон, хизмат?!

- Мен узоқдан келдим. Хўжайин сизга кўлдан-кўп салом айтдилар...

- Сизни танаймироқ турибман, опанг бўйингдан! Кимсиз, қайси хўжайин ҳақида сўзлаяпсиз? Тушунтириброқ сўзланг!

- Эргашбойнинг одамиман. Афғонистондан келдим!

- Эргашбой? Танаймироқ турибман.

- Наҳотки танимасангиз? Дўмбоғингизни!

Червон хонимнинг юзига табассум ёйилди.

- Шундай денг. Узр, танимабман. Қани ичкарига марҳамат, опанг бўйингдан. Дўмбоғим саломатми?!

- Шукур. Саломат юрибдилар!

Улар ичкарига киришди. Хоним меҳмонни юқоридаги курсига таклиф қилди. Улар бир сония жим қолдилар. Меҳмон хонадаги қимматбаҳо жиҳозларга кўз югуртириб, хонимнинг ёмон яшамаслигини билди. Червон хоним халатининг чўнтагидан сигарета олар экан, диктофоннинг тутмачасини босиб қўйишни ҳам унутмади.

- Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз, опанг ўргилсин. Овозингиз ҳам танишдек...

- Мен Ўш томонларданман. Танимаслигингиз мумкин. - Илҳом ёлғон сўзлади. Хоним буни гап оҳангидан, водийликларга хос шевасидан пайқади. - Хўжайиннинг топшириғи билан олдингизга келдим.

- Қулоғим сизда. Дўмбоғимнинг қандай топшириғи бор экан?! - Хоним ширин жилмайди. Икки юзида кулдиргич пайдо бўлди. Чироқнинг шуъласи унинг юзини латофатли ва гўзал қилиб кўрсатарди. Жилмайганда оғзидаги тилла тишлари ярақлаб кетди. Фотхуллохоннинг «Червоннинг тишларини қоқиб кел», деб айтган сўзлари Илҳомнинг қулоғи остида қайта жаранглади.

Йигит аёлнинг билагидаги, бармоқларидаги қўш-қўш тилла узукларга зимдан кўз ташлади. Бўйнидаги занжирнинг ўзи нақ ўн

миллионг сўмлик эди. «Турган битгани бойлик, олтин заводида ишлайдимиз», деб ўйлади.

- Фотхуллохон сиз ҳақингизда баъзи нохуш хабарларни олиб борганди, - деди Илҳом гапни нимадан бошлашни билмай.

- Илойим гўрида тўнғиз қопсин ўша гўрсўхтани. Қилган яхшиликларимга икки дунё рози эмасман!

- Абдуғаффор сизга 50 минг доллар жўнатганди...

- Ўша пулларни ҳам ютиб юборди нафсингга ўт тушгур. Бошлиқлар олдида бошимни эгди...

- Ботир қочса, ёв кўпаяди, дейишади. Фотхуллохон бизнинг ўта ишончли ва садоқатли одамимиз. У ҳақида бундай фикрлашингиз дуруст эмас, опа, - деди Илҳом хонимнинг сўзларини бўлиб.

Хоним титроқ қўллари билан қўйлагининг ёқасиниғижимлади.

- Нима, ҳали менинг гапларимга ишонмаяпсизми, опанг бўйингдан!

- Гап бунда эмас, бироқ сиздан гумонсирашга бизда асос бор. Абдуғаффор пулни шахсан сизга жўнатган! Сиз эса бундан бош тортмоқдасиз. Қўл қўлни танийди!

- Бу масалада мен сиз билан тортишмайман. Худо хоҳласа, ўзим Афғонистонга ўтиб, ўша ҳезалак билан юзма-юз бўлиб буни исботлайман. Қани тониб кўрсин-чи, иккала тухумини суғуриб оларман!

Хонимнинг кутилмаганда бундай қарорга келиши Илҳомнинг режасини тутдек тўкиб юборди. Пўписа йўли билан кўрқитиб, олиши керак бўлган катта миқдордаги пулдан умидини узди. Унинг олдида бошқа йўл қолганди. У билан ади-бади айтишиб ўгиргандан кўра, зудлик билан ишни бажариб, бу ердан чиқиб кетишни лозим топди. Фотхуллохон ваъда қилган пулни олиб, ортга қайтган маъқул. Червон хонимни бу аҳволда қолдириб бўлмасди. Мабодо, у тирик қолгудай бўлса, кутилмаган мавзуда суҳбатлашгани бошлиқнинг қулоғига етиб бориши мумкин Илҳом чўнтагидан тўппонча олди. Ўрнидан туриб, кўзларини бақрайтириб турган хонимнинг тепасига келди.

- Адашмасам, сен бу ерга бошлиқнинг топшириғини бажариш учун эмас, мени ўлдириш мақсадида келганга ўхшайсан. Балки буни сенга Фотхуллохон тайинлагандир? - Ранги доқадек оқариб кетган хонимнинг тишлари орасидан сирғалиб чиққан бу сўзларни эшитган Илҳом масхаромуз жилмайди.

- Адашмадинг! Ақлингга қойил. Сенинг калланг ишлайди, кампир. Бироқ яна бир нарсани билиб қўйишингни хоҳлардим. Биласанми, Фотхуллохон сенинг бошинг учун менга бир миллион инъом қилган!

Бу ҳазиллакам пул эмас. Ундан ташқари сариқ тишларингни суғуриб келйшимни ҳам илтимос қилганди. Сен бўлса... - Илҳом негадир жим қолди. Кейин хонимнинг узунчоқ иягидан ушлади-да, юзини ўзига қаратди. - Омон қолишинг учун битга имконият бор... Яшашни хоҳлайсанми?!

- Гапир?

- Элик миллион чўзасан! Шунда мен бошлиққа одамларимизнинг қўлга олинишида хонимнинг айби йўқ, деган хабарни етказаман. Фотхуллохон эса айғоқчиликда айбланади. Кўриб турибсанки, жонинг омон қолади. Боягидек айшингни суриб яшайверасан! Маъқулми кампир?!

- Менда бунча пул йўқ!

- Пул бўлмаса манави тақинчоқларингни берсанг ҳам майли! - Илҳом хонимнинг бўйнидаги занжирни юлиб олди. Кейин билаги ва бармоқларини тақинчоқлардан халос қилди.

Червон хоним ўтирган жойидан қимирлай олмади. Эси хушудан айрилган одамдек кўзларини бир нуқтага тикиб туриб қолди. Ниҳоят ўзига келди.

- Пешонамдан ўйинчоғингни ол. Тешиб юбораёзди. - деди зўрға лабини қимирлатиб.

Илҳом тўппончани туширди. Хоним енгил хўрсинди.

- Энди пулларни қаерга яширганингни айт?

- Пуллар... пуллар..., - хоним ўрнидан турмоқчи бўлди. Илҳом унинг елкасига кафтини босди.

- Қимирлай кўрма, қаердалигини айтсанг бас, - деди Илҳом хонимнинг ўрнидан туришига монелик кўрсагиб. - Хўш, пулни қаерга яширгансан?

- Пул шу ерда!

Бу овоз Илҳомнинг орқа томонидан келди. У шошиб ортига ўгирилди. Пешонасига тўппонча тираб турган чўтир юзли йигитни кўрди.

- 28 -

Вилоят ички ишлар бошқармасига юборилган хабарномада Червонхонимнинг уйига Афғонистондан одам келаётганлиги маълум қилинганди. Хабарномада айтилишича, номаълум кимса Фотхуллохоннинг уйига кириши ҳамда унинг оғилига яширилган катта миқдордаги пулни олиб кетиши таъкидланганди. Зудлик билан тезкор ғуруҳ тузилди. Айғоқчини қўлга олиш режаси ишлаб чиқилди. Эхтиёт чоралари кўрилди. Ҳар икки объектга яширин постлар қўйилди.

Кузатув ишлари кеча -ю кундуз олиб борилди. Червон хонимнинг кўча эшигига қулф солинган бўлса -да, ичкаридаги уйларнинг эшиги очиқ қолганди. Ҳатто ошхонанинг чироғи ўчирилмаганди. Бу эса хонимнинг шу атрофда эканлигини билдирарди. Аслида бундай эмасди. Хоним кеча тунда ўзи яшаб турган уйни тарк этганди. Бундан беҳабар бўлган кузатувчилар уни шаҳарга тушиб кетган бўлса керак, деб гумон қилишарди. Хоним қайтмагач, уй ичини кўздан кечиришди. Йўлақдаги қон доғларини кўриб қолишди. Қон томчилари изқуварларни меҳмонхона томон бошлади. Уйнинг деворларига сачраган қон ва мия суюқлиги бу ерда одам ўлдирилганлигини кўрсатарди. Демак кимдир ўлдирилган! Келиши кутилаётган меҳмон Червон хонимни тинчитиб кетгандир?! Гуруҳ аъзолари қон томчилари томган йўлак бўйлаб ташқарига чиқишди. Остонадан ўтилгач қон худди ер остига сингиб кетгандек йўқолганди.

Зудлик билан воқеа жойига етиб келган криминалист ва техник экспертлар ҳовли атрофини кўздан кечиришди. Ҳовли этагидаги кир ўра уларнинг эътиборини тортди. Ўранинг тупроғи ўзгарганди. Ўт-ўланларнинг илдизи чиқиб ётарди. Бу орада биологик экспертиза қон таркибдаги кимёвий элементларни аниқлаб, қон эркак кишиники эканлиги ҳақида хулоса берди. Демак, Червон хоним тирик! Кир ўранинг оғзи очилганда оёқ кийими кўзга ташланди. Кийимидан ушлаб тортишди. Эркак кишининг жасади чиқди. Пешонасидан отилган ўқ юз кийфасини ўзгартириб юборганди. Кўзлар худди ўйиб олиңгандек ташқарига отилиб чиққанди.

Айни пайтда Фотхуллохоннинг уйига ўрнатилган яширин постда ҳам кузатув ишлари давом этарди. Изқуварлар оғил ичидаги маблағни олиш учун келадиган меҳмонни кутишарди. Ходимлардан иккитаси оғилга кириб, хазинанинг бор -йўқлигини аниқлаб чиқди. Дарҳақиқат, оғил ичидаги цемент охурнинг остида, темир кутига солинган катта миқдордаги пул чиқди. Изқуварлар уни жойига кўмиб, меҳмонни кутишга қарор қилишди. Червон хонимнинг уйда содир этилган қотиллик ҳамда жасаднинг шахси аниқлангач пост олинди. Гуруҳ аъзолари оғил ичида тинтув ўтказишди. Бу ерда нафақат катта миқдордаги пул, балки, қурол -аслаҳалар ҳам топилди. Фотхуллохон қорининг аёли текшириш учун келган ходимларга ҳеч қандай эътироз билдирмади. Бечора кампир жуфти ҳалоланинг ёшгина йигитни чавақлаб, Афғонга қочганидан азобда қийналарди. Оғил ичидаги мол гўнги остидан олти дона Калашников автомати, ўттиз дона Макаров тўппончаси топилди. Қуроллар махсус ящикка жойланиб, целлофан қоғозга ўраб кўмилганди. Бу қурол - аслаҳалар қаердан олиб келинганди?!

Хорижлик меҳмон тун ярмида Сами Ҳожига қўнғироқ қилди:

- Одаминг қовун туширибди, - деди асабий овозда. - Йўлда аскарларга қарам берганмиш. Сен томон тинчми?!

Сами Ҳожининг ҳиринглаб кулгани эшитилди.

- Бунчалик ваҳима қилманг хўжайин. Нима бало, юрагингиз қуённикими?! Ҳотиржам бўлинг, орқа қатордаги юк тоза эди!

- Хайрият-ей, - елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил нафас олди меҳмон.

- Бизда ҳам калла ишлайди. Хавф-хатарнинг олдини олишни унутмаганмиз.

- Юк қолдими? - Ҳожининг сўзини кесди меҳмон.

- Тугади...

- Шундай де!

- Шундоқ. Энди ҳисоб-китоб қилиб, орани очиқ қилсак бўлаверади.

- Шошилма, бироз сабр қил. Икки-учтаси насия қилиб кетган. Бу ҳақда ўзим хабар қиламан.

Хорижлик меҳмон «юк»дан катта даромад кўрганди. Қарам ичидан ажратиб олинган дорилар энг тоза ва харидоргир эди. Бундай тоза ваҳнинг қадрини билганлар пулига тортишмадилар. Меҳмон айтган нархига сотди. Иккинчи машинадаги юк ҳам хомталаш бўлди. Сарф-харажатдан ташқари эллик миллион доллар фойда қолганди. Бундай катта миқдордаги пул меҳмонни бой-бадавлат кишига айлантириб юборди. У қўлга киритган маблағнинг бир тийинини ҳам бегоналарга беришни истамасди. Азизбекни бир илож қилиб йўқотди. Ҳожини даф қилиш учун бирор ҳийла топиш керак эди.

Сами Ҳожи хорижлик меҳмоннинг телефондаги сўзларини эшитиб ташвишга тушди. Азизбекнинг тезроқ қайтишини кутди. Бироқ ундан дарак бўлмагач ўзи йўлга отланди.

Бормаса хорижлик меҳмон бирон томонга қочиб кетиши мумкин эди. Ахир унинг яшаш жойини билмаса? Қаердан излаб топади? Ишни бошлашдан аввал фойда тенг иккига бўлинади, деб ҳиёнатга қўл урмаслик мақсадида қасам ичишганди. Сами Ҳожи қорадоридан келадиган фойдани ўзича сарҳисоб қилди. Фойданинг эллик фоизи эмас, балки унинг ярми кетганда ҳам у қишлоқнинг энг бадавлат одамига айланиши мумкин эди. Шуни ўйлаб кўзларидан уйқу қочди. Меҳмон билан телефонда сўзлашгач кўнглида гумон уйғонди. Нега

энди у фойдани бўлишга баҳона излаяпти? Ҳожи эртаси куни яна телефон қилди. Бироқ, хорижлик меҳмоннинг телефони ишламади. Юрагини изтироблар ўртай бошлади. У Тольяттига йўл олди. Юзма-юз туриб ҳисоб-китоб қилмаса кўнгли тинчимасди...

Хорижлик меҳмон уни совуқ қарши олди.

- Нега келдинг? - Унинг қирғий буруни остидаги қайишдек қаттиқ лаблари атрофида чуқур чизиклар тортилган юзи нафратомуз совуқ тусга кирди.

- Ишлар тугади. Зерикиб кетдим. Ёзилиб келай, деб олдингизга жўнавордимда хўжайин - лабларини базўр қимирлатиб деди Ҳожи. У мақсадини очиқ айтишдан ийманди.

- Сенинг бу ерга келишингдан бирортаси хабардормиди?

- Уйдагиларга Тошкентга тушиб келай дедим - у, бу ёққа силживордим.

- Дуруст, - миннатдор жилмайди хўжайин, - сенинг каланг ишлайди.

Улар ичкарига киришди. Дастурхон солинган стол атрофига ўтиришди... Уй эгаси қовурилган гўшт олиб кирди, меҳмон қадаҳларга коньяк қуйди.

- Қани, Ҳожи, кўтардик, соғлигинг учун!

Совуқдан дилдираб турган Сами Ҳожи қадаҳни бир кўтаришдаёқ бўшатди. Товуқ гўшtidан оғзини тўлдириб тишлади. У очиққан ва поездда узоқ йўл босиб толиққанди. Кейинги қадаҳдан сўнг тилига эрк берди.

- Азизбек кўринмайди?! Қаерда?!

- Уни сен биласанда. Жўнаб кетганига уч кун бўлди. Улушингни ундан бериб юборганман. Сен қачон йўлга чиқдинг!

- Бугун олти кун бўлди!

- Демак учрашмабсизлар-да. Бир-икки кун сабр қилганингда ўзи олдинга етиб борарди.

Сами ҳожи йўлга бемавруд чиққанидан афсусланди.

- Даромад яхши бўлдими? - ҳожи ўзига қанча улуш текканини билиш мақсадида сўради. Бу гап меҳмонга андак эриш туюлди чоғи, қошлари чимирилди.

- Ҳарқалай меҳнатингга яраша, - деди меҳмон бепарволик билан.

- Аниқроқ айтинг, менга қанча тегди? - ниҳоят мақсадини ошкор қилди ҳожи.

- Сенгами, сенга беш юз минг!

- Ўзимизникиданми? - дилтап бўлди ҳожи.

- «Кўки»дан!

- Қуллуқ, хўжайин, - дил қулфи очилиб кетган Ҳожи хозироқ қанот боғлаб қишлоғига учгиси келди. Ичида «Ишқилиб Азизбек мен боргунча пулни ишлатиб қўймасин-да» деган ўй кечди.

- Меҳмон ака, - деди ичкилик ва иссиқдан бўғриқиб кетган юзини меҳмонга буриб. - Энди менга рухсат беринг, йўлга чиқай!

- Келганинга ярим соат бўлгани йўқ-ку. Бирор кун дам ол. Кетиш қочмас!

- Шундоққу-я, болаларим хавотир олишади. Кейин Азизбек ҳам мени кутиб ўтиргандир.

- Нима ҳам дердим. Ихтиёр ўзингда! - меҳмон кулди.

- Ҳамёни қуруқ. Йўл кирага ёрдам қилсангиз.

- Толик!- эшик томонга қараб қичқирди меҳмон. Малласоч уй эгаси остонада пайдо бўлди.

- Биродаримиз жўнамоқчи, менинг ҳисобимдан уч юз доллар бериб юбор...

Ҳожи қишлоққа қайтгач Азизбекни излаб тополмади. Деярли ҳар куни унинг уйига қатнади. Қишлоқда ҳеч ким уни кўрдим демади. Ҳожи Азизбекни қочиб кетган деган гумонга борди. Унинг орзу-армонлари саробга айланди. Кўнгил мулкига ҳаволаниб пайдо бўлган ширин хаёллар пардек тўзиб кетди. Ундан фақат надомат қолди, хуноба ёшлар қолди...

* * *

Криминал вазият мураккаблашиб кетганлиги боис Вилоят партия кўмитаси раҳбарларининг илтимосига биноан Евгений Михайлович Титов ички ишлар бошқармасининг бошлиғи вазифасига тайинланди. У идорасидан унча олис бўлмаган ҳовлида истиқомат қиларди. Ёши олтмишларга бориб қолган янги раҳбарнинг ўз ходимларига ибрат бўладиган хислатлари кўп эди. У мунтазам ишга пиёда бориб келишга одатланган эди. Эрталаб уйқудан барвақт уйғониб, бадантарбия билан шуғулланиб, бир-икки пиёла чой ичиб ишхонасига йўл оларди. Навбатчилик қисмида тўхтаб, тунда содир этилган воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот олиб, сўнгра бошқарманинг унча катта бўлмаган ҳовлисига ўтарди. Гулзорларни айланар, япроқларига шабнам кўнган гуллардан хидлаб, кейин хонасига чиқарди. Навбатчи милиционерлар бошлиқнинг бу одатига аллақачон кўниқиб қолишгани боис, тонг ёришар-ёришмас эшикнинг илгагини тушириб, хонани тартибга солиб қўйишарди.

Евгений Михайлович бугун ҳам одатини тарк этмаган ҳолда ишхонасига барвақт келди. Навбатчи зобит тунги воқеа-ҳодисалар ҳақида муълумот берди. Иккита майда ўғирликни ҳисобга олмаганда вилоятда осойишталик. Полковникнинг кўнгли хотиржам тортди. Бугун байрам бўлгани учунми ёки ўзининг иш режасига биноанми, қурол-аслаҳа омборини кўздан кечириш мақсадида пастга - ертўлага тушди. Ортидан навбатчи зобит эргашди. Тунги чироқлар қўланса ҳид уфуриб турган ер остидаги йўлакни ғира-шира ёритиб турарди. Қурол омборининг темир панжарали эшиги қия очик қолганди. Сигнализация чироғи ўчирилганди. Полковник анча нарида тўхтаб, ортидан келаётган навбатчига юзланди. Унинг қарашлари хунук эди. Навбатчи нимадир демоқчи, бўлиб оғиз жуфлаганда Евгений Михайлович қадамини тезлатиб омбор томон илдам юруб кетди. Асабий ҳолда эшикни тортди. Темир панжарали эшикка илиб қўйилган қулф бошлиқнинг оёғи остига тушди. Омбор бошлиғи Мамедов полковникни кўрди-ю, бошидан ақли учган одамдек бақрайганча қотиб қолди. Аввал юзи оқарди, кейин қўл-оёғи титради. Ерда бир неча дона Калашников автомати, Макаров тўппончаси ва ўқлар сочилиб ётарди.

- Нима қилаяпсан? - Мамедовга яқин келиб сўради Титов.

- Қуролларни текширяпман! - ўрнидан туриб, қаддини ғоз тутишга ҳаракат қилган Мамедов қалқиб кетди. Вужудидаги титроқ овозига кўчганди.

- Жуда вақтли келибсан-да!

Омборчининг ишга барвақт келиши, қолаверса, қурол-аслаҳаларнинг ерда сочилиб ётиши полковникнинг кўнглида шубҳа уйғотди.

- Бугун байрам, ўртоқ полковник, омборни кўздан кечириб қўйгим келди-да!

Титов анча тажрибали, ўта ҳушёр, синчков, бунинг устига одам руҳиятини яхши биладиган раҳбар эди. Мамедовнинг ўзини тутолмаслиги, юз-қиёфасининг санокли дақиқаларда ўзгариши, овозидаги ҳаяжон унинг нимадандир ҳадиксираётганини ошкор қилганди.

Полковник навбатчига юзланди.

- Омборнинг очилганлиги ҳақида нега менга ахборот бермадинг?

- Унутибман, ўртоқ бошлиқ!

- Эшикларни қулфла!

Титов Мамедовдан шубҳаланишга асоси бор эди. Икки ҳафта бурун омборчи бошлиқнинг ҳузурига кириб, ўз юртига кетмоқчи эканлигини айтганди. Бироқ кетишига сабаб бўладиган жиддийроқ баҳона

тополмаганди. Бундан ташқари Давлат хавфсизлик қўмитаси турли диний экстремистик гуруҳ аъзолари қурол-аслаҳа тўплаётганлиги ҳақида бошқармага маълумотнома жўнатган эди.

Мамедов ҳудди биров ортидан итараётгандек судралиб ташқарига чиқди. Навбатчи милиционер эшикни беркитиб, қулф солди. Бошлиқ қулфга тамға босди. Титов омборини тафтиш қилишга буйруқ берди. Бу ҳақда шаҳар прокурорини огоҳлантирди.

Прокурор Содиқова беш кишидан иборат гуруҳ иштирокида омбордаги барча қурол-аслаҳа ва ўқ дориларни бирма-бир кўздан ўтказди. Текшириш тун ярмида тугади. Гуруҳ аъзолари кун бўйи туз татишмаганди, толиқишганди. Омбордан олти дона Калашников автомати, ўттиз дона Макаров тўппончаси, икки минг дона ўқ кам чиқди. Бунча қурол-аслаҳа, ўқ-дори қаерда?

Содиқова бу саволга эрталаб жавоб олишни мақсад қилиб, Мамедовни шаҳар қамоқхонасининг вақтинча ушлаб туриш изоляторига жўнатди. Тун ярим бўлиб қолганлигига қарамай ушбу ҳолат юзасидан вилоят ва республика прокуратурасига ахборот жўнатди.

Содиқова турмага эрталаб келди. У Мамедовни сўроқ қилиши, ҳамда йўқолган қурол-аслаҳа, ўқ-дориларнинг қаердалигини аниқлаши лозим эди. У йўлақда турма бошлиғи билан учрашиб, бир неча дақиқа суҳбатлашиб, ушланиб қолди. Прокурор икки нафар турма ходими билан Мамедов ётган хонага йўл олди. Навбатчи эшикни очганда туйнукдан тушиб турган қуёш нурлари Содиқованинг кўзини қамаштирди. Мамедовни кўролмади.

- Маҳбус қани?! - сўради прокурор турма ходимларидан. Улар аввалига бир-бирларига, сўнгра ичкарига мўралашди. Ҳаво алмашиб туриши учун ўрнатилган туйнук ортидаги темир панжарага боғланган матони, сўнг шу матога ўзини осиб қўйган Мамедовнинг жонсиз танасини кўришди. Содиқованинг туни билан ўйлаб қўйган режалари чиппакка чиқди. Шу тариқа вилоят ички ишлар бошқармасининг қурол-аслаҳа омборидан йўқолган автомат, тўппонча ва ўқ-дорилар сувга тушган кесақдек ном-нишонсиз кетди. Орадан беш йил ўтиб, улар Фотхуллохоннинг оғилдан, бир арава гўнг остидан топилиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Мамедовни шаҳардан ўн икки чақирим олисда яшайдиган Фотхуллохон билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Икки қутбнинг одамларидек бир-бирларидан йироқда яшашарди. Унда қурол аслаҳалар Фотхуллохоннинг қўлига қандай тушиб қолди? Тергов-суриштирув органларининг ходимларини шу савол ўйлантирарди...

Тонгда жиринглаган телефон овози Петр Ивановични уйғотиб юборди. У ўрнидан турар экан, Виталий қўнғироқ қилаётган бўлса керак, деган хаёлга борди. «Афғонга қачон жўнашингиз ҳақида ўзим маълум қиламан», деб ишонтирганди. Шундан бери кекса чекистнинг диққат-эътибори телефонга қаратилганди.

- Эшитаман! - генерал гўшакни қулоғига тутди.

- Петр Иванович, бу сизми?!

- Эшитаман! - нотаниш овоздан қария сергак тортди.

- Салом! Мен Тошкентдан қўнғироқ қиялпман! Бўрондан салом!

- Бўрондан?! Қани ўзи? Қаерда юрибди?!

- Хавотир олманг, Петр Иванович. У соғ-саломат. Маълум сабабларга кўра ушланиб қолди!

- Ушланиб қолди? Қаерда? Нега ушланиб қолади?

- Албатта у топшириғингизни бажаради! Шунга ҳаракат қиялпти, гапни айлантиришга уринди қўнғироқ қилаётган одам.

- Сиз кимсиз? У билан қаерда ва қачон учрашдингиз?!

- Бу хусусда кейин суҳбатлашамиз, Петр Иванович. Бўрон икки ой ичида қайтади. Хотиржам бўлинг! - нотаниш кимса шундай деди-ю, гўшакни жойига қўйиб қўйди. «Ту-ту»лаган овоз қариянинг қулоғи остида анча вақт эшитилиб турди. У гўшакни чангаллаганча ўйга толди. Бўронни соғ-саломатлигидан ва топшириқни бажаришга интилаётганлигидан юраги таскин топди. Бироқ уни шу пайтгача нима сабабдан Афғонистонда қолиб кетгани ўйлантириб қўйди. Бўронни ким ушлаб қолган бўлиши мумкин? Телефон қилган одамнинг ўзи ким?! Унинг сўзларидан Афғоннинг ҳиди келялпти! Нима учун яна икки ой у ерда қолиши керак?! Энди Афғонга ўтишига ҳожат бормикин? Икки ой кутса осмон узилиб тушмас. Бунинг устига киш остонада турибди. Совуқда дайдиб юргандан, кутган афзал эмасми? Виталий Дмитриевичга сафарни кечиктириш ҳақида айтгани маъқулми ёки индамаганими?!

Петр Ивановичнинг Тошкентдан қўнғироқ қилган нотаниш кимса билан қилган суҳбати ёзилган тасмани эшитиб, Виталий Дмитриевичнинг шубҳа-ю, гумонларига ёқилга сепилгандек бўлди. Подполковник уларнинг сўзини таҳлил қилди. Бироқ уринишлари самарасиз тугади. У ўйлаган сирли жумлалар чиқмади. Шундан кейин ҳазина

тўғрисида бош қотирди. Бу фақат қариялар ўртасидаги сир бўлиб қолмай, балки ундан учинчи шахс ҳам воқиф. Уни олиб ўтиш учун ҳаракат бошланган. Бахтга қарши Бўрон йўлда қолиб кетган. Икки ойдан сўнг қайтмоқчи. Бу подполковник учун узоқ муддат эмасди. Бекорга Петр Иванович типирчилаб қолмаган эканда! Дарвоқе, унга кўнғироқ қилган кимса ким?! Унинг сўзларидан қариянинг одами билан учрашгани маълум бўлиб турибди. Сўзларига қараганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг одамига ўхшайди. Борди-ю, миллий хавфсизлик хизматининг агенти бўлса, албатта, Бўроннинг нима мақсадда Афғонда юрганлиги билан қизиқмасдан қолмайди. Бундай пайтда Бўрон ҳақиқатни айтишга мажбур бўлади. Сирни ошкор қилади. Виталий Дмитриевичнинг назарида ҳазина бебаҳо эди. Аксинча, қариялар арзимас бойлик учун у томонга одам жўнатмаган. Ўз ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб Афғонга ошиқмайди? Айниқса, Петр Иванович анча ақлли, донишманд одам. Етти ўлчаб бир кесадиған одати бор. Ефим Егорович ҳам анойилардан эмас. Ер ости бойликларини фарқлашда унга тенг келадиган мутахассис топилмайди. Афғон уруши давлат бойликларини, тарихий обидаларини талон-тарож қилинишига олиб келди. Ефим Егорович ўша бойликлардан бирига дуч келган бўлиши эҳтимол. Уни ишончли жойга яширган. Олиб ўтишга кўрққан ёки унутиб қолдирган!

Юзи салқиб, кенг пешонасига ажинлар из солган подполковник шу ҳақда узоқ бош қотирди. Мансаб чўққисига кўтарилиш, унвонини ошириш тўғрисидаги орзулар унга ором бермасди. Бошлиқлар эътиборини тортадиган жиддийроқ иш қилишни кўпдан дилига тутиб юрган Виталий Дмитриевич иши юришмаётганидан хафа эди. Ҳазина давлат аҳамиятига эга бўлса, аллақачон эскириб қолган мансаб курсиси янгиланиши аниқ, Бунинг учун ҳамма нарсага тайёр. Фақат тезроқ аниқлаш даркор. Фақат қариялар ундан шубҳаланмасин.

Виталий Дмитриевич ширин орзу оғушида маст одамдек сархуш бўлиб ўтирар экан, кутилмаганда хаёлига бошқа фикр келди. Ҳазинани олиб келиш учун Пётр Ивановичга рухсат берса, у ҳеч нарса ютқазмайди-ку! Аксинча, унинг бошига ёғиладиган бало-қазолардан ҳалос бўлади. Одами қарияни чегарагача кузатиб боради. Қайтишини кутади. Чегара чизиғида Пётр Иванович билан ҳисоб-китобни жойига қўйиб, хазинани қўлга киритиб қайтаверади. Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек осон кўчади. Подполковник Сашани ҳузурига чорлади.

- Тайёрмисан? - сўради у капитанга бошдан-оёқ назар ташлаб.
- Худди шундай, ўртоқ подполковник!
- Жуда яхши, унда кийимларингни алмаштир. Қора ишчи қиёфа-сига кир. Сендан биров хитланмасин.
- Хўп бўлади ўртоқ подполковник, - ҳозиржавоблик билан деди капитан.

- Имилламай тезроқ бу ердан силжи. Вақт оз қолди.

Ефим Егорович дўстини кутиб олиш учун астойдил тайёргарлик кўрди. У яшаб турган уйини яқинда олганди. Дўстининг илк бор келиши. Шуни ҳисобга олиб дастурхонни байрамона тузади. Дўсти хуш кўрадиган таомларни пиширди. Қизил икра олишни ҳам унутмади. Бироқ ичимлик танлашда бироз ўйланиб қолди. Кейинги пайтларда генерал ичимликни хушламай қўйганди. Гоҳи-гоҳида немисларнинг виносидан татиб турарди. Бироқ уни топиш анқонинг уруғини излаш билан барабар. Ефим Егорович яхшироқ ичмлик харид қилиш ниятида пастга - озиқ-овқат дўконига тушди. Пастга тушиши биланоқ контрразведка ходимларининг эътиборини жалб этди. Саша объектнинг пайдо бўлгани ҳақида бошлигини огоҳлантирди. Шу заҳотиёқ ортидан кузатувчи тушди.

Пётр Иванович айтилган вақтдан кечикиб келди. Трамвайнинг йўлда бузилиб қолиши бунга сабаб бўлганди. Виталий Дмитриевичнинг одамлари генерални кўришлари биланоқ хотиржам бўлишди. Ефим Егоровичнинг хонасига ўрнатилган овоз тортгич ва «қулоқ»лар ишга тушди. Икки қариянинг товуши аниқ ва тиниқ эшитиларди.

- Сен учун хушxabар олиб келдим! - деди генерал Ефим Егоровичнинг дастурхонига ҳамду санолар ўқигач.

- Қандай хушxabар экан? - Ефим Егоровичнинг нур кетиб, хиралашиб қолган кўзларида қизиқиш аломати зоҳир бўлди.

- Биласанми Ефим, эрталаб менга Тошкентдан кўнғироқ қилишди!

- Тошкентдан?! - ҳайратдан қариянинг ажин босган юзи совуқ ятиради.

- Бўрон тирик экан!

- Наҳотки?

- Ҳа, у тирик! Топширигимизни унутмабди. Икки ой ичида қайтиб келармиш!

- Шу пайтгача кимлар билан, қаерда юрган экан?!

- Бу ҳақда сўраб-суриштиролмадим. Кўнғироқ қилган одам унинг тириклигини-ю, икки ойдан кейин қайтишини айтди!

Ефим Егоровичнинг лаби титраб, ранги оқариб, кўзлари қисилди.

- Сени қандай топибди!

- Телефон қилган одам кимлигини айтмади. Номеримни Бўрон бергани аниқ!

- Уйимиз куйибди, Петя! Энди ҳаммаси барбод бўлади!

- Нега ундай деяпсан?

- Негалигини мендан кўра сен кўпроқ билишинг керак! Бўронни Афғонистонда оддий одам учратмайди. Бундан ташқари телефон қилган кимса бу ёққа ўтган бўлса, демак у разведкага алоқадор шахс. Албатта у Бўронни сўроққа тутган. Афғонга ўтгани билан қизиққан? Ахир чегарани бузиб ўтгани учун жавобгарликка тортишади-ку. Бир гуруҳ Ўрта Осиёдан кетган экстремистлар Афғонистонга уя қуриб олишган. Ҳукуматга қарши исён кўтаришга тайёргарлик кўришмоқда. У ердаги ҳар бир одам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг назоратида бўлади. Шундай экан, Бўрон унга нима мақсадда ўтганини айтишга мажбур бўлган.

- Ташвишланишингга асос йўқ, Ефим. Биламан, Бўрон хушёр йигит. Оғзидан гулаб қўядиган, бизни сотадиганлар хилидан эмас!

- Унда нима учун тўрт ойдан бери Афғонда юрибди? Кимлар билан? Шу ҳақда ўйлаб кўрдингми?! Яна икки ой туришини қандай баҳолайсан? Қўнғироқ қилган одам разведкага алоқадор. Худо кўрсатмасин, хазинани олиб, Ўзбекистонга топширгудек бўлса, шунча қилган ҳаракатларимиз бир томчи сувдек ерга сингиб кетади! У- ноёб тарихий обида!

Кутилмаганда ўз сирини оча бошлади кекса геолог.

- Нега бу ҳақда илгари айтмадинг? Ахир мен Бўронни жўнатмасдан ўзим боришим мумкин эди-ку! -Генералнинг кўзи ярқ этиб очилди.

- Сени аядим. Кексайганингда чўлу-саҳроларда, тоғу тошларда қолиб, азобланишингни истамадим!

- Ҳали ҳам умид бор, Ефим.

- Фойдасиз, - қўлини силтади Ефим Егорович.

- Модомики, сен айтган одам разведка агенти экан, Бўрон унга хазина ҳақида сўзлаб берган бўлса, менга қўнғироқ қилмасди. Бўроннинг тириклигини айтмасди. Ишончим комилки, у хазина ҳақида оғиз очмаган!

Ефим Егорович қўллари билан пешонасини чангаллади.

- Мен топган бойликлар назаримда ўзбекларга тегишли. Бу ҳақда

яқинда тарихий бир китобдан ўқиб қолдим, - деди бошини чайқаб.

Генералнинг ҳайрати ошди.

- Ефим, очикроқ айт, сен қўлга киритган нарсалар қандай буюм? Наҳотки, қиймати беҳисоб бўлса?!

- Уларнинг ҳар бири ўн минглаб одамларни бир умр боқиши мумкин.

Пётр Ивановичнинг сабр косаси тўлди. Ўрнидан туриб кетди.

- Бугуноқ йўлга чиқаман, - деди аскарлардек жарангли овозда.

- Жинни, бекордан бекорга ўлиб кетгинг келяптими?!

- Ачинмай қўя қол! Мен сенга ўхшаб пессимист эмасман. Яшаш учун курашмоқ керак.

- Билиб қўй, - деди Ефим Егорович тундваш юзини ўтириб. - Мен сени мажбур қилмайман. Буни координатни қизғанияпти деган маънода қабул қилма. Азоб-уқубат чекиб, ҳор-зор бўлиб, ўлиб кетишингдан қўрқиб айтаяпман.

- Пешонага ёзилганини кўз кўради. Мен Бўронга ишониб хато қилган бўлсам, шу хатойимни ўзим тузатаман. Тоғу-тошлар орасида қолиб кетаманми ёки ўлиб кетаманми, бу ёғи Худодан!

Пётр Ивановичнинг қиёфаси ўзгариб кетишини Ефим Егорович шу пайтгача кўрмаганди. Генерални аҳдидан қайтариш ўринсиз эди. У китоб жавонининг олдига борди. Китобларни титиб, улар орасидан бир вақтлар Пётр Ивановичга таниш бўлган қоғозни олди. Бу хазина яширилган объектнинг чизмаси эди...

- Энди менга оқ йўл тила, азизим!

Ефим дўстининг спортчиларникидек таранг тортилган елкасидан кучди.

- Сени йўқотиб қўйишдан кўрқаман, Петя! - дея паст овозда шивирлади. - Ўзингни эҳтиёт қил!



ИККИНЧИ ҚИСМ

- 1 -

Куз охирлади, ҳаво совиди. Тошларнинг панасида димиқиб ётган изғирин уйғонди. Тоғларнинг ҳайбатли чўққилари оппоқ қорга бурканди. Совуққа чидамсиз қушлар чўққилардаги ошёнларини тарк айлаб, қанотларини ёйиб, бўйинларини чўзиб, мунгли кўзларини заминга қадаб қишлоқ томон йўл олишди. Улар бу йил қишнинг эрта келишини, тоғларга қалин қор тушишини олдиндан билишганди. Шу боис одамлар қўналғаси томон парвоз қилишарди.

Какликлар Тавилдара осмонини аллақачон тарк этишганди. Улар учун қишлоқ осмонидан учиб ўтиш хатарли эди. Нотаниш одамлар жониворларнинг аждодлари қишлайдиган қўналғасидан қувиб солишганди. Момақалди роқни эслатувчи қийқирик ва бақириқлар ортидан пала-партиш ўқ отишлар бечора қушларнинг юрагини олиб қўйганди. Одамлар беозор бу жониворларни шафқатсизларча ўлдирришар, гўштларини нимталаб, сихларга тортиб, чўғда тоблаб ейишарди. Уларнинг нигоҳлари ҳамиша кўкда бўларди.

Бутун ҳам Тавилдара осмонида тўпидан айрилган ўн чоғлик каклик кутилмаганда пайдо бўлди. Улар ер бағирлаб учишарди. Чиройли ва ёқимли овозлари билан дўстларини излаб бўзлашарди. Ўзлари учун қулай ва пана жой ахтаришарди. Шу тариқа Тавилдарага кириб қолишганини билишмади. Уларнинг митти юраклари хавф-хатардан йироқ эди. Яйловда машғулот ўтказаетган жангарилар бошлари баробар учиб бораётган қушларни кўриб қолишди. Қийқиришиб қуролларини қўлларига олиб, қушларга қарата ўқ узишди. Какликлар шу заҳотиёқ хавфни сезиб қолишди. Улар зудлик билан ўзларини ҳайбатли тошлар панасига олишди. Бахтли тасодиф туфайли қушлар жони омон қолди. Омад юз ўгирган жангарилар нолишиб, қўлларини силташиб, ортга қайтишди.

Ўқ овозини эшитган Эргашбойнинг юраги портлаб кетди. Ўзини одамнинг боши сиғадиган туйнукка урди. Яйловда қурол кўтариб юрган йигитларнинг не сабабдан ўқ отишганини тушунди. Қўрғошин тусига кирган осмон кўзига совуқ кўринди. Кайфияти тушди. Эрта-лабданоқ юрагида ғашлик уйғонганди. Қиш ўзининг ташрифидан дарак бериб, изғиринини жўнатди. Тоғларнинг чўққисини қор босди. Бироқ қишга тайёргарлик кўрилмади. Ваъда қилинган кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, кўрпа-тўшаклар етиб келмади. Совуқда

одамлари шамоллаб қолиши, юқумли касалликларга чалиниши мумкин. Вазиятнинг олди олинмаса айримлар лагердан қочиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Уларсиз унинг кимга кераги бор? Кейинги пайтда битта жангарини йўқотиш унинг учун қимматга тушмоқда. Сафини тўддирадиган одамлар келмай қўйган. Худо кўрсатмасин, булар ҳам тарқаб кетса, уни қўллаб-қувватлашга ваъда берган ҳомийлар юзини терс буриб кетишади!

Маҳаллий халқ жангариларни ёқтирмаслигини Эргашбой яхши тушунарди. Тавилдарадан аллақачон қувиб ҳайдашган бўлишардию, бироқ Мулла Умардан ҳайиқишгани боис, ғазабларини ичига ютишганди.

Эргашбойнинг ҳомийлари олдида обрўсизланиши, ишончни йўқотишига бошқа сабаб ҳам бор. Абдуғаффорнинг Боткент блок постидаги шармандали мағлубияти уни ҳеч нарсага қодир эмаслигини исботлаб қўйганди. Ўшанда у Эргашбойнинг маслаҳатига қулоқ солмади. Ўзбилармонлик қилди. Одамларига ишонди. Унинг хатоси шунда эди. Очиғи, Эргашбойнинг ўзи ҳам чегарани бузиб ўтишга эмас, унга яқин боришга юраги бетламайди. Нима қилганда ҳам бир маротаба бурни қонаган. Жони омон қолганига ҳануз шукур қилади. Худди кечагидек кўз ўнгида. Ҳозир ҳам ташқарига боқиб, ўзининг ўтмишини - аламли кунларини ёдга олди. Босиб ўтган ҳаёт йўли кўз ўнгида худди кино лентасидай жонланди.

- 2 -

Ўшанда Эргашбой ортидан изқуварлар тушганини пайқаб қолди. Шаҳарда содир этилган бир қатор қотиллик ва босқинчиликларда қўли борлиги фош бўлди. Галдаги жиноятни амалга оширган тунда ўз одамларини тўплади.

- Зудлик билан шаҳардан ғойиб бўлишимиз керак! - деди у юрагидаги қўрқувни яширолмай. - Ментлар ишимиздан хабар топишибди. Бугун бўлмаса эртага бизни қўлга олишади. Эртага кечки пайт барчамиз Ленинободдаги деҳқон бозорида учрашамиз. Ҳамма бориши шарт. Бирор кишининг қолиши мумкин эмас!

Ташқарида Эргашбойни машина кутарди. У уч нафар ёрдамчисини ёнига олиб машинага ўтирди. ГАЗ-31 ярим тунда Ленинобод сари йўл олди. Эргашбой ва унинг одамлари Тожикистонда иззат-икром билан кутиб олинди. Унинг йигитлари учун алоҳида жой тайёрлаб беришди. Керакли буюмлар билан таъминлашди. Тўғри, дастлаб бироз

қийнади. Шароитга кўниқолмади. Айримлар ортга қайтмоқчи бўлишди.

- Ортга йўл йўқ!! - деди Эргашбой уларга тўппонча тираб.
- Биз фақат қурол билан борамиз.

Юртни соғинганлар, Ватан ишқида юраги ёнганлардан иккитаси олдинга отилиб чиқди.

- Ватанга қурол кўтариб кирсак ота-боболаримизнинг руҳини безовта қиламиз. Авлод-аждодларимизнинг тавқи лаънатига учраймиз. Ёв бўлиб киргандан кўра мард бўлиб ўлганимиз яхши! - деб қўлларидаги қуролларни тўда бошининг оёғи остига ташлашди. Буни кўриб Эргашбойнинг фигони чиқди. Йигитларга қарата ўқ узди. Икки йигитнинг жасади ўзга элда, бегона тупроқда қолди. Ўлимдан қўрққанлар ўзларини тўдабошининг пинжига уришди. Улар Бадахшон ўлкасидаги жангарилар тайёрлайдиган махсус лагерда уч ҳафталик ва кўпуровчиликка ўргатадиган икки ойлик дастур бўйича таҳсил олишди. Бу пайтда фуқаролар уруши Тожикистон ерларини қип-қизил рангга бўяб борарди. Эрон, Покистон каби мамлакатлардан ўтган йўриқчилар, афгон мужоҳидлари тайёрлаган ақидапарастлар инсон кўзи кўриб, қулоғи эшитмаган мудҳиш жиноятларни содир этишарди. Улар ўз сафларини кенгайтириш мақсадида Совет армияси сафларида хизмат бурчларини ўтаб қайтган йигитларни тутиб кетишар, қаршилик кўрсатганларни жойида отиб ташлашарди. Уларнинг кўз ўнгида аёлларни, болаларни зўрлашарди. Қарияларни тириклайин ёқиб юборишарди. Вахш дарёси қайирининг ўзида кунига ўндан зиёд тилка-пора қилинган жасадлар тутиб олинарди.

Абдулло Карим Эргашбойни ҳузурига чақиртирди. Йигитнинг нияти, мақсадини билиш, уни муқаддас жангга тайёрлаш хусусида узоқ суҳбатлашди. Лагердаги таълим-тарбия, хорижий йўриқчиларнинг кўрсатмалари, панд-насиҳатлари Эргашбойга қаттиқ таъсир қилганини Абдулло Карим дарҳол сезди. Шундан кейин мақсадини айтди.

- СССР парчаланиб кетди, иним, - дея сўз бошлади у, - Сиз билан бизнинг ватанимиз сув устида қалқиб турган кўпикка ўхшаб турибди. Имконият борида вазиятдан фойдаланиб ҳукуматни ўз қўлимизга олмағимиз жоиз. Улуғ ғояларимиз йўлида жангга кирмоғимиз шарт. Йўлимизга тўсиқ бўладиган ҳар қандай одамни дини, ирқи, миллатидан қатъий назар йўқотамиз. Улар дунёвий ривожланишдан юз ўгирмоғимизга қаршилик кўрсатишади. Янги тартибдаги давлат тузмоқ йўлида ҳеч кимни аяб ўтирмасликни унутманг. Бундан бир неча йил муқаддам Сурияда давлат тўнтаришига уринган Саид Қутбанинг муборак сўзларини эсланг: «Ижтимоий адолатли давлат

тузишга фақат зўравонлик йўли билан эришиш мумкин. Қон тўкиш - чинакам мусулмон давлатини барпо этишнинг ягона йўлидир».

- Бунинг учун аввало қурол-аслаҳа, ўқ-дори зарур, устоз! - Абдулло Каримнинг гапини бўлди Эргашбой.

- Биргина қурол билан ҳеч нарсага эришолмаймиз, - вазминлик билан гапида давом этди Абдулло Карим. - Аввало, халқнинг фикрини заҳарлаб, кейин уларни ортингиздан эргаштирмоғингиз даркор. Бунинг учун халқнинг ғазабига тегаётган камчиликларни топиш муҳим. Айтайлик, порахўрлар, бюрократлар бизга қўл келади. Улар халқнинг баданига ёпишган кана. Қонини сўриб, юрагида ғазаб уйғотмоқда. Мана шундан биз фойдаланамиз. Одамларингизга буюринг: ялқов, ишёқмас, танбал, нашаванд, илгари «зона»да ўтириб чиққан ёш-ялангларни тўплаб, биз томонга жўнатсин! Улар бу ердаги жангларни кўриб кўзи пишийди, тобланади, чиниқади.

Бу гаплар Эргашбойга мойдек ёқди. Ўзбекистонни босиб олиш йўлида у ҳар қандай ишдан қайтмасди.

- Одамларни олиб ўтиш қийин эмас, устоз! Бироқ йўл ҳақи учун сармоя йўқ!

Абдулло Карим Эргашбойни икки ҳафта бурун хориждан юборилган бир ярим миллион долларга шаъма қилаётганини тушунди. Соқол босган қонталаш юзида сирли табассум пайдо бўлди.

- Бу муаммо эмас, иним! Боя айтганимдек, порахўрларни, мансабдорларни ўлдириш йўли билан уларнинг бойликларини тортиб олиб, бу ишга сарф қилиш даркор. Шунда сиз бир ўқ билан икки қуённи урган бўласиз. Давлат ҳам зиён кўрмайди. Ғалабани қўлга киритиб, мамлакат тепасида ўз байроғимизни ўрнатсак, биз юришни Ўзбекистон сари бошлаймиз!

- Мақсадим ҳам шундай! - Вазиятга қараб тезда тусланди Эргашбой. - На иложки, ватандан йироқман. Душманларим мени қочиб юрибди, деб ортимдан бўҳтон тошларини отишмоқда. Нима деб ўйлашса, бу уларнинг иши. Ўзбекистонни қўлга олганимдан сўнг нималарга қодир эканлигимни уларга кўрсатиб қўяман!

- Баракалло, иним. Бу сиздаги имоннинг соғайишидан нишонадир! Сизга муҳим сирни ошкор қилмоқчиман. Биродаримиз Гулбиддин Ҳикматёр жаноблари Қундуз ва Бадахшон, афғон ўлкаларида ҳаракат қилаётган ўзининг дала командирларига бизни қурол-аслаҳа ва ўқ-дори билан таъминлаш борасида кўрсатма берди. Ҳозир дала командири Латиф жанобларининг отрядида 300 дан ортиқ одамларимиз тайёргарлик кўришмоқда. Афғонистоннинг айрим фуқаролари афғон мужоҳидларининг қуролли қисмлари командирларидан, шунингдек, Эрон, Покистон махсус хизмати идораларидан олган турли топшириқларни бажариш ниятида Ўзбекистонга ўтиш режалаштирилган.

Албатта, улар сизнинг орзу-ниятларингизни рўёбга чиқаришга ёрдам беришади. Қурол-аслаҳага келсак, бундан асло ташвиш чекманг. Биз наркобизнес йўли билан анча-мунча ажнабий қурол-аслаҳаларга эга бўлдик. Исроилнинг «Узи» автоматлари, Американинг «М-16» автомат-милиқлари, Хитойда ишлаб чиқарилган гранаталар ва гранатомётлар бартер ҳисобига олинган.

- Сиз айтган наркотик модаларни биз кимдан олишимиз мумкин? - ҳайратомуз устозига тикилди Эргашбой.

- Бизда йўқ. Фақат ҳозирча. Зарур бўлганда афғон дўстларимиз Сизни ўзлари таъминлашади. Бунинг учун аввало, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларидан хавф-хатардан холи бўлган йўлак очиш лозим. Ўз маҳсулотларимизни чегарагача етказиб берамиз. Кейинги ишларни эса ана шу ишончли одамларингиз орқали амалга оширамиз. Ҳар икки республика орқали маҳсулотимизни Европа давлатларига чиқарамиз. Биз дорини айтилган жойга етказиб борсак, ажнабий пуллар, қурол-аслаҳалар сувдек оқиб келади. Ажнабий дўстларимиз бизни нафақат маблағ билан, балки қурол-аслаҳа билан ҳам таъминлайдилар. Улар сизнинг одамларингизга Европанинг истаган мамлакатидан бошпана беришлари мумкин...

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Бир-бирларининг гапларини маъқуллаб, сўзга якун ясадилар. Абдулло Карим кетиш олдидан мақсадини айтди.

- Одамларингиз бекор юрмасин, иним, уларни бизнинг сафимизга қўшинг. Ғанимларимиздан тезроқ ўч олайлик. Вақт ғанимат!

- Бутундан бошлаб улар сизнинг ихтиёрингизда, устоз!

Абдулло Каримнинг юзида табассум балқиди. Бу бояги кинояни эмас, балки Эргашбойнинг лақмалиги устидан туғилган кулгу эди...

- 3 -

Ўқувчиларимиздан сўрайдиган узримиз бор. - Тош девор билан ўралган бино ичида кичкинагина дарчадан ташқарига боқиб, ўзининг узоқ ўтмишини ёдга олаётган қаҳрамонимизнинг гоҳи-гоҳида ёлғиз қолдирган ҳолда сизга баён этаётган воқеаларни ҳам вақти-вақти билан хотирангизга солиб турмоқни ихтиёр этдик. Зеро, бизнинг бу ҳаракатимиз сизни зериктириб қўймаслик мақсадида қилинган ҳаракатдир.

Фотҳуллохоннинг кўнглини ёлғизлик ва очлик ўртаб юборганди. Бир вақтлар кимдандир эшитган ва кейинчалик унутиб юборган сўзларни ёдга олиб такрорлади. «Отадан олтов бўлсанг-да, бир ёлғизлик бошингдадур, жафодан ёлғиз бўлсанг-да, шу ёлғизлик бошингдадур!» У қўланса зах ҳиди уфуриб турган ер остида,

нигоҳини осмондан узмай, узоқ-узоқ ўйларга ботарди. Юрагини ёмон хаёл изтироблари ўртарди. Тирналган юраги туз сепгандек ачишарди. Бундан роппа-роса бир ҳафта муқаддам тепасида арвоҳдек пайдо бўлиб, бир пайда нонни ташлаб, ғойиб бўлган ўша меҳрибон кимсанинг яна пайдо бўлишини кутарди. Ким эди у? Нечун ўзини танитмади?! Бир оғиз сўзлаб, азобда куйган юрагига тасалли берса бўларди-ку?!

Фотхуллохон кўзлари хира тортиб, бораётгани боис ўша меҳрибон одамни танимади. Унинг эпкинда ҳилпираб турган хурпайган соқоли, ой нурида қўрғошин тусига қирган башарасини кўзи илғамади. Лоақал бир калима сўз айтганида овозидан танирмиди?

Фотхуллохон томирлари тугилиб қолган оёқларини ишқалаб ўрнидан турди. Кейинги пайтда вужуди вазминлашиб борарди. У зиндонбанд этилган кун, Илҳом Ўзбекистонга кетаётган тун бир парча сопол синиғи билан зиндон деворига чизиклар тортиб борарди. Ҳозир шуларни санади. Йигирма битта! Демакки, Илҳомнинг кетганига шунча кун бўлибди. Ўн кун у томонга, ўн кун бу томонга! Бутун-эрта қайтади. Ишқилиб Червон хоним билан учрашмаган бўлсин. Унинг адовларига, ширин ёлғонларига учмаган бўлсин! Азроилдек кўзга кўринмай жонини суғуриб, олтин тишларини қоқиб келсин. Илон мисоли муғомбир, тулки каби айёр бу аёл ҳар қандай қаҳр-ғазаб отига минган одамни мушукдек эритиб, ўзига ошуфта қилиб олиши ҳеч гап эмас. Унинг домига илингудек бўлса, Илҳом ҳамма гапларни оқизмай-томизмай, қўшиб-чатиб сўзлаб беришдан қайтмайди. У ўз манфаати йўлида, бойлик қаршисида жирканч ишларни қилишга тайёр. Агар Фотхуллохон хаёлига келган ишлар содир бўлса, уни худо урди! Фотхуллохонни тириклай гулханда ёқиб юборади. Бу ерга келишдан, юзма-юз бўлишдан қайтмайди. Ўшанда Фотхуллохон бироз тезоблик қилди. Пулни яширган жойни айтиб қўйди. Бунинг устига бир вақтлар вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Мамедовдан катта маблағ эвазига сотиб олинган қурол-аслаҳалар ҳам яширилган-ку! Илҳом пулни олишга оладию бироқ қурол-аслаҳаларни топа олмас. Шуларни ўйлаганда Фотхуллохон ўзини қаерга қўйишни билмай эсанкираб қоларди. Алами юрагига сифмай овози борича дод солиб, фарёд кўтаргиси келарди. Бироқ ер тубида аламдан юраги қовурилаётган бу кимсанинг овозини ким ҳам эшитарди? Ким ҳам қулоқ соларди?!

Ой тоғлар узра ҳаволаниб кетганди. Бутун ер унинг ёғдуларига чўмилиб ётарди. Тоғларнинг қорли чўққилари тунги шамолда дилдирайди. Нам босган ҳарсанг тошлар кумушдай жилваланади. Ой бир

чимдим нуруни зиндон ичига сочиб, Фотҳуллохоннинг нур кетиб, сўниб бораётган юзига тушиб турарди. Бирдан зиндон ичи қоронғулашди. Зиндонбанд кўкка термулди. Самога сочилган юлдузларни, сўнг оёқларини икки ёнга кериб, қўлларини биқинига тираб турган одамни кўрди. У гавдаси билан ёнбошлаб қолган ойнанинг сурмаранг нурларини тўсиб турарди. Фотҳуллохоннинг юраги, руҳи ёришди, фазлу карам топди. Тепага қараганда орқа бўйин томирлари тортди.

- Кимсиз? - Назарида овози намсиз, тақир ва шилиниб кетган лабларини ёриб чиқмагандек туюлди. Ютиниб, бироз дадиллашиб умид ила сўз қотди. - Кимсиз? Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз! Ўзингизни танитинг, иним! - Фотҳуллохон тепасида тошдек қотиб турган кимсага шундай мурожаат қилди. Бироқ шарпа қилт этмади. Пастга қараганча тураверди. Қўйнига қўл солди. Тарашадек қотиб қолган яримта нонни олиб, пастга ташлади. Нон Фотҳуллохоннинг бошига, сўнг оёғи остига тушди. Очлик ва ташналик шу заҳотиёқ уни ерга эгилишга мажбур қилди. У панжалари билан қотиб, метинга айланган, айна пайтда сийдик иси уфуриб турган ерни пайпаслади. Юпқа нонга қўли текканда энтикиб кетди. Нон ҳиди унинг димоғини эмас, вужудини қитиқлаганди. Кўзларидан севинч ёшлари оқиб тушди. Тоғ устига чопқиллаб чиққан одамдек ҳаллослаб нафас оларди.

- Кимсиз, ўзингизни танитинг, иним?! Юрагим ёниб кетяпти! Кимсиз?... - Фотҳуллохон бошини кўтариб тепага боқди. Бироқ унинг ёшга тўлган кўзлари кўк юзида чақнаб турган юлдузларгагина тушди. Шарпа ғойиб бўлганди. Фотҳуллохоннинг кўкси пишиб кетди. Хўрлик ва алам, ўзи ноҳақлик ҳамда адолатсизлик деб тушунган бу азобуқубатлар вулқондек юрагидан отилди.

У бошини зиндон деворига уриб, овози борича ўкириб-ўкириб йиғлади. Ўсиб кетган тирноқлари билан деворни тирнаб йиғлади. Охири дармонсизланиб ерга йиқилди. Тўшида қаттиқ оғриқ турганди. Кўнгли беҳузур бўла бошлади. Бу ҳам камлик қилгандек бошининг икки чеккасида санчиқ турди.

Зиндон тепасида икки жангари пайдо бўлганда Фотҳуллохон ҳушсиз ётарди. Улар темир панжарани кўтариб, ер остига боқишди. Чалқанча ётган Фотҳуллохон ҳеч нарсани сезмади. Кути ўчган чеҳрасида азоб-уқубат шарпаси қотиб қолганди.

- Чиқ! - деди жангарилардан бири. Уларнинг дағал ва бесўнақай овозини зиндоннинг зах девори шу лаҳзадаёқ ютиб юборди. Жангарилар яна бир бор «Чиқ», дея амр қилдилар. Бироқ бу буйруқ Фотҳуллохоннинг қулоғига етиб бормади!..

- Ҳой, жавоб қил, ўликмисан, тирикмисан?! Чиқ деяпман сенга!

Хўжайин сўраяптилар!

Фотхуллохондан садо чиқмагач, жангарилардан бири белига арқон боғлаб пастга тушди. Сассиқ ҳиддан димоғи бўғилди. Рўмолчаси билан оғиз-бурнани беркитиб, учли этиги билан Фотхуллохоннинг белига тепди. Энкайиб, эти кетиб суяги қолган юзига шапалоқ урди. Гапирмагач, белига арқон боғлаб, шеригига «кўтар» деди.

Бу орада тонг ёришиб қолганди. Ҳаёт ўзининг янги даврасига кирганди.

Фотхуллохон кўзларини юмиб очди. Атрофдаги кимсалар гўё сув тубидан боқиб тургандек кўринди. У қимирлашга, ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Бироқ қўл-оёқларини кўтара олмади. Улар мисоли тош остида қолгандек оғир эди. Жангарилар унинг қўлидан судраб Эргашбойнинг чодирини томон кетишди.

- Хўжайин, олиб қелдик, ўзини айёрликка солиб ётибди! - деди улардан бири.

Ичкаридан юзлари бувриқиб кетган, кўзлари сузилиб қолган Эргашбой чиқди. У ўзининг кенг елкасига чакмон ташлаб олганди. Ерда беҳуш ва бемор ётган Фотхуллохоннинг хиёл очиқ қолган кўзларига боқди. Бу кўзлар нурсиз ва ҳеч нарсани ҳис этмаётганини тушунди. Бироз эгилиб қўлидан ушлади. Томири сезилар-сезилмас ураётганини пайқадию ҳаром нарсани ушлаб олгандек қўлини тортиб олди.

- 4 -

Қўрғонтепа вилоятидаги хунрезликлар Эргашбойнинг хотирасидан бир умр ўчмайди. Ургут қишлоғининг ўзида санокли соатлар ичида болалар, аёллар, қариялардан иборат минг киши бўғизлаб ташланди. Жангарилар 70 минг аҳолиси бўлган вилоят марказига бостириб киргач, минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Журналистлар бу ерни «Мурдалар шаҳри», деб атадилар. Уларнинг қилган ишлари қатли ом, уйларга ўт қўйишдан иборат эди. Кўплаб замонавий қурооларга эга бўлган гуруҳ аъзолари маҳаллий қўшинлар тўсиғини янчиб ўтар, ўзларига итоат этмаганларни шафқатсиз жазолашарди...

Жангариларнинг мамлакатни эгаллаш учун олиб бораётган бу хунрезликлари Эргашбойни таъсирлантирганди. «Тожиқ биродарларимиздан ибрат олишимиз керак», дея одамларининг қулоғини қиздирарди. Синовдан ўтган, хорижлик йўриқчиларнинг қўпоровчилик ишларидан сабоқ олган одамларини Ўзбекистонга жўнатишга тайёрларди. Уларнинг вазифаси ақидапарастликка мойил кимсаларни топиш, уларни пул, қурол-аслаҳа билан таъминлаш, маҳаллий

ҳокимият вакиллариши ўддириндан иборат эди. Жангарилар ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан тап тортинмасди. Қотиллик, босқинчилик, талончилик каби жишоятлар оддидан ишлаб чиқилган режа асосида амалга ошириларди. Қолаверса, жангариларни боқиниш, уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш учун маблағ зарур эди. Тожикистонда пул топиш оғир эди. Вилоят ижроия кўмитаси раиси ўршибосари Арслонбек Отабоев ҳам бир вақтлар Эргашбойининг эътиборига тушганди. Отабоев вилоят ҳокимлигига ишга ўтгач, у ҳақида турли миш-мишлар тарқалди. Одиловнинг одамлари унинг изига тушди.

Ўша кунин Отабоев ишдан кеч қайтди. Зинапоядан хонасига кўтарилаётганда тенадан тушиб келаётган нотанини уч йигитга кўзи тушди. Уларнинг атроф-теваракка ҳадик билан боқинишдан, кўзларининг бежолитидан юраги титради. Йигитлар йўл бўшатини мақсадида ўзларини четга тортинди. Отабоев ўтинни билан унга ташлашинди. Бирини оғзига латга босди, иккинчиси оёқ-қўлидан кўтариб настига ертўлага судради. Отабоев кўрққанидан карахт бўлиб қолди. Оёқ-қўлини тиширчилатинишга куч тополмади. Босқинчилар ҳаш-паш дегунча ўршибосарининг чўгтакларини тозалашди. Арзигулк буюм топишолмади. Бир дона олма чиқди. Йигитлардан бири уни тишлаб ташлаб юборди.

Отабоев анчадан кейин ўзинга келди. Кўзларини очиб, уйқудан уйғонган одамдек атрофидаги одамларни кўрди. Насриддин ўршибосарини Бўрибойининг оддига судраб келди. Бошлиқ девор ёнидаги уч-тўртга ништининг устида оёқларини икки томонга ёйиб ўтирарди. Туйиқудан мўралаб турган ой ёруғида у қайритабиний ва ваҳимали кўринарди. Абдурасул эса эшик оддида турганча ҳаллослаб нафас олаётган Отабоевдан кўз узмасди. У Бўрибойининг қаидай тергашини кутарди.

- Қалайсан, оиша?! - деди шиҳоят Бўрибой оддида чўккалаб ўтирган Отабоевга еб қўйгудек қараб. - Бизининг келишимизни кутмаган бўлсанг керак. Эргашбой сенига кўндан-кўн салом айтди. Ундан хабар ҳам олмайсан. Бечора сени деб ўз юртини ташлаб кетди. Бегона эдда, бегона одамлар даврасида қийналиб яшайтти. Топган-тутганингни чиқар. Унга ёрдам бер. Қурол сотиб олади. Кейин бу ерга келиб сенига ўхшаган порахўрларни «пак-пак» қилиб пешонасидан отади. Қани, менга айтчи, қанча пулинг бор?!

Отабоев бош кўтарди. Қаршинида кўзларини чақчайтириб турган Бўрибойга юзланди.

- Менда сарик чақа ҳам йўқ! - деди бўйлиб.

Ўришбосарнинг олкасидан босиб турган Насриддин унинг сочидан тортиб, юзини ўзига қаратди.

- Йўқ дейсанми?! Сенда-я! Шу гапнига бизни нишонтирмоқчимисан-а?! Ху онагни!... Икки кун аввал кимдан пора олганингни ёдингга солиб қўяйми?! «Янги ҳаёт» колхозининг раиси Абдулладан икки минг доллар санаб олганинг ёлғонми, ифлос! Ху онагни!... Биз ҳаммасини биламиз, ҳаммасидан хабардормиз. Бир мишиқи, икки маротаба қамалган, ўрта мактабни зўрға битирган, пора билан қўлга тушган фирибгар, товламачини катта хўжаликка раис қилиб қўйдинг. Қани ўша олган пулинг?! Қаерга яширдинг уни. Менда пул йўқ, деб бизни нишонтирмоқчи бўласан-а, ху онагни!... Бошқа айбларингни ҳам айттайми?!

Насриддин Отабоевнинг юзига мушт туширди. Ўришбосарнинг бурнидан қон келди.

- Пул қаерда? - Вазминлик билан сўради Бўрибой. - Бизни куч ишлатишга мажбур қилма. Яхшиси, ўзинг айт.

- Менда пул йўқ, - яна тилга кирди ўришбосар.

Насриддин унинг қонга беланган юзига мушт ёғдирди.

- Буш кучук боласидек сувга чўктириш керак. Етти буклаб, ерга қозиқ қилиб қоқин керак! Айт, пуллар қаерда?! Ху онагни!...

- Процентга берганман, - оёқ-қўлларини тиширилатиб деди зўрға Отабоев.

- Кимга? - қонга беланган башарасига яқин келиб сўради Бўрибой.

- Савдогарларга.

- Исми, қаерда яшашини айт!

- Комил! Марказдаги тижорат дўконин бошлагин!

- Қанча бергансан?

- Ўн минг доллар.

- Ёлғон айтгансан!

- Худо урсин!

- Сендек олғир учун бу оз. Ўн йилдан бери амал ва мансаб курсиларини худди онагни парчасини сотгандек сотаянсан. Айт, қолган пуллар қаерда?!

- Менда бошқа пул йўқ!

Бўрибой Насриддинга қаради. Насриддин унинг бошига мушт туширди. Дуч келган жойига тепа бошлади. Отабоев ҳушидан кетиб, Бўрибойнинг оёғи остига қулади. Босқинчи уни тешида давом этарди. Отабоевнинг қулоғи чин бўлиб битди, кўз ўнгини туман колади.

- Қани, ўрингдан тур-чи?! Ҳу онанг-ши!... Бизга энди қолган пулларингни қаерга яширгангинчи, кимга берганингни айтарсан?! - деди Насриддин уни ўридан турғазмоқчи бўлиб. Лекин ўрибосар тишмай ишрарди. Оғзи тўла қонни туфлаб ташлади. Қутуриб кетган босқинчи қондай бўшаниб қолган Отабоевни ўридан кўтарди-да, елкасидан бўғиб олганча, оғзидан кўшик сачратиб бақира бошлади.

- Ҳу онангни!... Сен машиош яхшиликни билмайсан! Сен ўйлаган одамлар бошқа, қанжиқ! Ўзинг кимсан? Порахўр, юлғичсан! Халқ душмансан! Энди бизни тергайдиган одам қолмади деб ўйловдинг-ми? Билиб кўй, қанжиқ, энди биз сендек порахўрларни, халқни талаётган битларни битга кўймай ўддирамиз. Сенга ўхшаган зараркуанда душманларимизга ер юзида ўрни йўқ! - Насриддин ўзини халқнинг вакили қилиб кўрсатишга ва унинг помидан сўзлашга уста эди.

Отабоев тиззасида тура олмади. Уни яна кўтариб кўйдилар.

- Гашир даюс, пулларни қаерга яширгансан!

Отабоев босқинчилар бир-икки маротаба уриб-тешиб сўнг кетадилар деб ўйлаганди. Унинг бойлигини билмаганча бу ердан жимасликларини, уриб майиб-мажруҳ қилиб кўйишларини тушунди. Шунда у омон қолиши учун савон ишлатишга мажбур бўлди.

- Мени кўйиб юборинглар. Бўлди, урманлар, ҳаммасини айтаман! - деди ниҳоят, тил зўрға калмага келиб. Анчадан бери юзини тескари ўгириб олган Абдураҳул бу гаши эшигиб ортга ўгирилди. У ҳамма ишни яхшилик билан тугатиши кутаётганди. Отабоевни дўшослашаётганда юзини терс буриб олганди.

- Беш минг доллар Аюбхожада, икки минг доллар Тожимаматда! Бошқа пулим йўқ!

- Уйингда-чи?!

- Уйимда пул сақламайман!

Бўрибой унинг гашига ишонди.

- Биламан, сени каланг ишлайди. Пора билан қўлга тушсанг, уйингни мелиса босади. Ҳаммаёғингни ағдар-тўнтар қилиб, топганингни ҳукумат фойдасига ўтказди.

У чўнганидан қоғоз ва ручка олиб Отабоевга узатди.

- Гапларингга ишондим, - деди, жимайиб. - Мана бу қоғозга ўша одамларнинг пулини бизга беришлари учун хат қилиб бер!

Отабоевнинг қўллари қон-қушга бўялганди.

- Олдин қўлларингни арт! - деди тўда бошлиғи ўрибосарга узатган қоғозни тортиб олар оқан!

Отабоев қўлларини кўйлагига артида, шундан кейин қоғоз-қаламни олди.

- Ёз! - буюрди Бўрибой.
- Нима деб ёзай!
- Бу соҳада сенга ўргатолмайман. Нима ёзишни ўзинг яхши биласан.

Отабоев шоша-пиша пулларни Бўрибойга беришни илтимос қилиб ҳар уччала одамга мактуб ёзиб берди. Тўдабоши хатни ўқиб, мамнун жилмайдида, ўрнидан турди.

- Мана бу бошқа гап, оғайни! Бу ишнинг учун юзтадан отамиз. Бўрибой сумкасида бир шиша ароқ олди. Уни стаканга қуйиб ўринбосарга узатди.

- Мен ичмайман! - қайтарди Отабоев.

- Ичмасанг ичма, қон қускур! - Насриддин стакандаги ароқни ўринбосарнинг юзига сочиб юборди. Бўрибой Насриддинга юзланди.

- Бу киши сен билан менга ўхшаган ялангоёқлар билан ичолмайди! Қани қуй!

Насриддин яна стаканга тўлдириб ароқ қуйди. Бўрибой қадаҳни қўлига олиб, ўринбосарга узатди.

- Муҳтарам Арслонбек Отабоевич! Мана шу қадаҳни бизнинг халаскоримиз, йўлбошчимиз Эргашбой жанобларининг соғлиғи учун кўтарсангиз! - масхаромуз тиржайди Бўрибой.

- Мен ичмайман! - сўзини такрорлади яна Отабоев

- Ёлғон айтаянсан, ҳу онангни! Ичасан, ичмай кўрчи, шишаси билан оғзингдан қўймап!

Насриддин стаканни ўринбосарнинг шир-шир участкап, қон-қушга бўялган лабига тутди. Ароқ томоғига тикилган Отабоев бошини орқага ташлади. Стаканнинг қирраси унинг лаблари, юзларини тилди. Насриддин унинг бошини орқага қайириб, шишадаги ароқни оғзидан қуя бошлади.

- Сен бизни кечир, магнон! - деди анчадан кейин Бўрибой ҳамон йўталаётган ўринбосарнинг елкасига уриб. - Ишимиз шунақа. Ортимиздан одам тушишини, эртага бизни босқинчи, жаллод дейишларини ёқтирмаймиз, - Бўрибой чарм курткасида пружинали пичоқни олди. Унинг тугмасини босди. Дастасини ёриб чиққан ўтқир тиг ялтиради. Отабоев даҳшатдан қотиб қолди. Унинг катта-катта кўзлари косасидан ирғиб чиқди. Абдурасул юзини терс бурди. Бўрибой Отабоевнинг жингалак сочидан тутди. Калласини орқага қайириб қўлидаги пичоқни бўғзига тортиб юборди...

Босқинчилар Отабоевни бўғизлаб, мурда ёнида бўш ароқ идишини қолдириб, воқеа жойидан жўнаб кетишди. Улар жиноят изини қолдирмадик, деб ўйлашганди. Тишлаб ташланган олмани ҳисобга

олмаганда ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Ҳаммаси мана шу олмадан бошланди. Олмада жиноятчиининг тиш излари қолганди. Еттинчи тиш олдида бўш жой бор эди. Қон доғи қотиб қолганди. Бу эса жиноятчи қотилликни содир этишдан олдинроқ тиш олдирганидан далолат берарди. Эртаси куни жиноят қидирув бўлими ходимлари шаҳардаги барча тиш даволаш шифохоналарида бўлишди. Мингчинордаги шифохонага касал тишини олдириш мақсадида ўрта ёшлардаги йигит келганди. Унинг исми шарифи шифокорнинг дафтарига қайд этилганди.

Босқинчилар Отабоевни тинчитиб, номларини айтган одамлардан пул ундириш мақсадида улар яшаётган уйга жўнаб кетишди. Вақт кеч эмас эди. Соат эндигина ўн бирдан ўтганди. Отабоевнинг ўлими ҳақида милиция хабардор бўлмасдан тезроқ пулни йиғиштириб шаҳардан чиқиб кетишлари лозим эди. Акс ҳолда эртага изқувварлар оёққа туриб, қидирувни бошлаб юбориши мумкин.

Кўча эшикни Комил очди. У яқинда уйга қайтганди. Аёли келтирган овқатга эндигина оғзи текканди. Томоғидан ўтмай эшик қўнғироғи жиришганди.

- Бизни Отабоев жўнатди! - деди Бўрибой... - Хўжайинга пул керак бўлиб қолибди. Зудлик билан олиб келишимизни буюрди.

Комил келгувчиларга бирма-бир назар ташлади.

- Мен у киши билан яқинда кўришгандим. Хеч нарса демагандилар!

- Зарур иш билан Тошкентга жўнайдиган бўлиб қолдилар. Чақиртиришибди. Мана хатлари!

Комил хатни олди. Хат Отабоевнинг ёзуви эканлигини дарҳол таниди. Бироқ сўзлар қинғир-қийшқидигидан хавфсиради.

- Мен ҳозир, - дедию ортга бурилди. Бўрибойнинг нияти бузилди.

Комилнинг биқинига тўнпича тиради.

- Ичкарига бирга кирамиз. Бақириб-чақирришни хаёлингга келтирма. Бола-чақаларингга жабр бўлади!

Комил тунги «меҳмон»ларни кулбасига олиб кирди. У қўрқувдан дағ-дағ титрар, оёғи ўзига итоат этмай букилиб кетаётгандек туюларди. Абдурасул яна останада кўндаланг туриб олди. Насриддин кўлидаги тўйнончани уй эгасининг пешонасига тўғрилаб турарди. Жавон ичидаги биллур идишлар чироқ шуъласида ялтирарди.

- Ёмон яшамас экансан! - деди Бўрибой Комилга ўгирилиб. - Буларнинг ҳаммасини пешона теринг билан топганмисан?!

- Отамдан қолган! - Комил бироз ўзига келди.

- Отангдан тилло ҳам қолгандир?!

- Ҳазиллашманг, ака? Менда тилло нима қилади. Пулим бўлганда Отабоевдан процентга олармидим?!

- Унда имилламай ўна пулларни ол! - буюрди Бўрибой. У тезроқ кетишни истарди. Қолаверса, бойвачча бу йиғитнинг ўзида ҳам уч-тўрт минг доллар бор, деб ўйларди. Бу орада Комил бурчақдаги девор ичига ўрпатилган темир сандиқни очди. Китоб тағидаги бир пачка долларни олиб, Бўрибойга узатди.

- Энди қоғозни беринг. Ҳар эҳтимолга қарши менда қолгани дуруст!

- Нега қоғозни сенга беришим керак! Ахир бу ҳужжат. Ҳужжат ҳамма ерда ўтади. Ҳаттоки сени менгларнинг қўлига тутиб бериш учун ҳам асқотади, - деди Бўрибой долларни ҳамёнига солар экан. - Қани айтчи, ўзингни тошпан-тутганларинг қаерда?

Комилнинг тиззалари титради. У қўллари билан столнинг қиррасини чангаллаб, гавдасини орқага ташлаб, кўкрагига қадалиб турган тўшопчанинг азобидан қутулши учун тиширчиларди. Чироқ шуъласида пешонасида чикқан муздек тер томчилари ятирарди. У ҳақиқатдан ҳам чин сўзни сўзлаётганини, уйида сариқ чақа қолмаганлигини, Отабоевнинг пулини қайтариб бериш мақсадида уйига келтириб қўйганини исботлашга уришарди. Нима қилиб бўлса-да, қароқчилар қўлидан соғ-омон чиқиш учун бисотидаги рости ёлғон сўзларини тўкиб солди. Қароқчилар савдогарнинг гапларини тиш-лаб, кулишарди. Тўшопчанинг учини кўкрагига қаттиқроқ босиб, пул талаб қилишарди. Қийнаб, азоблаб бошига буцади-да оғир мусибатларини солишни айтиб, қўрқитишарди. Шундай қилсак нулларни қаерга яширганини айтади, ўзи уларни тошиб беради, деб ўйлашарди.

Стол тўптаридади. Комил йиқидди. Электр дазмони Бўрибойнинг оёғи остига тушди. Босқинчи ярқ этиб хаёлини ёритган фикрдан дили яйраб кетди. Насриддинга қарата сўз қотди.

- Дазмонли токка ула! - буюрди Бўрибой оёғи билан дазмонли Насриддиннинг ёнига суриб. Бундай жойларда исмларини атаб чақирини таъқиқланганди.

Насриддин дазмонли электрга улади.

- Сўнгги бор сўрайман, пуллар қаерда?!

- Чин сўзим, уйимда ҳеч вақо йўқ, - дея ерда чўзилиб ётган Комил кутилмаганда Бўрибойнинг тепкиси тушишидан чўчиб, қўллари билан юзини тўсган ҳолда жавоб қайтарди. - Рухсат берсангиз, эртага истаган пулингизни топиб бераман! Фақат мени қийнаманг, болаларимга раҳмингиз келсин.

- Ҳозир бизга пул керак, - деди Насриддин бўш келмай.
- Онамни ўртага қўйиб қасам ичаман, уйимда пул тугул танга ҳам қолмади. Йиғит сўзим. Ишонмасангиз ҳамма жойини тиғтиб кўринглар. Топсаларинг, шима қилсаларинг қилаверинглар!
- Балки тилло буюмлар бордир! Бизга пул бўлиши шарт эмас! - Бўрибой уй эгасининг елкасига оёғини қўйди.
- Муҳлат беринглар. Эрталаб қўлларингга 50 дона тилло сўлкавой тутқазаман! - томоғи қуруқшаб кетган Комилни йўтал тугди.
- Улар қаерда? - бироз жонланиб деди Бўрибой. Демак, элик дона тилло тапгани тилига олаяптими, уйда бор. Йўқ нарсами одам гапирмайди. Бўрибойнинг ғазаби баттар қўзиди. - Ҳозир топасан. Акс холда чавақлаб ташлайман
- Бир танишимникида. Гаровга берганман!
- «Гаров» сўзини эшитиб Бўрибойнинг хафсаласи пир бўлди.
- Биласанми, сен бойвачча анча хиётр одамга ўхшайсан. Гапингни ҳидидан бизларни менгларга сотмоқчига ўхшайсан!
- Бўрибой гапини тугатмай елкаси оша Насриддинга буюрди:
- Дазмолни келтир!
- Насриддин чўдек қизиб турган дазмолни Бўрибойнинг қўлига тутқазди. Бўрибой оёғи билан уй эгасининг болдирига теғди.
- Шимини наста тушир! - буюрди у.
- Ундай қилмапслар, илтимос, мана шу уй ҳам, ичидаги жиҳозлар ҳам сизларга. Бировга шикоят қилсам эркак эмасман. Худо урсин! Фақат мен қийнамапслар. Юрагим касал, - ялиниб-ёлворди Комил. Унинг илтижоси Бўрибойнинг кўнглини юмшатмади.
- Биласанми, Гитлар ҳам йўлига юрмаганларни чўғ билан эркаклик томирини кўйдирган. Сен ҳам айтташимизни қилмадинг, Гитларнинг ишини бажаришга бизни мажбур қилдинг!
- Бўрибой Комилнинг белига теғди. Насриддин унинг елкасидан босди. Бир қўл билан шимини ечди. Қайноқ дазмол ошноқ думбасига текканида Комил чинқириб юборди. Насриддин кафти билан унинг оғзини тўсди. Бўрибой ҳамон Комилнинг ялағоч баданига дазмолни куч билан босар, ёғ ва гўшт ҳиди буғ мисол кўкка ўрларди. Комил Насриддиннинг кафтини тишлаб олди ва яна чинқирди. Насриддин оғриққа чидамай бақираётган уй эгасининг бошига мушт туширди.
- Ўчир овозингни, хунаса!
- Уйнинг деразаси тақиллаб, қўшнинг «тинчликми Комилжон?» деган овози келмаганида босқинчилар савдогарни ҳали узок азоблашган бўлармиди! Биричи бўлиб эшиқдан Абдурасул ўқдай отилиб

чиқди. Қолганлар унинг ортидан эргашинди. Хушсиз Комил уйда танҳо қолди.

Қотиллар шом оралиғида Тожикистон республикасининг Ўзбекистон билан чегарадош Қабодийн туманига етиб келишди. Шу ердан бошлиқларига сим қоқшди.

- Берган китобларингизни ўқиб тугатдик, хўжайин! - деди Бўрибой ўзининг хурсандчилигини яширмай.

- Иккаласиними? - шошиб сўради раҳнамо. Овозидан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди.

- Ҳозир биттасини, иккинчисини эртага ўқиймиз!

- Кечикисан-да! Китоб тўғрисида бирор кимса қизиқдимми?

- Бизнинг қўлимиздалигини ҳеч ким билмайди.

Эргашбой сукут сақлади.

- Дуруст, - деди бироздан сўнг. - Тезроқ ўқингларда, орқага қайтинглар. У ерда нвирсиб юрманглар.

- Тушуидим, хўжайин! - Бўрибой қўл телефонини ҳамёнига солди. Шерикларига маъноли бош праёб жилмайди.

- Насриддин, сен бу ерларни яхши биласан, бизни дурустроқ ресторанига бошла, - деди йўлбошчи кувончини ичига сипдира олмай.

- Жононлари ҳам бўлсин! - одатдагидай шиақимлик қилди Абдурашул.

- Сенга эс кирмади, кирмади-да. Ҳозир жононларга бало борми? Биз нима ҳамдаю, кўнглингга ойимчалар сиққанига ўлайми?!

- Энди, мазахўрак бўлиб қолганимизда ўртоқ! - бўш келмади Абдурашул ялтоқлашиб.

Улар кулиша-кулиша, бир-бирларининг елкасига уриб, ресторан томон йўл олишди.

Отабоевнинг ўлдирилганини эшитиб, Одилонинг елкасидан тоғ қулагандай бўлди. Ахир уни йўқотиш учун нақд икки йил пайт пойлади. Ҳар гал қандайдир тасодиф туфайли ажал уни четлаб ўтди. Умридан бор экан, шу кунгача яшади. Акс ҳолда, аллақачон ўлиб кетган, қабридан янтоқ ўсиб чиққан бўлармиди? Мана энди ажални ўзига тилаб олди. Эргашбой уни кўн бор огоҳлаштирди. Одамлари орқали уйига бир эмас, бир нечта хат ташлатди. Мурасага чақирди. Кўр ушлаганини, қар эшитганини қўймас деганларидек, Отабоев билганидан қолмади. Минбарларга чиқиб, Одилонин бузуғчиликда, валамисликда, ақиданарастликда айблади. Унинг кўрсатмаси билан гуруҳнинг фаол, ташаббускор аъзоларидан олти киши қамалди. Ўта ҳушёр бўлгани учун гуруҳ раҳбари Отабоевнинг тузоғига илинмади. У жиноятни ўзи эмас, одамларининг қўли билан амалга оширарди.

Отабоев барибир тинчимади. Одиловнинг изига одам кўйди.

Бу ишларни эслаганда Эргашбойнинг бадини қизиб, қақшаб кетарди. Миясига қон тепарди. Мана, энди Отабоевдан ҳам қутулди. Оловдай ловуллаб ёнаётган юрагидаги қасос ўғи сўнди. Эндиги навбат ашаддий душмани - милиция кашитани Фиёсовга. Эртага унинг ҳам ҳаёт шами сўнади. Баччафар, Эргашбойни кўп қийнади. Одамлари кўшни республикалардан олиб келган автомашиналарга сохта ҳужжат тайёрлаб бериш мақсадида шериклик қилди. Даромаднинг ярмини олишдан уялмади. Одилов Фиёсов билан армияда ташишган. Бир ротада хизмат қилишган. Ҳатто ёнма-ён ётишган. Оғир кунларда бир тишлам поини бўлиб ейишган. Эргашбой мужоҳидлар қўлига асир тушганидан кейин Фиёсов удан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Кўрна-тўшагини бошқа жойга кўчирди. Одилов дўстнинг кутилмаганда ўзгариб, ўзини четга тортиб қолишини тушунмай юрди. Шундай бўлса-да ҳамюртига талишшиб яшади. Бўлғуси милиционер эса унга яқинлашишдан қочди. Нега бундай қилмоқда? Эргашбой ўйлаб-ўйлаб бунинг сабабини тушуна олмади. Хизматни тугатгани арафасида Фиёсовнинг ўзи ёриди.

- Мен милицияга ишга кирмоқчиман. Сен эса душманга асир тушган одамсан. Бир-биримиздан узоқроқ турганимиз дуруст, - деди.

Эргашбой икки йил сирдош бўлган дўстни ўз альбомидан бирга тушган расмларини ёқиб юборганини хизматдош оғайниларидан эшигди. Ўшанда Эргашбойнинг юраги сим-сим оғриганди. «Балки бошқа дўстларим ҳам мендан ўзини олиб қочаётгандир», деган ўй-хаёлга борганди. Ахир у отасидан, уруш кўрган ҳамқишлоқларидан асир тушган аскарларнинг бошига қандай қисмат тушганини, ҳозир ҳам улар назоратда туришини яхши биларди-да.

Эргашбой хизматдан қайтганда ҳамқишлоқлари уни очик чеҳра билан кутиб олишди. Асирга тушибсан, Ватанга ҳиннат қилибсан, деб ҳеч ким юзига солмади. У тинч, осойишта ҳаёт кечириб юрди. Кунларнинг бирида шаҳарга чақиртиришди. Қандайдир нотаниш кимсалар билан учрашди. Турқи-таровати, сўзлари ғалати. Улар Эргашбойга кимларнингдир саломини топширишди. Бироқ Одилов салом йўллаган кимсаларни эслай олмади. Шунда меҳмонлардан бири ҳаменидан тўрт дона сурат олиб, Одиловнинг қўлига тутқазди. Боши тапаларидан узилган жасадлар, қўлида қон томиб турган олмос тигли ҳанжар тугган, ҳарбий кийимдаги йиғит. Қўли орқага боғланган, юзлари калтак зарбидан кўкариб қон-қушга беланиб, беҳол-бемажол деворга суяниб турган аскарлару уларни «М-16» автомати билан нишонга олаётган мерган. Бошқа суратда эса пешонасидан ўқ

еб, ерга узала тушиб ётган ўн чоғли мурдалар. Улар орасида автоматни боши узра балад кўтариб турган қонхўр. Яна бир суратда эпкин опшоқ соқолини бир томонга торткилаётган бошида каттагина оқ салла, боқишларида ўйчанлик акс этиб турган Раббоний ҳазратлари. Унинг шундоқ биқилишида худди айб иш қилиб қўйган боладай кўзлари ва юзидаги ғам-андуҳни сездириб қўймаслик учун зўраки жилмайиб турган Эргашбой. У ўзи акс этган суратларни дарҳол таниди. Бироқ асирларни отиб ўлдирмаган, айтилган топшириқни бажарган эди, холос. Суратга олишларини ким хаёлига келтирибди, дейсиз.

- Мендан нима истайсизлар? - суратлардан бошини кўтариб, ёнидаги меҳмонга юзланиб сўради Эргашбой.

- Сиздан ҳеч нарса керак эмас! - деди меҳмон суратларни ҳамёнига солар экан.

- Унда нимага мени бу ерга чақиртирдиларинг?

Меҳмон жим қолди. У ўз мақсадини Эргашбойга қандай йўл билан тушунтириш ҳақида ўй сурди. Кутилмаганда унга катта топшириқ бериб ёки амалга ошириши керак бўлган ишлар ҳақида сўзлаб, йиғитни чўчитиб қўйиши мумкин эди. Одилонинг амалга оширилиши керак бўлган ва бунинг учун водийда олиб борилаётган хуфёна ишлардан бохабар қилиш учун озгина фурсат даркор эди. Муҳими Эргашбойни топшиди. Эндиги вазифа уни кузатиш - синаш. Меҳмон ҳозирча Эргашбойга бирор сўз демасликка аҳд қилди.

- Сизин кўриш, суҳбатингиздан баҳраманд бўлиш шиятида олдингизга келган эдик, иним! - деди меҳмон. - Ахир дўст атои улуф дейдилар!

- Қуллуқ, - зўрага тили айланди Эргашбойнинг. Шундан кейин меҳмон Эргашбойнинг шахсий ҳаёти, ишлари билан қизиқди. Одилон хизматдан бўшаб қайтгач, бирор ташкилотга ишга жойлашолмаётганидан шикоят қилди. Шунчаки кундалик ҳаётга оид савол-жавоблардан Эргашбой ўзини анча енгил ҳис этди. Кетин олдидан меҳмон ҳамёнини кавлади.

- Кам-кўстингизга ишлатарсиз, - деб бир талай 100-талик долларни йиғитининг кафтига босди. Эргашбой эътироз билдиришига ўзида куч топа олмади.

- Қандай хизмат бўлса, бош устига меҳмон! - деди Эргашбой кетин олдидан, - бир илтимосим - ҳамёнингиздаги суратларни ёқиб юборсангиз. Бирорта одамнинг кўзи тушса гап-сўз кўпайиши мумкин.

Меҳмон ҳамёнидаги барча суратларни шу ернинг ўзида ёқиб ташлади.

Эргашбой ўрнидан туриб, меҳмондан бироз узоқлашганида, йиғирма-ўттиз қадам наридаги курсида ўтирган кекса ёшдаги икки кимса ва бир болани аёл ҳам ўрнидан турди. Улар бир-биридан узоқлашмаган ҳолда Эргашбойни кузатишга киришгандилар. Кузатувчилар маълум масофадан сўнг алманиб, Одилониниڭ изидан боришарди. У йўل-йўлакай ҳамёنىдаги долларни кафтига олиб елпичидай бетига уриб кўردى.

Эргашбойнинг шакарғуфторликка كўنگلى كетدى. Йўل-йўлакай телефон бўлинимاسىغا كىردى. Кузатувчилардан бири كۆلىداغى دۇرбинىنى ئالدى. Эргашбой телефонدا سۇخباتلاشىپ بۇلغач, تاشكارىغا چىكىدى. Йўل ёكاسىغا ўتىپ такси كута бошлаدى. Кузатувчи ئورتيდან كەلاётغان аёлنى чақирدى.

- Зудлик билан مانа бу телефон номериниڭ эгاسىنى انيكلا. كىمغا قاراشلى, قاерда ئىشلايدى؟ سۇنىڭ مەنغا خابار كىل! Тушунدىنىڭ-مى؟

- Тушунدىم, - деди аёл.

Эргашбой изىغا айёқчи тушганидан, босган қадамىنى ўлачб боришаётганидан бехабар эди. Бу унинг хаёلىغا ҳам كелмагандى. Кўنгиروқ كىلغان хонадон соҳибасى йўكلىغى бонс, шаҳарда узоқ қола олмади. Рўзғор учун керакли буюملарنى харид كىلىپ, كىшлоққа كайтди. Айёқчилар ўзларىنىڭ ياشى «одаملар»да шубҳالى ҳаракат сезишмади. Бошланқارىنى бу ҳақда хабардор كىلىشىدى. Ҳатто беришган нулنى нимага сарф كىلганигача айტიشىدى. Бошланқ كўنگلى تۇلغان бўلسа-да кузатишنى давом эттиришنى буюрди.

Орадан бир ой ўتىп, Эргашбойни яна шаҳарга чақиртириشىدى. Бу гал учрашувга бошқа одам Келди. У ҳам хорижлик дўстларىنىڭ салومىنى توширди. Янги таниش анча босиқ, вазмин одам эди. Ярим соат гурунглаشىدى. Эргашбойنىڭ دىل كۆلىنى ئاچىدى. Меҳмонنى ўزىنىڭ қадрдонидек қабул كىلدى. Анчадан كейىنى мақсадга كۆчدى.

- Коммунистлар ва уларنىڭ малайлари бизنىڭ қаدىمий урф-одатларىمىزنى پойمол كىلىشىدى. Бىر سىككىم تىپروқдек مىللەتلەرگە, элатларга ажратىپ تاشلاشىدى. Ягона ва كудратли давлатىمىز ўزىمىزга ёт бўлиپ كелди. مانа, энди СССР деган лагыати давлат ҳам бўلىنىپ كетди. Ота-боболарىمىز давлатىنى تىكлаб, ягона байроқ остىда яшаш фурсати كелди. Эл саросىмага тушиپ қолغان, كىم قاёққа етакласа, оғиб كетади. Ватانىمىز яна коммунистлар كۆلىнда қолмас-لىغى учун тезкор бўлмоғىمىز даркор. Сىزدек мард, ватан ва مىللەт тақدىرىغا имошنى تىكىنىڭга тайёр йىگىتلەر بۇنغا йўل كۆيماسلىغى لوزىم! Бىламанكى, سىز ёшлиغىڭىزدا كۇراشчи бўلغانسىز, مانا-مان дегان پەلوانلارنىڭ كۇراغىنى ەрга تەككىزغانسىز, ماҳалلانغىزنىڭ

обрўсини вилоятга ёйгансиз. Ёш-яланглар ортингиздан эргашади, гашингизга қулоқ тутишади. Коммунистлар етмиш йил халқнинг қонини зулукдек сўриб яшагани етар. Улардан ҳокимиятни тортиб олиш фурсати келди. Энди сиздек ориятли йиғитлар янги давлатни бошқаради! Эргашбой «Коммунистлар қолмади, тинч, яхши яшай-миз», демоқчи бўлди. Хаёли қочди, ўйлаб боқса, меҳмоннинг гашида жон бордек. Халқнинг урф-одатини тикласа, миллат ва элнинг фаровонлиги учун курашса бунинг нимаси ёмон? Қолаверса, меҳмоннинг сўзидаи ёвузлигининг ҳиди келмаяпти. Эзгуликка, аҳилликка, биродарликка чорлайпти! Шу йўлда курашса уни ким ҳам айбларди! Эргашбой шуларни ўйлаб, розилик аломатида, меҳмоннинг сўзларини маъқуллади.

- Коммунистлар шу даражада қутуриб кетишди-ки, - деди Одилов, - ҳатто ўзимизнинг қадимий байрамимиз Наврўзни ҳам эскилик, диний саркига чиқариб, таъқиқлашди.

Ўрта маълумотли, сиёсатдан анча йироқ бўлган, сўзининг маъносини чақиб етолмаган бу йиғитни сўзларига шпоггиролган меҳмон унинг гапини эшитиб, Эргашбойга таъсир ўтказини найида бўлди. Бундай пайтда уни руҳан қўллаш, далда беришни яхши биларди.

- Оташгизга раҳмат! Мени нима мақсадда жон куйдириб, айтаётган гашимнинг маъзини чақиб улгурдингиз! Тасанно!

Бу олқишлардан Эргашбой ҳаволади.

- Қишлоқларда одамлар бир қарич ерга зор. Ўнга боласи билан 2 сотих ерда димкиб яшамоқда. Раҳбарлар таъмагир бўлиб кетган, пора узатмасанг ер беришмайди.

- Боракалло иним, боракалло! Ақлингиз кўп нарсага етар экан! Уйи учун ер ололмай сарсон юрган ҳамқишлоқларнингизни тўшлаб, амалдорларга қарши исён кўтаринглар! Жим юрсаларнинг улар ҳаддан ошса ошадики, ўтирган курсисини бўшатмайди. Ўзингизни кўрсатинг, мазлум халқ томонида туринг! Уларни ортингиздан эргаштиринг! Шунда марра сизники!

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Меҳмон кетини олдидаи ҳамёнини қовлади. Бир боғлам доллар олиб, Эргашбойнинг қўлига тутқазди.

- Бирор кунингизга асқотар, иним!

Ўшанда Эргашбой қурилиш учун томорқа ололмай юрган ҳамқишлоқларини тўшлади. Уларни ортидаи эргаштириб, туман ва вилоят партия қўмитасига бошлаб борди. Раҳбарлар халқнинг талаб ва истакларини қондиришди. 20 чоғлик оломоннинг вилоят партия қўмитасига бориши Эргашбойнинг галабаси эди. Ўшанда Отабоев билан Эргашбой илк бора тўқнашишган эди.

- Одамларнингизни тарқатиб юборинг, ўзимиз қишлоқларга бориб, масалани ўша ерда ҳал қиламиз! - деганди Отабоев. Бироқ талвасага тушиб, бақириб-чақираётган одамлар қуршовида турган Эргашбой таслим бўлишни истамасди.

- Коммунистлар, истетьфого чиксин! - деб баланд овозда бақирди. Оломон унинг сўзларини такрорлади. Осмонда момақаддироқ гумбурагаддек борлиқни халқнинг бақир-чақирлари тутиб кетди. Мана шу воқеадан сўнг Отабоевнинг юрагида Эргашбойга нисбатан кечириб бўлмас ўт алапгалапганди. Эргашбой дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўтганди. Уни кузатиб юрган кимсалар ўша кунийёқ хориждаги раҳбарларига сим қоқишиб, «Эргашбой бошлиқ бир гуруҳ оломон вилоят партия қўмитаси биноси ёнида ҳукуматга қарши порозилик митинги ўтказди», деган хабарини етказишди.

- 5 -

Биз шу ерда мавзудан биров четлашиб, элтиборингизни чегарада қолган қаҳрамонларимизнинг кейинги ишларига қаратишни лозим топдик.

Қўқонда туриб қолган Эргашбойнинг йигитлари эртаси кунни Фиёсовни ўлдириш мақсадида яна шаҳарда найдо бўлишди. Шаҳар четдан қараганда, осойишта, осуда кўринарди. Аслида бунинг акси эди. Отабоевнинг жасади топилиб, қидирув ишлари бошлаб юборилганди. Шаҳарга кирадиган барча йўлларга шлагбаум қўйилганди. Ҳар бир машина текширувдан ўтказиларди. Қароқчилар елкасига автомат осган милиционерларни кўриб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Уларнинг муз янглиғ совуқ кўзларида «бизни излашяпти», деган маъно яширин эди. Бўрибой қалтис вазиятда шаҳарга кириб бўлмаслигини, иккинчи тошшириқни кейинга қолдиришни лозим топди. Улар зудлик билан Андижон орқали Тожикистонга жўнаб кетишди.

Фиёсовнинг тирик қолганини эшитиб, Эргашбойнинг сочи тикка бўлди.

- Нега иккаласини бир кунда гумдон қилмадинг? - дея Бўрибойга қаҳр-ғазабини сочди. Бўрибой имконият бўлмаганлигини, шаҳарни милиция босганлигини айтди.

- Ўша кунни Фиёсов ишхонасида навбатчи экан, шунинг учун ишни эртасига қолдиргандик, - деди.

Бироқ Эргашбой учун бу етарли баҳона эмасди.

- Отабоевнинг ўлимининг бир кунга қолдириш мумкин эди-ку! Қасёққа, нимага шошидиларинг?! У ўлмагулча мен тишч яшолмайман! - деди Одилов бўйилиб.

- Хафа бўлманг, хўжайин! Худо хоҳласа шаҳардаги тўполон босилсин, ўзим бориб, ўша исқиртнинг калласини узиб, оёғингиз остига келтириб ташлайман!

- Менинг оёғим остига келтириб ташлашнинг шарт эмас, - баттар тутоқди хўжайин. - Фиёсовнинг ўлими ментларга ўрناق бўлсин! Яқиндагина менга хабар қилишди, Отабоевнинг ўлимида яна бизни айблашмоқда. Афғидан, сезиб қолинганга ўхшайди. Ашўрматов кўплаб одамларимизни турмага тикибди. Шунинг учун Фиёсовнинг калласини узиб Ашўрматовнинг уйига ташла. Навбат ўзига келганлигини, гарчи биз Ватадан олисда бўлсак-да, инмаларга қодир эканлигимизни билиб қўйсин. Зора шу билан одамларимизни турмадан чиқариб юборса! «Эргаш қочди», деганлар кетиши чапғаллаб қолишсин! Мен тирик эканман, ғанимларимнинг хотиржам яшашига йўл қўймайман! Уларнинг бошига шундай офат-қуфатларни солайки, етти пушти упутолмасин! Эртами, кечми, мен барибир қасос оламан! Бир кун бўлса ҳам ўз ҳукмронлигимни ўтказаман!

Эргашбойнинг ўшада айтган сўзлари ҳозир ҳам ёдида. Буни упутолмайди. Хотирасига ўрнаниб қолган. У қизариб, қон қуюлган кўзларини, асабий титраётган қўлларини мушт қилиб юмди-ю, қуруқлаб қолган лаблари билан ўша сўзни яна бир бор овоз чиқариб такрорлади: «Эртами, кечми, барибир Ўзбекистон меники бўлади».

Бўрибойнинг Ўзбекистонга қайтиб боришга юраги бетламади. Бошлиққа ватда беришга бердию оқибатиши ўйламади. Эргашбой Фиёсовни упутиб юборишга ишонганди. Орадан бир ой ўтмай хўжайин уни чақиртирди.

- Қовун тушириб келибсанлар-ку! - деди у Бўрибойга еб юборгудей тикилиб.

- Тинчликми хўжайин, нима ган?! - юраги ҳапқириб кетган Бўрибой бошлиғининг нима сабабдан асабийлашаётганлигини билмасди.

- Отабоевнинг ўлимида душманларимиз бизнинг қўлимиз борлигидан воқиф бўлишибди. Ҳатто Абдурасулнинг расмини деворга илиб қўйишибди.

- Ё, тавба?! Бўлиши мумкин эмас. Ахир Отабоевни ўддирганимизни биров билмасди-ку! Бунинг устига биз ҳеч ким билан учрашмаган бўлсак... Балки бу хабар нотўғридир.

- Нотўғри?! Мен сенга ёлгон гапиряпманми, қўлимда далилим бор. Ма, ўқи! - Эргашбой Абдурасулнинг сурати туширилган варақни унинг оёғи остига ташлади...

- Ичимзда сотқин бор! Кимдир бизнинг ишларимиз ҳақида ментларга хабар етказётганга ўхшайди.

- Бўлиши мумкин эмас! - деди Бўрибой. - Ишонмайман!

- Ишонмайман?! - кескин бурилиб Бўрибойга юзланди хўжайини. Унинг узун киприклари остидаги қисик кўзларида чўғ ялтирагандек бўлди. Одатда ўзининг фикрларига қарши чиққан ёки уни инкор қиладиган одамларни ёқтирмайдиган хўжайин оғзидан тулук сачратиб деди:

- Сен буни қаердан биласан! Нега ишонч билан бундай деясан?! Одам зотининг ичини билиш учун биргаликда бир қоп туз яласанг ҳам камлик қилади.

Эргашбой жим қолди. Унинг кўзлари совуқ ялтирарди.

- Балки мен излаётган сотқин сендирсан?! Қани айтчи, Ўзбекистонга жўнашингдан ким хабардор эди? - деди.

Бўрибой тошдек қотиб қолди. У ўзини қўлга олишга, бошлиғининг сўровига жавоб қайтаришга тили айланмади.

- Нега гапирмайсан? Тилингни каламуш тишлаганми?

- Йўқ, - деди бироздан сўнг ранги бўздек оқариб кетган Бўрибой. - Ҳеч ким билмасди...

- Унда нега ментлар Абдурасулдан гумон қилишмоқда? Нега унинг расмини ҳамма ёққа илиб, қидирув эълон қилишди? Нега сенники ёки Носирнинг расми йўқ! Менга шуниси сирли туюлмоқда!

Бўрибойнинг қўл-оёғи титрар, ўзини қўярга жой тонолмай тиширичлар, қандай қилиб бўлса-да, қалтис бу вазиятдан чиқиш йўлини ўйларди.

- Худо урсин, хўжайини... Мен булардан беҳабарман! Хоши бўлганимда қайтиб олдингизга келармидим?! Отабоевнинг бўғзига ничоқ урармидим?! - зўрға тилга кирди Бўрибой.

- Уччаланг биргамидинг? Бирортанг четда қолиб кетмаганимдинг?

- Й...ўқ...

Бўрибой ярқ этиб хаёлига келган фикрдан қувониб кетди.

- Сизга бир гап айтайми, хўжайини, биз шаҳарга борганимизда Абдурасул бир соатга рухсат олиб, Қирқчинордаги тиш даволайдиган жойга тушиб... тишини суғуртириб келувди...

Эргашбой нягини чангаллаб, дераза томон юрди. Эрталабдан бери томчилаб турган ёмғир тишганди. Қуёш, чок-чокидан ситилиб сузиб бораётган булутлар орасидан бир-икки марта чўчигандек нигоҳ ташлади. Унинг тафтсиз нурлари дераза ойпасидан ичкарига тушарди. «Абдурасул кимгадир оғзидан гулаб қўйган», - Бўрибойнинг гашида жон бор. Шерикларини сотмаган бўлса-да, Отабоевни ўлдирини мақсадида келганини айтган. Ишқилиб Ғиёсов ҳақида гулаб қўймаган бўлсин-да! Ёки бирорта жойдан туриб ментларга хабар

қилган. Бундай латғачайнар одамларга ишониб бўлмайди. Истаган пайтда қовуш тушириши ҳеч гап эмас. Шу баҳона уни даф қилиш зарур. Даф қилганда ҳам шундай азоб-уқубатлар, қийноқларга солсинки, ўлимни янги келган ёшларга сабоқ бўлсин. Шундай қилсинки, қочиб пайида юрганлар зир титрасин! Эргашбой хаёлига келган бу фикрдан мамнун ҳолда бош кўтариб, Бўрибойга юзланди. Унинг юзи қизариб кетганди. Бўрибой нима қилишини билмай ер чизиб турарди.

- Нега келган кунинг бу ҳақда мени хабардор қилмадинг?

- Хаёлимдан кўтарилибди, хўжайини, берган тошширикларингиз билан овора бўлиб, унутибман...

- Бунақа нарсаини унутиб бўладими! Сенларга печа маротаба айтганман, сал ҳиди келиши биланоқ мени хабардор қил деб!

- Бошқа такрорланмайди, хўжайини, - Бўрибой қўлини кўксига босди.

- Бўлар иш бўлди. Энди Абдурасулнинг жазосини ўзинг бер! Шундай азоблагинки, бу ишнинг ўзгаларга ибрат бўлсин. Уқдингми?!

- Тушундим, хўжайини, ҳаммаси сиз айтгандек бўлади, - мамнун жилмайди Бўрибой.

- Унда бор - тошширикни бажар!

- Қуллуқ, хўжайини!

Бўрибой хуш кайфиятда чодирдан чиқди. Икки йнгитни олдига солиб, жангарилар машғулот ўтказадиган майдонга юрди. Қўлидаги куракларни йнгитларга бериб, одам бўйи келадиган хандақ қазиниш буюрди. Нам тортиб қолган қумлоқ ердан ҳовур кўтариларди. Қандайдир бадбўй хиддан нафас бўғиларди. Йнгитлар қовлаётган жойга шу заҳотиёқ қум шовуллаб тўкилар, ишни янада қийинлаштирарди. Пешингача тер тўкишди. Амал-тақал қилиб одам синадиган хандақ қазинди.

Абдурасул тунда навбатчилик қилганди. Толиқиб, ҳориган эди. Эрталабки нонунтадан сўнг чодирга кириб, пўстак устига узала тушиб донг қотиб ухлаб қолганди. Чуқур қазиган йнгитлар уни уйғотиб, қўлтиғидан судраб, ташқарига олиб чиқишди. Бу пайтда майдонга бир тўп жангарилар йнғилганди. Қандайдир похуш воқеанинг ҳидини сезган Абдурасулнинг оёқ-қўлида титроқ турди. Ҳозиргина қаздирилган чуқур атрофига алдов йўли билан олиб келинган ўн чоғли ўсирин йнгитларини ўтқазинганди. Уларнинг бежо кўзлари атрофга ҳадик билан боқарди. Ички қўрқувдан вужудлари янроқ мисол титрарди. Бу ерда содир этиладиган похушликлар,

одамларни азоблаб ўлдириш чоғида янги келганлар албатта олдинги сафга ўтказиб қўйилишидан улар воқиф бўлишганди. Абдурасул жангарилар орасидан ўтиб, хандақ тепасига келгунча ўзини қандай жазо кутаётганини билмас эди. У оёғи остидаги чуқурни кўриб, ранги-рўйдан қон қочди, баданини совуқ тер босди. Бу ерга ёмон ниятда олиб келишганини шундагина тушуниб етди. Катта кўзларида масҳараомуз табассум жилва қилиб турган Бўрибойга елкаси оша қайрилиб боқди.

- Тинчликми? Бу нима қилганинг?! - сўради Абдурасул овози титраб.

- Сени бу ерга нима мақсадда олиб келганимизни биласанми? - деди Бўрибой унинг сўзини эшитмагандай.

Абдурасул ҳамманинг нигоҳини ўзига қаратган эди.

- Нега бундай деяпсан?! Мен сенга нима ёмонлик қилдим?

Абдурасул терлаб, оқариб кетган юзини орқага бурди. Шунда ўттиз қадамча наридаги чодирнинг туйнугидап ўзига қараб турган бир жуфт кўзда нигоҳи тўхтади. Бу Эргашбойнинг кўзлари эди.

- Сен менга ҳеч нарса қилмадинг. Бироқ мана бу йигитларимизга катта гуноҳ қилдинг. Билиб қўй, улар сени ҳеч қачон кечиришмайди!

- Қанақа гуноҳ, нима ҳақида гапиряпсан?! - синфдош дўстининг сўзини бўлиб қичқирди Абдурасул.

Бўрибойнинг афти-ангори бўзариб кетди. Талвасага тушган одамдек ўшқирди. Кўрсатгич бармоғини Абдурасулнинг суяклари туртиб чиққан кўксига тираб деди:

- Сен ментларнинг одамисан, уларга бизнинг сирларимизни етказиб бермоқдасан!!

- Ўлим!!!

- Ўлим!!!

Чор атрофда момақалди роқ мисол янграган бу овоздан замин ларзага келгандек бўлди. Бўрибой қўлини баланд кўтарди. Яна борлиққа жимжитлик чўқди.

- Сен Отабоевни ўлдирганимиз ҳақида ментларга сигнал бергансан. Улар сендан гумонсирамаслигимиз учун атайин мана бу варақага сенинг расмингни босиб, қидирув эълон қилишган!

Бўрибой қўлидаги варақани боши узра кўтариб ҳаммага кўрсатди.

- Ёлғон! Бу гапларинг тўхмат!! Мен ҳеч қачон ментларга сотилмаганман! - йиғлаб юборди Абдурасул.

- Бизга ҳаммаси ойдек равшан, шаҳардаги одамларимиз бу ҳақда бизга хабар жўнатишди. Бунинг учун сени сўроқ-саволга тутиб

Ўғирмаймиз! - Бўрибой бошини мағрур кўтариб атрофдаги йиғитларга қарата пидо қилди:

- Биродарлар, сотқинлар қандай жазога лойиқ?

Яна гумбурлаган овоз лагерь осмонида момақалдироқдек гумбурлади.

- Ўлим!!!

- Ўлим!!!

Туйнукдан мўралаб турган Эргашбойнинг ҳам қуруқшаб қолган лаблари пичирлади:

- Ўлим...м...м...м!

Бўрибой ўртоғининг олдига келди. Паст овозда унинг қулоғига шипшиди:

- Халқнинг ҳукмини эшитдингми? Улар сени қатл қилишни талаб қилишмоқда. Афсуски, сенга ён боса олмайман. Менинг қарорим ҳам шундай...

- Ифлос экансан, исқирт! - шу сўзни айтиш учун ўзида зўрға куч тона олди Абдурасул.

Бўрибой ёнидаги йиғитларга буюрди

- Воҳид, Шамси!!! Бу даюсни ушланглар, қўл-оёғини боғланглар, чуқурга ташланглар!

Абдурасул депсиниб қичқирар, тутмоқчи бўлган йиғитларни тешиб, ўзига яқин йўлатмасди. У нима деётганини ҳам билмасди. Ўзини бўридай қутирган, аммо ғазабипи зўрға босиб турган биродарининг қўлига топширмасликка ҳаракат қиларди. Йиғитлар бошлиқларига ўзларининг чаққон ва кучлилигини намойиш қилиш учун қашқирдек Абдурасулга ташланишарди. Шамси ерга йиқилди, кўзига қум тўлди. Атроф-теваракни кўрмай қолди. Абдурасул иккинчи йиғитни ҳам елкасидан ошириб, икки қулоч нарига улоқтириб ташлади. Кутилмаганда ортга чекинаётганда ўзини Бўрибойга уриб олди. У қулочини кенг ёйиб, гавдасини бироз олдинга букиб, жангга хезланган хўроздек ҳурмайиб, ғазабга тўлган кўзларини синфдошидан узмай, у томон бостириб кела бошлади. Шунда боя Абдурасул улоқтириб ташлаган йиғит эмаклаб, бармоқлари билан қайноқ қумни чангаллаб, унинг оёғидан маҳкам қучоқлаб олди. Абдурасулга Бўрибойнинг бир турткиси кифоя эди. Шундай қилди ҳам. Масхараомуз илжайиб турган Бўрибой дўстининг елкасига қўлини қўйди ва зарб билан итариб юборди. Абдурасул чалқанчасига йиқилди. Бояги йиғитлар унинг устига ташландилар. Қий-чув, тўс-тўполон бошланди.

- Чилвирни бу ёққа олиб кел!

- Қўлини қайир!
- Қаттиқроқ боғла!
- Қани, бу ёққа торт!
- Чуқур томонга судра!
- Нега имиллайсан, тезроқ бўл!
- Қўлингдан чиқиб кетса япа ҳаммамизни овора қилади!!

Абдурасул қўллари орқасига қайрилган ҳолда, эгни-боши тилка-пора бўлиб, оғзи-бурни қумга тўлиб, ерда тиширчилаб ётарди. Қулоғига жангариларнинг бақириб-чақиришлари жуда ҳам олисдан келаётгандек туюларди. Бирдан у жим бўлиб қолди.

- Эси оғиб қолганга ўхшайди. Тавба!
- Кўзларига қаранглар! Тепага битиб қопти.
- Вой-бўй, ақдан озибди!

Бўрибой ҳориб толиққан Абдурасулнинг қўлтиғидан олиб уни хандақ томон судради. Тутқунининг озғин гавдаси чуқурга бемалол сиғди. Елкасидан тена қисми ер бетига қолди. Ҳансираб, ҳалослаб нафас олаётган Бўрибой юз-кўзларидаги терни артиб, ўртоғига қаради.

- Хўш, энди қалайсан? Буқа кўрган ғунажиндек тинчиб қолдинг-ку, - деди тиржайиб. - Ҳолинг шу экан, пима қилардинг депсиниб.

Абдурасул унинг сўзларига жавоб қайтаришга ўзида куч топа олмади. Томоғи ғиппа бўғилганди. Фақат пишиллаб нафас оларди. Ёшга тўлган, қизариб кетган кўзлари билан атрофдаги шерикларига, жавдираб боқди. Улардан нажот кутарди. Жангарилар бугунги томошадан завқ-шавққа тўлиб, қоринларини чангаллаб, ичаклари узилгудек, қотиб-қотиб кулишарди. Қўлларини бигиз қилиб, нам тортиб қум ёпишган қоп-қора башараси кўриниб турган Абдурасулни масхаралашарди. Бўрибой эса уни қандай кўмиш кераклиги ҳақида бояги йигитларга кўрсатма берарди.

- Олдин тош олиб келиб ташланглар, кейин қумни туширинглар! Куракнинг сопи билан яхшилаб «транбовка» қилинлар. Қилт эта олмасин! Ҳа, баракалла! Ҳой, Воҳид! Нега имиллайсан?! Тошдан ташла! Турсин, сен қумни тушир!

Буйруқ беришни куш ёқтирадиган Бўрибойнинг жағи жағига тегмасди. У қўлларини белига тираб, оёқларини керганча, гоҳ унисига, гоҳ бунисига кўрсатма берарди. У ўзининг ўйлаб топган жазо усулидан хушнуд эди. Бадашнинг қайноқ қум куйдираётган, тошларнинг ўткир қирраси этига ботиб, азоб бераётган Абдурасул ҳамоп чинқирарди. Жангарилар эса қотиб-қотиб кулишарди.

- Нега жимсан, қаттиқроқ бақирсанг-чи, зора овозингни ментлар эшитиб, сени қутқаргани келишса! Ҳа, жонинг оғрияптими, кўзингга дунё гўзал кўришиб кетдимми?! Бақир, қаттиқроқ бақир, сени бизга гиж-гижлаган, сиримизни олмоқчи бўлган акаларинг овозингни эшитсин! Улар кучли бўлса, сени ўз одамлари деб билса, қутқариб олишсин. Афсуски, улар анча олисда-да. Итдек қийналиб ўлаётганингдан беҳабар-да! Видеокамера бўлганидами, суратингни олардик, ҳечқиси йўқ, сафимизда сендек сотқинлар бўлса, азоб-уқубатларда ўлганингни уларга айтиб беришар. Билиб қўй, ментлар ҳеч қачон сенга дўст бўлишмайди. Ўлган кунингроқ исмингни унутишади... Балки энди сирингни бизга айтарсан, сени бу ерга ким жўнатган? Нима мақсадда, қандай маълумот етказиб турмоқчи эдинг? Бу ерда шерикларинг ҳам борми, ким улар?! Кўрсат! Ҳа, айтгинг келмайтими, сирингни ўзинг билан нариги дунёга олиб кетмоқчимисан? Нима ҳам дердим, ихтиёри ба шумо.

Унинг сўзлари Абдурасулнинг қулоғига кирмасди. Оғриқдан, иссиқдан ҳолсизланиб, юраги бетоқат бўлиб, эс-ҳуш тарк этган одамдек қимирлай олмасди. Яқинда сочи олинган яланғоч боши ер устида коптоқдек кўришиб турарди. Қум кўниб, қорайиб кетган юзини аччиқ, хуноба ёшлар ювиб тушарди. Кўкрагини нимадир мижғиларди. Оғриқ пайдо бўлган жойни силашга қўли етмасди. Бунинг устига оёғи остига ташланган ўткир қиррали тошлар товонига бигиздек санчилиб, азоб берарди. Ўн йил бирга, бир синфда ёнма-ён ўтириб катта бўлган дўстининг ноҳақлигидан юраги жизилларди. Эргашбойнинг келишини, бу азоблардан халос этишини истарди. Бироқ ундан дарак йўқ эди. Эргашбой ҳамон ўз чодирда, туйшқудан бу манзарани кузатиб турарарди.

Эргашбойнинг ташвишланганича бор эди. Ҳоким ўринбосарининг ўлдирилиши Одилов одамлари томонидан амалга оширилганлигини нафақат милиция, балки оддий фуқаролар ҳам тушушиб етганди. Бунинг устига тезкор гуруҳ ходимлари, криминалист-экспертларнинг олиб борган текширишлари натижасида Абдурасул ташлаган олмада қолган тиш излари жиддий ўрганилди. Оғриган тишини олдириш учун шифохонага келган барча беморлар билан суҳбатлашилди. Бироқ уларнинг суғириб олинган тишлари олмада қолган изга мос тушмади. Ўша куни Абдурасулнинг яқин қўшниларидан бири бу ерга тишини даволатиш мақсадида келганди. Узоқдан уни кўриб қолганди. Унинг кўрсатмаси билан Абдурасулнинг шахси аниқланди ва унга нисбатан қидирув эълон қилинганди.

Мухтарам ўқувчиларимиздан андак узр сўраган ҳолда, шу ерда мавзудан чекиниб, мозийга назар ташламоқни ихтиёр этдик.

Сапан 923 ҳижрийда (1577) ашуро кунлари Кўкгумбаз остидаги Амир Шоҳвали Чигатой жанобларининг хонадониди Сулаймон Хусайн саройининг энг улуг ва эътиборли кишилари кўнгилхушлик базмида иштирок этмоқ учун тўпланишди. Базми жамшид учун барча тайёргарчиллар кўрилганди. Қозонларда шўрвалар қайнар, чўғда қовурилаётган кийик гўштидан чиқаётган хушбўй ҳид ҳавони тугтганди. Созадалар куй чалмоқда эдилар. Бундай базми жамшид Султон Хусайн мирзо хонадониди ҳали-ҳануз кўрилмаган эди. Бўзаларнинг ширин кайфидан сархуш бўлган беклар ёнбошлаб, кўзларини сузиб, машшоқлар ижро этаётган қўшиқ таъсирига берилиб, мудраб ётишарди. Шу бонс остонада пайдо бўлган чопарга ҳеч ким эътибор бермади. Чопар Амир Шоҳвалининг рўпарасига келиб, тиз чўқди. Сўзламоққа изи сўради. Маст ҳолда мудраётган Вали киприкларини зўрға кўтариб изн берди:

- Эй, мир ҳазратлари. Хатича бегим хабар қилди. Шайбонийхон лашкарлари Чилдхтаронда Амир Зуннун ҳужумлари бирла тўқнашибдурлар. Бу жангда Шайбонийхоннинг қўли баланд келибдур. Зуннун Арғун одамларини қириб ташлабдур. Амирни ўлдириб, бошини найза учига илибдурлар. Буни эшитган шаҳзодалар тирақайлаб қочибдурлар!

Бу сўзни эшитган Амир Шоҳвалининг кайфи тарқаб, вужуди қалтираб, худди чўғ устида тургандек типирчилаб, ғазаб билан хабарчига ўшқирди:

- Эй шумхабар, разил! Эй қабих тилли исқирт! Қандай даҳшатли ҳикояту не нохуш хабарларни келтирдинг? Мажлисимизни буздинг. Шойбекда подшоларимиз устига келишга мажол борму?

Амир Шоҳвали ёнидан олтин сопли шамширини суғуриб, чопарни чопиш учун хезланди. Бироқ хабарчининг сўзларидан лолу ҳайрон қолган атрофдаги кимсалар унинг қўлидан туттишди...

- Бир оз сабр қилинг. Агар унинг гапи нотўғрилиги маълум бўлса, уни ўлдиarmoқ қочмас! - дейишди.

Шу асно кўчанинг бошида отлар дупури қулоққа чалинди Гўёки зилзила бўлгандек замин силкинди. Базми жамшидга тўпланганларнинг юрагида қўрқув уйғонди. Ўз жонларини сақлаш ниятида Кўкгумбаз остини тарк этишди. Шоҳвали кетиш олдидан ҳазина сақланадиган омборга кирди. У ерда 10 та сандиқ бўлиб, улардан

биттаси тилло тангага, иккитаси ашрафийларга, бири пичоғу шамширларга, 2 таси лаъл-у забаржад, ёқут-у зумрад, марваридларга тўла эди.

Шойбекхон ўзининг кўп сонли лашкарлари билан мамлакат дарвозасидан кириб келди. Хон ҳазратлари шаҳарнинг мўғтабар зотларидан Музаффар Хусайн Мирзонинг завжасини сўроқлади. Шаҳар фаоллари эри тириклигини, аёли ҳануз унинг никоҳида деган сўзни айтишди. Хон мустар бўлди. Қози Ихтиёр жаноблари хон ҳазратларининг кайфиятларини кўтариш, хонга ўзини яхши кўрсатиш ниятида:

- Шоҳ Музаффар Хусайн уни уч талоқ қўйган! - дея ёлғон гувоҳлик берди. Ўзининг бу сўзи эвазига хоннинг мақтови ва сарпосига, сазовор бўлди, кейинроқ эса юқори мансабга кўтарилди. Қози бу сўзни айтдию орадан ҳеч қанча кун ўтмай уни «ҳалола» қилиб никоҳига олганини яширди. Хоп оқшомни Ҳиротдан бир фаргоҳлик масофада Кўкдастон ўтлоғида кутиб олди. Айёмнинг фахрли соатида ҳусну малоҳатда, сабоҳатда тенгсиз бўлган Моҳичучукни никоҳига олди.

Орадан кўп ўтмай Ҳиротга Бобурмирзо кириб келди. Шойбекхондан кўп изгироб ва азоб чеккан халқ учун Бобурмирзонинг келиши байрамга айланиб кетди. Шойбекхон мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Моҳичучукбегим эса Бобурмирзони кутиб олиш мақсадида унинг ҳузурига йўл олди. Мақсади унинг қароргоҳидан паноҳ топмоқ эди. Мирзо ўз қариндошини таниди ва уни хуш кутиб олди.

- Сизнинг муборак ташрифингиз учун беҳисоб бойлик асраб қўйганман, иним! - дея муродини очди Моҳичучук бегим. - Катта миқдордаги дуру забаржад, ёқуту зумрадларни ихтиёрингизга қабул қуришингизга, қолаверса, сипоҳларингизни боқишга сарой-арқлар бунга жавобан Бобур Мирзо шундай жавоб қайтарди:

- Илтифотингиз учун ташаккур, бегим. Бойликларингиз ўзингизнинг яхши кунларингизга буюрсин. Қобулда сарой, мадрасалар курдинг. Етим-есир, бевааларга беринг!

Моҳичучук бегимнинг илтимоси билан Бобурмирзо Кўкгумбаз саройига икки шавқарини юборди. Улар зудлик билан йўлга чиқдилар. Бегим айтган жойни излаб топдилар. Гумбазнинг кун чиқиш тарафидаги кекса чинор остидан хазинани ковлаб олдилар. Яширилган зебузийнатлар чопарларнинг ақлини шоширди. Юракларига шайтон кирди. Бойликни шоҳга топширишни истамадилар. Ҳиротга кираверишдаги қабристонлардан бирига яшириб, қуруқ қўл билан шоҳнинг ҳузурига кириб бордилар.

- Хазинани топа олмадик, шоҳим. Айтилган жойи кимдир қовлаб кетибди, - деди навкарлар.

Моҳичучук бегим лолу ҳайрон қолди. Яширган жойи ўзидан бошқа кимсага воқиф эмаслигини у яхши биларди. Юрагида шубҳа уйғонди. Шоҳга юзланиб:

- Хазратим, изн беринг, мен ўзим бориб, ўз кўзим билан кўрайин!
- деди.

Бобурмирзо Бегимнинг раъйини қайтара олмади. Унга икки навкар кўшиб берди.

Бегим Кўкгумбазга келиб, хазина яширилган жойга чопди. Ортидан навкарлар эргашди. Моҳичучук бегим хазина беркирилган жойни яқинда қовланганини, тупроғи қуримаганини кўрди. Ўра бўм-бўш эди. Бошидан ақди учди. Беҳуш ҳолда ерга йиқилди. Навкарлар изларига қайтишди. Шоҳни бўлиб ўтган воқеадан огоҳ этишди. Бобурмирзо Моҳичучук бегимни дорулбақога рихлат қилганини эшитиб, кўп изтироб чеқди. Жаҳл устида илгари бориб келган икки навкарни жаллод ихтиёрига топширди. Навкарлар томонидан яширилган хазина эса кўмилган жойида эгасиз қолиб кетди.

- 7 -

Ефим Егорович дўстини кузатиб хонасига қайтиб кирар экан, хаёллари турли томонга сочилиб кетди. Кутилмаганда Петяни Афғонга ошиқиши, ёш боладек ўзини тута билмаслигидан аччиқланди. Унга нима етмаяпти? Олаётган нафақаси рўзгорини тебратишга етади-ку. Москваинг қоқ ўртасида олти хоналик уйи, шаҳар четида дала ҳовлиси бўлса. Қаердан ҳам унга хазина тўғрисида оғиз оча қолди! Тинчгина яшаётганди. Айтдию боши балога қолди. Жўнатган одами панд берди. Худо билади, хазинани уйида яшириб ётганми?! Генералнинг ишонувчанлиги қолмади, қолмади-да. Мана энди кун ора телефон қилиб, афғонга жўнайман, хазинани ўзим олиб ўтаман, деб қулоқ-миясини еб кўйди. Худо кўрсатмасин, у ерда дайди ўққа учиб, ўлиб кетса нима бўлади? Кексайганда боши балога қолади-ку! Анастасия Фёдоровнадан қочиб қутула олмайди! У ўртоғини бу йўлдан қайтаришга кўп уринди. Бироқ гап таъсир қилмади. Оғзини чарчатгани қолди...

Ефим Егорович қадаҳга икки ҳўплам вино куйди. Бир симиришда бўшатди. Ажин босган афти буришди. Икрадан газак қилди. Сўнг дераза ёнига борди. Ойнадан ташқарига тикилди. Асфальт йўлда бир-бирини қувлаб ўтаётган машиналарга боқиб ўйга толди. Хаёлида бундан бир неча йил аввалги воқеаларни эслади.

Ўша куни ҳаво дим эди. Қуёш кўқдан олов ёғдирарди. Ефим Егоровичнинг машинаси қишлоққа яқин жойда бузилиб қолди. Ҳайдовчи ярим соатлик таъмирлаш ишлари борлигини айтди. Ефим йўл четига чиқди. Сувсизликдан қақраб ётган кенгликларга боқди. Бу ердан ҳам сув чиқарса бўладими, деган фикр миясига урилди. У ичкарироққа кирди. Бомба ва снарядлар тушиб, хандак бўлиб қолган чуқурлардан бирига тушди. Қўлига бир сиқим тупроқ олиб эзгилади. Юмшоқ тупроқ шу заҳотиёқ уқалади. Қария белидаги куракчани олиб чуқур ичини ковлади. Тупроқ таркибига қараб, бу ер сизот сувига яқин бўлса керак, деган хаёлга борди. Шунда куракка қандайдир ялтироқ нарса илашиб чиқа бошлади. Ефимнинг юраги ҳаприқди. Бу зеру забар, олтину жавохирлар эди. Ефим Егорович кўзларига ишонмади. Шоша-пиша атрофга аланглади. Ҳайдовчи йигитдан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. Юрагига ғулғула тушди. Ўзгаларнинг назари тушишидан кўрқди. Топилмаларни артиб, тозалаб, офтоб нурига солди. Ефимнинг кўзлари қамашиб кетди. Буюмлар анчагина эди. Ефим қадимий буюмларга дуч келиб қолганини сезди. У топилмаларни шоша-пиша чўнтақларига солар, дала сумкасига тиқаштирарди. Тупроқни яна титкилади. Сопол идишларнинг синигидан бошқа ҳеч нарса чиқмади. Бу орада машина тузалиб, ҳайдовчи йўлга тайёрлигини билдириб, сигнал чалди. Ефим ўрнидан турди. Дала сумкасини кучоқлаб машина томон чопди. Юраги ҳамон дукиллар, ўзини қўлга ололмайд вужуди титрар, тоққа чопиб чиққан одамдек харсилаб нафас оларди... Қолаверса, 5-6 кило атрофидаги топилма ҳам унга хийла вазминлик қиларди.

- Нима бўлди сизга, Ефим Егорович?! - сўради ҳайдовчи йигит йўлга тушгач. - Мазангиз қочдимми? Рангингиз оқариб кетибди?

- Шунчаки ўзим. Офтоб таъсир қилган бўлса керак! - деди овози титраб.

Иккиси ҳам жим қолди. Машина саҳродан иборат илон изи йўлдан силкиниб-силкиниб борарди. Ефим Егорович хаёллар уммонига чўмганди. Ўзи билмаган ҳолда сумкасини биров тортиб оладигандек маҳкам бағрига босар, тез-тез ортига қараб кўярди. Қимматбаҳо топилмани қаерга яшириш ҳақида ўйларди. Ўзича унинг қийматини сарҳисоб қиларди. Ахир бундай катта бойликни қўлдан чиқариб бўладими? Бозорда бу буюмлар учун тортишиб ўтиришмайди. Сўраганингни ташлаб кетишади.

Ефим Егорович топилмани ўзи билан олиб юриш хатарли эканини тушунарди. Ҳамкасблари сезиб қолгудек бўлса, оқибати хунук бўли-

шидан чўчирди. Уни шилиб кетишлари ҳам мумкин! Ишончли жойга яшириш, лозим. Ефим Егоровичнинг бошини шу муаммо қотирарди...

Ҳайдовчи ҳайрон эди. Ефим Егоровичга нима бўлди? Нега бесар, нотинч бўлиб қолди? Ҳозиргина лаби-лабига тегмай гоҳи кўшиқ, гоҳи латифа айтиб келаётганди-ку! Илон чаққан одамдек ранги қонсиз. Бирор қор-қол бўлган. Ҳайдовчи йиғит кўз қири билан ҳамроҳига қаради. Бирон сўз қотишга юраги чопмади.

Машина Қобулга оқшомда кириб борди. Шаҳар кўчаларида одамлар сийрак эди. Уруш бошлангандан сўнг шаҳарликларнинг кўпи тоғдаги қишлоқларга чиқиб кетганди. Қулаб тушган кўи қаватли бинопинг ёнига келганда Ефим Егорович Ҳайдовчига машинани тўхташишни буюрди.

- Алёша, қорним безовта қиялти. Бўшаниб олай.

Алёша машинани тўхтагди. Ефим сумкани бағрига босиб қулаб тушган бино томон чоқди. У ичкарига кирибоқ ер остига олиб тушадиган йўлакка дуч келди. Бинонинг тепа қисми нураганди. Афтидан бомба тушган бўлса керак. Бир парча осмон кўриниб турарди. Ефим пастга тушди. Ичкари ним қоронғу эди. Каттагина бетон олдида тўхтади. Кўзи секин-аста қоронғуликка кўника бошлаганди. Оёғи остида ётган темир қутига қоқилди. Бу граната яшиги эди. Ефим темир қутини олди. Ичидаги тупроқни тўқди, тозалади. У ёнидаги топилмаларни шу қутига жойлашга қарор қилди. Белидаги куракчани олиб, ерни қазиди. Ер юмшоқ эди. Бир зумда тизза баробар чуқур қавлади. Дала сумкасидан хазинани олиб, қутига ағдарди. Уларни яна бир бор ушлаб кўрди. Ефим қутини чуқурга жойлаб, устига тупроқ тортди. Бу ердан ҳеч ким тополмаслигига қаттиқ ишонди. Қайтиб келганда адашмаслик учун атроф-теварақдаги нарсаларни хотирасида эслаб қолишга ҳаракат қилди.

Ефим Егоровичнинг Қобулга бекорга чақиришмаганди. Гуруҳ бошлиғи зудлик билан уни ва яна беш кишини Жалолободга жўнатиш лозимлигини айтди. Ташқарида иккита УАЗ ва иккита БТР уларни олиб кетиш учун шай турарди. Ўшанда Ефим Егорович Жалолободда текшириш ишларини тугатгач, яна Қобулга қайтиб келиши ва шу ердан ўз юртига жўнашни ўйлаганди. Бироқ унинг ўйлари амалга ошмади. У Жалолободда олти ой туриб қолди. Шу ернинг ўзидан Ҳайратон кўприги орқали Афғонистонни тарк этди. Шундай қилиб топилма Қобулда қолиб кетганди...

Виталий Дмитриевич тўплаган маълумотларини қайта кўриб чиқди. Иш у ўйлаганчалик енгил кўчмади. Аксинча жиддийлашиб кетганди. Шу сабабдан Петр Ивановичнинг Афғонистонга ўтиши масаласида бошлиқ ҳузурига киришни лозим топди. Қарияни Қобулга жўнатиш учун унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам лозим эди. Худо кўрсатмасин, бирорта дайди ўққа учиб, ўлиги ўша юртда қолиб кетгудек бўлса, Виталий Дмитриевични жазоламасдан қўйишмайди.

Ночор аҳволда қолган подполковник қўлидаги ҳужжатларни кўтариб, бошлиқнинг хонасига чиқди. Аркадий Владимирович тасмадаги ёзувларни диққат билан эшитди. Ёши бир жойга бориб қолган генералнинг қандайдир хазина ортидан ҳаётини хатарга қўйиб, Афғонистонга талпиниши Аркадий Владимировични ҳайратга солди.

- Ўша хазина қаерга яширилган экан? - сўради у подполковникдан.

Виталий Дмитриевич бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасди.
- Координатни аниқлаганимизча йўқ, ўртоқ генерал! - деди елкасини қисиб Витя - Суҳбат чоғида ҳам бу жой сир сақланди.

- Тошкент билан боғланингми?

- Ҳозирча йўқ.

- Боғлан, Бўрон ким? Қўнғироқ қилган шахснинг исми шарифи, Бўронни қаерда, қачон учратган? Бу ўзбек ҳамкасбларимизда ҳам қизиқиш уйғотиши мумкин!

- Ҳуш бўлади ўртоқ генерал!

- Қарияни ҳузуримга таклиф қил! - буюрди генерал.

Петр Иванович уйдан эшикка чиқмай ҳар кун Витянинг қўнғироғини кутарди. Телефон жиринглагудек бўлса, ҳаллослаб гўшакни кўтаришга ошиқарди. Ниҳоят, сабрсизлик билан кутаётган қўнғироқ ҳам жиринглади.

- Борман Витя, - қувониб кетган генерал саломлашишни ҳам нутиб деди. - Туну кун қўнғироғингни интизорлик билан кутяпман!

- Идорага келиб кетсангиз, Петр Иванович, - деди подполковник.

- Типчликми?

- Тинчлик, иш юзасидан маслаҳатлашадиган гап чиқиб қолди.

- Ҳозирми? - Витянинг овозидан қандайдир нохушликни сезган генерал ҳафсаласизлик билан деди - Тинчликми?!

- Иложи бўлса бугуноқ, - Виталий шундай деди-ю, бошқа сўз айтмай гўшакни жойига қўйиб қўйди. Қариянинг ҳаёлига турли ўй-фикрлар келди...

Навбатчи Пётр Ивановични Виталийнинг хонасига эмас, балки бошлиқнинг ҳузурига олиб чиқиб кетаётганида генерал юрагига

бежиз гашлик чўкмаганини тушунди. Нима қилганда ҳам Аркадий Владимирович билан бирга ишлаган. Давлат хавфсизлик қўмитасининг олийгоҳида тахсил олишган. Афғои урушидан олдин Чехословакиядаги СССР элчихонасида хизмат қилишган. 1968 йилги воқеаларда икки дўст анча тер тўкишган. Афғонистонга совет қўшинлари кириб борганда улар узоқлашиб кетди. Аркадий Кубага, Петр Иванович эса Афғонистонга жўнади. Уруш тугаганидан сўнг Пётр Иванович Мудофаа вазирлигининг контрразведка бошқармасига ишга ўтди. Аркадий эса давлат хавфсизлик қўмитасининг контрразведка бошқармасида қолди. Бу орада улар фақат иш юзасидан учрашиб туришди. Петр Иванович нафақага чиққанидан кейин дўстлар ўртасидаги алоқа узилди. Шунга ҳам уч йил бўлди...

Дўстининг хонасига кўтарилаётган Петр Ивановичнинг хаёлидан шулар ўтди. Бироқ нима сабабдан Аркадий уни эслаб қолганини билолмасди. Албатта, Виталий қариянинг илтимосини айтган бўлиши керак. Энди унга нима дейди? Сўзларига ишонармикин?

Аркадий Владимирович дўстини қучоқ очиб қарши олди.

- Идорага келибсан, бироқ менга учрамабсан? - дея гина қилди Аркадий Владимирович.

Қария ҳижолат бўлгандек юзи қизарди.

- Сени безовта қилгим келмади, дўстим, - деди узромуз Петр Иванович ўз гуноҳини ювиш мақсадида жилмайиб. - Биламан, ишинг бошингдан ошиб ётибди.

- Ишни тугатиб бўлармиди Петя. Ахир ўттиз йиллик қадрдон бўлсак. Сен билан учрашиш учун ҳар қандай ишнинг баҳридан ўтишга тайёрман.

- Раҳмат дўстим. Илтифотинг учун ташаккур!

- Виядан эшитдим, Афғонистонга бормоқчи экансан, тинчликми?!

Аркадий Владимирович хамкасбининг салқиган юзига нигоҳ ташлаб атайлаб гапни узоқдан бошлади.

- Умр ўтмоқда, оғайни. Ёшимиз етмишга бориб қолди. Ҳаётда кўп ишларни қилдик. Бироқ биз қилган ишларнинг бари изсиз, темир сандиқлар ичида қолиб кетмоқда. Улар бир кун келиб ёниб кулга айланади. Одамзод ёруғ оламда яшагандан кейин ўзидан келажак авлодга нимадир қолдириши керак. Ўйлаб-ўйлаб китоб ёзишга аҳд қилдим. Шу мақсадда Афғонистонга ўтиб, кўрган-кечирганларимни ёдга олиб қайтмоқчиман!

Аркадий Владимирович ёлғонни ёқтирмасди. Дўстининг бақрайиб олди-қочди гапларни сўзлаётганидан гапни келди. Бироқ газабини тилига чиқармади. Сирни ошкор қилмаслик мақсадида ўзини қўлга олди.

- Афғонистондаги вазиятни менадан кўра ўзинг яхши биласан. Уруш тўхтагани йўқ. Ҳозир у томонга ўтиш хатарли. Сени ҳимоя қиладиган, хавфсизлигингни таъминлайдиган одамларимиз йўқ. Қандай маълумот керак бўлса, мен йигитларимга тайинлайман, сенга етказиб беришади. Сени у томонга ўтишингга шахсан мен қаршиман!

Петр Ивановичнинг тили айланмай қолди. Дурустроқ баҳона тополмаганидан афсусланди. Бунинг устига икки оёғини тираб олиши ҳам ўринсиз. Аркадийда шубҳа уйғотиши мумкин. Нима десин. Қандай ишонтирсин?! Бор гапни айтиб бўлди. Бошқа баҳона тониш ахмоқлик. Аркадий дўстини ноқулай аҳволдан чиқариш мақсадида унга ўтирибди:

- Петя, биламан яшашинг ёмон эмас. Олаётган нафақанг болачақангга, ҳаттоки набираларингга ҳам етади. Машинанг, қўлинг ўргилсин дала ҳовлинг бўлса. Бундай имконият камдан-кам одамда бор. Кексайгап чоғингда худога шукур қилиб, тинчгина айшингни суриб яшасанг бўлмайдимиз? Афғонга бориб, ўтмишни ёдга оламан деб, бирорта ўққа учиб кетсанг ким сенга ачинади! Маслаҳатим у ерга ўтишни хаёлингдан чиқар. Марҳамат, архивга кир. Ҳамма шароитни яратиб бераман!

Дўстининг ҳар бир сўзи Петр Ивановичнинг бошига тўқмоқ бўлиб тушаётгандай, назарида у кўп нарсадан бохабардай туюлди.

Уйга қайтгач, генерал бу ҳақда узоқ бош қотирди. Афғонга ўтиш масаласи ҳал бўлмаганидан юраги баттар ғаш бўлди. Ефим Егоровични огоҳлантирмоқчи ҳам бўлди. Лекин унга бундай похуш хабарни етказиш оғир эди. Яна қариянинг хаёлида Бўрон гавдаланди. Қаерда юрибди? Хазинани тополдимикин? Ёки бошқа одам ёллаш керакмикин?! Ҳаммага ҳам ишониб бўлмайди. Ефим Егоровичнинг сўзи чин бўлса, катта бойликни ҳеч ким, ҳеч қачон икки қўллаб келтириб бермайди.

- 9 -

Абдурасулнинг томоғи гиппа бўғилди. Ҳолсизланиб, ҳарс-ҳарс нафас олар, ёшга тўлган кўзлари ачишиб, ҳеч нарсани кўрмай қолди. Ер бағирлаб эсаётган совуқ изғирин унинг яланғоч бошига, кўз ёшидан лойқалашиб кетган юзига тикондек санчиларди. Олдинги сафда ўтирган йигитлар юракларини безовта қиладиган нафрат ва ғазабини ютиб, томошани тарк этишди.

Бутунги томошадан кўнгли тўлган жангарилар бирин-кетин тарқаб кетишди. Шудгорда танҳо Абдурасулнинг боши қолди. Бўрибой ҳам сўнгги маротаба дўстининг чанг қоплаган юзига боқиб, мазҳаромуз тиржайиб, чодир томон йўл олди. У йўл-йўлакай бир-икки маротаба

ортига қараб қўйди. Жангда голиб чиққан полвондек мағрур қадам ташларди. Эргашбой ички қўйлақда, елкасига пўстин ташлаган, башараси помидордек қизариб остонада пайдо бўлди. У Абдурасул томонга совуқ нигоҳ ташлади-да, яна ўз чодирига кириб кетди.

Дала-дашларни қип-қизил рангга бўяб қуёш ботди. Жангарилар чодирлар атрофига гулхан ёқишди. Тўлин ой баркаши уфқдан жуда барвақт кўтарилди. Ой қути ўчган, қори бутунлай эриб кетмаган тоғларнинг улкан чўққисидан баралла кўриниб турарди. Ушбу соатда бўйнидан пасти қумга кўмилиб ётган Абдурасулнинг хаёлидан ҳар турли аччиқ, аламли ўйлар ўтарди. Гулхан атрофида давра қуриб ўтирган жангариларнинг қийқириғи қулоғига чалиниб турарди. Қовурилган гўштнинг ҳидига уйғуллашиб кетган шамолнинг иси унинг димоғини қитиқларди. Шу пайт олислардан ўқ овози эшитилди.

Абдурасул жонини қийнаётган азоб-уқубатларга дош беролмай инграр, уни бу ерга бошлаб келган синфдош ўртоғи Бўрибой шаънига лаънатлар ўқирди. Қуруқшаб қолган томоғини хўллаш учун тупугини ютар, хириллаганча одамларни ёрдамга чақирарди. Бироқ унинг овозини ҳеч ким эшитмасди.

Юз метрлар нарига снаряд тушди. Унинг гумбуллаши еру кўкни ларзага солиб, қулоқларни қоматга келтирди. Қий-чув, тўполон кўтарилди. Жангарилар ўзларини дуч келган томонга уришди. Худди қиёмат-қойим бошлангандек бақириб-чақириварди. Олислардан автоматнинг тириллаши эшитилиб турарди. Жангариларнинг бир қисми Абдурасулнинг боши чиқиб турган хандақ томон мўр-малах-дек ёпирилиб келарди. Этиklar зарбидан ер титрарди. Оёқлар остидан чанг-тўзон кўтарилиб кўкка ўрларди. Икки жангари шундоқ унинг ёшидан ўтиб кетди. Улардан бири калага қоқилиб тушаёзди. Қоронғу ва тўс-тўполонда ҳеч ким шўрлик бу бошни кўрмасди. Кўрса-да, аҳамият бермасди. Бўрондек ёпирилиб келаётган жангарилар бошни топтаб, янчиб ўта бошладилар. Кимдир қоқилди, кимдир йиқилди. Кўзларини юмиб олган Абдурасул тепкилар зарбидан азоб чекарди. Яхшики, одамлар оқими иккига бўлинди. Қасрдандир учиб келаётган ёнғоқдек тош Абдурасулнинг пешонасига тегди. Кўзларидан олов сачрагандек бўлди. Кимдир тақали этиги билан қурбақани босгандек қонга ботган бошни топтаб ўтди. Абдурасулнинг пешонаси ёрилиб, фавворадек қон отилиб, юзини ювиб тушарди. Кўз олдини қон-қоронғулик тўсган Абдурасулни эс-ҳуш тарк эта бошлади. Бундай пайтларда одам туғилиб ўсган юртини, ота-онасини, ёрдўстларини эслайди. Абдурасул жангариларнинг ёрдам беришидан умидини узди. Унинг кўз ўпғида болалиги намоён бўлганди. Ота-

опасининг қиёфаси худди чиммат ортида тургандек ғира-шира гавдаланди. Уларни ёлғиз ташлаб Бўрибойга эргашиб, жангарилар тўдасига қўшилиб, буерга келганидан, она-юртини қайтиб кўролмас-лигидан надоматлар чекди. У тонг саҳарда қазо қилди. Жон бериш чоғида тилига келган сўнги сўз шу бўлди. «Ота, мен сен қўриқлаган, сен ардоқлаган, кўз қорачиғингдек асраган Ватанин сендек севолмадим. Ошпоқ сутингдан айланиб кетай онажоним, сен тунлар алла айтиб, қалбимга Ватан муҳаббатини солдинг, боламнинг қошида юрт ишқи ёнсин, деб қайноқ суг бердинг. Афсус, мен сен кутгандай ботир ва жасур ўғлон бўлолмадим, Жаннатдан зиёда бўлган Ватаним, онамдек кифтингда кўтариб, катта қилдинг, қорингга ярамадим. Кечиринглар»!

Қоп-қорайиб қолган бош бир ҳафтага яқин кўмилган жойида қолиб кетди. Аста-секин сасиб, чирий бошлади. Уни кўмишга биров журъат эта олмади, қизиқмади ҳам. Бўрибой «отган ўқим нишонга тегди», деб ўйларди. Бу билан ёшларини кўрқитиб, уларни ўзига янада маҳкамроқ боғлаб олганидан мамнуш эди. (Кимдир одамларини мансаб, амал билан кўрқитишади, кимдир қурол билан ўзига тобе этишни истайди, ахир бу ўга кетган тубанлик эмасми). Аслида бунинг аксига эринганди. Ёшларнинг қалбида Бўрибойга нисбатан битмас-туганмас қаҳр-ғазаб, нафрат уйғонганди.

Ўша пайтлар Тожикистонда давом этаётган биродаркушлик уруши Одиловга ёмон таъсир қилганди. Буни кўриб, томирларидаги қон жупбушга келди. Бундай хунрезликларни ўз юртида бошласа ҳам бўларди-ку! Айби қурол-аслаҳанинг йўқлигимиз? Ёки ўзига нисбатан ишончсизликдами? Қўрқдимиз? Ахир унинг орғида қапчадан-қапча одамлар бор. Пулдорлар, амал курсисидан қулаганлар, амал учун ўзини ўту-чўққа уришга шай турганларнинг ҳисоби йўқ эди-ку? Улар Одилов билан яхши муносабатда эдилар. Шаҳар четидаги штабга кунига икки-уч бор қўнғироқ қилишар, муҳимроқ ишлари чиқиб қолса ўзлари келишарди. Туман партия кўмитасининг собиқ котиблари, ташкилот ва хўжалик бошлиқлари эшиги олдида у билан учрашиб, қўл бериб кўришиш учун навбат кутиб ўтиришарди. У билан суҳбатлашишга орзуманд одамлар қапча эди. Кетишда улар қўлларини кўксига босиб, хизмат бўлса бош устига, деб чиқиб кетишарди. Олиб келган даста-даста пулларни унинг қафтига қистириб кетишарди. Эҳ, ўша кунлар қандай фараҳли эди-я! Эргашбой шуларни кўз олдига келтирганда бадани жимирлаб кетади.

Жангарилар кун сайин шаҳар ва қишлоқларни ишғол этишарди. Ўз қонуни ва тартибларини ўрнатшарди. Саросимага тушган одам-

лар олдида фақат битта йўл бор эди: улар сафига қўшилиш, ўлим ёки катта миқдордаги пора эвазига омон қолиш. Бундан ўзга йўл ва имконият йўқ. Жангарилар ўз буйруқларига итоат этмаганларни қийнаб, азоблаб ўлдиришарди. Айниқса, давлат ва ҳокимият раҳбарларини аяб ўгиришмасди. Уларнинг бошига ит азобини солишарди.

Тожикистон бош прокурори Ҳувайдуллаевни ярим тунда тутиб кетишди. У Душанбе шаҳар ҳокими, ашаддий порахўр, таъмагир Икромовни ва 700 нафар экстремист жангариларни ҳибсга олиш учун санкция берганди. Аввалига уни таҳқирладилар, хўрладилар, калтакладилар. Иссиқ ҳаммомга қамашди. Ўт ёқиб қиздиришди. Тунда ухлаб қолмаслиги учун бошидан совуқ сув қўйиб туришди. Бироқ бош прокурор жангарилар оёғига йиқилишни, тавба-тазарру қилишни, раҳм-шафқат сўрашни улар сафига қўшилишни истамади. Виждон ва ориятни сотмади.

- Тавба қил! Қилган гуноҳларинг учун узр сўра. Шунда биз сени бу азоблардан қутқарамиз. Биз томонга ўтасан. Роҳату фароғатда яшайсан!

Бу сўзни унга бир вақтлар қўл остида хизмат қилган, порахўрлиги учун ишдан ҳайдалган ходимларидан бири айтди. Унинг кўзларида масхараомуз табассум ялтирарди. Афти-ангори тутуриқсизлигини, иккиюзлаамачилигини, хоинлик туфайли ҳаёти ҳузурда эканлигини ошкор қиларди. Дунёда порахўрдай кўзлари маккор, бурро тилли одам бўлмаса керак. Бош прокурор унинг афту ангоридан шуларни уқди. Ватан, юрт озодлиги, инсониятнинг эрки, бахти бундай тоифадаги калтабинлар учун ёт. Ватан манфаати йўлидаги хайрли ишдан фирибгар кимсанинг ҳамёнидаги бир мисқол танга афзал, шундай тангага ўз бошлигини сотиб олмоқчи.

- Ватанфурушнинг ҳаёти қачон роҳат-фароғатда ўтган?! - деди бош прокурор бошини мағрур кўтариб.

- Оғзингга қараб гапир, биз ватанфуруш эмасмиз!

- Порахўр билан ватанфурушнинг ўртасида қандай фарқ бўлиши мумкин?!

- Сен тўнқанинг тилинг ёмон. Бошингга келган бу балоларга, тортаётган жафоларингга ҳам тилниг сабабчи! Мен уни омбир билан суғуриб ташлайман!

- Тилимни суғуришинг мумкин, аммо қалбимдаги, қонимдаги Ватанимга, халқимга бўлган муҳаббатимни суғуриб олмайсан, Мен уни ўзим билан бирга олиб кетаман. Сенларга ўхшаб бугун унинг, эртага бошқа бировнинг қўлидаги қўғирчоқ эмасман! - бошини мағрур кўтарган прокурор шундай деди. Унинг ўктам овози деворларга урилиб садо берди.

Прокурорнинг аччиқ сўзлари қонхўрни қаттиқ ғазаблантирди. Қайсар, бир сўзли Ҳувайдуллаевни ўз томонларига оғдира олишолмаслигини тушунди ва ярим тунда ёвузларча ўлдиришди. Бу воқеа Эргашбойнинг қалбида унутилиб бораётган қасос ва алам ўтини ёқиб, душманларидан ўч олишга ундади. Ҳувайдуллаевнинг ўлимини эшитгач ҳузурига Чўтирни чақиртирди.

- Тайёргарликни кўр, эртага Ўзбекистонга жўнайсан, - деди Одилов. Чўтир сезди: бошлиқнинг юраги ваши. Асаби қақшаган, демак, юрагидаги дард янгиланган, ғанимларидан тезроқ қасос олишни ихтиёр этган. Гина сақлашда унинг олдига тушадиган одам йўқ. Чўтир яна шуни биладикки, хўжайин қайсар одамга катта гуноҳ қилганга қарагандек боқади. Гуноҳнинг катта-кичиклиги унинг учун аҳамиятсиз. Авф этиш, ундан мурувват сўраш, сомондан игна излаш билан баробар.

- Тинчликми, хўжайин?! - Чўтир енгил томоқ қириб Одиловга юзланди

- Бориб Ғиёсовни тинчитиб келасан!

- Ўртоғингизни-я?!

Эргашбой Чўтиргга кескин ўғиридди. Унинг кўкариб кетган юзида қаҳр-ғазаб балқиб турарди.

- Шу гапинг учун тилингни суғуриб олардим.

- Кечиринг, хўжайин, билмай гапирдим.

- Билиб қўй, Ғиёсов менга дўст эмас. Пулим тугаб, уйига борганимда, у мени остонасидан гадоини қувгандек ҳайдаган. Мен буни кечирмайман. Ғиёсов тирик экан, юрагимдаги алам босилмайди, хотиржам яшолмайман, мабодо, мен ўлсам, у юртга ош беради.

- Тушундим, хўжайин! Бошлиқнинг вазоҳатидан ташвишга тушган Чўтир ортиқча гап бошига тўқмоқ бўлишини сезди.

- Ўлдиришдан олдин ҳисоб-китоб қил! Борганингда унга нима дейишни одамларим ўргатади. Айбларини бўйнига қўй, ўзини иқроор қил.

- Ёлғиз ўзим жўнайманми, хўжайин?

- Ҳа, ўзинг жўнайсан, шаҳардаги биродарларимизни хабардор қилиб қўйганман. Улар сени кугиб олишади. Шароит яратиб, ишончли одамлардан шерик топиб беришади.

- Тушундим, хўжайин, - деди Чўтир дили ёришиб, қўлларини ишқалаб.

- Худо ёр бўлсин! Ишинг ўнгидан келсин! Қани, йўлга ҳозирлан. Тўхта! Ишни тинчитганингдан сўнг ортингга қайтма, Олма-отага

жўна. Маҳмудни топиб, унинг квартирасида яшаб тур. Керак бўлганинга ўзим чақиртираман...

Чўтир икки йилдан бери жангарилар ичида юриб ўзгариб кетганди. Унинг калбидаги раҳм-шафқат ўрнини ваҳшийлик, ёвузлик эгаллаганди. Одам ўлдириш, азоблаш унинг учун оддий ҳолга айланиб қолганди. Чўтир тонг бўзарганда йўлга чиқди. Тун бўйи сайраган автомат ва милтиқларнинг овози ўчганди. Бўм-бўш кўчаларда фақат руҳлари кўкка учган мурдаларгина чўзилиб ётарди. Ўт қўйилган уйлардан тутун аралаш иссиқ ҳовур осмонга кўтариларди.

Пешонасига қизил дуррача боғлаб олган Чўтир тоғнинг ёлғизоёк сўқмоғидан чегарани кесиб ўтди. Пастда уни «Москвич» енгил автомашинаси кутиб турарди. Чўтир ҳайдовчини танимади. Ўзи тенги йигит эди, яқинлашганда орқа эшикни очди.

- Ўтиринг, - деди нотаниш йигит ўзбек тилини бироз бузиб.

Чўтир орқа ўриндиққа жойлашди. Машина тошлоқ йўлдан пастлик томон елиб кетди. Уч-тўртга қишлоқ ортда қолди. Бу ерларда ҳам тунги отишмалар ўзининг даҳшатли изини қолдирганди. Остонада тиззасини қучоқлаб, ғам-ғуссадан эгилган бошини эгиб ўтирган қарияни кўрганда Чўтирнинг хаёлига отаси келди. У ҳам шу қария сингари озгин, дарозгина чол эди. Чўтирни кўп яхши кўрарди. Ардоқлаб эркаларди. Кўрмаганига ҳам анча йил бўлди. Соғ-омонмикин?

Ҳайдовчи манзилга етиб келгунча Чўтирга қайрилиб боқмади. Бир сўз айтмади. Бир соатча йўл босишгач, Вахш дарёсининг қайирида турган қизил рапгли «Запорожец» машинасининг ортига келиб тўхтади.

- Нариги машинага ўтипг, - деди ҳайдовчи унга қайрилиб боқмай. Чўтирга сўз айтишга ўрин қолмаганди. Бу ҳолат унга худди кинолардагидек туюлди. Ҳайдовчиларнинг у билан суҳбатлашиши таъқиқланганлигини сизди. Ўзбекистон ҳудудига кириб келгунча учта машинада алмашиб келди. Рақами Ўзбекистон давлатига қарашли бўлган машинага ўтирганда, юраги таскин топди. Бироқ, унга бир нарса тинчлик бермасди. «Наҳотки шахсий адоват учун Эргашбой Ғиёсовни ўлимга ҳукм этган бўлса? Бу ҳақда у қанчалик ўйламасин саволига жавоб тополмади.

Чўтир кечки пайт шаҳарга кириб келди. Ҳайдовчи уни учрашув белгиланган бекатда қолдирди.

- Шу ерда туринг, одамларимиз икки дақиқадан сўнг сизни олиб кетишади, - дедию жўна кетди. Чўтир йўлнинг четига ўтди. Туфли-

сининг ипини қайта-қайта ечиб боғлади. Бу «парол» эди. Бели толикиб ўрнидан турди.

- Ака, соатингиз неча бўлди? - Орқада турган ёшгина йигит Чўтирга қараб шундай деди. Унинг юмалоқ, чиройли кўзлари ялтираб турарди.

- Соатим йўқ, - болани жеркигандек терс жавоб қайтарди Чўтир. Ва бирдан у билан учрашувга чиқадиган одам, шундай сўзни айтиши лозимлиги ёдига тушди. Бу ўспириннинг учрашувга келганига шубҳалангандек паролни айтишга мажбур бўлди.

- Соатимни уйда қолдирибман.

- Сизни кутишмоқда, - деди ўспирин катталарга хос оҳангда. - Ортимдан юринг...

Чўтирни шаҳарда интиқлик билан кутишарди. Бир кун олдин унинг келиши ҳақида маълумот олишган бўлиб, учрашув жойи олдиндан белгиланганди. Шунга яраша тайёргарлик кўрилди. Чўтирнинг муҳим топшириқ билан келаётганини кўпчилик билмасди. Ўзгаларга айтиш таъқиқланганди. Бундан ташқари, меҳмон ўзи билан олиб келаётган мактуб фақат гуруҳнинг янги раҳбари Олимжонгагина аён эди. Хатда кўрсатилган буюм икки кун муддат ичида хўжайиннинг қўлига тегиши лозимлиги таъкидланганди. Эргашбой Тожикистон ҳудудига ўтиб кетгач, гуруҳнинг фаолиятини бошқариш Олимжоннинг зиммасига юклатилганди. У тўс-тўполон босилгунча бир муддат кўчага чиқмай, яшириниб юрди. Қилган гуноҳлари етарли эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари тутиб кетишидан кўрққанди. Бахтига ҳеч ким уни изламади. Одилонинг ишлари тинчиб кетгач, яна одамлар гавжум бўлган жойларда пайдо бўла бошлади. Шундан сўнг Эргашбой топширган вазифани бажаришга киришди. Шаҳарнинг бой-бадавлат кишиларининг рўйхатини тузди. Яшаш жойларини, қандай иш билан шуғулланаётганини, ишга қачон ва қай пайтда келиб-кетишини уйда қанча пули борлигию, бу пуллар қаерда туришини ўрганди. Анчагина маълумот тўплади. Бир ой ўтгач, «одам»лари орқали топшириқ бажарилганлигини Одилонга хабар қилди. Ўшанда Эргашбой Олимжондан хурсанд бўлганди. Операциони бажариш вақтини ўзи белгилаши ҳақида кўрсатма берди. Унинг ҳисоб-китобларига қараганда, Олимжон рўйхатини тузиб жўнатган одамлар қўлида катта миқдорда доллар бўлиши керак...

Чўтир Олимжонга бошлиқ муҳрлаган мактубни топширди. Ўзларигагина маълум бўлган сўзлар ўйинидан иборат ушбу мактубда шундай дейилганди.

«Иним, Олимжон!

Бу ернинг об-ҳавосига кўникиш қийин бўлмоқда. Жиянларингизнинг соғлиги яхши эмас. Уларга пиез (қўл пулемёти), патир (гранатомёт), чой (автомат), шафтоли (пулемёт), олча (тўппонча), зардолу (граната) сотиб олиш учун пул етмаяпти. Номлари ўзингизга маълум бўлган дўсту биродарларимиздан ҳақимизни ундириб, зудлик билан пулни жўнатиб юборсангиз. Бундан ташқари, бизнинг ишимиздан хабардор шогирдларимиз ва талабгорлардан жўнатинг. Уларни йўл ҳақи билан таъминланг. Ойлик иш ҳақи биз томонда 150-200 доллар атрофида.

Ҳамид билан гаплашинг, гина-кудуратни йиғиштирсин. Одамлари билан биз томонга ўтсин. Ҳамкорлик қиламиз».

Олимжон хатни ўқиб, Чўтирга юзланди.

- Бошлиқнинг қўлида одам кўпми?

- Сафимиз кун сайин кенгайиб бормоқда, - Чўтир ҳамсухбатипинг руҳини туширмаслик учун ёлгон гапирди.

- Яхши! - Олимжон шундай дедию жим қолди. Унинг ўсиқ, қалин қошлари чимирилди. Пешонасига ажинлар из солди. Кўзларини бир нуқтага тикиб ўйга толди: «Тожикистондаги урушдан уни бебаҳра деб бўлмасди. Оппозиция мамлакатни ҳар томондан ўраб, ҳукумат кўшинларини тобора қисиб келаётганини яхши биларди. Ҳаттоки, уларнинг бир қисми Ўзбекистонга чегарадош вилоятларда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қиларди. Бундай пайтда уни ёлғизлатиб кўйиш, ҳолидан хабар олмаслик, айтилган пулни жўпатмаслик, Олимжондек содиқ дўстга иснод! Ахир унинг бепарво юриши, топшириқни бажармаслиги инсофдаими? Бир йил муқаддам ўз ғоямиз, мақсадимиз йўлида шаҳид бўламиз, деб қасам ичишмаганими? Шундай экан, эртагаёқ шаҳардаги мардикор бозорида иш ахтариб юрган ёш-яланг йигитларни тўплаб, ҳузурига жўнатади. Ҳамид-чи? Нечун у бу ишдан четда қолиши керак? Нечук бирикмайди? Ҳаммаслак бўлиб, иш тутмайди? Эрта-индин Эргашбой келадиган бўлса Ҳамид қай юз билан унинг кўзларига боқади? Йўқ, бу бола кейинги пайтларда босар-тусарини билмай қолди. Пули кўпайиб, эски танишларини унутди. Катта бошини кичик қилиб остонасини босиб арзимаган илтимос билан кирганда юзинг борми, кўзинг борми, демай Олимжоннинг илтимосини рад қилганди. У пайтларда Олимжон эндигина Эргашбойнинг гуруҳига қўшилган, ҳали номи чиқмаган эди. Орадан икки-уч йил ўтиб Эргашбой довруқ қозонди. Олимжонни ҳам водийда эмас, балки қўшни республикаларда дўсту ёрлари кўпайди.

«Ҳамиднинг ақли-хуши жойига келиб қолгандир. Унинг қўлида ҳам ўттиз-қирқта йигит бор. Тожикистонга жўнатмаса жўнатмасин. Аммо бу ердаги ишларда ёрдам берсин». Хаёлига келган фикрдан Олимжоннинг руҳи тетиклашди. У ўрнидан турди. Қўлидаги соатга қаради. Вақт ҳали эрта. Ҳамиднинг олдига ўтишга, у билан юракдан гаплашиб олишга қарор қилди.

- Қодир! - деди у уй эгасини чақириб. - Меҳмоннинг қорнини тўйғиз. Мен Ҳамиднинг олдига бориб келаман. Уйга одам қўйма!

- Нима қиласиз, нервничит қилиб ака. Барибир у бизга қўшилмайди, - деди Қодир қўлини силтаб. - Қони бошқа!

- Соат ўнларда қайтаман. Тайёр туринглар. Келмасам, телефон қиламан.

Ҳамид Олимжонни хушламай кутиб олди. Аслида уни кўрса асаби титрайди. Гаплашиш нияти йўқ эди. Унинг бежиз келганини афтидан сезди. Ўтирган ўрнидан турмай қўл чўзди. Бу Олимжонга алам қилди. Кимсан шаҳардаги катта бир гуруҳнинг бошлиғига нисбатан ўта ҳурматсизлик белгиси эмасми? Бироқ бунга сездирмади. Ўзни бепарво тутишга уринди.

- Хизмат! - Ўтиришга улгурмаган Олимжонга қарата айтилган бу сўздан келгувчининг юзи қизарди. У курсига эмас, чўғнинг устига ўгириб олгандек эди.

- Хўжайиннинг илтимоси билан келдим, - довдираб қолган Олимжоннинг тилига шу сўз келди.

- Қулоғим сизда, у кишининг бизда қандай ишлари бор экан?

«Тўпқа, ҳаддиндан ошиб кетибсан. Бўрилар кетиб, сенга ўхшаган куён юракларнинг кўпи туғибди-да! Шошмай тур, Хўжайин келсин, сен билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Тавбанга таянтирмасам отамнинг ўғли эмасман». Олимжоннинг хаёлидан шу фикр кечди. Ҳамиднинг сўровини бир муддат жавобсиз қолдирди. Гапни нимадан бошлашни билмай, бошини қашлади. Кейин чуқур хўрсинди. Юзига сохта табассум ёйилди.

- Хўжайиннинг олдидан одам келди. Мингдан ошиқ одамга бошчилик қияпти экан. Яқин кунлар ичида ўзи ҳам келармиш.

Ҳамид унинг сўзларига аҳамият бермади. Олимжон ер остидан суҳбатдошининг юзига кўз қирини ташлади. Ҳамиддан садо чиқмади. У сўзида давом этишга мажбур бўлди.

- Сиз одамларингиз билан биз томонга ўтинг. Бирлашайлик. Аҳил бўлсак, ҳеч бир куч бизга бас келолмайди. Ҳозир хўжайинга хорижий элдаги тарафдорларимиз ҳам ёрдам беришмоқда. Орзу-истакларимизни рўёбга чиқиш фурсати яқин қолди.

Ҳамид азалдан Эргашбойни ёқтирмасди. Дастлаб шаҳарда тузил-

ган жиной гуруҳга уни таклиф қилишди. Ҳамид буни рад этди. «Бировга қарам бўлиб яшашни истамайман», деб бетига айтди. Эргашбойга бу гап ёмон таъсир қилди. Юрагида ундан ўч олиш, айтган сўзи учун тавба қилдириш истаги уйғонди. Одамлари томонидан содир этилган талончилик, босқинчилик каби офир жиноятларни Ҳамиднинг йигитлари зиммасига ағдаришга уринди. Уларнинг буюмларини, бармоқ излари қолган идишларни жиноят содир этилган жойга атайлаб ташлаб кетишарди. Бу билан милиция ходимлари «Ҳамиднинг одамлари жиноятни содир этган», деган шубҳага боришларини ўйлаганди. Ҳамид аввалига эътибор бермади. Кейин фаҳмлаб қолди. Сездю Эргашбойнинг ёқасидан олди.

- Виждонсиз! - деди у қаҳр-ғазабини сочиб. - Қачонгача одамларинг қилган ишини менинг йигитларим гарданига ташлайсан? Билиб қўй, яна бир бор шундай иш тутадиган бўлсанг, бўғизлаб ташлайман. Ўлигингни ит тополмайди!

Ўшанда Одилонинг тили айланмай қолганди. Безгак тутган одамдек дир-дир титраб, ўзини оқлашга сўз тополмади. Шуларни эслаб Ҳамиднинг юрагидаги яра қайта тирналадиган бўлди...

- Менга қара, Олим! - деди қаршида ўтирган чопарга. - Эсингда бўлсин, сенга илгари ҳам айтганман. Ҳозир ҳам ёдингга солиб қўяман. Мен босқинчи эмасман. Ўз халқимга қарши қурол кўтармайман. Бориб аканга айтиб қўй. Ўзбекистонни босиб ололмайди. Юртни сендек қонхўрлар, малай, ювиндихўрларга бериб қўядиган одам йўқ. Халқини ҳимоя қилишга қодир мард юрт бошиси бор! Ватан учун жонидан кечадиган жасур ўғлонлари бор. Сенга ўхшаган ватанфурш, номард кимсалардан жирканама! Тур ўрнингдан, кўзимга кўриима!

Олимжоннинг ранги оқарди. Нафрат ва ғазабини босиб турулмади.

- Сен ўзи кимсан! - деди иягини чўзиб. - Ўғрисан! Пешонангга отнинг қашқасидек ёзиб қўйилган. Бир маротаба эмас, икки маротаба қамалгансан. Шаҳарда бирорта ўғрилиқ бўлса, аввало сени тикиб қўйишади. Шу гапларинг билан ментларга яхши кўринмоқчимисан? Ўзингни халқпарвар кўрсатмоқчимисан? Бизнинг кимлигимизни, нималарга қодирлигимизни билмабсан. Керак бўлса, сен ва одамларингни тинчитиб кетишади. Одам деб, эсинг кириб қолган, деб олдингга келувдим...

Уй эгаси столпи муштлади.

- Йўқол! - Ҳамид титроқ қўллари билан кулдонни чангаллади. - Шу билан бошингга солмасимдан қорангни ўчир. Ифлос қадамнинг билан иккинчи бор остонамни ҳаром қилма. Йўқол!

Олимжоннинг қизарган юзида заҳарханда табассум пайдо бўлди.
 - Ҳм, қизишманг, эркак. Уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деганлар. Кейин пушаймон бўлиб юрманг. Бу дунё ҳисобли!
 - Йў...йқо...олл! - овозининг борича қичқирди Ҳамид.
 - Хўрозга ўхшаб бемаҳал қичқирманг, эркак. Овозингизни асранг! Ҳали бақирадиган кунларингиз келади!

Бу сўзлар Ҳамид учун ортиқча эди. Асаби шу қадар таранг тортилдики, ўзини бошқара олмади. Чангаллаб турган кулдонни Олимжонга улоқтирди. Кулдон унинг кўкрагига тегди. Зарба кучсиз эди. Идиш костюмининг ёқасидан кириб, ички чўнтагига яқин жойда туриб қолди. Олимжон ўзини ташқарига урди. Остонадан ўтиб, эшикни силтаб ёпди-да деворга суянди. Юраги гурсиллаб худди кўксини ёриб чиқадигандек урарди. Кулдон теккан жойни қўли билан силади. Оғриқ босилди. Хаёлига келган ўйдан мамнун жилмайди. Дастрўмолчаси билан кулдонни эҳтиётлаб ўради-да, чўнтагига яширди.

Ҳамиднинг хонасидан аламзада бўлиб чиққан Олимжон телефон орқали Қодир билан Чўтирга «Баҳор» ресторанига келишни буюрди. Соат ўнларга яқинлашиб, ой тепага кўтарилганди. Ресторанда санокли хўрандалар ўтиришарди. Олимжон коньяк буюрди. Енгил тамадди қилди. Шериклари етиб келишди. Бу орада Олимжон ширакайф эди. Чўтирнинг хаёлига хўжайин айтган сўзлар келди. «Фиёсовнинг амакиси кўплаб одамларимизни қамоққа олмоқда унинг ўлими акаси учун сабоқ бўлсин».

- Фиёсовнинг амакиси каерда ўтиради, - сўради у Олимжон томонга юзланиб.

- Қайси амакиси? - Ҳамид томонидан камситилган ҳамда ичкиликдан кўзлари қизариб кетган Олимжон Чўтир томон ўтирилди.

- Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини борку...

- Ахмаджоповми?..

- Ҳа.

- Унда нима ишинг бор?

- Ўзим, шунчаки сўраяпманда.

- Йўлимиз устида

- Вақт ҳам аламаҳал бўлди, - боядан бери жим ўтирган Қодир суҳбатга якун ясади..

- Тайёрмисанлар? - кўзларини ёрдамчиларига ўқдек қадаб сўради Олимжон.

- Тайёрмиз, хўжайин! - деди Қодир. Унинг кўзи сузилганди.

- Унда жўнадик!

- Бироз вақтли эмасми, хўжайин?

Олимжон соатига қаради.

- Ҳечқиси йўқ. Етиб боргунимизча вақт алламаҳал бўлади.

Пиёда «Шаршара» маҳалласи томон йўл олишди. Кўчалар сокин. Осмонда ой, юдузлар сочилган. Совуқ шабада ер бағрини ялаб эсарди. Кўчада одам оёғи узилган. Гоҳи-гоҳида машиналар ўтиб, тун сукунатини бузиб туради. Тунги шарпалар катта йўлдан чап томонга бурилиб кетган кўчага киришди. Нақшинкор дарвоза олдидан ўтиша-ётганда Олимжон Чўтирнинг қулоғига шипшиди.

- Мана шу уй Ахмаджоновники бўлади.

Чўтир деворлари баланд қилиб урилган ҳовлига қараб маъноли бош ирғаб қўйди. Унинг юзидаги совуқ табассумга Олимжон аҳамият бермади.

Фиёсов бугун уйга ичиб келган, андак кайфи ошганди. Ишхонасидан унча олис бўлмаган жойда эски ошхонани сотиб олиб, хусусийлаштирганди. Ишдан қайтар маҳали шу ерда бироз тўхтаб ўтди. Бош ошпаз билан бир ҳафталик ҳисоб-китоби бор эди. Ишчилар уни яқинда уйига кетганини айтишди. Ёрдамчиси билан суҳбатлашди. Биргаллашиб тамадди қилишди. Шу баҳона бир-икки пиёла ароқ ичди. Юрагига ўт кирди. Жўнаш олдидан «Ҳошимжон менга учраб қўйсин», деб ёрдамчисига тайинлади. Уйига келганда аёли эмизикли боласини бағрига олиб, ухлаб қолганди. Фиёсов толиққан ва ҳорғин бўлса-да, кўзидан уйқу қочди. Ароқ унинг бошини айлантириб, сархуш қилганди. Бундай пайтларда Фиёсов ҳисоб-китоб қилишни, кимларда ҳақи борлигини, қолаверса, топган-тутган пулларининг ҳисобини олишни ёқтирарди. Меҳмонхонага кирибоқ телевизорнинг мурватини буради.

...Фиёсовнинг кўча эшигига ичкари томондан илгак солинганди. Олимжон шерикларига қўлқоп ва ниқобларни кийишни буюрди. Ўзи эшик тепасидаги қўнғироқ тутмасини босди. Ҳовлида чироқлар ўчган. Ичкари уйдан тунги ёритгич ғира-шира ёғду сочиб турарди. Бироздан сўнғ айвон чироғи ёнди. Оёқ товуши қулоққа чалинди. Дарвозага яқин келиб «Кимсиз», деди. Бу Фиёсов эди.

- Бу мен, - деди Олимжон овозини ингичкалаштириб. - Машинанинг ҳужжатини олиб келдим.

- Бемаҳалда-я! - Фиёсов илгакни туширди. Олимжон эшикни зарб билан тепди. Қирраси пешонасига урилган Фиёсов зарбадан гандираклаб кетди. Улар ичкарига отилиб киришди. Қодир билан Чўтир уй эгасининг қўл-оёғига ёпишди. Олимжон ҳаменидан дориланган латгани олиб унинг оғзига тикди. Пешонасига эшик қирраси текканда, уч барваста йигит ичкарига ёпирилиб кирганда Фиёсов бу Эргашбойнинг одамлари эканлигини, эшикни бемаврид очганини

тушунди. Бироқ энди кеч эди. Қўрқувдан бошидан ақли учди. Кўз ўнгида юлдузлар чақнади. Бақришга, қаршилиқ кўрсатишга ўзида куч топа олмади. Оғзига тикилган латтадан нафаси қайтарди. Сал бўлмаса бўғилиб ўлаёзди. Яхшики, босқинчилардан бири бурнидан кафтини олди. Латтадан келаётган сассиқ ҳид уни бўшаштириб, лоҳас қилди. Босқинчилар капитаннинг қўлини орқага қайириб, чилвир билан боғлашди. Кемтик ой ишком тепасида мўралаб турарди.

- Овозингни чиқара кўрма, - хириллаб чиққан бу овоз эгаси Олимжон эди. У тўппончасини Фиёсовнинг терлаб кетган пешонасига тираб турарди. Фиёсов индамади. Бошини силтаб қўйди. - Нимага келганимизни биласанми?

Оғзига латга тикилган Фиёсов қовоқ аридек гўнғиллади.

Чўтир унинг оғзидан латгани тортиб олди. Капитан ўпкасини тўлдириб ҳаво симирди. Кўкариб кетган ялпоқ юзига қон тепди. Сув тикилиб ётган қувурдек оғзидан сассиқ ароқ ҳиди отилиб чиқди. Олимжон бошини орқага ташлади.

- Нима бало, ичингда ит ўлганми?!

- Пуллар қаерда? - Чўтир бетоқат эди. Ҳозир у билан пачакилашиб ўтиришнинг мавриди эмасди. Ишни тезроқ битириш, бу ердан туёқни шикиллатиб қолиш даркор эди. Қўни-қўшнилар пайқаб қолиши мумкин. Биров сезса, тамом. Ҳаммаси барбод бўлади.

Капитаннинг вужуди ҳамон титрарди.

- Пуллар...пуллар уйда... - Фиёсовнинг тили зўрға айланди. - Олиб чиқайми?

- Овора бўлма, бирга кирамиз, - деди Чўтир унинг бўйнидан чилвирни ечиб. - Ортиқча ҳаракат қилгудек бўлсанг, бола-чақангни ҳам аяб ўтирмаймиз. Бўғизлаб ташлаймиз! Уқдингми?

- Хотиржам бўлинг, ака. Келиб, тўғридан-тўғри пул сўраганларингда ҳам берардим. Сизлардан қизғанадиган нарсам йўқ!

Фиёсов қароқчиларни ортидан эргаштириб, ичкарига бошлади. Олдинда Олимжон борарди. Ортидан Чўтир. Қодир кўча эшик олдида қолди. Ҳовли ўртасидаги ҳовузда сув тўла эди. Атрофига экилган жамбул-у райҳонларнинг ҳиди ҳовлини тутганди. Ерга тўшалган мрамар плиталарда одам акси кўринарди.

Фиёсовнинг хаёлидан минглаб ўйлар кечди. Бир кўнгли овозининг берича бақиргиси келди. Бироқ унинг додини ким эшитарди. Қолаверса, биқинини тешиб юбораётган тўппончанинг теикиси босилишдан чўчиди. Ўлиб кетса, бу кошона кимга қолади? Бақирмаса, қочмаса, бу қароқчилар уйдаги барча бойликларни олиб кетишадикун! Нега ташқарига чиқди? Нега ўзини босқинчилар қўлига тутиб берди? Чўчқадек пишиллаб ётган аёли орқали «йўқ» дегиздириб юборса, олам гулистон эди-ку! Капитан уйдаги пулларнинг ярмини

бериб, осонликча қутулишни ўйлади. Шундай қилса, уйни тинтиб ўтиришмайди. Қутулишнинг йўли шу! Фиёсов хаёлидан ўтган бу фикрдан дили ёришди. Вужудини титратиб турган бояги кўрқув босилгандек бўлди. Дадил қадам ташлаб, меҳмонларни ётоғига бошлади. Оёқ товушларини эшитиб, аёли уйғонди.

- Дадаси, бемаҳалда эшик қоққан ким экан?

- Ўзимизникилар. Индамай ётавер. Озгина ҳисоб-китобли ишимиз бор!

- Дастурхон тайёрлайми?

- Керак эмас, улар шошиб туришибди.

- Вой-ей, ярим тунда ҳам тинмайсиз-да, а?...

Ётоқхонага кирганда Фиёсовнинг қўли қалтираб, темир сандиқни очди.

Бироқ унинг ичига қўл солишга улгурмади. Чўтир елкаси билан уни туриб юборди. Қути ичидан бир даста хорижий пуллар, автомашинанинг беш дона техник гувоҳномаси чиқди. Қутининг тепасидан эса икки қути тўппонча ўқини олди. Чўтир ўқни чўнтагига жойлади. Пулларни эса стол устига ташлади.

- Ҳаммаси шуми? - еб юборгидак қаради Фиёсовга Чўтир. - Қолгани, ўзимизники қаерда?

- Худо урсин, бошқа пулим йўқ. Топган-тутганим шу! - елкасини қисиб жавоб қилди капитан. Чўтир Фиёсовнинг орқа елкасига мушт туширди. Уй эгаси гурсиллаб ерга йиқилди. Олимжон унинг бўйнидан дўнсаб, тиз чўктирди:

- Бу пул кичкина болада ҳам бор. Бизни алдама, ит! Эсингдами, биздан қанча пул олгансан? Қасерда ўшалар? Итдек ириллаб юз эллик минг доллар пулимизни олгансан. Раҳм-шафқат қилмагансан. Пулимиз йўқ, десак ишонмагансан. Насияга кўнмагансан!

- Уларнинг ҳаммасини ишлатиб юборганман!

- О, сен-а?! Лақабингни биласанми? Ҳамма сени «Якка бўри», дейди ит! Сувни ҳам текинга бермайсан!

Олимжоннинг қаҳри қўзиди. У Фиёсовнинг чакагига мушт солди. Бурнидан шаррос қон кетган Фиёсов гиламга йиқилди. Олимжон яна унинг қўйлак ёқасидан тутиб, тиз чўктирди.

- Ёлғон гапирсанг, ўзинга қийин бўлишини инутмагин, ит! Нима, кулоғинга қўрғошин қуйиб олганмисан?!

Бу орада Чўтир дивандаги болишнинг остидан икки минг доллар ва юз минг сўм пул топиб олди.

- Бу нима, - деди у пуллар билан капитаннинг юзига уриб. Фиёсов гапиришга улгурмади. Пастки жағига тушган тепкидан юмалаб, диван тагига кираёзди. Олимжон баққуват панжалари билан уни

худди мушук боласидек тортиб олди. Ётоқхонадан аёлининг уйқусираган овози эшитилди.

- Дадаси, ҳой дадаси, тинчликми? Нега тапур-тупур қилаяпсизлар?! - Оғриқ зарбидан инграётган Фиёсов аёлининг сўзини жавобсиз қолдирди. Қароқчилар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишди. Чўтир пичоғини яланғочлаб ётоқхона томон юрди. Фиёсовнинг аёли ўрнидан туриб, тўзғиб кетган сочларини қўли билан текислаб чиқиб келаётганди. У эшик олдида ўзини Чўтирга уриб олди. Аёл рўпарасидаги баҳайбат одамни кўриб, қўрққанидан қичқириб юборди. Чўтир унинг оғзига кафгирдек кафтини босди.

- Дамингни чиқарма, мегажин! Каллангни сапчадек узиб ташлайман!

Аёл нафасини ичига ютиб, тўшақда ётган боласининг ёнига қайтди. Бургут мисол кучоғини очиб гўдагини ҳимоясига олди. Ширингина ухлаб ётган чақалоқ лабини қимирлатиб, она кўкрагини излаб тамшаниб қўйди. Чўтир мийиғида кулди. У бола томон бостириб кела бошлади.

- Яқинлашманг! Яқинлашманг! - йиғи аралаш сўзлаётган аёлнинг тилига бошқа сўз келмади. Чироқ шуъласида аёлнинг бўйнидаги ялтираб турган олгин занжирга, қулоғидаги балдоққа Чўтирнинг кўзи тушди. Қўлидаги ўткир тигли пичоқни бармоқлари билан ушлаб, чақалоқнинг қорнига тўғрилади.

- Тегманг, боламга тегманг! - ёлворди она.

- Бўйнингдаги билан қулоғингдаги тақинчоқларни еч, - буюрди қароқчи.

Аёл унинг талабини бажарди. Титраётган қўллари билан тақинчоқни ечиб, Чўтирнинг оёғи остига ташлади. Аёлнинг кўзлари тўшак устида чинқираб йиғлаётган боласида эди. Боланинг усти очилиб қолганди. Митти қўлчалари талпиниб, онасини изларди. Унинг юзи гоҳ оқариб, гоҳ кўкарарди. Она боласи томон талпинди. Бироқ Чўтир уни яқинлаштирмади.

- Яна ниманг бор? - сурбетларча аёлнинг очиқ қолган кўкрагига тикилиб сўради босқинчи, - эринг пулларини қаерга яширган?

- Буни ўздан сўранг. Мен ҳеч нарса билмайман!

- Тилло тақинчоқларингнинг қолгани қаерда?

Аёл бошини чайқади. Чўтир биғиллаб йиғлаётган гўдакнинг яланғоч қорнига пичоқнинг учини босди. Тиг боланинг қорнида қипқизил из қолдирди. Онанинг юраги ёрилиб кетай деди. Қўллари билан эмаклаб боласи томон юрди. Чўтир онанинг елкасига оёғини қўйиб, йўлини тўсди.

- Яқинлашма, пичоқ қорнига кириб кетади! - Аёл бармоқларини тишлаб йиғларди.

- Мен сендан тилла буюмларни сўрадим, айтасанми?

- Худо хайрингизни берсин, менда ҳеч вақо қолмади!

- Алдаяпсан! - Чўтир пичоқни пармадек боланинг қорнида айлантирди. Гўдак оёқ-қўларини типирчилатиб баттар додлади. Теридан қон чиқди.

- Боламни қийнаманг, пичоғингизни олинг! Шкаф тортмасини қаранг, тилло узукларим бор. Ҳаммаси сизга, фақат боламга тегманг!

Фиёсовнинг тинка-мадори қуриганди. Оғзи-бурнидан ва пешона-сидаги ярадан қон оқарди. Олимжон у билан сўроқ-савол ўтказиш ортиқча эканлигини тушунди. Асосий вазифани бажариш вақти келганди. Шу мақсадда ҳамёнидан пружинали пичоғини олди. Капитаннинг титраётган қонли бошини орқага қайирди. Ўқловдек ирғиб чиққан бўғзига қадалган пичоқнинг совуқ тиғини сездию инграб юборди. Бироқ Олимжоннинг оғир гавдаси остида қолган танасини қимирлатишга ўзида куч тополмади. Пичоқ унинг бўғзини тилиб ўтди. Деворга иссиқ қон сачради...

Капитан оёқ-қўларини типирчилатиб, хириллаган овоз чиқариб ўз қонига ўзи беланиб ётарди. Пичоқ узиб ташлаган томирлардан вишиллаб оқаётган қон деворга, гилам устига, сервантларга сачрарди. Ниҳоят, у тинчиди. Қора қўзлари очиклигича қотиб қолди. Олимжон сочилиб ётган пуларни сумкага жойлади. Ўрнидан туриб, қўшни хонага чиқди. Чўтир аёлнинг тепасида шкафдан олган бир жуфт тилло тақинчоқни томоша қилиб турарди.

- Кетдик! - деди Олимжон Чўтирга.

Чўтир биғилаб йиғлаётган боласини бағрига босиб ўтирган аёлнинг тепасида тўхтади.

- Биз кўчага чиқиб кетгунча ўрнингдан силжий кўрма. Акс ҳолда гўдагингни чавақлаб ташлайман!

Чўтир қон-қушга беланиб, танаси гоҳи-гоҳида қимирлаб турган мурда тепасига келди. Шунда Эргашбойнинг сўзлари қулоқлари остида жаранглади. Мурданинг бош томонида турган қонли пичоқда кўзи тўхтади. Эгилиб уни қўлига олди. Мурданинг калласини танасидан узиб ташлади. Бошни сочдан тутиб кўтарди. Чакиллаб гилам устига қон томди.

- Нима қилмоқчисан? - остонада лолу хайрон бўлиб турган Олимжон Чўтирдан сўради.

- Хўжайиннинг оёғи остига ташламоқчиман! - жилмайди Чўтир.

- Аҳмоқ, ташла! - буюрди Олимжон.

Чўтир унинг гапига аҳамият бермади. қонли каллани целофан халтага жойладида, эшик томон юрди.

Ташқарига чиқишганда тун ярим бўлганди. Улар келган йўллари бўйлаб, орқага қайтишди. Ахмаджоновнинг кўча эшигига етганда Чўтир тўхтади. Девор тепасидаги темир панжарага қаради. Бўйинини чўзиб, қўлидаги идишни панжарага иди. Эшик ёнидаги кўнғироқ тугмачасини босди. Олимжон шундагина унинг мақсадини тушунди.

Ўз ишига талабчан бўлган Ўринбой Ахмаджонов муқаддам Эргашбойнинг гуруҳига қўшилиб қолган, милициянинг рўйхатида турадиган кимсалар билан яна шуғуллана бошлади. Жипойи қидирув бўлими рўйхатида турган гуруҳ аъзолари милицияга чақиртирилди. Суруштирув жараёнида уларнинг кўпчилиги ҳамон Эргашбой билан алоқада эканлиги, улар пул билан мухтазам таъминлаб келинаётганлиги ойдинлашди. Бундан ташқари, гумон остига олинган айрим кимсаларнинг варақалар тарқатишга тайёргарлик кўраётгани ҳам ошкор бўлиб қолди. Ахмаджонов уларни ҳибсга олди.

Полковникнинг иши шу даражада кўпайиб кетган эдики, у хафтада бир-икки маротаба уйига бориб келишга зўрға вақт толарди. Борганда ҳам кийимларини алмаштирарди. Ўша куни у ярим тунда уйига келди. Болалари ухлаб қолишганди. Кўзи тўла уйқу бўлса-да, чўмилиш хонасига кириб соқолини олди, ювинди. Кийимларини алмаштирди. Диванга бориб бир зумгина ҳордик олмоқчи бўлди. Қанча ухлаганини билмайди, телефон жиринглаб қолди.

- Ўртоқ полковник изоляторда ётган Эргашбойнинг одамларидан бири қон томирини кесиб ташлабди, - деди навбатчи милиционер.

- Ўлдимми?

- Хушсиз холатда касалхонага жўнатилди.

- Ҳозир етиб бораман. Машинани жўнатишлар.

Худди шу пайт кўча эшикнинг кўнғироғи жиринглаб қолди. Полковник машина етиб келган бўлса керак, деган хаёлга борди. Костюмини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Тун билан тонгнинг учрашаётган палласи. Ҳаво шу қадар мусаффо, осмон шу қадар тиниқ эдики, одам нафас олиб тўймасди. Ҳовлига чиққан полковник тўйиб-тўйиб нафас олди. Танасидаги чарчоқ ва ҳорғинлик тарқаб кетди. Кўча эшик кия очик турарди. Остонани босиб ўтиши биланок полковникнинг бошига нимадир тегди. Шошиб тепага қаради. Тебраниб турган целофан пакетни кўрди. Атрофда ҳеч ким кўринмасди. «Ким қўйиб кетган бўлиши мумкин?» деган савол миясига уриди. Эшик тепасидаги чироқ атрофни ёритиб турарди. Ахмаджонов халтани қўлига олди. Олди-ю, шу заҳоти унинг бир чети йиртилиб,

коптоқдек нарса ерга тушди. У икки метрча нарига юмалаб борди. Муштдек тошга урилиб тўхтади. Полковник қаддини букиб, ерда ётган нарсага қаради. Оғиз ва бурни қонга тўлган, фақатгина катта-катта кўзлари бақрайганча очиқ қолган бошни таниб, юрагига ҳанжар санчилгандек сесканиб кетди. У беҳуш ҳолда калла олдига йиқилди.

- 10 -

Шу ўринда биз муҳтарам ўқувчиларимиздан андак узр сўраган ҳолда мавзудан чекинмоқни, Эргашбойнинг тошлай биноси олдада чўзилиб ётган Фотхуллохоннинг қисматига назар ташламоқни ихтиёр этдик...

Фотхуллохон иссиқ ва совуқни ҳис этмасди. Изғирин унинг ярим яланғоч баданига игнадек санчилар, қорайиб, йиртилиб кетган кўйлагининг этагидан тортқиларди. Озиб-тўзиб кетган шилипиб кетган баданидан қон сизиб чиқарди. Унинг тириклигини билса бўларди. Эргашбой Фотхуллохоннинг чеҳрасига совуқ нигоҳ ташлади. У ҳеч кимга гапирмади, қайрилиб боқмади ҳам. Индамай хонасига бурилди. Жангарилар ҳам бирин-кетин тарқалишди. Баъзилари юзига фотиҳа тортишди.

Фотхуллохонни бундай аҳволда ташлаб кетиш мен учун оғир эди. Нима қилганда ҳам тарбиясини олганман. Тузини ичиб, катта бўлганман. У ўлиб қолгудай бўлса, урф-одатимизга амал қилган ҳолда қабр қазиб, кўмишни ўйладим. Улмаган бўлса, Ватанга қайтариш лозим. Бу мен учун раҳбарларимнинг топшириғи бўлиб қолмай, балки уни азоб-уқубатлардан халос этишнинг ягона йўли эди. Нима қилишни билмай, бошим қотди. Хўжайин унинг жасадини кўмиш ҳақида кўрсатма берса, албатта буни ўзим бажаришга ҳаракат қиламан, деб ўйладим. Эргашбойнинг ортидан ёрдамчилари ҳам кулбага кириб кетишганди. Балки ўз сафдошларини кўмиш масаласида бирон фикрга келишаётгандир. Кўзимни эшикка тикканча атрофда айланиб юрдим. Ниҳоят, эшик очилди, хўжайин кўринди. Ортидан шериклари чиқди. Одилов қуёш нури тушиб турган мурдага боқди. Фотхуллохон ётган жойида кесак мисоли қимир этмасди. От-аравамни судраб атайин Одиловнинг ёнидан ўтдим. Арава филдираклари тошларга урилиб, дўмбирадек тарақлаган овоз чиқариб борарди. Бутун диққатим Эргашбойда эди. Унинг чақириб қолишини, Фотхуллохоннинг жасадини бирон жойга кўмиш тўғрисида кўрсатма беришини кутдим. Шундай ҳам бўлди. Одилов аввал Умарни, кейин мени чақирди. Иккимиз унинг ёнида пайдо бўлдик.

- Қишлоқдаги қабристонга кўмиб келинглари! - деди Эргашбой боши билан мурда ётган томонга ишора қилиб. - Нима қилганда ҳам ўз одамимиз. Яхши-ёмон кунларимизга қор келган. Ҳароми Илҳом ҳалигача қайтмаяпти. Балки келганда бунинг айби бор-йўқлигини аниқлаган бўлардик...

Одиловнинг сўзига ишонгим келмасди. Ахир бу ерга келганимдан буён қанча жангарилар ўлди. Уларнинг биронтаси қабристонга дафн этилмаган.

- Аравани олиб кел, - буюрди Умар менга ўгирилиб.

- Уни қаерга олиб бормоқчисан? - атайин ҳеч нарсани билмагандай сўрадим.

Гапим Умарга ёқмагани афтидан билиниб турарди.

- Қишлоқ қабристонига. - Умарнинг сўзидан ҳам Фотҳуллохонга нисбатан ҳурмат туйғусини англадим. Тавилдара қабристони лагердан уч-тўрт қақирим йироқда. Сув олиб ўтадиган йўлим шу қабристоннинг четига эди. Мурдани аравага ортиб, қабристонга йўл олганимда қуёш тафтсиз нурларини замин узра сочиб турарди. Мен тез-тез Фотҳуллохонга қараб кўярдим. Эргашбой эса уни ўлган, деб ўйлаганди. Унинг тирик қолиши ва соғайиб кетишига умид қолмаганди. Тирик одамни кўмишга инсон кўли бормаса керак. Умар-чи? У нима деркин? Шу савол хаёлимга келганда шеригимга юзландим. У бошини қуйи солиб, хаёл уммонига фарқ бўлганча нималарнидир ўйлаб келарди. Балки лагердаги азоб-уқубатлар жонига теккандир. Бир вақтлар жангариларга буйруқ бериб, ўз ҳукмини ўтказиб юрган бу йигитни бугун бошлиқ четга суриб қўйди. Кўпчилик уни назарписанд қилмасди. Бир пайтлар айрим йигитларга жабр-зулм ўтказгани учун яққаланиб қолганди. Кейинги пайтда у мен билан ҳам камдан-кам учрашадиган бўлиб қолди. Дўстлари томонидан Мозори Шарифдаги қабристонга яширилган хазинага қизиқмасди ҳам. У руҳан ва маънан қийналарди. Одамлардан ажралиб қолганди. Кутилмаганда унинг қалбида яхшилик чўғи милтиради. Фотҳуллохоннинг ўлими уни чуқур ўйга толдирганди.

Араванинг четига оёғини осилтириб, бошини ҳам қилганча бора-ётган Умар нима ҳақида ўйлаётганини уни бу ерда яшаш қизиқтирмай қўйганини, имкон топиб қочиб кетишга чоғланаётганини билдим. Ниҳоят, шеригим бошини кўтарди. Тепага қаради. Учиб юрган қушларга термудди. Бепарволик билан кетавердим. Фотҳуллохоннинг боши мен томонга оғиб қолганди. Кўкариб кетган лаблари хиёл очилган, пешонасидаги ажинлар тиришиб қолганди.

- Умар, - дедим шеригимга юзланиб, - назаримда, бу одам тирикка ўхшайди. Қара, юзи ўзгариб қолибди.

Умар елкаси оша мурдага боқди.

- Тўхтат! - деди у бирдан ранги ўчиб.

Иккимиз аравадан тушдик. Умар қулоғини Фотҳуллохоннинг кўкрагига тутди. Кўзларини юмиб, бир неча дақиқа юрак уришини тинглади.

- Юраги ураяпти! - деди у, ялт этиб менга қараркан.

- Тирик одамни қабристонга элтиш яхши эмас, - дедим.

- Энди нима қиламиз?

- Бирон йўлини топ. Қишлоқ одамларини яхши танийсан!

- Истасанг, шу қишлоқда бир танишим бор, ўшаникига олиб бориб даволаймиз. Балки тузалиб кетар! - дедим бироз ўйлаиб.

- Аммо бошлиқ-чи? Унга нима деймиз?

- У биздан сўраб ўтирибдими?

- Бу гапинг хом, - насихатомуз деди. Сўнг бир сония ўйга ботиб сўзидан давом этди. - Яхшиси, кўмиб келдик, деймиз-қўямиз. Фақат оғзингдан гуллаб қўйма. Тушундингми!

Мен бош силкитдим.

- Қани, тезроқ аравани ҳайда! - буюрди Умар.

Мен отнинг бошини Зеболарнинг кўчасига бурдим. Кейинги пайтларда Зебо мендан илгаригидек ҳуркмасди. Филдиракларнинг овозини эшитиши биланоқ кўча эшик олдига чиқиб турарди. Бу орада Валий ҳам тоғдан тушганди. У анчагина ўтин ғамлаганди. Ўтинини аравада ташиб бердим. Шу тариқа бу оила билан иноқлашиб кетдим. Улар Фотҳуллохонни қабул қилиш-қилмаслигини билмасдим.

Хайрият, Валий уйда экан. Кўча эшикни ўзи очди. Мен унга бўлган воқеани тушунтириб бердим. Беморни ичкарига олиб киришимизга рухсат берди.

Валий қандайдир ўт-ўланлардан дори қайнатиб Фотҳуллохонга ичирди. Беморнинг юзи бироз ёришди. Кўзларини очди. Зах, қоронғу, очлик ва ташналик Фотҳуллохонга анча азоб берганди.

- 11 -

Пётр Ивановичнинг қалбига ғам ва ташвиш қуюндек ёпирилиб кирди. У ҳеч қачон бундай бўлишини кутмаганди. Ёши бир жойга бориб қолганда ўз ҳамкасбларининг маккорлик ва найранг ишлатишларини ақлига сиғдиролмаганди. Виталий Дмитриевич ҳамма гапдан огоҳ бўлганлиги, қариянинг қўйнига илондек кириб, унинг сир-синоатини билиб, бошлиғига айтгани маълум бўлиб қолди. Ҳа, Виталий ўта устакорлик билан иш тутди. Худди ёш боладек алдади. Пётр Ивановичнинг назарида собиқ сафдоши унинг ҳамма режаларидан огоҳ эди. Фақат ҳурмат юзасидан «сен қандайдир оғайнинг унутиб қолдирган бойликни олиб ўтмоқчисан», деб юзига айтмади, холос.

Аммо айтгандан баттар қилди. Пётр Иванович контрразведка биносини қалбида алам ва нафрат билан тарк этди. Юрагини биров қўли билан шафқатсизларча эзғилаётгандек туюлди. Ҳаво етишмаётгандек ҳансираб, ҳаллослаб нафас оларди. Хаёл уни турли кўчаларга олиб кирарди. Кўз ўнгидан Афғонистоннинг қинғир-қийшиқ кўчалари, бомба остида харобага айланган ва бағрида каттагина бойликни яшириб ётган банк биноси кетмади.

Пётр Иванович уйига келганда ҳам юрагидаги санчиқ босилмади. Аччиқ ва аламли ўйлардан қутулолмади. Шунча қилган саъй-ҳаракатлари охир-оқибат барбод бўлди. Қайтанга қийналгани, қувонганию азоблангани қолди. Ефим Егорович бу ҳақда нима деркин?! Афғонистонга ўтиш режаси барбод бўлганини эшитса, унинг ҳам хаста юраги қийноқларга бардош бера олармикан?! Бир ҳисобдан унинг эшитгани, бор ҳақиқатни билгани маъқул.

Пётр Иванович ўрнидан турди. Гўшакни қўлига олиб рақамни терди. Ефим Егоровичнинг уйқусираган, синиқ овози эшитилди. Таниш овозини эшитиб бирдан дадиллашди.

- Қандай хушxabар? - сўради Ефим ва дўстининг жавобини кутиб жим қолди.

Даб-дурустан режаси барбод бўлганини айтишга Петр Иванович қийналди. Аммо ўзи сезмаган ҳолда:

- Ишлар чатоқ, дўстим, - деб оғзидан гулаб қўйди.

- Нега, нима бўлди? - шошиб сўради Ефим Егорович.

Пётр Иванович мақсадга кўчди.

- Афғонга ўтиш режаси барбод бўлди.

- Рухсат беришмадимми ёки ўзинг айнидингми?

Пётр Иванович ўз обрўсини ва ҳурматини сақлашни яхши биларди. Бошқарма раҳбарлари унга ижозат бермаганлигини айтишни истамади.

- Соғлигимнинг мазаси йўқ.

- Гапинга тушунмадим. Нима бўлди, очиқроқ айт!

Пётр Иванович безовта юрагининг устига қўлини босди:

- Юрагимнинг мазаси йўқ, - деди.

- Бирон ёрдам керакми?

- Кераги йўқ, ўтиб кетади...

Пётр Иванович яна нимадир демоқчи бўлди. Ҳақиқатдан ҳам юраги боягидан қаттиқроқ гурсиллаб урар, вужуди ҳолсизланиб борар, оёқ-қўлларини совуқ тер босганди. Бирдан нафас олиши қийинлашди. Оғзини очиб, ҳаво симирди. Бирок уй ичида ҳаво йўқдек, биров томоғидан бўғаётгандек ранги кўкариб, кўзлари косасидан ирғиб чиққудек катта-катта бўлиб кетди. Қўлидаги гўшак ерга

тушди. Бошини курси суянчигига ташладию кейин нима бўлганлигини эслаёлмай қолди...

Кутилмаганда алоқанинг узилиб қолиши ва телефондан ҳамон шириллаган товуш келаётганидан Ефим Егорович қўрқиб кетди. Унинг кетма-кет «Петя, Петя», деган сўзлари жавобсиз қолди. Ефим гўшакни жойига илиб, елкасига костюмини ташлаб, ташқарига отилди...

- 12 -

Чўтир тонг ёришмай Олма-Отага жўнаб кетди. Қодир пулларни белга тутиб Тожикистонга о... лқди. Олимжон эса шаҳарда қолди. Бу ердаги тўс-тўполон босилгунча уйда яшириниб ётишни маъқул топди. Одиловни Тожикистонга одам юбориш тўғрисидаги топширигини бажариш зарур эди. Гиёсовни номаълум шахслар уйда бўғизлаб кетгани тўғрисидаги хабар бир зумда атрофга ёйилди. Шаҳарга олиб кириладиган барча йўлларга кучайтирилган милиция постлари қўйилди. Машиналар назоратга олинди. Милиция ходимлари тонг ёришмасдан оёққа туришганди. Олимжон уйга қайтиб, бошини ёстикқа қўйганда хаёлига турли ўйлар келиб, баттар асабийлашди. Капитаннинг уйдан топилган кулдон мелисаларнинг эътиборини тортдимикин?! Аҳамият беришган бўлса, Ҳамидни тутиб кетишган. Ахир у бир эмас, икки бор қамалган. Қамалган одамнинг бармоқ излари сақланади. Дарров солиштирилшган. Ахир шаҳарда бирор жиноят содир этилса, албатта, экспертлар бармоқ изларини олишадику! Шундай бўлгач, Ҳамид ҳибсга олинмасдан очикда қолармиди?! Тавба, терговда нима деркин?! Айб қилганини тан олдиришади. Бундай одамларни тавбасига таянтирмай қўйишмайди. Бошига итнинг куну тушади. «Сен ўлдиргансан, мана, қўлимизда далилимиз бор, деб резина таёқ билан елкасига икки бор солишганда бўйнига олишга мажбур бўлади. Олимжоннинг кўз ўнгига эгнидаги кийимлари йиртилиб, баданлари кўкариб ерда беҳуш бўлиб ётган Ҳамид келди. Унинг аянчли аҳволини кўз олдига келтирди-ю, жилмайиб қўйди. «Ҳа, қалайсан энди! Кўрпанга қараб оёқ узатганидан, ким билан ўйнашаётганини билганинда, бизнинг йўлимиздан юрганинга эди, бошингга бу савдолар келмасди. Турмага тушсанг кўрган кунларинг ҳолва бўлади. Бошлиқнинг у ерда ҳам одамлари бор. Улар сени бир кундаёк эшак минган мулладек қилиб қўйишади. Хўжайин бўйнингни сапчадек узиб ташлайди. Сен қачондан бери ўзингдан юқори турадиган одамларга гап қайтарадиган, уларнинг топширигини бажаришдан бўйин товлайдиган бўлиб қолдинг? Қачондан бери ботир бўлиб қолдинг? Одиловга қарши туришга

қандай ҳолинг бор?! Ахир унга катта одамлар ёрдам беришмоқда. Кучли одамлардан таниши бор. Сен ўзи кимсанки, мелисалар гапинга ишонса?!»

Бу гапларни Олимжон худди қаршисида Ҳамид тургандек овоз чиқариб, ғижиниб, нафрат билан айтди. Кутилмаганда Олимжоннинг хаёлига «бордию, кулдонни таниб, унга қарата улоқтирганини эслаб, «Бу Одиллов одамларининг иши», деб бўлиб ўтган воқеани терговчига сўзлаб берса-чи?! Унда қилган тоат-ибодатлари чиппақка чиқмай-дими?!», деган ўй келди. Юраги увишиб кетди.

Олимжон туни билан ўй суриб чиқди. Шомга яқин одамларидан бири ҳовлиқиб кирди.

- Ҳамидни мелисалар тутиб кетишибди, - деди ҳаллослаб.

- Нимага? - ранги қув ўчган Олимжон буни атайлаб, гўё ҳеч нарсадан хабарсиздек сўради.

- Мелисани ўлдирганмиш!

- Қайси мелисани?

- Фиёсовни!

- Сен бу хабарни кимдан эшитдинг?

- Бутун шаҳарда дув-дув гап!

Олимжон бирдан хомуш тортди. Кўз олди қоронғулашди, кўнгли-нинг бир четини ваҳимали ўйлар ўртади.

- Менга қара, Вали! - деди у одамига. - Мен Тошкентга кетаяпман. Эртага Комил келади. Биргалиқда мардикор бозорига ўтиб, йигирма-ўттизта ишончли йигитларни йиғиб, зудлик билан хўжайиннинг олдига жўнатинглар. Йўл ҳақини Комил тўлайди. Аҳмаджонга айтиб қўй, оғзим бор, деб ҳар жойда гуллайвермасин. Тилини суғуриб оламан. Бошқаларнинг ишига тумшуғини суқмай, ўзига топширилган вазифани уддаласин.

Олимжон ташқарига чиққанда қуёш тоғларни лола рангга бўяганди. Ҳали қор тушмаган тоғ чўққиларига алвон шуъла сочиб турарди. Шаҳарга ғира-шира қоронғулик чўкканди. Олимжон одамлар нигоҳига чалинмасдан ўзининг янги манзили томон ошиқди...

- 13 -

Жиноят қидирув бўлими тезкор ходими Алишер Убайдуллаев Фиёсовнинг ўлимига оид барча маълумотлар билан танишиб чиқди. Бу қотиллик ҳам муқаддам содир этилган жиноятларнинг айнан ўзи эди. Жиноятнинг бир вақтда содир этилиши, ўхшашлиги қандайдир жинойий гуруҳ томонидан амалга оширилганлигини исботлаганди. Бироқ Отабоевнинг ўлимида гумон қилинаётган шахс ҳануз қиди-

рувда. Бўлимнинг тажрибали изқуварлари кунни тунга улаб, олиб бораётган саъй-ҳаракатлари самара бермаётганди. Қотил қаерда? Қаерга беркинган бўлиши мумкин? Наҳотки, у вилоят ҳудудидан чиқиб кетган бўлса? Кутилмаганда Фиёсовнинг ўлдириб кетилиши ҳам Убайдуллаевнинг руҳини туширганди.

Эшик очилиб, криминалист, экспертиза бўлимнинг бошлиғи, Раҳимов кирди. У кўлидаги дактилоскопик экспертиза хулосасини подполковникнинг столига қўйди.

- Марҳумнинг уйдан топилган сигарета кулдонидан Ҳамиднинг бармоқ излари топилди.

- Қайси Ҳамидни?

- Ҳамид Рустамовнинг. Муқаддам ўғрилик билан икки бор судланиб, ўтириб чиққан!...

Алишер Убайдуллаев эслади: уни яхши танирди. Юмалоқ, оқ-сарикдан келган юзини кўз олдига келтирди. Бироқ унинг қотиллик қилишига ишонмади.

- Мен уни яхши биламан. Аммо қотиллик қилганига ишонмайман, - деди.

- Кулдон ташқарисида фақат Ҳамиднинг бармоқ излари қолган. Фиёсовнинг бармоқ излари эса кулдоннинг ичкарасидан топилди.

- Бу билан нима демоқчисиз? - ажабланди изқувар.

- Мени бир нарса ўйлантираяпти, - деди Раҳимов вазминлик билан.

- Бармоқ изларининг жойлашувига қараганда, Рустамов кулдонни бир маротаба ушлаган. Ушлаганда ҳам чангаллаган...

- Балки Фиёсовни кулдон билан урмоқчи бўлгандир?!

- Бўлиши мумкин, аммо Рустамовнинг изи бошқа жойдан топилмади.

- Демак, қотилликни Рустамов содир этган дейишга асосимиз бор.

- Бу ҳали аниқ эмас, тергов жараёнида қотилликка аниқлик киритилар, - деди Раҳимов.

Убайдуллаев ички телефон гўшагини кўтарди.

- 14 -

Ҳамид туни билан терговчининг қора курсида ўтириб чиқди. У қотиллик содир этилган тун ишхонасида бўлганлигини, у ердан тунги соат ўн иккиларда чиқиб кетганлигини айтсада терговчи унинг сўзларига ишонмади. Убайдуллаевнинг шубҳасида асос бор эди. Суд-тиббий экспертизаси Фиёсов тунги соат бирлар чамасида ўлдирилган, деган кўргазма берганди.

Бунинг устига капитаннинг хотини қароқчилар айнан шу пайтда

бостириб киришганини сўзлаганди. Шу сабабли ҳам терговчи айбланувчининг сўзларига ишонишни истамади. Ишга алоқаси бўлмаган қандайдир бемаъни саволлар бериб, Ҳамиднинг фикрини чалғитишга уринар, кейин бошқа одам қиёфасига кириб, уни қийноққа соларди. Айбини бўйнига олишга ундарди.

- Сен мени лақиллатма. Сенга ўхшаганларнинг кўпини кўрганман. Тўғриси айт. Айтмасанг, бор ҳақиқатни яширсанг, отиласан! Сен ўз шерикларинг билан Фиёсовнинг уйига бостириб кириб, ундан пул талаб қилгансан! Капитаннинг хотини буни тасдиқлайди. Буни инкор қилолмайсан?! Қўлимизда далилий ашёлар бор, - дея Ҳамиднинг юзига тупук сачратиб ўшқирди Қўчқоров. - Яна бир бор огоҳлантираман, айбингга иқрор бўл, менга ҳаммасини сўзлаб бер. Фиёсовни ўлдирганим тўғри, де. Унутма, чин дилдан иқрор бўлсанг, суд буни ҳисобга олади. Ҳой бола, кўзларимга қара, Фиёсовга нисбатан юрагингда адоватинг бор эди, шундайми? Нима сабабдан ўлдирдинг?! Гапир!

Бу саволлар Ҳамиднинг асабини баттар қақшатар, пешонасига шундай чаласавод, кўрс терговчи тушганидан афсус ила надомат чекарди. Ўзининг тўғри ва рост сўзларига ишонтиролмаслигига ақли етганди. Шу сабабли жим ўтиришни лозим топди. Айбланувчининг бундай ўтириши терговчининг кўнглидаги гумон-у шубҳаларни баттар кучайтирарди.

- Баракалла, ўйлаяпсанми? Ўйла, ҳаммасини эсла. Фиёсовнинг ҳовлисига ким билан кирганинг, ойлик иш ҳақи билан тирикчилигини зўрға тебратаётган шўрлик капитандан қанча пул талаб қилганингни эсла!

Тепакал, кўз томирларига қон қуйилган, хонанинг дим ҳавосидан юзи бўғриқиб кетган Қўчқоров юмшоқ курсига суянганича ўлжани пойлаб ётган қашқирдек Ҳамидга тикилиб ўтирарди. Қайсар ва ўжар табиатли бу одамни гапиртириш, айбига иқрор қилдириш учун қўлида етарлича далил йўқлигидан хуноб эди. Қўчқоров ўзининг иш даврида бундай «писмиқ» одамларга илк бор дуч келиши эмасди. Қўлига ишониб топширилган ишни аксари ҳолда ниҳоясига етказолмай бошқа терговчиларга ошириб юборган пайтлар кўп бўлган. Икки йилдан бери раҳбарият мураккаб ва оғир жиноятларни унга топширмай қўйганди. Бўлимнинг тажрибали терговчилари таътилда ва хизмат юзасидан сафарда бўлганлиги боис Ҳамидни сўроқ қилиш унинг чекига тушганди. Қўчқоров яна бошлиқларнинг ишончига кирдим, деб ўйлади. Саккиз йилдан бери поғонидаги тўртта юлдуз ниҳоят, кўпайишига умид боғлаганди. Нафақага чиқишига ҳам оз

қолганди. Бундан ташқари, ёш, тажрибали йигитларнинг ишга келаётгани уни ташвиш ботқоғига ботирганди. Жиноят ишини очишга тиш-тирноғи билан киришди. Ҳамидни айбига иқрор бўлишга кўп бор ундади. Алдади. Бироқ терговчи учун муҳим бўлган нарса – киши руҳини тушуниб етмаслик, унинг қалбига қулоқ солмаслик, гапини тингламаслик, шахсиятига ботадиган кўпол муомала билан қаттиқ ранжитиш каби ўз камчиликларига аҳамият бермасди. У биргина нарсани биларди ва шунга қаттиқ амал қиларди: «Сен айбдорсан, қамалашинг керак!» Унинг энг катта хатоси шунда эди.

Қўчқоровнинг сабр косаси тўлди. Тонг ёришмоқда эди. Уфқ аста-секин бўзариб келмоқда. У бундан ортиқ қутолмаслигини тушунди. Ахир ҳадемай бошлиқлар ишга келади. Ундан тергов натижасини сўрашади.

- Ўйлаб бўлдингми? Ҳаммасини эсладингми? Қани, воқеани бир бошдан сўзлаб бер-чи? Фиёсовнинг ҳовлисига қандай кирдинг? Шерикларинг ким эди? Фиёсовдан қанча пул талаб қилдинг?

Бу сўзларни эшитиб Ҳамиднинг баттар гаши келди.

- Мен Фиёсовни ўлдирмадим! - бошини кўтариб жавоб қайтарди Ҳамид.

- Ўлдиргансан! - Қўчқоров чўғни босиб олгандек ўрнадан сапчиб турди. Зарб билан столи муштлади. - Менинг қўлимда сенинг қотиллигингни исботловчи далил бор!

Терговчи жаҳд аралаш стол тортмасидан кулдонни олиб, айбланувчининг олдига қўйди.

- Бу идишда сенинг бармоқ изларинг қолган! Хўш, яна сенга қандай далил керак? Қилғиликни қилиб, яна ўлдирмадим, дейсан-а, инсофсиз. Яхшиликча мана бу қоғозга қилган ишларингни, шерикларингни номини ёз.

Ҳамид кулдонни таниди. Қиррасидаги учган жойи кўзига иссиқ кўринди. Эслади: бу билан Олимжонинг башарасига солганди. Аммо идиш қандай қилиб Фиёсовнинг хонасида пайдо бўлиб қолдийкин? Ким уни қотиллик содир этилган жойга ташлаб қўйди? Ёки атайлаб уоштирилганми?!

Ҳамиднинг боши қотди. «Аблаҳ, бу Олимнинг иши. Қилғиликни қилиб, айбни менга тўнкаш мақсадида Фиёсовнинг уйига ташлаб кетибди-да»!

Ҳамиднинг совуқ ифода акс этиб турган кўзини кулдондан узмай турганини кўриб, терговчининг кўнглидан «қалайсан, қўлга тушдинг-ку», деган ўй кечди.

- Хўш, энди ҳам айбингни тан олмайсанми? - жилмайиб деди Қўчқоров. Унинг титраб турган юзидан ўзига бино қўйганлиги сезилиб турарди.

Ҳамид бошини кўтарди. Ўзининг совуқ сўзлари билан нафсония-гига тегаётган терговчининг саволига жавоб қайтаришни истамади.

- Йўқ, - деди вазминлик билан. - Мен сизнинг саволларингизга жавоб бермайман. Бошқа терговчи сўроқ қилишини талаб қиламан!

Бу сўз Қўчқоровнинг бошига тўқмоқдек урилди. Ҳамиша ўзининг қўпол сўзлари, столга мушт уриб ўшқаришлари, икки гапнинг бирида «қамаласан», деб дўқ уриши билан гумон қилинувчиларни қўрқитишга ўрганиб қолган Қўчқоров кутилмаганда Ҳамиднинг айниб қолганидан ҳайрон эди. Айбланувчининг талабини бажаришга рўйхушлик беришни истамади.

- Ҳозир бу ерда бекорчи ходим йўқ, иннайкейин, бу жой сенга онангни қўраси эмас, истаган талабингни қўядиган, - деди пинагини бузмай Қўчқоров.

- Унда мени Убайдуллаев билан учраштирсангиз, - синиқ оҳангда илтимос қилди Ҳамид.

- Унга айтадиган қандай гапинг бор? Нима ва ким ҳақида суҳбатлашмоқчисан? Ёки устимдан шикоят қилишни хоҳлаб қолдингми? Агар шундай ниятинг бўлса билиб қўй, унга подчинённый эмасман!

Қўчқоров бу гапни айтишга айтдию тезда тилини тишлади. Бошқа терговчи талаб қилиб, обрўсизлантиргандан кўра, Убайдуллаев билан учраштиргани афзал. Ҳар қалай бошлиқлар унинг талабини эшитиб қолгудек бўлса, обрўйига путур етади. Ишни бошқа терговчига топшириб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас.

- Олдин гапингни менга айт, кейин у билан учраштираман! - деди атайлаб овозини кўтариб Қўчқоров.

- Боя айтдим-ку, мен сизга сўроқ бермайман деб! - қатъийлик билан сўзида туриб олди Ҳамид.

Қўчқоров ичидан эзилди. Унинг талабини қондиришдан ўзга иложи қолмаганди. «Балки Убайдуллаев билан суҳбатлашса, фикридан қайтар. Бошқа терговчини хоҳламай қолар». Ўзининг қўпол ва дағал муомаласи билан «қовун» тушириб қўйганлигини англаб етган Қўчқоровнинг хаёлидан шу фикр кечди. «Бўш келсанг, салгина жилмайиб қўйсанг, булар бошингга чиқиб олишади. Бошқа терговчини талаб қилиш у ёқда турсин озодликка чиқариб юбор, деб даъво қилишдан ҳам қайтишмайди. Чучварани ҳам санабсан. Сен ашаддий

жиноятчисан. Айбингни исботлаш учун кулдоннинг ўзи етарли. Қани, гуноҳингни бўйнингга олмай кўр-чи? Сени осонликча бошқа терговчига топшириб юборадиган аҳмоқ эмасман. Булбулдай сайратайки, айбингга иқроп бўлганингни ўзинг билмай қоласан. Майли, ҳозирча Убайдуллаев билан учраш, зора, эсинг кириб, фикрингдан қайтсанг!»

Қўчқоров ички телефон гўшагини кўтарди.

- Ўртоқ Убайдуллаев, салом. Бу мен, Қўчқоровман. Ҳа, раҳмат, сиз билан Фиёсовнинг қотили аристон Рустамов гаплашмоқчи. Вақтингиз борми? Билмайман, зарур гапим бор деяпти. Ишга оид бўлса керак-да! Хўп, кутаман!

Қўчқоров гўшакни жойига қўйди-да, кўз қири билан Ҳамидга қараб қўйди. Ташқарида тонг ёришиб қолганди. Уфқни алвон рангга бўяб, қуёш кўтарилган, дарахтларнинг сарғайиб, олтин рангга бўялган япроқларига қуёшнинг қизғиш шуъласи ажиб гўзаллик бахш этганди.

Ҳамид ташқарига боққанча ўйга толди. Олимжоннинг ўша кунги сўзларини яна хотирасида тиклашга уринди. Улоқтирган кулдон ерга тушдимиди-йўқми, бунга аҳамият бермаганди. Кулдон унинг кўкрагига, сўнг костюмининг ичига кириб қолганидан беҳабар эди. У Олимжоннинг қўлидан ҳар қандай ёмонлик келиши мумкинлигини биларди. Аммо бу қадар пасткашликка боришини, ўз айбини бошқаларга ағдаришини кутмаганди.

Эшик очилиб Убайдуллаев кирди. Унинг кўзлари шишинқираб, қовоқлари салқиган эди. Подполковник Ҳамиднинг рўпарасига ўтирди.

- Чекишга бирор нарсангиз борми? - сўради Ҳамид.

Убайдуллаев ён чўнтагидан бир қути сигарета олиб, Ҳамидга узатди.

- Ҳаммасини ола қолинг! Менда бор, - деди Убайдуллаев сигарета қутисини айбланувчининг олдига суриб.

Мана шу икки оғиз илиқ сўз Ҳамидни унга яқинлаштириб қўйди.

- Сизга айтадиган муҳим гапим бор, - деди Ҳамид сигаретани ўт олдирад экан. Унинг бирдан жимиб қолганини сезган Убайдуллаев терговчига юзланди.

- Илтимос, бизни холи қолдирсангиз.

- Ўзингизни-я?! - ҳайратдан елка қисди терговчи. - Бунинг қўлига кишан солиб қўяйми?

- Керак эмас, - рад қилди подполковник.

Ёлғиз қолишгач, Ҳамид Олимжон билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни сўзлаб берди. Муқаддам содир этилган шундай воқеалар ҳақида гапирди. Подполковник унинг сўзларини диққат билан тинглади. Қотилликда Олимжоннинг қўли борлиги, жиноятни содир

этиб, маккорлик йўлини ихтиёр этиб, Ҳамиддан ўч олиш ниятида куддонни ўзи билан олиб кетганлигини тушуниб етди.

Тезкор гуруҳ ходимлари Олимжонни уйдан топишолмади. Аёли унинг қаерга кетганлигини айтмади. Икки кун олиб борилган қидирув ишларининг натижаси чиқмади. Бунинг устига Ҳамидни қамоқда ушлаб туриш муддати тугаганди. Қўчқоровнинг ичини ит тирнарди. Кутилмаганда терговнинг тугатилиши унга ёмон таъсир қилганди. Тергов ҳаракатини тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берган бўлим бошлиғига ўз норозилигини айтди.

- Сиз янглишяпсиз, ўртоқ подполковник. Фиёсовни ўлдирган мана шу одам бўлади. Кўнглим сезиб турибди. У ўзини оқлаш, қолаверса, муддатни узайтириш учун бизни лақиллатмоқда. Эртага изоляторда ушлаб туриш муддати тугайди. Айбимни бўйнимга қўя олмадиларинг, мени чиқариб юборинглар, деб дўқ-пўписа қилади, - деган сўзларни айтди.

Улуғбек Иномов Қўчқоровнинг сўзини жимгина тинглади. Капитаннинг шошма-шошарлиги, айбдор қолиб ноҳақ кимсанинг бўйнига қотиллик айбини қўйишга ошиқаётганининг сабабини тушунолмай ҳайрон эди.

- Ҳамидни изолятордан чиқариб юборганимиз билан биз ҳеч нарса ютқазмаймиз. Фақат бир бегуноҳ кимсани уч-тўрт кун изоляторда ушлаб турганимиздан виждонимиз азоб чекади холос. Кўнглим сезиб турибди, Ҳамиднинг қотилликка алоқаси йўқ, Ҳамма ишни Олимжон қилган. У бежиз яшириниб юргани йўқ! - деди Иномов.

Бу орада Убайдуллаев Ҳамид билан яна бир бор учрашиб, Олимжонни излаб топишолмаётганини айтди. Ҳамид рақибини шаҳарда яшириниб юрганини такрор ва такрор айтди. Бироқ уни қаерга беркинганлиги тўғрисида аниқ маълумот беролмади. Одамларидан бири бир вақтлар Олимжоннинг қўлида ишлагани ёдига тушиб қолди. Ўша йигит унинг жонига оро кириши мумкин эди.

Ҳамид ишхонасига қўнғироқ қилди. Гўшакни йигитларидан бири олди.

- Шермат қаерда? - сўради Ҳамид.

- Яқинда шаҳарга тушиб кетганди! - жавоб қайтарди гўшакни олган йигит.

- Зудлик билан топ! Ишхонада ўтирсин. Олдига одам боради. Айтган топшириқни бажарсин. Тушундингми?

- Нега буни бизга илгарироқ айтмадингиз, - сўради. Убайдуллаев ҳафа бўлгандек.

- Ўйлаб-ўйлаб ёдимга тушди, - деди Ҳамид бош чайқаб.

Шермат Олимжоннинг шаҳар ташқарисидаги хуфёна уйдан хабардор эди. У жиноят содир этгач, бир-икки ҳафта ана шу кулбасида яшириниб юрарди. Шермат унга мунтазам озиқ-овқат етказиб бергани учун бу кулбадан воқиф эди. Қолаверса, ўзининг ўта ишончли ва садоқатли йигитлари билан шу ерда пинҳона учрашиб, маслаҳатлашиб бажариладиган ишларнинг режасини тузишарди. Томи қийшайиб, деворлари чўкиб кетган бу кулбада одам яшашига биров ишонмасди. Бироқ ҳароба ва вайронага айланган кулбанинг ичи чиройли қилиб безатилганди.

Шермат ўз кўзи билан кўрган бу бино ҳақида Убайдуллаевга биланларини сўзлаб берди. Подполковник Шерматдан ўша бинони кўрсатиб қўйишни илтимос қилди.

- Олимжоннинг уйи шаҳардан олисда, - деди Шермат. - Қирнинг орқа томониغا жойлашган. У ерга бориш хатарли!

- Нега?

- Унинг қуроли бор!

- Кўпчиликми?

- Олимжон кўпчиликни ёқтирмайди. Ёлғиз яшашга одатланган. Бегона одам борса, қурол билан кутиб олади.

- Шундай дегин. Яхши, у ҳақда яна нималар биласан? Шериклари ким? Биронтасининг исми ёдингдами?

- Йўқ, мен унинг шерикларини танимайман. Фақат биттасининг исмини биламан. Абдулла деб чақиришади. Илгари универмагда сотувчи бўлиб ишлаган.

- Бизни ўша уйга бошлаб боришдан қўрқмайсанми?

- Нега қўрқар эканман?

- Унда, йўл бошла!

Шермат костюмини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Машина катта асфальт йўлга чиқиб, тезликни оширди. Шаҳардан чиқиб қўшни Қирғизистон республикаси билан чегарадош адирликлар ўртасидаги сўқмоққа буриди. Йўл нотекис эди. Машина қийналиб юрди. Туянинг ўрқачини эслатувчи икки чўққининг ўртасидаги пастликка келишганда Шермат машинани тўхтатишни илтимос қилди.

-Бу ёғига пиёда борамиз, - деди йўл бошловчи. - У томонга машинада бориб бўлмайди.

- Ҳали узоқ юришимиз керакми? - сўради тезкор гуруҳ ходимларидан бири, атрофга кўз югуртириб.

- Бир чақиримча масофа қолди...

Шермат олдинга тушиб йўл бошлади. Тақир қир бағрида кўзга ҳеч нарса кўринмасди. Қуёш нуридан товланиб ётган олтин ранг тупроқ

сукунат кўйнида мудрарди. Улар икки чўққидан ошиб ўтишди. Рўпараларидан кўримсиз кулба чиқди. Атрофи шох-шаббалар билан тўсилган уйнинг деразаси кўриниб турганлиги боис, тезкор гуруҳ ходимлари орқа томондан айланиб ўтишга қарор қилишди. Ҳақиқатдан ҳам иморатнинг сувоқлари кўчиб, девори бир томонга ёнбошлаб қолганди. Ичкарида одам яшаши у ёқда турсин, ҳатто киришга ҳам юрак дов бермаслиги шундоқ билиниб турарди. Убайдуллаевнинг йигитлари халқа шаклида уйнинг атрофини ўраб олишди. Улар шарпа чиқармасдан уйга яқинлашиб келдилар. Ичкарида овоз эшитилмасди. Дераза ойналари чанг босиб қорайиб кетганди. Ичкарини кўриб бўлмасди. Бунинг устига деразага парда тортилганди. Тарашадек қотиб қолган ерда оёқ изи кўзга ташланмасди. Муродилла эшикка яқин келди. Жимжитлик. У қўлтиғи остидан тўппончасини олди. Шу пайт ичкаридан варанглаган ўқ овози эшитилди. Эшикнинг тахтасини ўпириб чиққан ўқ Муродилланинг сочини ялаб ўтди. Подполковник ўзини ерга ташлади.

Қолган ходимлар ҳам ерга ётишди. Иккинчи ўқ дераза ойнасини синдирди.

- Нега келдинг Алиш! - ичкаридан Олимжоннинг бўғиқ ва ғазабли овози эшитилди. - Сенга минг маротаба айтганман. Мени изимга тушмагин деб. Энди ўзингдан кўр! Ажалинг шу ерда битган кўринади! Яхшиликча кўппакларингни олиб, туёғингни шиқиллатиб қол!

- Сен билан гаплашгани келдим! - Алишер бошини кўтарди ва катта-катта кўзларини дераза томон тикди. - Меҳмонни ўқ билан кутиб олишингни билмас эканман!

-Тулки, ҳалиям айёрлигинг қолмабди-да! Нимага келганингни биламан! Ҳамиднинг лайчаси сенларни бу ерга бошлаб келган!

Олимжон билан тортишиб ўтиришнинг мавриди эмасди.

- Менга қара Олимжон, яхшиси қуролингни ташла! Таслим бўл, биз кўпчиликмиз! - деди Алишер.

- Аҳмоқ! Мен сенинг қўлингга ўзимни топширмайман? Жинни-мисан! Ҳали яшагим бор. Сенга ўхшаган эски танишларим билан ҳисоб-китобим тутаганмас! Биз бир-биримизга душман одамлармиз. Бу гапни кўп бор айтганман. Ё эсингдан чиқдимми!

- Эсимда! Кел, энди ўша гина-кудратларни унут. Ташқарига чиқ, қуролингни ташла! Ўзингга осон бўлади.

- Алдаяпсан-а?!

Бу орада гуруҳ аъзоларидан иккитаси деворни пана қилиб, дераза олдига келди. Ўқ тегиб, ойнаси синиб тушган тешиқдан аччиқ тутун

тарқатувчи мосламани ичкарига улоқтиришди. Бир зумда уй ичи қуюқ тутун ичида қолди. Олимжон ўқ узди. Ойналар синиб тушди. У бўғилиб, ўкчиб-ўкчиб йўталарди. Бир неча дақиқадан сўнг қўллари билан оғиз бурнини беркитиб коптоқдек отилиб ташқарига чиқди. Икки изқувар унга ташланди. Олимжон уларни ёнига йўлатмади. Тўппончасини йигитларга тўғрилади. Бироқ барча ўқни уй ичида отиб бўлганлигини унуттанди...

- 15 -

Қўлига кишан солинган Олимжон жиноят қидирув бўлими хона-сига олиб кирилди. Дилшод Имодиннов бир ҳафтадан буён тутқич бермай, қочиб юрган Олимжоннинг қорайиб, соч-соқоли ўсиб кетган чўяндек юзига нигоҳ ташлади-ю негадир жилмайиб қўйди.

- Учрашган жойимизни қаранг? - деди бошлиқ бошини чайқаб. - Сиз билан бундай аҳволда учрашаман, деб сира ўйламагандим. Аҳдингиздан қайтмаган экансиз-да!

- Қисмат, начальник. Пешонага ёзилгани шу бўлса, тақдирдан қочиб қутилармидик! - Пинагини бузмай жавоб қайтарди Олимжон.

- Ўтган икки йил ичида тажрибангиз ошибди. Криминалистикадан хабардор бўлиб қолибсиз. Жиноятни қилиб, айбни бошқаларга ағдариш сиздек йигитга ярашмаса керак?

- Менга қаранг, ўртоқ начальник, келинг энди унутинг ўша ўтган ишларни, мақсадга ўта қолинг. Хўш, нега мени бу ерга олиб келдингиз?

- О, - деди Дилшод Имодиннов гумон қилинувчининг бошидан оёғигача кўз югуртириб. - Анча жиззаки бўлиб қолибсизми? Шош-масангиз ҳам, сизга берадиган саволларимиз етарли!

Бўлим бошлиғи ходимларига ўғирилди.

- Кишанни ечинглап!

Мирзаев Олимжон билан роппа-роса икки йил муқаддам мана шу хонада учрашганди. Ўшанда подполковник уни жиноятчи сифатида эмас, балки шаҳарда эндигина шаклланиб келаётган Одиловнинг янги ташкил этилган гуруҳи аъзоси сифатида чақиртирганди. Олимжон бугунгидек бетга чопар, жиртаки эмасди. Гуруҳнинг иши, мақсади жиноятчилик ва талончиликдан иборат эканлигини, бу ишнинг охири бахайр бўлмаслигини, имкон борлигида фойдали иш билан шуғулланиш кераклиги ҳақида унга дўстона маслаҳат берганди.

Ўшанда Олимжон бошлиқнинг сўзларини жимгина тинглади. Бироқ кетиш олдидан тўнини теёкари кийиб олди:

- Бошга тушганини кўз кўради, ўртоқ начальник! - деди у қизариб-бўзариб кетган юзидаги терни артиб. - Мен ўғри ҳам, босқинчи ҳам эмасман! Мен аъзо бўлган гуруҳ одамлари бундай иш қилишмайди. Биз ўз ғоямиз йўлида курашамиз. Шу ғоя йўлида қурбон бўламиз. Ортага чекиниш - биз учун ўлим! Сиз айтган жиноятларни эса бизнинг гуруҳимиз номидан иш кўраётган айрим ғаламис кишилар амалга оширган. Қўлингиздан келса, уларни тутинг, биз билан юзлаштиринг. Ҳеч қандай далилий ашёингиз бўлмай туриб, бизни ўғри ва босқинчи, деб айблаб олмайсиз. Сизга маслаҳатим: менинг изимга тушиб, қимматли вақтингизни бекорга совурманг!

Подполковник унинг сўзларини жимгина тинглади. «Майли, бир сайраб ол-чи», деб қўйиб берди. Бошлиқнинг қўлида далилий ашё ва маълумотлар етарли эди. Фақат бу ёш йигитнинг йўлидан адашганини тушунтириб қўймоқчи эди. Олимжон эса буни хоҳламади. Кетиш олдидан Имоддинов яна бир бор уни огоҳлантирди.

- Менинг сўзларимни ўйлаб кўринг. Яна бир бор айтаман, танлаган йўлингиз сизни жарликка элтади. Имконингиз борида ўзингизни ўнглаб олинг.

- Маслаҳатингиз учун қуллуқ! - деди масхаромуз жилмайиб Олимжон. - Бундан кейин нима қилишимни, албатта, ўйлаб кўраман.

- Яхшилаб ўйлаб кўринг. Ишқилиб яна шу ерда учрашмасак бўлгани, - деганди ўшанда Олимжоннинг киноясидан жаҳли чиққан Имоддинов.

Ўртага чўккан сукунат чоғида Олимжон ҳам, Имоддинов ҳам ўша дастлабки учрашувдаги суҳбатни хаёлларидан ўтказишди.

Олимжон кўрсатилган курсига чўкди. Уни олиб келган ходимлардан бири йўлақда қолди, иккинчиси эшик олдидаги стулга ўтирди. Қия очиқ қолган дераза тирқишидан ичкарига салқин ҳаво оқиб кирарди. Тунаш учун дарахтлар шохига келиб қўнаётган қушларнинг чуғур-чуғур овози эшитилиб турарди. Имоддинов стол устидаги қоғозларни йиғиштириб жойига ўтирди.

- Фиёсовни нега ўлдирдингиз?

Дабдурустдан берилган саволни Олимжон эшитмаганликка олди. Бирок унинг ранги бўздай оқариб кетганди.

- Фиёсовни нега ўлдирдингиз? - саволини такрорлади подполковник.

- Қайси Фиёсовни айтяпсиз? - овози титраб чиққан Олимжон ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан айбдорлигини сездириб қўймасликка уринди.

- Капитан Фиёсовни айтяпман! Ёки сиз бошқа Фиёсовни ҳам ўлдирганмисиз? - Гумондорнинг юзидан кўз узмай сўради подполковник.

Олимжон кўзларини қаерга яширишни билмай қолди.

«Кимдан эшитган, нега айнан буни мендан сўраяпти? Шерикларимдан битта-яримтаси қўлга тушиб қолдими? Ичимизда сотқин йўқ эди-ку?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Шунчаки синаяпти. Қўйнимга қўл соляпти! Шундай саволлар берсам, айбига иқрор бўлади, ҳаммасини сўзлаб беради, деб ўйлаётган. Йўқ, мен сен ўйлаганчалик тентак эмасман». Кўзини қисиб, қўлларини мушт қилиб тугиб ўтирган Олимжоннинг кўнглидан шу сўзлар кечди. Тепасида турган бошлиқнинг кўзларига тикилиб.

- Мен Фиёсовни танимаيمان, - деди баланд овозда.

- Бу гапингизга ишонгим келмайди. Ахир унинг тўйида иккимиз бир курсида ўтирмаганмидик?

- Эслай олмайман, - сурбетларча бош чайқади Олимжон.

- Мана бу буюм сизга танишми? - Подполковник тортмадан кулдонни олиб стол устига қўйди.

Олимжон унга кўз қирини ташлади.

- Бу буюмни ёш бола ҳам билади, - деди кўрслик билан.

- Тўғри, ҳамма билади. Бироқ мен бошқа нарсани назарда тутяпман. Ҳамиднинг хонасидан сиз олиб чиққан кулдонни нима мақсада Фиёсовнинг хонасига олиб бориб қўйганингизни билмаяпман!

- Буни ўзидан сўранг, начальник. Бировнинг кулдонига мен хўжайин эмасман!

- Ана шу кулдон четида уйингизга ечиб кетган костюмингизнинг чўнтагидаги дастрўмолча толаси ҳам топилди. Экспертиза дастрўмолча толасининг бир хил матодан ишланганлигини аниқлади. Сиз қотилликни Ҳамидга афдариш мақсадида кулдонни атайлаб Фиёсовнинг уйида қолдиргансиз!

- Ёлғон! Буларнинг бари тухмат, уйдирма! - ҳаво етишмаётгандек бўғила бошлади Олимжон. - Дунёда рўмолча битгами? Толаси бир хил бўлган рўмолча бозорида тиқилиб ётибди. Қанчасини исботлаб берай!

- Менга қаранг Олимжон, - деди Имоддинов талвасага тушиб қўли билан бошини чангаллаб, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун куйибпишиб ўшқираётган айбланувчининг сўзини кесиб. Сизнинг қотиллигингизни исботловчи бошқа далилий ашёлар ҳам қўлимизда етарли. Гуруҳингиз одамлари нафақат Фиёсовни, балки Отабоевни, қўшни вилоятдаги колхоз раисини, икки фермернинг пул ва бойлигини тортиб олиш мақсадида ваҳшийларча ўлдириб кетишган. Содир этилган жиноятларнинг айнан ўхшашлиги, бир вақтнинг ўзида содир

этилиши буни исботлайди. Сиз пахтадек оппоқ қилиб кўрсатишга уринаётган гуруҳингизни амалга ошираётган ишларидан, шерикларингизни исми шарифидан, ҳозир улар қаерда яшириниб юрганидан хабардормиз. Хўш, Ғиёсовни нега ўлдирдингиз?

Олимжон талмовсираб қолди. У ўзини оқлашга сўз тополмади. Энди бошқа нарса ҳақида ўйларди. Айбига иқроор бўлса, гуруҳ аъзоларининг исми шарифини ошкор этиши керак. Бу одам ҳаммасини айттирмагунча қўймайди. Айтгандан кейин бари тамом, уни турмадаёқ бошлиқнинг одамлари ўлдириб ташлашади. Имодинов анойи эмас, ўшанда бир бор кечирган. Ниятидан қайтариш учун имконият берган. «Мен босқинчи эмасман» деб юзига сапчиганди. Олимжон гуруҳ аъзоларининг номини сотмасликка қарор қилди. Мабодо бирор кимсанинг исми оғзидан чиқиб кетса, Имодиновнинг одамлари шу заҳотиёқ тутиб келишади. Юзма-юз қилишади. Бу билан раҳнамонинг сир-синоати фош бўлади.

Олимжоннинг жонига телефон жиринглаши оро кирди. Имодинов гўшакни кўтарди. Девор томонга юз буриб, ким биландир суҳбатлашди. Олимжон кўз қири билан эшик олдида турган лейтенантга қаради. У столга ёнбошлаганча газетадаги кроссвордни ечиш билан овора эди. Олимжон ўрнидан сапчиб турди. Бир қўли билан қия очиқ турган деразани очдида, ўзини ташқарига отди. Лейтенант ўрнидан туриб айбланувчининг шимидан ушлаб қолиш мақсадида унга ташланди. Бироқ лейтенант столга қоқилиб, боши билан деворга урилди. Имодиновнинг қўлидаги гўшак тушиб кетди. У дераза ёнига келиб тўртинчи қаватдан пастга қараганда, Олимжон бетон темир блок устида чўзилиб ётар, ёрилган бошидан қон сизиб оқмоқда эди.

Олимжоннинг вафотидан сўнг шаҳарда фаолият кўрсатаётган гуруҳ аъзоларининг исми-шарифи сирлигича қолди. Отабоев ва Ғиёсовга нисбатан суиқасд одиловчилар томонидан амалга оширилган бўлсада, қотиллар қўшни республикаларга қочиб кетганлиги боис, ушбу жиноят иши очиқ қолди. Шундай бўлсада, шаҳарда босқинчилик ва қотиллик каби оғир жиноятлар вақти-вақтида содир этилиб турарди. Гуруҳ фаолияти ошкор бўлмагач, Эргашибойнинг одамлари ёшларни алдов йўли билан четга жўнатиш ишларини давом эттиришарди.

Ғиёсовнинг ўлими Одиловни қанчалик қувонтирган бўлса, Олимжоннинг жожиали ўлими уни шунчалик даҳшатга солди. Бошлиқ унинг мардлик ва жасорат кўрсатганлигини оғзида нам қолмагунча мақтади. Уч кун аза тутди.

Бу воқеалардан хабардор бўлгач Ҳамиднинг юрагида алам қайнади. Қандай қилиб бўлсада, йигитларидан икки-учтасини Одиловнинг ҳузурига жўнатишга, ундан қонли қасос олишга онт ичди. Шундай қилди ҳам.

- Қонингни ичмасам, тавбангга таянтирмасам эркак эмасман! - дея бир тишлам нонни пешонасига босиб қасамёд қилди.

- 16 -

Валий тоғ ўтларидан қайнатиб, Фотхуллохонга ичирди. Шундан сўнг унинг нур қочган кўзлари очилди. Ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Бироқ қувватсиз кўллари унинг гавдасини кўтаролмади. Бу орада Валий ташқарига чиқиб кетди. Юрагимда сўниб бораётган умид учқуни ялт этди. Ҳастанинг ёнига ўтирдим. Унинг совуқ пешонасига кафтимни босдим. Ёнимда Умар борлигини ҳам унутгандим. Менинг ҳатти-ҳаракатларим унга шубҳали туюлиши хаёлимга келмаганди.

Ярим соат ўтиб Валий қайтиб кирди. У етмиш ёшлардаги оқсоқолни бошлаб келганди. Оппоқ соқоли кўксини қоплаган қария беморнинг ёнига чўқди. Унинг кўлини ушлаб, томир уришини текширди. Кўзларини юмган кўйи ўйга толди. Лаблари пичирлаб, қуйидаги байтни ўқиди.

Шифойи қадрини ҳажр ила бемор ўландин сўр,

Зилолу завқи-шавқини, ташна-ю, бемор ўландин сўр!

- Хастангиз қалбини Ватан соғинчи тирнаётган, дори-ю дармон бирла уни тузатиб бўлмас, - деди нуроний кўзларини бемордан узмай. Аллоҳ таало ҳар биримизга Ватан деган буюк неъматни инъом этмиш. Зеро, унинг қадрига етмоқ, эъзоз-у икром айламоқ ҳар бир мўминнинг муқаддас бурчи. Ватанга қилинган хиёнат, Аллоҳ томонидан минбаъд кечирилмас. Бу фоний дунё, бандаларнинг устидан ўз зулм ила жафосини, ситамини ўтказиш, ҳою ҳавасига берилиш, зино йўлини ихтиёр этиш, мансабу амал, тахт талашини учун берилган эмас. Ҳар бир мўминнинг гуноҳи вақти-соати ила Аллоҳ ҳузурини ҳисоб-китоб қилинур. Ажримини дорилбақода эмас, балким бу фоний дунёда ҳам оладур. Сизнинг хаста бу биродарингиз ана шу тоифадаги одамлардан кўринадур. Уни нафақат Ватан соғинчи, балки ўз улусига ўтказган беҳисоб зулм жафоси ҳам азоблайдур! Биродарингизнинг юзи бундан далолат берур. Зеро, машойихлардан бири Ватандан ҳайдалган киши ўзга элда ўз қадрини ҳеч билмас, - деб бежиз айтмаган.

Ҳазрат узоқ маъруза қилдилар. Уларнинг ҳар бир сўзи баданимга бигиздек ботар, вужудим жимирлаб, қалбим тўрида нимадир туғён урарди. Бу орада Умарга ора-сира нигоҳ ташлаб қўйдим. У бошини ҳам қилганча ўйга толганди. Унинг хаёлидан ҳозир нималар кечаётгани менга қоронғу эди. Ўз юртини ташлаб, ўзга элда сарсону саргардонлиқдаги ҳаётига назар ташлаган бўлса ажаб эмас. Охир-оқибат умр деган неъматнинг интиҳоси етганида нима қилишини, жисми-тани номаълум ерга дафн этилганда, қабрини зиёрат этиш учун бирон дўсти содиғи келолмаслигини ўйлаётган бўлса не ажаб. Ҳазратнинг пурҳикмат сўзлари мени ҳам ўйга толдирганди. Ватан сари талпинтирарди.

Саккиз ой давомида Ватандан олисда юрганим, соғинч қалбимни ёриб чиқмоқчи бўлган вулқон мисоли бўғзимга тикилганди. Йиғлагим келарди. Ватандан йироқда кечаётган дамларимни мен заволга юз тутган онлар деб айтолмасдим. Зеро, менинг ёт эл тупроғида юришим халқимнинг осойишталиги, тинчлигига раҳна солишга, муқаддас Ватан ҳудудини қурол билан бузиб киришга интилаётган кимсаларнинг пайини қирқишга, уларга қарши зарба беришга қаратилган, шу боис виждоним олдида мен бу исноддан ўзимни холи деб ҳисоблардим. Қилаётган ишимдан, берилган топшириқни қай даражада уддалаётганимдан бу хонадонда виждонимга ҳисоб-китоб бердим.

- Энди нима қилиш керак ҳазрат! - Валийнинг бўғиқ овози хаёлимни бўлди. Бу савол менга ҳам тинчлик бермаётганди. Шошиб нигоҳимни қададим. Ҳазрат бошини чайқади.

- Ўз Ватанига қайтармоқдан ўзга чора йўқдир бўтам, - деди. - Бандасининг қўлидан бир иш келмас. - Ватан ҳавоси, унинг баданига куч-қувват олиб кирур. Дилини оғритган кимсалардан узр-маъзур сўраса, Аллоҳ шифо бергусидир!...

Шу куни Фотҳуллохон ҳақида марказга маълумот жўнатдим. Зокир булоқ тепасида учрашишимизни тайинлади. Крамаренконинг берган пулидан оз миқдорда қолганди. Уни Валийга топширдим. Фотҳуллохонга дори-дармон сотиб олиш учун ишлатишини тайинладим. Айтилган кун ҳам етиб келди. Бу орада Фотҳуллохон анча соғайиб қолганди. Ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб келарди. Кечга яқин Фотҳуллохонни аравага солиб булоққа олиб кетдим. Уни сувда чўмилтирдим.

- Ўғлим! - деди Фотҳуллохон ўтлоқ устида ёнбошлаб ётаркан. - Овозинг қулоғимга таниш-а, қайдан бўласан, қай юртдан келдинг?

Соч-соқолим, эгнимдаги кийимларим қиёфамни ўзгартириб юбор-

ганди. Унинг бу сўзидан ҳайрон бўлмадим. Ташқи қиёфамни ўзгартирганим билан овозимни ўзгартиришнинг иложи йўқ эди-да. Қарияни аддашнинг ҳожати ҳам қолмаганди, тўғриси айтиб қолдим.

- Исми Бўрон! - дедим ва гапим Фотхуллохонга қандай таъсир қилганини билиш мақсадида унга юзландим. Қариянинг пешонасига ажинлар из солди. Қошлари туташиб чуқурча ҳосил келди.

- Қайси Бўронсан? - эшитилар- эшитилмас овозда сўради Фотхуллохон.

- Ўша сиз таниган, сиз билган Бўронман! - бу гапни айтиётганимда вужудим жимирлаб, ўзим ҳам ғалати бўлиб кетдим. Қария ҳозир юзини терс буриб, «мени шу кўйларга солган жувонмарг сенмисан», дейди деб ўйлагандим. Бироқ унинг дўрдоқ лаблари титраб, икки томонга осилиб тушган кўллари биров кўтариб мен томон қадам босди.

- Бўрон... Бўрон... Бу сенмисан ўғлим, кўнглим сезганди, айланиб кетай, кел, бағримга олай. Мен бадбахт, мияси айнаган отангнинг гуноҳидан ўт, ўғлим!

Икки қирнинг оралиғида ботаётган қуёшнинг шуъласига чўмилган яйлов ўртасида, ер тубидан отилиб, гулдираб оқаётган булоқ бўйида иккимиз бир-биримизни бағримизга босиб кўришдик. Кўз ёшларим ёноқларимни ювиб тушар экан, қалбимда Эргашбой ва унинг одамларига бўлган нафратим янада кучайди. Орадан кўп ўтмай Зокир ҳам етиб келди. Фотхуллохонни унинг қўлига топширганимдан дилим равшан тортиб, аравани ҳайдаб лагерга жўнадим.

- 17 -

Ефим Егорович гўшакни жойига қўйиб, елкасига костюмини ташлаб ташқарига отилди. У уй эшигига қулф солишни ҳам унутганди. Кутилмаганда дўстининг жим бўлиб қолиши унинг юрагига ғулғула солганди. Нима бўлдикин? Ишқилиб, уйда бирор одам бормикин? Ўлиб қолмаса бўлгани, дея кўнглидан ҳар турли ўйлар кечарди. Ўчакишгандек йўлда ўтаётган машиналар қариянинг ишорасига тўхтамасди. Узоқ кутишга тўғри келди. Бир амаллаб эски «Жигули» ҳайдовчисини Будённий кўчасига ташлаб қўйишга зўрға кўндирди. Қария айтилган жойда тушиб қолди, у ёғига пиёда жўнашга мажбур бўлди. Пётр Ивановичнинг уйига бориш учун анча йўл босишга тўғри келди. Катта-катта қадам ташлаётган Ефим Егоровичнинг нафаси бўғзига тиқилиб қолаёзди. У ҳансираб тўртинчи қаватга кўтарилди. Эшик ичкарасидан берк эди. Қўнғироқ тугмачасини узоқ

босди. Биров овоз қилмади. Демак, ичкарида Петяга ёрдам берадиган одам йўқ. Ишқилиб, ўлиб қолмаган бўлсин-да, дея ташвиши ортди.

«Қайдан ҳам бу ҳақда унга айта қолдим», дея у ўз-ўзини лаънатларди. Ефим Егорович елкаси билан эшикни туртди, эскириб қолган қулф тутқичи қариянинг зарбига дош беролмай очилди.

Пётр Иванович дераза олдидаги креслода гавдасини орқага ташлаганча ётарди, телефон гўшаги унинг тиззасига тушиб кетган, ундан ҳамон «ту-ту»лаган бўғиқ овоз янграрди. Ефим Егорович дўстининг олдига келди ва унинг оёқлари остига тиз чўқди. Қўлларидан тутиб, худди уйқудан уйғотиб юборишдан кўрққандек «Петя, Петя», дея шивирлади. Бироқ дўстининг қўллари алақачон музлаб қолганини қария ҳали ҳис этмаганди...

Пётр Ивановични дафн этишгандан сўнг Ефим Егорович ўзини қўярга жой тополмай ёлғизланиб қолди. Юрагига қил сиғмасди. Энди хазинанинг тақдири нима бўлади? Бўрон қаерда? Модомики у ҳаёт бўлса, собиқ командирининг топшириғини бажариб, хазинани олиб ўтса, кимга топширади? Ефим Егоровичнинг қаерда яшашини, телефон рақамини билмайди. Демак, ундан ҳам айрилди. Умид қилмаса ҳам бўлади. Бошида насиб қилмаган нарса, охирида ҳам буюрмади.

Ефим Егорович учун дўстсиз яшаш оғир эди. Энди унга бу дунёда яшашнинг қизиғи қолмаганди. У кун-у тун уйдан ташқарига чиқмасди. Ҳар кун эрталаб пастга тушар, озиқ-овқат магазинидан бир-икки шиша вино олиб чиқиб, тўйгунча ичар, маст бўлиб кўшиқ куйлар, гоҳида йиғларди. Дард-аламлар унинг ҳолсизланиб қолган юрагини темир бармоқлар мисоли эзғилаб азобларди. Бир ой ўтиб Ефим Егорович бетоб бўлиб қолди. Ўрнидан туришга ҳам мажולי йўқ эди. Шу ётганича қайтиб турмади. Қирқ кун деганда вужудини қийнаб, азоблаган оғриқ ва аламлардан фориг бўлди... Ўлимидан аввал ботаётган куёшга боқиб, «Э, раббим, эртага мана шу куёшнинг чиқишини кўришни насиб айлагин», дея илтижо қилди ва юзини дераза томонга буриб ётди. Куёш одатдагидек барвақт кўтарилди. Унинг шаффоф нурларини томоша қилиш Ефим Егоровичга насиб қилмади.

- 18 -

Четда ишлаб келишни ихтиёр этган йигирма нафар турли ёшдаги йигитлар кечки пайт шаҳар темир йўл бекатига тўпланишди. Уларни Бахтиёр исми йигит кутиб турарди. У йигитларнинг исми-шарифи, қайси шаҳар ва қишлоқдан келганлигини ён дафтарчасига ёзиб олиб, уларнинг қўлига патта тутқазди. Шундан сўнг йигитлар Бахтиёрнинг

топшириғи билан бекатнинг турли бурчакларига ўтиришди. Орадан кўп ўтмай поезд келди. Йигитлар бўлиниб вагонларга чиқишди. Уларнинг қўлидаги чипталар Тошкент шахригача олинганди. Бироқ қаерда тушишларини билишмасди. Вагонга чиқишдан аввал буйруқ берилган бекатда тушиш шартлиги айтилганди, холос. Поезд тун ярмида Тожикистон республикасининг Ленинобод вилоятига кириб келди. Бахтиёр вагонма-вагон юриб йигитларни Ленинободда тушишларини огоҳлантириб қўйди. Поезд тезлигини пасайтириб, шаҳар бош бекатига келиб тўхтади. Тун қоронғу эди. Осмонда тўда-тўда қора булутлар сузиб юрарди. Шоҳбекат тепасида яккаю ягона электр чироғи хирагина нур сочиб турарди. Поезд тўхташи биланоқ вагонлардан елкаларига қоп орқалаган йигитлар тушишди. Теварак-атрофда одамлар сийрак бўлганлиги учун улар тезда бир-бирларини излаб топишди. Совуқ эпкин ер бағирлаб эсарди. Юпқа кийинган йигитлар изфиринда дилдираб қолишди. Йигитлар тўпланишгач, Бахтиёр уларни ортидан эргаштириб, бекат томонга бошлади. Бу орада поезд гудок чалиб, жойидан жилди. Тарақлаган филдиракларнинг овози анча вақтгача қулоқларга чалиниб турди. Қаердандир ҳуштак, сўнг автоматнинг тириллаган овози эшитилди. Қимдир бақирди. Чақиндек ярақлаган ўқ тун пардасини ёриб ўтди. Йигитларнинг йўлини тўсиб, уч-тўрт қуроли одам бекат ичидан чиқди. Уларнинг важоҳати хунук эди. Эгниларида узун тўн, бошларида кизил дуррача.

- Кужо рафдет! - олдинда келаётган одам қўлидаги автоматни йигитлардан бирининг кўксига тиради. Бахтиёр уларнинг тилида нимадир деди. Кимларнингдир номини айтди.

- Хуш омадед! - дейишди қуроли кишилар ва ўзларини четга олиб йигитларга йўл бўшатишди.

Бекатдан унча олис бўлмаган жойда эски «Пазик» турарди. Унинг орқа ойналари тош тегибми ёки отилган ўқларданми синиб тушганди. Ҳайдовчи эшикларини беркитиб, орқа ўриндиқда гужанак бўлиб ётарди. Йўлбошчи кафти билан автобуснинг эшигини қоқиб ҳайдовчини уйғотди. Ҳайдовчи ётган жойидан бошини кўтарди. Бахтиёр унга нимадир деди. Шундан сўнг ҳайдовчи уйқуга тўймаган кўзларини ишқалаб, эшикни очди. Совуқдан дилдираб турган йигитлар ўзларини «Пазик» ичига уришди.

Машина қўзғалди. Бадбўй мой ҳиди ичкарига уриларди. Олис-олисларда битта-яримта чироқ кўзга ташланиб турарди. Итларнинг увиллаши, автоматлардан отилган ўқ овозлари тунги сукунатни бузарди. Йигитлар қалбини қўрқув ва ҳаяжон эгаллаганди. Улар қаерга келиб қолишганини билишмасди. Қоронғи йўлда силганиб, ортидан қоп-қора тугун бурқсатиб бораётган «Пазик» олға интилар-

ди. Йигитлар ҳайрон эди. Кўзлари қўрқув ҳамда ҳаяжондан ялтираб турарди. Қаёққа, кимнинг олдига кетишаётганидан беҳабар эдилар. Машина тоғ сари яқинлашиб борар экан, йўл бўйида гулхан ёқиб ўтирган қуроли одамлар кўзга ташлана бошлади. Улар машина яқинлашиши билан йўлнинг ўртасига чиқиб, қурол ушлаган қўллари билан баланд кўтариб, тўхташ ишорасини қилишарди. Ҳайдовчи йигит қаёққа кетишаётганини уларга тушунтирарди. Йўлтўсарлар қўллари пешоналарига соябон қилиб, ўриндиқларда ўтирган йигитларга боқиб, ҳайдовчига рухсат беришарди. Йўлда қарама-қарши томондан келаётган юк машинасига ҳам дуч келишди. Машинада ўттизтача қуроли одам овозларини баланд кўтариб, қўшиқ айтишар, бақариб-чақиришарди. Тоғларнинг сукунат чўккан чўққилари улар овозига акс-садо берарди.

Одилов йигитларни яхши кутиб олди. Ҳар бирини бағрига босиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўради. Кўпчиликнинг соқоли ўсиб, юзлари тоғ шамолдан қорайиб кетганди. Йигитлар Одиловни танишмади. У ҳам йигитларга қанчалик синчковлик билан қарамасин, биронта ўзига таниш одамни учратмади. Йигитлар атрофларини ўраб олган қуроли йигитларни кўриб бу ерга алдов йўли билан келиб қолишганини тушуниб етишди. Одилов ўз чодирига кириб кетиши биланоқ атрофдаги одамлар уларни ўраб олишди. Исмларини, қаердан келишганини суриштиришди. Танишлар чиқиб қолди.

Одилов Бўрибойни ҳузурига чақиртирди.

- Сендан хурсандман! - деди Бўрибойнинг кенг елкасига қўлини ташлаб. - Водийдаги одамларнинг ишончимизни оқлашди. Ўзларига берилган топшириқни бажаришди. Янги одамлар сафимизни кенгайтирмоқда. Йигитларимиз қанча кўн бўлса, ғалаба биз томонда. Сенга яна битта муҳим топшириқ: ҳозир келган йигитларни ўзинг бошқарсан. Улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борасан. У томонда бизни босқинчи, жангари деб мияларига қўрғошиндек қуйиб қўйишган. Бизнинг мақсадимиз нима эканлигини тушунтир. Жангга, қурол-аслаҳадан фойдаланишга ўргат. Ўқни, меҳнатингни аяма. Йигитларни, хорижлик йўриқчилар ихтиёрига топшир. Бир ой ичида пишиб, ҳақиқий жангари бўлишсин. Шунинг ёнингда тут, бирорта одам бу ердан қочиб кетмасин. Бу бизнинг мағлубиятимиз ва сиримизнинг ошқор бўлишига олиб келади.

- Тушундим, хўжайин! Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. - Бўрибой бармоқларини тутиб, қўлини мушт қилиб деди: - Биласиз, менинг қўлим пўлатдан қаттиқ. Шу пайтгача бу қўлдан ҳеч ким қочиб, жони омон топмаган!

Одилов жилмайди.

- Менга раҳмдил, кўнгилчан одамлар керак эмас! Назаримда, янги келган бу йигитларнинг кўпи қишлоқиларга ўхшайди. Улар кўнгилчан ва раҳмдил бўлишади. Мен эса бундайларни хушламайман. Аввало, сен мана шу йигитлар қалбидаги меҳрибонлик ва раҳмдилликни ажриқнинг томиридек юлиб ташлашинг лозим.

- Хотиржам бўлинг!

Бир вақтлар кўнгилчан, одамларга нисбатан раҳмдил бўлган Бўрибойнинг дунёқараши бу ерга келиб шу даражада ўзгариб кетган эдики, буни тасвирлашга қалам ожиз. У одамларнинг баданига пичоқ тиқиб, терисини шилиб олишдан чўчимасди. Отабоевни ўлдириб, лагерга қайтгач, Одиловнинг ишончини тўла қозонди. Қолаверса, Абдурасулни тириклай тупроқ остига кўмиб юборгач, Одилов унга меҳр кўйиб қолди. Ушанда Бўрибой собиқ синфдошининг илтижоларига қулоқ солмай, фарёд чекишини томоша қилганди. Гўёки унинг дод солишидан юраги завқ-шавққа тўлиб яйраб кетганди. Унинг бу қадар ваҳшийлашиб кетишига, синфдош дўстини тириклай тупроқ остига кўмишига бошқа сабаб ҳам бор эди. Ўнипчи синфда ўқиб юрганларида Абдурасул Санобар исми қизга кўнгил куйиб қолди. Улар тез-тез учрашиб туришарди. Бу Бўрибойга алам қиларди. Уларни бирга кўрганда гаши келар, «хап сеними» деб пичирлаб кўярди. У аввалига Санобарни ўз домига илтигимокчи бўлди. Отасининг ёғли жойда ишлагани учун топиши ёмон эмасди. Бўрибойнинг чўнтагидан пул узилмасди. Қизни мана шу пуллари билан ўзига ром қилмоқчи бўлди. Совға-саломлар олди. Бундан хабар топган Абдурасул дўстига бирон гап айтишга ийманди. Охири сабри чидамай уни холирок жойда учратди.

- Мен Санобарни яхши кўраман. Унга илакишма, - деди.

- Яхши кўрган қизингни ўзи менга илакишаянтику! - деди бетини без қилиб Бўрибой. - Бари бир у сени севмайди. Мен уни алақачон ўзимга оғдириб олганман.

Мана шу гап баҳона икки ўртоқ ўртасида жанжал чиқди. Абдурасул Бўрибойнинг бўйнидан тутиб, ерга йиқитиб дўппослади. Ўртага катталар тушиб ажратиб кўйишди. Бу воқеани Абдурасул унутиб юборган бўлсада, Бўрибойнинг қалбида тошдек қотиб қолди. Бирга юрганларида, давраларда ўтиришганда апоқ-чапоқ бўлиб кўришсада, аслида Бўрибойнинг мақсади ўзгармаганди. Қасос ва ўч олиш вақтини кутарди. Қасос олиш мавриди унга ўз юртида эмас, ўзга элда насиб этди.

Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғониб, чодирдан чиқиб, яйлов ўртасида коптоқдек кўзга ташланиб турган Абдурасулнинг бошига қараб қўярди. Кутилмаганда бош ернинг тубига сингиб кетгандек ғойиб бўлди. Калла қани? Қаёққа гумдон бўлди? У шоша-пиша тана кўмилган жойга югуриб борди. Бош елканинг тепа қисмидан кесиб олинганди. Бўрибой аввалига ит ёки тоғдан тушган қашқир ғажиб кетган бўлса керак, деб гумон қилди. Тупроқни титиб билди: калла ўткир тиғ билан кесиб олинган. Буни одам қилган. Ўша одам ким? Одилоннинг, қолаверса, Бўрибойнинг қаҳридан қўрқмаганлар бор экан-да, деган ўй Бўрибойнинг миясида тегирмон тошидек айланарди. У ўрнидан туриб, чанг қўнган шимини кафти билан қоқди. Қўлларини мушт қилиб, ғазабдан кўкарган лабларини пичирлатиб «топмагунча қўймайман», деган аламли сўзни бир неча бор тилга олиб, бошлиқнинг ҳузурига кириб кетди.

- Нима бало, отаси ўлган одамдек қавоқ-тумшуғинг осилиб кетибди? - Бўрибойнинг вазоҳатини кўриб деди Эргашбой.

- Ундан ҳам оғир мусибат, хўжайин! - оҳ уриб деди Бўрибой.

- Нима гап? - Эргашбойнинг кути ўчди.

- Абдурасулнинг калласи йўқ. Кимдир пичоқ билан кесиб кетибди!

- А?!

- Ўз қўзим билан кўрдим.

- Буни ким қилган бўлиши мумкин?

- Ким қилган бўлсаям биздан қўрқмаган одамнинг иши!

- Мен ўтказаётган зулмга инсон боласи дош беролмаса керак, деб ўйлардим.

- Гапингизда жон бор экан, хўжайин. Бизни ментларга Абдурасул сотгани чин бўлиб чиқди. Орамизда мелисаларнинг одами бор. Бу ўшанинг иши.

- Қандай қилиб бўлсада, ўша ифлосни топиш керак. Акс ҳолда нафақат йигитларимизни, балки ўзимизнинг ҳам ҳаётимиз хавф остида қолиши мумкин.

- Хуфяларни кўпайтириш керак!

- Ҳар иккита одамнинг ортида биттадан хуфя бор! - Эргашбойнинг боши қотди. У бир зум жим қолди. - Кимдан гумонсирашга ҳам ақлим етмай қолди. Икки куннинг бирида битта йигитимиз турли сабабларга кўра қурбон бўлмоқда. Бу кетишда ўзимиздан бошқа ҳеч ким қолмайдиганга ўхшайди.

Улар узоқ суҳбатлашишди, аммо бирор қарорга келишолмади..

Орадан кўп ўтмай Ўзбекистондан Бахтиёр жўнатган одамлар келди. Шу баҳона улар юқоридаги воқеани унутишди. Янги лавозимга

кўтарилган Бўрибой ўзида йўқ шод эди. Ўша кунданоқ вазифасини бажаришга киришди. У одамлари билан ади-бади айтиб, пачакилашиб ўтиришни ёқтирмасди. Абдурасулнинг калласи тургандами, мана бу қишлоқи йигитларга кўрсатиб кўярди. Бу эса уларга ибрат, намуна бўларди. Қочоқ ва хоинлик қилиш ниятида юрганлар ўйлаб иш тутишарди. Афсуски, буларни даҳшатга соладиган ўша калла ҳозир жойида эмас-да!

Чўнтагидаги наган –револьверни олиб, ўқ тўла барабанни айлан-тириб турган Бўрибойнинг хаёлидан айни дамда шу ўйлар кечарди.

- Сенларга ойига 100 доллардан ҳақ тўлайман! - деди баланд овозда янги бошлиқ. - Вазифанг менинг кўрсатма ва буйруқларимга сўзсиз итоат этиш. Қочишни хаёлингга келтирсанг, терингни шилиб оламан. Бу ердан қочганларнинг биронтаси омон қолмаган.

Бир ой ўтиб Одиловни пойтахтга чақириб қолишди. У лагердаги ишларни Бўрибойга топшириб, марказга жўнаб кетди. Бўрибой кун сайин бошлиқнинг ишончини қозониб бормоқда эди. Гуруҳ фаолиятини кенгайтириш, қочиш ва сотқинликда гумондор бўлган йигитларни жазолаш, азоблаши Одиловга ёқиб қолганди. Энди у Бўрибой билан маслаҳатлашиб иш юритадиган бўлганди. Бундан ташқари, Бўрибой шафқатсизлиги билан лагердагиларнинг пинҳона қаҳр-ғазабини уйғотарди. Ўзига нисбатан кураш бошланганидан бежабар эди.

Одилов пойтахтга жўнаш олдида уни кулбасига чақиртирди. Вазиятни тушунтирди. Одамларга ҳушёр бўлишни тайинлади. «Мен уларни сенга ишониб топширяпман. Биронтасини қочириб юборгудек бўлсанг, шунча қилган тоат-ибодатимиз сариқ чақага арзимамай қолади. Мен қайтгунча йигитларни эҳтиёт қил. Биронта душман йигитларни пистирмага киритиб қўйиши мумкин».

Хўжайиннинг кўнгли тўлмай кетди. Етиб боргунча хаёли минг кўчага кириб чиқди. Бўрибойнинг қаттиққўллигидан, ўзини босолмаслигидан, бўлар-бўлмас ишларга йигитларни ўзи ўйлаб топган қийноқлар билан азоблашидан, бунинг оқибатида сабр косаси тўлган жангарилар исён кўтариб қолишидан чўчиганди. Пойтахтда уни эски қадрдони Абдулло Карим кутиб олди. Улар бундан олти ой бурун Бадахшонда кўришишганди. Мезбон Одиловни бағрига олди, қучоғидан бўшатмай аҳвол сўради.

- Ғалабага ҳам санокли кунлар қолди, иним, - деди Абдулло Карим.
- Худога шукурки, омад биздан юз ўгирмади. Мамлакатни ўз тасарруфимизга олдик. Худо хоҳласа, бир ҳамла билан қолган икки

вилоят ҳам ихтиёримизда бўлади. Кўриб турибсизки, дунё харитасида янги давлат пайдо бўлади! Хи...хи...м!

Улар мириқиб, яйраб кулишди.

- Илоҳим ниятингиз ўзингизга йўлдош бўлсин, устоз! - деди Одилов Абдулло Каримнинг руҳини кўтариш мақсадида. - Мамлакатни қўлга киритган кунингизок одамларингизни каминанинг ихтиёрига топширасиз, деган умиддаман. Улар Ўзбекистон сари ўзларининг табаррук пойқадамларини ташлашади! Инчунун, Ўзбекистон заминидаги сизнинг дўсту хайрихоҳларингиз мана шу муборак юришни бир йилдан бери орзиқиб кутишаётир! Улар сизга раҳнамо эмас, ўзларининг халоскорлари сифатида иззат-икром кўрсатадилар.

Бу такалуфларга нисбатан Абдулло Карим мийиғида кулиб, бош ирғади.

- Қуллук иним, қуллик!

- Ҳамкорлик-бу ғалаба!

- Худди шу масала юзасидан сиз жанобларини бу ерга таклиф қилдим-да. Айрим масалаларда сизга беғараз ёрдам бериш ниятида Қобулдан азиз меҳмонлар ташриф буюришган. Улар сизни кутишмоқда!

- Шундайми? - деди Одилов устозининг маккорона чақнаб турган кўзларига ўғринча нигоҳ ташлаб.

- Қани, ичкарига иним!..

Одилов эғнидаги чопонини ечиб, енгил томоқ қириб, тўзғиб кетган соч-соқолини силаб, зинага оёқ босди. Кенг ва ним қоронғу хонага кириб борганда, икки нотаниш кимса ўзаро суҳбатлашиб ўтиришарди. Улар Одиловни кўришлари биланоқ ўринларидан қўзғалишди. Эргашбой ўзига нисбатан кўрсатилган тақаллуфдан ҳаволанди. Кибр ила қадам босиб, улар олдига борди.

- Хўш омадэд! - деди Эргашбой форс тилида.

- Хушвақт бўлинг! - жавоб қайтарди меҳмонлар ўзбек тилида. Дастурхонда барча нозу неъматлар муҳайё эди. Улардан таралаётган хушбўй ҳид димоғни қитиқлар, иштаҳани очарди. Бироқ Одилов очиққан бўлса-да, нафсини тийди. Абдулло Карим пиёлаларга чой қуйиб, меҳмонларга узатди. Шу асно Одиловни уларга таништирди.

- Бу киши Башир жаноблари, - деди Одиловнинг ёнида ўтирган узун бўй, қотмадан келган, қорамтир юзли, кўзларида совуқ ифода чақнаб турган кимсани кўрсатиб. - Биродаримиз Гулбиддин Ҳикматёр жанобларининг контрразведка ва қўпоровчилик ишлари бўйича ёрдамчиси.

Абдулло Карим Баширнинг ёнида ўтирган қотмагина одамга юзланди.

- Буларнинг исми Азиз Аҳмад, разведка бошқармасининг Ўрта Осиё минтақаси бўйича масъул ходими.

Эргашбой юқори мартабали меҳмонларнинг ҳурмати учун ўрнидан туриб, қўлини кўксига босиб, таъзим қилди.

- Танишганимдан бағоят хурсандман, жаноблар! - деди мамнун бўлиб. Аини пайтда ўзининг бу одамлар даврасига бежиз таклиф қилинмаганлигини тушуниб. - Гарчи сизлар билан муқаддам мулоқот қилмаган бўлсам-да, биродарларимизга бераётган беминнат ёрдамларингиз ҳақида кўп қутлуғ сўзларни эшитганман, - деди.

Меҳмонлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Уларга Одиловнинг «беминнат» сўзига кўпроқ урғу бергани шубҳалантиргандек туюлди.

- Дўст офир кунда синалади, - деди Азиз Аҳмад ўтирган ўрнидан қўзғалиб. Бу билан Одиловни хижолатдан олиб чиқмоқчи эди.

- Жаноблар, очиги мен ҳам сиздек содиқ дўстларнинг кўмагига муҳтожлик сезмоқдаман.

Башир жаноблари айнан ўзи кутган мавзуда гап очилганидан, қолаверса, бу муаммони Одиловнинг ўзи кўтарганидан мамнун эди.

- Абдулло Карим жаноблари сиз ҳақингизда кўп яхши гапларни баён қилдилар. Бу ердаги урушнинг ниҳояси кўринди. Ғалабани муборакбод этадиган кун етиб келди.

- Қўлингизда қанча одамингиз бор? - Башир жанобларининг сўзини кесиб сўради Азиз Аҳмад.

Одилов жим қолди. Ўтирганларнинг нигоҳи унга ўқдек қадалганди. Ҳозир унинг қўлида атиги 300 га етмаган одами бор. Бу рақамни айтса меҳмонлар қониқиш ҳосил қилмасликлари, у билан олиб бораётган музокараларига яқун яшашлари мумкин. Ошириб айтса ёнида Абдулло Карим ўтирибди. У ҳаммасидан хабардор. Шогирдининг сукунат ботқоғига ботганлигини сезган Абдулло Карим жавоб қилди:

- Бундан икки ой аввал биродаримизнинг қўлида 1500 нафар йигити бўлганди. Уларнинг ҳаммаси сиз жўнатган йўриқчиларнинг тарбиясини олган. Содиқ йигитлар!

Одиловга жон киргандек бўлди. Елкасидан тоғ қулаб, бошини кўтарди.

- Сафимизни кун сайин янги йигитлар тўлдирмоқда, - деди овозини баландлатиб. - Бундан ташқари, юртда минглаб одамлар бизни қўллаб турибди!..

- Мамлакат ичкарасидаги одамларингиз сафини кенгайтиринг. Улар қанча бисёр бўлса, мақсадимизга эришиш осон бўлади.

- Афсуски, қўлимизда қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар йўқ! - Башир жанобларига юзланиб сўз қотди Одилов.

Ўтирганлар дақиқа сайин ўз мақсад ва ниятлари сари яқинлашаётганларидан мамнун эдилар. Бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олгач, Азиз Аҳмад:

- Жаноблари қурол аслаҳа, ўқ-доридан ташвиш чекмасинлар, - деди.

- Бу борада биз сизга ёрдам берамиз.

- Қуллуқ! - Одилов одоб юзасидан қўлини кўксига босиб, миннатдорчилик изҳор қилди. - Бироқ камтарин қўлингиз сизларнинг яхшилигингизни қай тарзда қайтаришни билмай қийналадурман. Ахир фоний дунё ҳисоб-китобли. Дорилбақога кифтимга гуноҳ юкини ортиб кетмай!

Абдулло Карим Башир жанобларига ўгирилиб маъноли кўз қисди. Контрразведка бошлиғи мақсадга кўчди:

- Одамларингизга қанча қурол даркор?

Бу такаллуфдан Эргашбой талмовсираб қолди. Гўёки, аниқ бир рақамни айтса, ҳозирроқ қўлига тутқазишадигандек эди.

- Хозирча минг дона автомат, шунча тўппонча, йигирма-ўттиз яшик граната етарли, - деди Абдулло Карим шогирдининг ўйга боtgанини кўриб. Башир жанобларининг мийиғида кулгу пайдо бўлди. Абдулло Карим арзимаган қурол-аслаҳани тилга олишидан ажабланганди. Бироқ бу рақамни янада кўпроқ айтиши мумкинлигини, бу билан у Башир жанобларига ён босаётганлигини сездириб қўйиш мумкин эди. Одилов бунга аҳамият бермади. У Башир жаноблари билан жиддийроқ суҳбатлашиш, қурол-аслаҳа эмас, балки, ёрдам кучи сўраш учун бисотидан сўз изларди.

- Қуролларни чегарадан олиб ўтиш муаммоси бор, - ниҳоят дилидагини тилига чиқарди Одилов. - Одамларимнинг маълум қилишича, чегара ҳудудларига қўшимча куч ташланган.

- Чегарадан олиб ўтиш муаммоси тўғрисида сиз қайғурманг! Бу борада биз ўзимиз бош қотирамыз. - Башир жаноблари шундай деб Абдулло Каримга юзланди. - Мендаги маълумотларга қараганда, бу ердаги аҳоли чегара ҳудудини кесиб, Ўзбекистонга қочиб ўтаётган экан, шу гап ростми?

Абдулло Карим қизариб кетди. Бироқ буни инкор этиш адолатсизлик эди. Шу сабаб бошини маъноли силкитиб қўйди.

- Ана шу қочоқлардан фойдаланамиз, - гапида давом этди Башир жаноблари. - Уларнинг сафини ўз одамларимиз билан тўлдирамыз.

Тун ярмида улар чегарани бузиб ўтишади. Ичкарига кириб, ўзлари учун чодир қуришади. Пайтдан фойдаланиб, одамларимиз ер остини қазиб, олиб ўтган қурооларни яширадилар. Қочоқлар қайтиб кетгач, сизнинг одамларингиз қурооларни яширилган жойдан ковлаб оладилар. Хўш, Одилов жаноблари, менинг фикрим сизга маъқулми?!

- Ажойиб фикр. Биз учун энг қулай ва осон йўл ҳам шу!

- Замонавий қурол-аслаҳалар жаҳон бозорида жуда қиммат туради, - гапида давом этди Башир жаноблари. - Шу сабабли бу борада сиз билан кичкина шартнома тузиб, имзолаб олсак. Ҳисобли дўст айрилмас, деганлар!

- Биз томонга қандай мажбурият юкламоқчилар. - сўради Эргашбой.

Одилов айтган гапи Башир жанобларига бироз оғир ботишини ўйлаб, андак хижолатли бўлди. Айни пайтда қандай шартнома имзоланиши уни қизиқтирмасди. Муҳими, қўлига қурол-аслаҳа тегса бас. Мамлакатни босиб олиш, бир кун бўлса-да, ўз ҳукмронлигини ўтказиш, бир вақтлар уни масхаралаган, калака қилган душманларидан ўч олса шунинг ўзи кифоя эди. Бунинг учун у ҳар қандай шартга тайёр, ҳар қандай шартнома тузишга рози.

- Биз ўз одамларимизни сизнинг ихтиёрингизга топширамыз. Абдулло Карим жаноблари ҳам жангда тобланган икки уч минг йигитларини ёрдамга берадилар. Қараб турибсизки, санокли кунларда юртнинг султони бўласиз. - Одиловнинг хаёлга ботганини сезиб гап бошлади Азиз Аҳмад. Эргашбой индамади. У кечадан бери овқат тановул қилмаган, айни пайтда қорни очликдан ачишарди. Очлик уни қанчалик азобламасин, тўкин-сочин дастурхонга назарини ташламади. Азиз Аҳмад мақсадга ўтиш фурсати келганлигини тушунди ва ниятини ошкор қилди.

- Бу ёрдамимиз эвазига сиз Самарқанду Бухорони бизнинг мамлакатимиз ихтиёрига топширасиз!

Азиз Аҳмаднинг овози шу даражада паст эшитилдики, хатто дастурхон тепасида учиб юрган пашшанинг гўнгиллаган овози бемалол қулоққа чалинди.

Эргашбой ўтирган ўрнида худди ер тубига сингиб кетаётгандек ҳис этди ўзини. Бир сўз айтишга тили айланмади. Олов ичида қолгандек вужуди қизиб кетди. У меҳмонларнинг бундай нозик шарт қўйишларини кутмаганди. Одилов бошини кўтаришга, кўзларини тикиб турган меҳмонларга боқишга ўзида куч тополмади. Кўнглидан «Ватанни сотсам ўзимга не қолур» деган ташвишли ўй кечди.

Эргашбой Душанбеда дилгир кайфиятда қайтди. Қаронғу юраги -

га чирок ёқса ёришмасди. У Абдулло Каримдан бу қадар пасткашликни кутмаганди. Қолаверса, афғон контрразведкаси Одиловнинг чорасиз қолганидан фойдаланмоқчи эди. Ҳали қўлга киритилмаган давлатни пароканда қилиш Эргашбойнинг хаёлига келмаганди. Уни ҳозирданоқ парчалаб ташласа ўзига нима қолади? Кимга бош бўлади. Юртда террорчи, босқинчи деган ном олгани етмагандай энди Ватанпуруш деган тамғани ҳам пешонасига ёзиб оладими? Миллий низолар, адоватлар баттар кучаймайдими? Аросатда турган халқ ватанпуриш экан деб, юз угирмайдими? Эргашбой шуларни ўйлаб, Башир жанобларининг саволини жавобсиз қолдирганди. Бундан Башир жаноблари хафа бўлмади. Тажрибали одам-да, гапни бошқа томонга буриш учун бир қатор мамлакатлардан қурол-аслаҳа келишини, уларни ҳеч қандай пулсиз ўзбек биродарларига текинга беришни айтди. Шундан кейин Одиловнинг дили ёришгандек бўлди-ю аммо бу гапнинг чинлигига юрагида шубҳа уйғонди.

Эргашбой ўзини лагерда нималар кутаётганидан беҳабар эди. Эртаси куни шом аралаш лагерга кириб келди. Уни кутиб олиш учун йўлига чиққан одамларининг боши ҳам эди. Оғизларига мум солгандек бошларини эгиб туришарди. Одилов бу ерда қандайдир кўнгилсизлик содир бўлганлигини англади. Атрофини ўраб турган одамларининг юзига саволомуз тикилди. Улардан бири юрак ютиб, нохушлик сабабини баён қилди.

- Сиз пайтахтга жўнаб кетган кун ярим тунда Бўрибойни кимдир бўғизлаб кетди, - деди паст овозда.

Одиловнинг рангидан қон қочди. Юзи оқариб, кўзлари чўғ мисоли ялтиради.

- Ким экан у баттол?!-деди. Ҳазабланганидан вужуди япроқ мисоли титрарди.

- Ҳозирча аниқлаёлганимиз йўқ, амирим - орқа сафда турган одамлардан бири ғамгин овозда жавоб қайтарди.

- Гумонларинг кимдан?!

Эргашбойнинг бу саволи жавобсиз қолди.

- Нега жимсанлар, ёки сенлар ҳам шерикмидинг?! - боягидан овозини баландлатиб ўшқирди Эргашбой.

- Ўлимдан хабаримиз бор, аммо бу хунрезликни ким қилганини билмаймиз, амирим..

- Ичимизда ғаним бор. Мен уни топиб терисини шилиб, хуморим босилмагунча тинчимайман!

- Ҳақ гапни айтдингиз, амирим. Ҳукуматнинг айғоқчиси ичимизда!

Эргашбой ялт этиб овоз келган томонга ўтирилди. Сўзлаган одамнинг кўзларига нигоҳини ўқдек қадади.

- Билар экапсан, нега аниқламайсан, ит!! Нега менга бир оғиз шипшимайсан?!

- Билганимда ичак-чавоғини бошига салла қилиб ўраб қўйган бўлардим, амирим. Билолмай доғдаман! - надомат билан деди бояғи йигит.

- Аниқлайсан, Содик! Сенга бир ҳафта мухлат! Тополмасанг, ўзим ичак-чавоғингни бошингга салла қилиб ўраб қўяман, тушундингми?!

Содик қўллари кўксига қўйиб, бош эгди. Унинг юзи қизариб-бўзариб кетганди.

Эргашбой чодир томон юрди. Ортидан шатаклари эргашди. Бундай пайтларда кўпчилик унга рўпара келишдан чўчирди. Олдига юрак ютиб боролмасди. Хўжайиннинг қаронғулик чўккан, ғам-андуҳ кемираётган юрагига фақатгина Нўъмон далда бериши мумкин эди. У чодирга етиб боргунча хўжайинга қандайдир хуш кайфият бахш этувчи сўзларни айтиб борди. Чодирга яқин келишганда Нўъмон хўжайиннинг олдига ўтди ва эшикни очиб, қўл ковуштириб ичкарига таклиф қилди. Остонадан ўтиши биланоқ димоғига хушбўй хид урилди. Дераза ёнида орқа ўгириб ўтирган аёл ўрнидан турди. Одоб-икром билан қўлини кўксига босиб таъзим қилди. Унинг қизғиш, майин сочлари елкасига ёйилиб тушганди. Мовий кўзлари, турли бўёқлардан ялтираб турган юзларида табассум жилва қиларди. Бироқ бу табассум кўрқув ва хадиксирашни яширолмади. Эргашбой бир қарашдаёқ аёлнинг европалик эканлигини сезд. Унга сўзсиз тикилди. Сўнг Нўъмонга қаради. Унинг чақнаб турган кўзларида «бу ким» деган маъно яширинганди.

- Ўзимизникилар ташлаб кетишди. Икки-уч кул кулбангизда яшаб турарканлар! - деди айбдордек бошини эгиб.

- Ўзимизникилар деганинг ким? - Эргашбойнинг асаби бузилганлиги овозидан сезилиб турарди. Нўъмон тайёрлаб қўйган совғаси бошлиққа ёқмаганидан афсусланди. Аёлни кўрса юмшар, деган ўйда эди. Унга хўп мулозамат кўрсатиб, ҳурматили қозонишга ҳаракат қилганди. Шунча югургани сариқ чақага арзимади. Ҳақиқатдан ҳам аёлни кимлар ташлаб кетганини билмасди. Тун ярмида уч-тўрт йигит машинада келишди. Эргашбойни сўрашди. Душапбега кетганини айтди. Орқа ўриндиғида ўтирган аёлни пастга тушишини илтимос қилишди. Аёл оппоқ оёқларини, сўнг чиройли қоматини кўз-кўзлаб пастга тушди. Нўъмоннинг юраги дуккилаб кетди. Бундай гўзал ва латофатли аёлни кўрмаганди. Пастга тушганда тунги эпкин аёлнинг юпқа қўйлагини тортқилаб тепага кўтариб юборди. Нўъмон лорсиллаб турган сонни кўрганда ўзини босолмай оҳ, деб юборди. Йигитлар

аёлга ўз тилида нималардир дейишди. Аввалига аёл рўйхушлик бермади. Бошини эгиб, қисқа, аммо кескин сўзларни сўзлади. Йигитлар ялинувчан оҳангда унга ниманидир тушунтиришди. Ноилож қолган аёл бош ирғади. Шундан сўнг йигитлар ортга қайтишди. Аёл қолди. Нўъмон уни хўжайиннинг азиз меҳмони бўлса керак, деб ўйлади. Гоҳ рус, гоҳ тожик ва ниҳоят ўзбек тилида уни ичкарига - Одилонинг ётоғига таклиф қилди. Аёл унинг сўзларига жавоб қайтармади. Ортидан эргашди. Нўъмон жононнинг қоматига қараб тўймасди. Юраги жизилларди.

Нўъмон кечадан бери юрагига чўғ ташлаган бу аёлнинг қошларига нигоҳ ташлаб,

- Шу ерлик биродарларимиз бўлса керак-да, хўжайин! - деди юрак ютиб.

Бу жавоб хўжайинни қониқтирмади.

- Сенга доим айтаман, келган одамнинг кимлигини, исми-шарифини сўрагин, деб. Қулоғингга гап кирмайдиган йигит экансан!

- Азият чекманг, афандим! - ниҳоят тилга кирди аёл.

Унинг чўзинчоқ ва пардоз-андозни кўп ишлатганидан оқариб кетган юзида сохта табассумдан ёришди.

- Бен турк мамлакатиндан гелдим. Бизин арқадощдин чўх селомлари вар!

Аёлнинг сўзини эшитиб Одилон тоқни ушлаб олгандай бадани жимирлаб кетди. Ташқи қиёфаси европаликларга ўхшаб кетадиган бу хонимнинг турклигини хаёлига келтирмаганди. Туркия заминига бормаган бўлса-да, Ўзбекистондан кетиб қолган биродарларини танирди. Вақти-вақти билан алоқа боғлаб турарди. 80-йилларнинг охирида Ўзбекистонда эндигина шаклланаётган гуруҳ фаолиятини йўлга қўяётганда туркиялик ватандошлари билан учрашган. Керакли маслаҳат ва йўл-йўриқларни олганди. Қолаверса, Афғонистонда хизмат бурчини ўтаётган кезлари мужоҳидлар қўлига асир тушганда қандайдир нотаниш, бироқ тилидан турк миллатига мансублиги сезилиб турган йигит уни сўроқ-савол қилганди. Ўша одамнинг кўрсатмаси билан кўпгина қоғозларга қўл қўйган. Одамларни ўлдирмаган бўлса-да, мурдаларнинг бўғзига пичоқ, тирикларнинг пешонасига автомат тираб суратга тушган. Ўшанда бу суратлар нима учун ва кимга кераклигини хаёлига келтирмаганди. Орадан кўп ўтмай, афғон уруши тугаб, мамлакатда парокандалик юзага келганда ўша суратлар Туркияда яшаётган ватандошларнинг қўлида пайдо бўлди. Одилон суратларни кўриб бадани музлаб, қарахт бўлиб кетганди.

Бундай суратлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг қўлига тушиб қолса, тақдири нима бўлишини яхши биларди. Бироқ улар Одиловни органга тутиб беришмади. Суратларни уларнинг қўлига беришмади. Уни излаб келган одамлардан бири турк эди. Анча гапга чечан, бироқ айёр эди. Хонимнинг турк тилида сўзлашини эшитиб, Одиловнинг кўз ўнгида ўша танишининг қиёфаси гавдаланди. Ҳозир ҳам рўпарасида тургандек бадани сесканди. Хоним «танишларингиздан салом», деганда балки ўша одамни назарда тутдими? Одилов буни билолмади. Қайси оғайниларимдан, деб сўрашга истиҳола қилди. Демакки, улар салом йўллашибдими, Одиловни бу ерга келишидан хабардор! Уни пойлаб юришган. Нима иш қилаётганини кузатишаётган. Муҳими, унутишмаган.

Одилов қаршисида ширин табассум ҳада этиб турган хонимнинг қалам тортиб, сурма суртилган ингичка қошларига суқ билан тикилди.

- Хуш келибсиз, хоним!

Нўъмоннинг юраги жойига тушди. Юзига табассум ёйилди.

- Менга ижозатми, хўжайин? - деди.

Одилов бош ирғиди. Нўъмон остонага етганда тўхтатди.

- Бирор егулик келтир. Қорним оч.

Хоним мастона қадам ташлаб, боя ўтирган жойга борди. Деразадан ботаётган кўёшнинг шаффоф нурлари унинг қўнғир сочларини бироз қизғиш тусга бўяганди. Бўйнидаги олтин занжир учига илинган юрак шаклидаги тақинчоқни бармоғи билан эзгилаб, яна Одиловнинг юзига боқди. Бу орада Одилов эгнидаги жунли пўстинни ечиб, дераза ёнидаги илгакка илди. Терлаб кетган пешонасини кафти билан силади.

- Бен чўх узел юмушла гелдим, - деди хоним Эргашбойнинг курсига ўтиришини ҳам кутмай. Бу сўзларни сўзлаётганда юзи бироз жиддийлашгандек бўлди.

- Қулогим сизда, хоним... - Одилов нохушликни илғади.

- Балки бугун, балки ярин яниниза Афғонистондан Гулбиддин Ҳикматёр афандэмни арқадошлари гелажак...

- Қандай масала бўйича? - шошиб сўради Одилов ва кеча улар билан учрашганини айтгиси келмади. - Билсак бўладими?

Хоним кўйлагининг этагини букиб, Одиловнинг рўпарасига ўтирди, оғизларидан чиққан иссиқ ҳовур бир-бирларининг юзларига урилиб турарди. Одилов унга жиддийроқ разм солди. Боя кўзига ёшгина кўринган бу аёлнинг афтига сурталган бўёқлар ортидан уни анча ёшга бориб қолганлигини пешона ва кўкрагидаги ажинлар ошкор қиларди.

- Биза гелан билгиларэ гура бурдаги аркадашлардан Афғона гечмишлар. Урда Гулбиддин Хикматёр жаноблари ила кунишмишлар. Бу орқадашлар энг гузел шаҳарлариниз улмиш Бухаро ва Самаркандн эла гечирмак истарлар. Хикматёр афэндим сиза ёнина чорлайиб бўйлашей истасалар асло рози улмайин. Агар рози уларсангиз Узбекистонни дурум чуг кути ўлажак. Бўйла улмасини истамадийм учун янингизга гелдим, - деди аёл туркчалаб.

Эргашбойнинг бошида санчиқ тургандек бўлди. Абдулло Каримдан ноўрин ранжиганини пайқади. Демак, бу ишнинг бошида бошқа одамлар турган экан-да. Яхшиямки, уларнинг таклифини қабул қилмагани, агарда қурол-аслаҳа эвазига уларнинг шартларига кўн-гудек бўлса, шарманда бўлишини ҳис этди. Дарвоқе, бу хабарни улар кимдан, қачон эшитишдийкин? Нега бундан ташвишланишяпти? Мақсадлари нима? Демак, Туркиядаги биродарлари хабар топишиб-дими, Одиловнинг сир сақлашига ҳожат ҳам қолмаган. Бу ерда Туркия разведкасига хизмат қиладиган айғоқчилар бор! Айғоқчи сўзи хаёлига келганда Эргашбойнинг вужуди қаҳшаб кетди.

- Мени афу этинг, хоним, сиз бу хабарни кимдан ва қачон эшитдингиз? - деди шошиб.

- Бу хабарни мен эмас, улабилар сизнинг арқадашларингиз дуемиш. Кимдан ва қачон хабар топиш ҳақинда менга суйлашмади.

Одилов учун бир нарса ойдинлашди. Хоним айтган ўша биродарлари бундан бежиз ташвишланмаган ва унга хабар беришга шошилишган.

- Ҳозир Душапбедаи келяпман. Афғон ҳукуматининг разведка ва кўпорувчилик ишлари бўйича ходими мени чақириб олдимга икки шартни қўйди.

- Сиз не сўйладиниз? - хонимнинг саросимага тушиб қолгани унинг юз-кўзларидан маълум эди.

- Сиз айтган рад жавобини бердим!

- Чўх гўзел, эфэндим! - хоним мамнун бўлиб, иссиқ кафти билан Одиловнинг қайноқ юзини силади. - Иншааллоҳ, бундан сўнг сизла ҳамкорлигимиз давом этажак. Лозим ўлан хор шэйи веражайиз.

Одиловнинг юраги таскин топди. Руҳи енгил тортди. Ундаги ўзгаришларни хоним илғади. Қалбидаги шодлик ва қувончни сўз ила эмас, балки ҳаракатлари ила ошкор қилгиси келди. У Одиловнинг қўлларидан тутди. Нозик бармоқлари ила унинг билагини силади. Эргашбой қаршисидаги бу аёл юзидаги сирли ва ширин табассумининг маъносини илғаб етди. Унинг билагидан тутди. Қандайдир ички

ҳиссиёт эркаклик ғурурини қитиқлади. Хонимнинг қўлидан, сўнг юмшоқ билагидан ўпди. Хоним таранг тортилган қўйлагининг ёқа қисмини ечди. Оппоқ сийнаси булут ортидан мўралаган қуёш мисол Одиловнинг юрагини ёритиб юборди. У соқол ва мўйлови ичида кўринмай қолган қонталаш лабларини чўччайтириб хонимнинг очик сийнаси томон чўзди. Хоним бошини орқага ташлаб, кўкрагини Одиловнинг лаби томон олиб келди. Таассуфки, бўса олишга интилган лаблари сийнага етиб бормади. Эшик очилиб, қўлида лаган тутган Нўъмон кириб келди...

Туркан хоним кетиш олдидан яна бир бор Одиловнинг қайноқ бўсаларига юзини тутиб берди. Тунни бедор ўтказган хонимнинг юзи сўлиб, пардоз-андозлари кетиб, бўйин остида кўкарган доғлар қолганди. Кўпдан бери аёл ҳидига ташна бўлган Одиловнинг камдан-кам эркакларда учрайдиган ҳатти-ҳаракати хонимга хуш ёқиб, тунги лаҳзаларни яна дили қўмсаб, анча вақт хонани тарк этмай ўтирди. Одилов ҳам аёлнинг висолига тўймаганди. Қўғирчоқ мисоли тиззасида олиб ўтираркан, гоҳ сочларини, гоҳ юзларини силаб ором олди. Икки ошиқ бир-биридан айрилишни истамасди. Айрилиш улар учун азоб эди. Вақт эса ўтиб борарди. Хонимнинг кетиш фурсати етганди. Довон ортида уни одамлари кутишарди. Ниҳоят, Туркан хоним ўрнидан турди. Тимсоҳ терисидан ишланган сумкасидан ойнагини олиб, тўзғиб кетган сочларини тартибга солди. Юзларини силади. Кўкарган жойларига бўёқ суртди.

- Гурк гиби таним озор вермишисиз, - деди у тўшақда ярим яланғоч ҳолда тўнтарилиб ётган Одиловга. - Ғўзу тушганлара не дейин?

- Упадан кўпроқ суртанг, - ўзича маслаҳат берган бўлди Одилов.

Сўнг ўрнидан турди. Боши енгил айлангандек бўлди. Вужудида танасини кўтариб турадиган қувват қолмаганди. Гандираклаб, қўлоёғи қалтираб кийинди. Ташқарига чиқишдан аввал хоним Одиловнинг қўлига пакет тутқазди.

- Аркадашлариниз верди!

Пакетнинг ичида нима борлиги Одиловни қизиқтирмади. Фикр-хаёли пардоз-андоздан яшариб кетган Туркан хонимда эди. Одилов кенг қучоғини ёйиб, Туркан хонимнинг орқа томонидан қучоқлаб бағрига тортиди. Бир нафас хушбўй ҳид уфуриб турган бошига юзини босди.

- Яна келасизми?

- Лазим ўлсам арайиниз, - нозланиб деди хоним.

- Топаман, албатта, тирик юрсам топаман, - худди онт ичгандек пичирлаб, деди Одилов.

Хонимни кузатиб қўйгач, тўдабоши вужудида лоҳаслик ҳис этди. Боши айланар, вужудини безгак тутгандек енгил титроқ эгаллаб олганди. У Нўтмонга иссиқ чой олиб киришни буюрди-да, хонасига қайтиб кирди. Хонада хонимдан қолган хушбўй ҳид анқирди. Ҳавони симириб, чуқур-чуқур нафас олди. Стол устида Туркан хоним ташлаб кетган пакет турарди. У кўзига ғалати кўринди. Ичида нима бор экан, деган қизиқиш уни пакет томон қўл чўзишга мажбур қилди. Титроқ қўли пакетни эмас, балки хоним унутиб қолдирган олтин занжирга тегди. Занжир анча салмоқли эди. Юрак шаклидаги туморни эслатувчи тақинчоқ ундан-да вазмин эди. Буюмнинг орқа томонида кўз илғамас босқич бор эди. Одиловнинг қўли шу босқичга тегди. Қопқоғи очилиб, ичидан ипдан ингичка симга нигоҳи тушди. Бу тақинчоқ фақат разведкачилар иш юзасидан ишлатадиган микромагнитофон эди. Одилов аёл бежиз уни бир-икки бор ушлаб кўрмаганини эслади. Демак, унинг овози шу лентага ёзилган. Кимнингдир топшириғи бажарилиши лозим бўлган.

Одилов пакет ичида ўзи учунгина эмас, балки бу ердаги йигитлари учун ҳам ўта муҳим маълумот борлигини хаёлига келтирмаганди. Пакет ичида бир даста суратлар билан икки варақ қоғоз чиқди. У суратларни узок томоша қилди. Суратларнинг деярли барчаси жанг майдонида олинганди. Ўзи тенги йигитнинг сурати унинг эътиборини тортди. Бироқ таниш чеҳрали бу йигитни қаерда, қачон кўрганини эслолмади. Шундан кейин қоғоздаги ёзувларни ўқишга киришди. У араб имлосида эмас, балки кирилл ҳарфида битилганди.

«Муҳтарам иним Одилов. Ушбу суратларни жўнатишимдан мурод шулки, сиз тасвирда кўриб турган бу йигит асли сизнинг юртдошингиз бўлиб, 1986 йилнинг ноябр охирларида бир гуруҳ совет қўшинлари сафида покистонлик жангарилар томонидан асирга олинган. Асирларнинг айримлари улар қўйган талабни бажаришдан бўйин товлагани учун қатл этилган. Қолганлари турли мамлакатларга жўнатиб юборилган. Жумладан, сиз суратда кўриб турган бу йигит ҳам 10 йил давомида покистоннинг турли туманларида яширин ҳолда сақланган. Унга ишонч ҳосил қилишгач, у Покистондаги «Ал-Ҳаққоний» разведкачи ва қўпоровчилар тайёрлайдиган лагерда таълим олди. Мактабни нмтиёзли туталлаб, шу ерда бошқа йигитларга ўзи эгаллаган «касб» бўйича сабоқ бериш мақсадида олиб қолинди. У айни пайтда ҳам юқорида номи кўрсатилган мадрасада ёшларга «тарбия»

бериш ишлари ила машғулдир. Сизга маълумот тариқасида яна шунини қўшимча қиламизки, бу йигитнинг асл исми Муҳаммадқодир Баҳодир ўғли бўлиб, водийнинг Олтинтопар қишлоғида истиқомат қилган. Совет армияси раҳбарлари уни афгон уруши вақтида ҳалок бўлганлиги тўғрисида ота-онасига маълумот жўнатишган. Урушдаги жасоратлари учун ҳукуматнинг ордени билан тақдирланган. Қишлоқдаги мактаб ва кўчаларга унинг номи берилган. Отаси қишлоқдаги ширкат хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Ўғлининг тирикчилиги тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Одамларнинг орқали Муҳаммадқодирнинг аини пайтда тирикчилигини айтиб, суратларини кўрсатсангиз, унга ишонмасдан ўзга чораси йўқ. Бу билан сиз унинг падарини ўз томонингизга ағдариб олиш имконига эга бўласиз.

Нўъмон нонуштани олиб кирганда хўжайин хаёлга толганча ўтирарди. Бу унинг учун кутилмаган янгилик, қолаверса, катта бойлик манбаи эди. Гарчи Муҳаммадқодирни танимаса-да, Афғонда ўлиб кетган йигитларнинг ота-оналари қишлоқда қандай иззат-икромга лойиқ эканлигини Одидов яхши биларди. Давлат улар учун барча имконият ва шароитларни яратиб берган.

- Нўъмон, - деди хўжайин қўлидаги бир даста суратни хонтахта четига қўйиб. - Ишончли одамдан топ. Зудлик билан водийга тушиб келиши керак!

- Тинчликми, хўжайин!

- Тинчлик эмас, қўлинг ўргилсин бир иш чиқиб қолди! Ёки ўзинг жўнайсанми?

- Водийда мени ҳамма танийди, хўжайин. Бошқа одам топа қолай!

- Мўлжалинга кимни жўнатсак маъқул? Билиб қўй, танлаган одамнинг қилни қирқ ёрадиган устамон, айёр, муттаҳам, шаллақирок бўлсин!

Нўъмон ўйланди. Хаёлан ўзига қарашли йигитларни эслади. Хўжайиннинг киртайган кўзларига тикилиб:

- Топдим, хўжайин, - деди хурсанд бўлиб.

- Ким? - шошиб сўради Эргашбой.

- Шариф!

- Биз айтган топшириқни урдасидан чиқа оладими?

- Суҳбатлашиб кўрасизда.

- Чақир!

Шариф. Олтинтопар қишлоғига шомда кириб борди. Йўловчи машина уни гузарга ташлаб кетди. Атрофи тоғу тошлар билан ўралган қишлоқ кўчалари ишдан қайтаётган одамлар билан гавжум эди. Тоғларнинг қорлари қуёшнинг қизғиш шуъласига чўмган. Баданни жунжиктирувчи совуқ эпкин турганди. Шариф машинадан тушдию ўзини шу ернинг одамидек тутишга ҳаракат қилди. У нотаниш жойда эмас, ўз қишлоғида юргандек пастлик томон тушиб кетди. Катталардан гап сўраш ноқулай, уларда шубҳа уйғотиб қўйиши мумкин. Болалар тўпланиб турган жойгача борди. Бир зумгина уларнинг ўйинини томоша қилган бўлди. Коптоғи анча олислаб кетган болани ёнига чақирди.

- Баходир раиснинг уйи қайси? - деди.

Бола бепарволик билин қўлини пастга чўзиб.

- Ҳув, анови, тунукаси ялтираб турган икки қаватли бино, - деди.

Шариф остонага етганда гуриллаган кулги овозини эшитди, у тўхтади. Эшик томон чўзган қўлини қайтариб олди...

Нўъмон бошлиққа ҳақ гапни айтганди. Лагерда Шарифнинг олдига тушадиган айёр, одам йўқ эди. Безорилик қилиб, икки бор зонада ўтириб чиққан. Охирги қамалишида турма нозирини алдаб, қочиб кетган. Шаҳарда уч-тўрт ой яшириниб яшади. Одиловнинг одамларига рўпара келиб қолди. Уларга эргашиб Тожикистонга қочиб ўтди. Асли хоразмлик бўлган бу йигитнинг водийга биринчи келиши эмас эди. Унинг ёшлиги Қурама тоғлари бағрида ўтган. Отаси узоқ йиллар хўжаликнинг қўйини боқиб, рўзғор тебратган одам. Қандайдир бахтсиз тасодиф туфайли қоядан йиқилиб тушган. Бели синиб, кўрна-тўшак қилиб ётиб қолган. Шундан кейин бола-чақалари отасини олиб, ўз юртларига қайтганди...

Шариф қулоғини динг қилиб ичкарида бўлаётган ҳангомага қулоқ тутди. Кўча эшиқдан олти қадамча наридан, тепалиқдан шовуллаб тушаётган катта ариқ тепасида темир қафас ўрнатилган бўлиб, унда бир жуфт шер наъра тортиб, рўпарасида турган одамларни ҳайратга соларди.

- Такани олиб кел!

- Бир томоша кўрсатинг, раис бува!

- Айтишларича, бузоқни ҳам тириклай ғажиб ташлармиш-а?

Яланг бош, майкачан, офтоб кўрмаган бадани оқариб кетган раис бува тўпланганларнинг сўзини жимгина эшитиб, ажойиб томоша кўрсатишга шайланиб турган цирк артистидек қўлини ҳавода сил-

китиб, узун тишларини кўрсатиб турган шерларга қараб «Тиха!» дея буйруқ қилди. Шерлар хўжайиндан нимта олишга шайлангандек оёқларини панжара устидаги тунукага тираб жим қотишди.

- Холмат! - ичкарига қараб қичқирди хўжайин.

Ҳовли тарафдан оқ яқтакли кекса ёшдаги одам югуриб чиқди.

- Лаббай, хўжайин.

- Қўрадан битта такани олиб чиқ!

Ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай турган Шариф бироз сабр қилишни лозим топди. Бахтига кўчада одамлар кўринмасди. Бояги икки меҳмон энди бир-бирларига қараб, хўжайиннинг шаънига мақтов ёғдиришарди.

- Отангизга минг раҳмат! Шундай йиртқични қўлга ўргатибсизми, демак сизга гап йўқ, хўжайин.

- Булар зотдорлари бўлса керак. Терисини қара, ялтирайди. Бундай шерлар ҳозир «Қизил китоб»га ёзилган. Циркларда ҳам йўқ.

- Ҳафсалангизга қойил, хўжайин!

- Урчитганмисиз?

- Анавинисининг қорни икки томонга чиқиб қолибди. Назаримда, яқин кунлар ичида болаласа керагов.

- Бир жуфтини берасиз, хўжайин! Ҳозирданоқ машинамни заколатга ташлаб кетаман.

- Қайдаги гапларни гапирасан полвон, хўжайин сенинг эски, шалағи чиққан аравангга зормидилар. Оламан десалар бутуноқ ўнтасини қаторлаштириб ташлайдилар.

Шаънига ёғдирилган мақтовлардан раис бува бироз ҳаволанган бўлса-да, уларнинг сўзларини бўлгиси келмасди. Бу орада Холмат ичкаридан каттагина, семиз такани судраб чиқди.

Така қафасга яқинлашганда овозининг борича маъраб, Холматнинг кучоғидан чиқиб кетиш учун жон талвасасида типирчилади. Унинг ингичка, бироқ ваҳимали овози атрофни бузиб юборай дерди. Шерлар ўринларидан туриб, безовта бўла бошлашди. Ўзлари томонга келаётган ўлжани кўриб, пишқириб қўйишди. Улар оч эди. Эрталабки овқат билан қолишганди. Кейинги пайтда хўжайин бу жониворларни тушлиқдан бенасиб қилганди. Улар келтирадиган даромаддан зиёни кўп эди. Тумандан, вилоятдан, ҳатто иттифоқдан келган меҳмонлар раис буванинг шерларини кўриш иштиёқида Олтинтопар қишлоғига тез-тез ташриф буюришарди. Кейин эса бу жониворларга шу атрофдаги қизиқувчилардан ўзга қизиқувчи қолмаганди.

Холмат бир қўли билан таканинг шохидан ушлаб, иккинчиси билан

қафас эшигини қия очди. Такани даст кўтариб, шерлар ичига ташлаб юборди. Хўжайиннинг меҳмонлари қафасга тикилганча қотиб қолишди. Бу пайтда Шариф ҳам меҳмонлар қаторидан жой олганди.

Аввал урғочи шер қафаснинг бурчагига тикилиб турган эчкига яқин келди. Жониворнинг оёғи титрар, қимирлашга танасида мадор қолмаганди. Бояги фарёдлар сўнган, зўрға нафас оларди. Шер эчкини ҳидлади. Ҳаво сўргандек бурнини кўкка кўтарди. Узун тук босган лаблари икки томонга тортилиб, ҳайбатли ва ўткир тишлари кўринди. Улар ўроқни эслатарди. Така тобора бурчакка қисилиб, букланиб қолди. Бу орада нор шер шеригининг олдига келди. Сўнг бир ҳамла билан эчкининг бўйнидан тишлади. Таканинг оёқлари ердан узилди, маърашга ҳам улгурмади. Фақат оёқларини типирчилатиб қўйди. Шер уни бир зарб билан улоқтириб ташлади. Жонивор шалоп этиб нариги бурчакка тушди. Шер вазмин қадам босиб, унга яқин келди. Бу гал таканинг белидан тишлади ва худди боягидек боши узра улоқтирди.

Урғочи шер така ётган жойга етиб борди. Унинг қорнига залворли оёқларини қўйиб, ўткир тишларини сонига ботирди. Бир зумда икки шер эчкининг ичак-чавоғини чиқариб ташлади. Ҳаво қон ҳидига тўлди.

Хўжайиннинг одамлари бу томошадан завқ олишди. Улар қарсақ чалиб, шерларними, хўжайинними олқишлашди.

- Тасанно!

- Қойил!

- Гап йўқ!

- Цирқда ҳам бунақасини кўрмаганмиз! - дейишарди улар.

Бирдан хўжайин ортига ўтирилди. Рўпарасида турган йигитни кўрди. «Бу қаердан келди, ким ўзи», деган ўй кўнглидан ўтди. Меҳмонлар тарқалишди. Бироқ нотаниш йигит жилмади. Суякларни фажиб ётган шерлардан кўз узмай тураверди.

- Сенга ким керак? - меҳмонларни кузатиб қайтаётган раис бува Шарифнинг елкасидан туртиб сўради. Йигит унинг кўпол муомаласидан аччиқлангандек бўлди. Ўзини босди. «Ҳозир сутга тўйган бузоқдек юввош бўлиб қоласан», деган масхараомуз табассум юзида жилва қилди.

- Сизни соғиниб келдим, раис бува, - деди мулойимлик билан Шариф.

- Кимсан?!

- Мен узоқдан келдим, мусофирман!

Раис бува ўй сурди. Узоқ элда қариндоши, яқин дўстлари йўқлигини эслади. Ҳайрати ошди.

- Мени узоқда танишим йўқ!

- Хотирангиз хира тортиб қолганга ўхшайди, раис бува.

- Менда қандай юмишинг бор? - Раис буванинг асабийлашаётганлиги юзидан сезилиб турарди. - Вақтим тигиз, йиғилишга бораман:

- Ўғлингиздан салом олиб келдим!

Раиснинг юзи дув қизарди.

- Ўғлимдан, қайси ўғлимдан?!

- Ўзингизнинг пуштикамарингиздан бино бўлган ўғлингиз Муҳаммадқодирдан-да!

- Муҳаммадқодир урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган! Бунга беш йил бўлди.

- У тирик!

- Ёлғон! Сен аблаҳ, фирибгар менинг уйимга бирон нарса илнжида киргансан! Қани, бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол-чи, бўлмаса милиса чақираман!

Шариф ҳамёнига қўл солди.

- Мен қочиб кетмайман, аввал мана бу суратларни бир кўринг-да, кейин милиса чақираверинг, кутиб тураман.

Раис бува йигитнинг қўлидаги бир даста суратларни юлиб олди. Уларни кўриб раиснинг ранги ўзгариб кетди.

- Бу менинг ўғлим эмас, - паст овозда деди раис бува. Овозидан руҳи тушганлиги сезилиб турарди. Раис яна нимадир демоқчи бўлди, бироқ лабини тишлади.

- Тонманг, раис бува, тепа лабидаги холига, бўйнидаги тиртиғига қаранг!

- Мендан нима истайсан? - ноилож таслим бўлди раис бува.

- От билан туя сўрамайман! Арзимаган шартим бор.

- Айт!...

Бояги кибру ҳаводан, манманлиқдан, димоғдорлиқдан асар ҳам қолмаганди. Худди бурнидан боғланган кўппакдек Шариф билан мурасага келиш, унинг арзимас топширигини бажаришга ошиқарди. Бу нохуш хабарнинг қишлоқда овоза бўлмаслигини истарди. Гап-сўз кўпаядиган бўлса, унинг йиллаб йиққан обрўйи тутдек тўкилиши, қаҳрамоннинг эмас, ватан хоинининг отаси эканлиги фош бўлишидан қўрқарди.

Раис бува ташқарига чиқиб кетди. Шариф қафас олдидан қолди. - Шерлардан кўзини узмасди.

- Меҳмон, ичкарига киринг! - Ер остидан чиқдими ёки осмондан тушдими, рўпарасида пайдо бўлган Холмат йигитни ичкарига таклиф қилди. Хизматкор нон-чай келтирди.

- Раис бобо келгунларича шу хонада ором олинг. - Холмат уни қаёққа кетганини ва қачон қайтишини айтмай хонадан чиқиб кетди ва бошқа қайтиб кирмади. Овқатланиб бўлгач, Шариф ёстиққа бош қўйди. Негадир юраги ғаш бўлаётганини сезди, оёғига боғланган тўппончани олиб, белига қистирди...

Ташқарида шер бўқирди. Кимнингдир оёқ шарпаси эшитилди. Шариф хушёр тортди. Шарпа уй томон яқинлашди. Эшик эшитилар-эшитилмас овоз чиқариб очилди. Шариф киприклари орасидан овоз келган томонга қаради. Эгнига узун чопон кийган, қўлида ойболта тутган одам кўринди. У эшикни сассиз ёпди, йигит томон юрди.

- Тинчликми, раис бўва?!

Момақалди роқдек гумбуралаган овозни эшитиб, раис ортига қаради. Эшик берк. Шариф тўппончани қўлига олди. Унинг қўлидаги тўппончани кўриб раис тахтадай қотди.

- Яна бир қадам боссанг, пешонангдан отиб ташлайман! Болтани ташла!

Раис меҳмоннинг қуроли борлигини ўйламаган эди. Қўлидаги болта оёғи остига тушди.

- Мен сиздан пул сўраган эдим, раис бува! Сиз нега ойболта кўтариб юрибсиз. Ёки уйда бузадиган биронта сандиқ борми?!

Раис ҳушига келди. Таслим бўлишдан бошқа чораси қолмади.

- Ортимдан юр! - амр қилди раис. Шариф унга эргашди. Тун ярмидан ўтганди. Тоғнинг салқин ҳавоси йигитнинг димоғига уриди.

Раис бува қафас томон юрди. Одам ҳидини тўйган шерлар оғир гавдасини кўтариб, эринибгина ўрниларидан қўзғалишди. Қипқизил кўзлари ой шуъласида ялтираб турарди. Раис бува шерларига қарата «тек, тихо» деган сўзларни айтиб, бир қўлини қафас ичига суқди. Тахталардан бирини суғирди. Шариф уч-тўрт қадам нарида қолган эди. Унинг хаёлига раис қурол изляяптими, деган ўй келди. Тўппончани ушлаганча:

- Мен ҳазилни ёқтирмайман, раис бува! - деди овози титраб. Раис хўмрайиб қаради.

- Ўйинчоғингни пастга тушир, шайтон осилиб туради, - деди зардали овозда.

Раис қўл солган жойдан бир неча боғлам доллар олиб, йигитнинг оёғи остига ташлади.

- Ол, нафсинга ўт тушгур! Энди бу ердан йўқол! Бу теварак-атрофда қорангни кўрмай!

Шариф оёғи остидаги пулларни санади. Саккиз боғлам.

- Қолгани-чи, хўжайин? Уларни кимга берасиз?!

- Бу сенинг ишинг эмас!

- Яхшиликча берганингизда-ку ишим бўлмасди. Улушимни олиб қуён бўлардим. Номардлик қилдингиз. Гўштимни шерларингизга едирмоқчи бўлдингиз. Қани қафас олдидан нарироқ силжингчи?!

Раис бемор одамдай инграб юборди. У бойликларини асраб қолишни истарди. Ножўя ҳаракат қилса, шунча бойликни кўрган бу йигитнинг қўлидаги тўппончанинг тепкиси босилишини, жасади қафасга ташланишини яхши биларди. У целофан идишдаги бойликларини ерга қўйди-да, ортга тисарилди. Шариф қафас олдига яқинлашди. Идишдаги пулларга боқди. Қадимий тилло тангалар қафас тепасидаги чироқ шуъласида ялтираб кўринарди.

- Шунча бойликни қаердан топдингиз, раис бува? Ҳаммаси ўзингизникими? Давлат музейида ҳам бунақа тангалар йўқ!

Раиснинг назарида Шариф уни калака қилаётгандек эди. Йигит пулларни халтага солди. Раиснинг миёсида қаттиқ санчиқ турди. Кўз олдини қоронғулик қоплади. Бўрон қулатган дарахтдай қулади.

Шариф Олтинтопар қишлоғидан тонг ёришганда чиқиб кетди. Туман марказига етганда кун ёйилганди. У чойхонага ўтиб тамадди қилди. Пана жойни топиб, пулларни санади. 500 минг доллар, 131 дона Николай подшонинг тилло тангалари. Бундай катта миқдордаги бойлик билан дунёнинг истаган мамлакатига жўнаб кетиши, шоҳона ҳаёт кечириши мумкин. Буларни Одиловнинг қўлига топшириш фикридан қайтди. Шариф энди нима қилиш, қаёққа бориш тўғрисида ўйлади. Боя ичини тирнаган, хаёлини турли кўчаларга олиб кетган пуллар, тилла тангалар энди унинг кўзига икки бошли илондай совуқ кўринди. «Бойлик кимга вафо қилибди» Баҳодир буларни меҳнат қилиб пешона тери тўкиб топмаган, халқники. Шундай экан, буларни ўз эгаларига қайтариш лозим. Бироқ кимга элтиб беради? Шарифнинг хаёли турли кўчаларга кетди. У бир фикрга келолмади. Пул ўралган газетани қўлига олди. Биринчи саҳифадаги фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисида мамлакат раҳбарининг фармони йигитнинг эътиборини тортди. У фармонни ўқиб, фикри ўзгарди. Ўрнидан туриб, почтага ўтди-да бир вароқ қоғоз олиб шундай сўзларни битди.

ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИГА

Мен Шариф Темиров адов йўли билан Одилов гуруҳига қўшилиб, қўшни республикага ўтиб кетдим. У ерда бир йил яшадим. Гуруҳ аъзоларининг фараз ниятларини билиб, юртимга қайтиб келдим. Менга нисбатан қидирув ишларини бекор қилишингизни сўрайман. Гуноҳимни ювиш учун ўзим билан Олтинтопар қишлоғида яшовчи колхоз раиси Баҳодир Йўлдошевнинг ўғли ҳақида муҳим маълумот олиб қайтдим, расмларини сизга жўнатмоқдаман. Йўлдошев айни пайтда ҳаёт. Покистондаги террорчилар тайёрлайдиган мактабда адашган йигитларни диверсияга тайёрламоқда.

17 август.

Шариф хатни почта қутисига ташлади.

- 20 -

Зебо билан муносабатларимиз яхши бўлиб қолганлиги боис лагердаги оғир шароит ва қийинчиликларни унута бошладим. Зебо илгаригидек мендан хуркиб, ўзини олиб қочмасди. У билан деярли ҳар куни учрашиб, суҳбатлашиб турардим. Араванинг овозини эшитиши биланоқ қиз югуриб кўча эшик олдига келар, паства тушишимни интиқлик билан кутар, ичкарига кирганимда гул-гул яшнаб кетарди.

Валийни ўртамиздаги муносабатдан беҳабар деб бўлмасди. Қиз ўзининг хатти-ҳаракатлари билан сездириб қўйганди. Валий тоғу тошлардан териб келган ўтинни майдалаб, қишга тайёргарлик кўриш билан овора эди. Қиш яқинлашган сайин унинг хонадонига шароит оғирлашганини яхши тушунардим. Озиқ-овқат аллақачон тутаганди. Бу йил қурғоқчилик бўлгани сабабли далаларда бугдой яхши ҳосил бермади. Мамлакатнинг барча вилоятларида бўлганидек, бу ерга ҳам очарчилик етиб келди. Халқ йиғиб-терганини, сраб-авайлаб қўйганини аллақачон еб тутатганди. Крамаренко берган пулни ҳам ишлатиб бўлгандим. Лагердан олаётган хизмат ҳақимдан бошқа чўнтагимда сариқ чақа ҳам қолмаганди. Нарх-навонинг кун сайин ўсиб бораётганини сезиб, уни Валийнинг қўлига топширдим.

- Бор пулим шу, - дедим, унга. - Озиқ-овқатнинг нархи ошиб бормоқда. Мозори Шарифгами ёки Зори-Бозоргами бориб бугдой сотиб олинг. Бунақада қишда оч қолишларинг мумкин!

Валий қўлимни қайтармади. Очлик азобини у мендан кўра яхши ҳис этарди.

- Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман! - деди Валий хижолат тортиб. - Мендан қайтмаса худодан қайтсин, охун!

Ўша куниёқ Валий Мозори Шарифга жўнаб кетди. Мен уни аравага ўтказиб машина қатнайдиган катта йўлгача кузатиб қўйдим. Сўнг булоққа жўнадим. Йўл-йўлакай хаёлимга Фотхуллохон келди. Уни кетганига ҳам бир ҳафтадан ўтганди. Соғ-саломат етиб олдимикан? Йўлда толиқиб, оғриб қолмадимикин, деган ўй менга тинчлик бермасди. Уни ватанга қайтганидан қанчалик қувонсам, бетоб бўлиб қолишидан шу қадар чўчирдим. Кейинги пайтда ишларим кўпайиб Кромаренкони унутиб юбордим. Негадир у хаёлимдан кўтарилиб кетганди. Йўлимни пойлаб, қачон қайтаркин, деб кўз тикиб ўтирган бўлиши мумкин. Зокир менинг саломимни етказган бўлса, қария қандай фикрга келдйкин?! Балки умидини узиб, қўлини силтаб қўйгандир! Нима қилганда ҳам яна бир бор ўзимнинг тириклигим ва унинг топшириғини бажаришга ҳаракат қилаётганим тўғрисида хабарни жўнатишим лозим. Мен ҳали-вери Қобулга етиб боролмаслигимга, раҳбарларим томонидан берилган топшириқни бажармагунимча лагердан силжишга ҳаққим йўқлигини яхши тушунардим. Шундай экан, кекса генерални хотиржам қилиш лозим-да!

Булоққа келиб, идишни сувга тўлдирдим. Тошлар остидан телефонни олиб, Зокирга қўнғироқ қилдим. Гўшакни ҳар доимгидек ўзи олди.

- Қариянинг соғлиги қандай, яхши етиб олдим, - сўрадим ундан.

- Соғлиги яхши, йўлда бироз қийналди. Ҳозир касалхонада, бир-икки ҳафтадан сўнг чиқади, - деди Зокир қўнғироқ қилганимдан миннатдор бўлиб.

- Уйидагиларга хабар бердиларингми?

- Ҳозирча маълум қилганимиз йўқ!

Қариянинг соғ-саломат ватанга етиб олганидан юрагим ёришди.

- Крамаренко билан боғланмадингизми?

- Генерал вафот этибди.

- Қачон? - биров устимдан совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди.

- Бир ҳафтача бўлди, дейишяпти.

Собиқ командириمنىнг ўлими мени саросимага солиб қўйди. Унинг сўнгги топшириғини бажаролмаганимдан қаттиқ таъсирландим. Руҳим тушиб кетди. Зокир буни сезди.

- Сиз учун янгилик бор, - деди у мамнун ҳолди.

- Қандай янгилик экан?

- Ҳозир ўқиб бераман, - у шундай деди-да, бир зумлик сукунатдан сўнг гапида давом этди. «Жамият учун ўта хавфли жиноятчини қўлга олишдаги мардлик ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси ички

ишлар вазирлиги ходими, милиция майори Бўрон Қудратиллаевич Қўчқоров «Шухрат» ордени билан тақдирлансин».

Бу хабар мени қанчалик қувонтирганини баён этишга тилим ожиз. Кимсасиз булоқ тепасида, жангарилар орасида бу севинч ҳамда шодликни ким билан баҳам кўрардим. Ватаннинг юксак ишончи мени япада қаттиқроқ ишлашга даъват этарди.

Идишларни сувга тўлдириб қишлоққа қайтдим. Қуёш алақачон ботиб, атрофни кўз илғамас қоронғулик босганди. Қишлоққа кириб келганимда кўчалар бўм-бўш эди. Отни Зеболарнинг кўча эшиги олдида тўхтатдим. Бундай пайтда Зебо югуриб кўчага чиқарди. Бироқ негадир ундан дарак бўлмади. Кўча эшик қия очиқ қолганди. Юрагим ноҳушликни пайқади. Қўлимга қамчинни олиб, ичкарига кирдим. Уй ичидан гўнғир-гўнғир овоз қулоғимга чалинди. Валий қайтган бўлса керак, деган хаёлга бордим. Оёғим остидаги сопол қосанинг бир бўлаги қарсиллаб синди. Остонада турган икки барзанги йигит буни эшитиб ортига кескин бурилди. Қўлларидаги автоматни менга тўғрилашди. Уларнинг кўзларида ғазаб чақнарди. Важоҳатлари хунук эди. Боқишларидан уларни ҳеч нарсадан қайтмасликлари сезилиб турарди. Йигитларнинг орасидан ўтиб уй ичига кирдим. Остонада турганлар толибонлар эканлигини кийимларидан сездим. Кейинги пайтда бу қишлоқда уларнинг одамлари пайдо бўлиб қолганди. Улар мени яхши танишарди. Лагерга сув ташишимдан хабардор эдилар. Улар бошлиқларининг буйруқларига асосан бизга қаршилиқ кўрсатишмасди. Аксинча, ўзларининг сафдошлари сифатида «хурмат» қилишарди.

Ичкарига кирганимда, Зебо дилдираб бурчақда қисилиб ўтирарди. Назаримда, толибонлар уни ўзлари билан олиб кетишга мажбур қилишган бўлса керак.

- Сизларга ким керак? Нега бу ерга қирдиларинг?! - ғазабдан овозим момоқалди роқдек гумбураб чиқди.

- Бу ожиза сенга ким бўлади? - сўради толибонлардан бири.

- Бу менинг завжам!

Йигитлар ҳайрон бўлишди. Уларнинг ялтираб турган кўзларидан ишончсизлик сезилиб турарди. Бироқ дадил гапиришим, хонага чақирмасдан киришим, қолаверса, Зебонинг мени кўргандан сўнг ўрнидан туриб олдимга келиши уларнинг юрагидаги ишончсизлик пардасини кўтарганди. Толибонлар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишгач, хонадан чиқиб кетишди. Қиз иккимиз бир

зумгина танҳо қолдик. Унинг баданидаги титроқ ҳали босилмаганди. Бошидан сирғалиб тушган рўмоли бўйнида осилиб турарди.

- Қўрқингми, Зебо? - сўрадим ундан.

Қиз рўмолини бошига ўраб, маъноли бош силкиди.

- Келганингиз яхши бўлди. Бироз кечикканингизда улар мени олиб кетишарди.

- Энди улар бу ерга қайтиб келишмайди. Ҳавотир олма!

Мен ортимга буридим. Уй ичи ғира-шира қоронғу эди. Лагерга ҳам тезроқ етиб боришим лозим. Кейинги пайтда кун қисқариб қолгани боис, жангарилар сув келишини интиқиб кутар эдилар. Кечиккан пайтимда лагерни бошларига кўтариб тўполон кўтарадиган одат чиқаришганди.

- Сиз кетяпсизми? - ортимдан чиққан Зебонинг маънос ва илтимосли овози эшитилди.

- Анча кечикиб қолдим, тезроқ боришим керак. Зебо ўйга толди. Менинг кетишимни истамаётгани, кимсасиз уйда танҳо қолишдан қўрқаётганини тушундим.

- Унда мен акам келгунича қўшнимизникига чиқиб тураман.

Қиз билан хайрлашдим. Қоронғида тошлоқ йўлда аравани елдириб кетдим. Арава чайқалганда бочкадаги сув эгнимга сачрарди. Манзилга боргунимча кийимларим жиққа ҳўл бўлди.

Лагерда мени жангарилар ҳар галгидек бақир-чақир, тўс-тўполон билан кутиб олди. Ўзимни оқлашга, бирон нарсани баҳона қилишга асосим йўқ эди. Барча баҳоналаримни ишлатиб бўлгандим.

- Томоғимиз қақшаб кетди.

- Сен бола сув баҳона қаерларгадир борасан?!

- Овқат пиширолмай сувга қараб турибмиз!

- Буни миробликдан ҳайдаш керак!

- Устингдан ҳўжайинга арз қиламиз!

Атрофимни ўраб олган жангарилар қўлларини мушт қилиб, оғзиларидан тупик сачратиб бақириб, чақирарди. Қулоғим том битиб, улардан нарироққа кетдим. Ҳаммалари сув билан овуниб, мени тезда унуттишди.

Пастлик томон юрдим. Гала – говур ортда қолди. Аммо уларнинг бояги сўзлари қулоғим остида ҳамон жарангларди: «Буни мироблик — дан бўшатиш керак!», негадир шу сўз қулоғим остидан кетмасди. Улар ҳақиқатдан ҳам бошлиққа шикоят қилишса — чи? Мени ишдан олиб, ўрнимга бошқа одамни қўйишса — чи, деган хавотирли ўй оёғимнинг остигача музлатиб юборди. Улар кўпчилик. Бошлиқ уларнинг тала —

бини инобатга олиши мумкин. Унда Зебонинг ҳоли нима кечади? У билан учрашишга қандай баҳона топаман. Зокир билан алоқага чиқишчи? Ўз ўйим билан банд бўлиб чодирдан анча узоқлашиб кетган эканман, оёгим остига ёнгоқдек тош келиб тушди. Чирсиллаган овоздан ўзимга келдим. Ортимга ўтирилдим. Ўн қадамча нарида одам шарпасига кўзим тушди. У ўгирилиб боққанимни кўриб мен томон юрди. Яқин келганида танидим. Умар экан.

— Фотҳуллохон согайиб кетибдими? — у худди мени масхара қилаётгандай сўради.

— Ҳар қалай оёққа туриб, юриб қолди, — дедим, Менинг сўзимда кесатиқ ва алам яширинганини Умар сездим.

— Нега аччиғинг чиқяпти? Мен шунчаки дўстона сўраяпман!

— Мен ҳам сенга дўстона жавоб қайтаряпман, — дедим бўш келмай.

— Сен унга жуда меҳрибонлик кўрсатдинг? Ёки илгари у билан танишмидинг?

— Сенга шундай туюлгандир.

Мен Умар ҳақида Зокирдан етарли маълумот олгандим. Бу ерга келиб, жангариларга қўшилиб кетиши сабабидан хабардор эдим. Ўртамизда қачондир ошкора ўйин бошланишини ҳам сезардим. Назаримда, фурсат етиб келганди.

— Сен мендан ниманидир яширяпсан? Кўпдан бери кузатиб юрибман. Ўша кунги хагги — ҳаракатларинг ҳам менинг фикримни тасдиқлади. Сен ҳукумат одамисан. Бу ерга айгоқчи бўлиб ўтгансан!

— Сен бошқалардан ҳам шубҳаланасанми?

— Фақат сендан. Фотҳуллохонни Ўзбекистонга жўнатиб юборганингдан сўнг шубҳам ортди. Бу ишинг ҳақида бошлиқ эшитса борми, нақ терингни шилиб олади. — Умар жилмайди. Унинг тишлари ёниб турган кўзлари қоронғуда ялтираб турарди. Мен ўзимни қийин ҳолатдан олиб чиқадиган сўз излашимга хожат қолмаганди. Қисмат мени охири берк кўчага ташлаб қўйганди.

Иккинчи қисм тугади.



МУНДАРИЖА

Биринчи қисм.....	3
Иккинчи қисм.....	121

ХОТИМА

Биринчи китоб поёнига етди. Ўқувчиларимиз қаҳрамонларнинг кейинги тақдирлари билан қизиқишлари табиий. Аллоҳ насиб қилса яқин кунларда ушбу асарнинг иккинчи китоби ҳам мухлис-ларимиз қўлига етиб боради, деган умиддамиз.

Китоб савдоси билан шуғулланувчи биродарларимиз билан алоқа ўрнатишга тайёрмиз. Китоб якка тартибда ҳам ўқувчиларга почта орқали жўнатилиши мумкин. Бир дона китобнинг баҳоси почта хизмати билан 2500 сўм. Шунингдек, китобнинг кейинги нашри учун ҳомийлик қилиш истагида бўлган саҳий, багри кенг, мурувватли инсонларга ўз ҳисоб рақамимизни ҳавола этмоқни жонз топдик. Ҳомийлик пуллари, китоб учун тўлов, муаллифга мактублар қуйидаги манзилга жўнатилишни сўраймиз.

Ҳомийлик учун тўлов манзили: Наманган вилояти Тўрақўрғон шаҳар, «Миллий банк» бўлими Ҳисоб рақами: 20206000799961932001 МФО: 00891 «Афғон шамоли» китоби учун ҳомийлик тўлови.

Китоб харид қилиб олувчилар қуйидаги манзилга тўлов пулини жўнатишлари мумкин: 717117 Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Шаҳанд қишлоғи Қашқаргузар почтаси.

Телефон: (8 369) 44-43-121, +99869

Адабий-бадний нашр


Исҳоқжон НИШОНОВ

СЎНГГИ ТОПШИРИҚ

Р о м а н

Биринчи китоб

<i>Муҳаррир:</i>	<i>Н. АБДУЛЛАЕВ.</i>
<i>Тех. муҳаррир:</i>	<i>Ғ. МУЛЛАБОЕВ.</i>
<i>Ком. оператори:</i>	<i>И. ТОШХОЖАЕВ.</i>
<i>Мусаҳҳиҳ:</i>	<i>С. ХОЖАЕВ.</i>



Теришга 22.06.2008 й. берилди. Босишга 28.08.2009 й. рухсат этилди. Газета қозғога офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 14 босма табоқ. Адади 4000 нусха. Буюртма № 346 Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 36-уй 3-қават.
«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.